ЁШЛИК

1986

6

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

(54)
ИЮНЬ

Ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

Бош редактор:
Омон МАТЖОН

Редакцион коллегия:
Эркин АЪЗАМОВ,
Эркин ВОҲИДОВ,
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,
Баҳодир ЖАЛОЛОВ,
Гулчеҳра ЖЎРАЕВА,
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,
Олимжон ИСМОИЛОВ,
Муроджон МАНСУРОВ
(бош редактор ўринбосари),
Улуғбек МУСАЕВ,
Фарҳод МУСАЖОНОВ,
Насриддин МУҲАММАДИЕВ
(масъул секретарь),
Урие ЭДЕМОВА,
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,
Ғаффор ҲОТАМОВ

ТОШКЕНТ
«Ёш гвардия» нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

НАСР

ТУХТАМУРОД РУСТАМОВ. Энг ёруғ тун. Ҳикоялар 5
АҲМАД АЪЗАМ. Бу куннинг давоми. Кичик қисса 24

НАЗМ

САЪДУЛЛА ҲАКИМ 3
ЮСУФ ЖУМАЕВ 38
ШУКУР СОДИҚ 39

ПУШКИНХОНЛИК

Александр Сергеевич Пушкин. Евгений Онегин. Шеърий романдан 18

НАСР ТОҚИДАГИ ЮЛДУЗЛАР

УИЛЯМ ФОЛКНЕР. Эмили учун атиргул. Ҳикоялар 40

БОЙЧЕЧАК

ШОДИ САТТОР. Шеърлар 54

ПУБЛИЦИСТИКА

ЮСУФ ЛАТИФ. «Дунёни сув босса...» Публицистик мулоҳот 55
ҚОДИРЖОН СОБИРОВ. Тўкис бахт излаб... 71

ГУЛЧАМБАР

Халқ дарди билан яшар эди . . . 62

АДАБИЙ ТАНҚИД

РАҲМОН ҚЎЧҚОРОВ. Уч «Сароб» . . . 65

МУҲАББАТНОМА

ЛУТФИЙ. Ғазаллар 59

СПОРТ

Дмитрий Ильич УЛЬЯНОВ. У шахматдан завқ оларди 60

«ЁШЛИК» ПОЧТАСИ

«Адабиёт нега ўқитилади?» 74

ЕЛПИҒИЧ

МУРОДБОЙ НИЗОНОВ. Касалнинг иситмаси ва «совутмаси» 76
ФАЙЗУЛЛА ҚИЛИЧЕВ. Бир нусхадаги роман 79
ЕРМАТ РУСТАМОВ. Учрашув 80
ТОМОШАБОҒ 80

«Ёшлик» («Молодость»)
ежемесячный
литературно-художественный
общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и Союза писателей Узбекской ССР

Рассом: Ҳ. СОЛИҲОВ
Техник редактор: В. УРУСОВА
Корректор: Н. ЙЎЛДОШЕВА

Адресимиз: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41
Телефонлар:
Бош редактор — 32-26-01
Бош редактор ўринбосари — 32-26-06
Масъул секретарь — 33-76-44
Проза бўлими — 32-56-41
Поэзия бўлими — 32-56-27

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди.

Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмаларинигина қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёшлик»дан олинди», деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 25.04.86 й. да туширилди.
Босишга 23.05.86 да рухсат берилди.
Р-13765. Қоғоз формати 84×108 1/16.
Қоғоз ҳажми 5,25 лист.
Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6. Тиражи 234642 нусха. Буюртма № 3525. Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент, 700029, Ленин кўчаси, 41.

© «Ёшлик», № 6, 1986.
«Ёш гвардия» нашриёти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саъдулла Ҳаким

ҲАР СЎЗДА УЙҒОНДИ НАФОСАТ, АДАБ...

Юрак ранглари

Инсон — 750 минг гугурт, бир дона мих, бир жуфт кўйлакни ювишга етадиган сув...

Илмий тадқиқотлардан.

Ҳар неки келса, бошдин
яланғоч қоя монанд
ўткарай, Ўзбекистон.
Етти юзу эллик минг
ўчоғингга лоларанг
Чўғ берай Ўзбекистон!

Умрга имконни михласа бўлар,
Юракка имонни михласа бўлар.
Муҳаббатга инсонни михласа бўлар,
Бир жонга бошқа жонни михласа бўлар.
Бир мих бўлиб михланай, дерман,
Муҳаббатда тикланай, дерман.

Мангуликка етмасман балки,
Лекин Муҳаббатга етарман.
Ораста кўйлагинг ифорин излаб,
Фидойи дарёдек оқиб кетарман.
Илиқ табассум билан
Қуёш мисол ийиб чиқ.
Дарё бўлиб қуйилган
Кўйлакларинг кийиб чиқ,
суюклим!

Юртим қушиғи

Бу бўлиши мумкинми!
Асло!
Бу бўлиши мумкинми?
Зинҳор!
Ўркач-ўркач тоғлар ортида
Қишлоқ бордир ҳаволи, зангор.
Майли, боринг, аммо йўлларни
Адаштириб кетинг, ҳа, яна
Изингиздан бормасин кириб
Ҳаёт юкин ортган арава.

Булутларга айтинг вақт-бевақт
Базм қуриб чақмасин чақмоқ.
Булоқларга манъ этинг бешак:
«Жиноятдир боғларга оқмоқ».

Узумларга айтинг, ўрмалаб
Йўл олсинлар истаган ёққа.
«Қолмасин ҳеч жондор паналаб!»
Шундай ишни топширинг тоққа.

Айтинг, юлдуз каби ёнмасин
Яшил, садаф, нуқра жумагул.
Ҳатто бир туп сирач қолмасин
Булутдек кўк шувоқзор тугул.

Ялпизларнинг хуш-тахир бўйин
Шамолларнинг устига ортиб,
Кетар чоғи тайинлаб қўйинг
Токи зинҳор келмасин қайтиб.

Теракларни лайлаклар каби
Саф-саф қилиб кўкка учиринг.
Ёнғоқларни илдизи билан
Кўз илғамас жойга кўчиринг.

Боғлаб қўйинг чўққи ортига,
Ҳатто қиё боқмасин қуёш.
Шунда... мени енгдингиз, дея
Пойингизга уражакман бош!

Тартиб ҳақида шеър

Тартибсиз шохлаган дарахтлар, аён,
Қуйилиб гулламоқ тартибин бузмас.
Сокин юракларга солар ғалаён
Тартибсиз сўзларнинг тартибли сафи.
Кўрдим, такаббур бир кимса қошида
Лаганбардор тартиб мўлтирарди жим.
Шунда гўё чақмоқ чақди бошимда,
Одил тартибсизлик, сени соғиндим.
Мен сени соғиндим, ахтардим ўздан
Фикрат черигидан чўнг ясов тортиб,
Ойбекнинг тўзғиган патила сочин
Тубида яшаган беором тартиб.
Кўрганим бор бўлган пайтимда меҳмон
Ноёб буюмларнинг «кўргазма»сини.
Ҳар бир ҳаракатинг қўриқлар мезбон
Биллур бирон идиш қолгудек синиб.
Не учун боланинг ўйинчоқлари
Сочилиб ётмайди бу хонадонда,
Нечун бола уйни бошга кўтариб
Олов жўшқинликни ҳис этмас қонда?
...О, муҳаббат, айтгил, қачондан бошлаб
Йўлларингга тартиб ташлади каманд?
Нега мен кўйингда, эй гўзал малак,
Қалбим исёнини бўғиб яшайман?
Исёндир ўзандан ошмоқлик шарти,
Шижоат, қалбимга кир ойдек тўлиб.
Тийиқсиз ёмғирлар, боқ, кенгликларда
Саф-саф терилмишлар жавоҳир бўлиб.
Шул сабаб юракда ҳисларим эзгу,
Шул сабаб бир умр этурман тарғиб:
Бор бўлсин табиий тартибсизлигу,
Бор бўлсин ҳамиша табиий тартиб!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қатъият

Қайтма,
Шаҳд — қиличнинг дамидай бир гап,
Бир қайтган
қайтағон бўлади.
Агар қайтганингни эшитса отанг
Номусга чидолмай ўлади.
Қайтганинг эшитса
чекиб оҳ-фарёд
Онанг бор умрига кияди қора.
Етса қайтганингдан
бир оғиз имдод,
Севганинг юрмаган йўлига кирар.
Қайтма!
Қайтар бўлсанг пасаяр осмон,
Чўкар сени суюб ўстирган тоғлар.
Қайтма!
Қайтар бўлсанг
жиноят аён:
Болалар юраги ўсишдан қолар.
Тубсизлик ваҳмини пора-пора қил,
Мағрур боқ қуёшга кунгабоқардек.
Дардингга оҳудек ўзинг чора қил,
Сакра!
Қара, осмон оқарди!
Вужудинг жаранглар
тошга урилиб,
Қанча чуқур тушиб борганинг сари
Юксалиб боряпсан ёдда шунчалик,
Ота хотираси сингари.
Ниҳоят тарикдай тирқираб кетдинг...
Лекин ўлганинг йўқ,
Тириксан мангу.
Ана,
бир бола келмоқда —
кўзлари чақмоқ,
Сенга жуда-жуда ўхшаб кетар у.
Юзида табассум гул каби порлар,
Дардим ичимда ўт, демас,
Айтмайди.
У менинг пуштимда ҳавас уйғотар,
Шаҳдидан
қайтмайди,
қайтмайди!

Муҳаббат боғларида

Олмалари ойгина,
Болгинага бойгина.
Ошиқ қадди ёйгина
Муҳаббат боғларида.

Оҳ чекиб куйишлар бор,
Ўргилиб суйишлар бор,
Не сафоли ишлар бор,
Муҳаббат боғларида.

Ой каби сулув кезар,
Ошиқ кезар, қув кезар,
То абад ғулу кезар
Муҳаббат боғларида.

Гул билан тикон кўрдим,
Ошиқ бағрин қон кўрдим,
Азоб кўп экан, кўрдим
Муҳаббат боғларида.

Сувлар бўлиб оқайин,
Гулдан чироқ ёқайин,
Юлдуз бўлиб ёғайин
Муҳаббат боғларида!

* * *

Зулфинг шу қадар қаро:
Кечалар кўча кезсанг
Оқариб кетади тун.

Кўзинг шу қадар ёруғ:
Кундузи кўча кезсанг
Шамдек хира тортар Кун...

Олмос чақмоқлар

Олмалар гул тўкди сатрларимда
Шеъримга сочилди тун чироқлари.
Янграб кетди занжир қофияларда
Баҳор осмонининг қалдироқлари.

Гул каби кўкарди олмос чақмоқлар,
Туманлар қуйилди тупроқлар аро.
Ташбеҳлар сингари тизилиб тоғлар
Қуёш кокилига урдилар тароқ.

Феруза бинафша сочингга қадаб
Шеъримга сен кириб келдинг ниҳоят.
Ҳар сўзда уйғонди нафосат, адаб,
Сўзни ёнартошдек ёритди ғоя!

* * *

Сени севишимни шамолга айтдим,
Шамол дарахтларга етказди уни
Яланғоч шохларда куртаклар бўртди.

Сенга хоҳишимни сувларга айтдим,
Сувлар гулбоғларга етказди уни,
Гуллар уялибми, қизариб кетди...

Ёлғизлик

Осмон гувлар,
оқар нидолар,
Бу қай садо — бу қизалоқ ким?
«— Мен опаман ўзим ўзимга,
Мен сингилман ўзимга ўзим».

Нотинч бу сас келмиш қай ердан,
Бузтўрғайдек бўзлаган у ким?
«— Мен акаман ўзим ўзимга,
Мен укаман ўзимга ўзим!»...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўхтамурод Рустамов

ЭНГ ЁРУҒ ТУН



www.ziyouz.com kutubxonasi

«МАКТАБ ҲИКОЯЛАРИ» ТУРКУМИДАН.

Тўхтамурод Рустамов

Расмларни А. САИДБЕРДИЕВ чизган.

БИТИРУВ КЕЧАСИ

Ховли сув қуйгандек жимжит эди.

У балконнинг бўёғи кўчган устунига суянганча ўй суриб қолди.

— Э-э, Саидбек, бормисиз?! — Бир қават қўйида яшовчи қушшунос қўшнининг дўриллаган овози уни ҳушига келтирди. — Ҳа, нима гап, жа хаёл суриб қопсиз? Пастдан учишга чоғланган лочинга ўхшатибман-а, ўлай агар...

Саид унга кулиб қаради.

Нега хаёл суриб қолдингиз, эмиш-а! Шундай ажойиб кунда ҳам хаёл сурмай, ширин-ширин ўйларга берилмай бўларканми! Ахир, бугун у ўн йил давомида бошидан ўтказган қувончу ташвишлар, қилган барча яхшилигу ёмонликлар бир бўлиб, кейинчалик ширингина энтикиш билан эсга олинадиган ўтмишга айланадику! Ахир, бугундан бошлаб у катталарга ўхшаб мўйлов қўйса ҳам, сигарет чекса ҳам ҳеч ким кўймайдида. Ундан... Кейинми? Кейин йиллар бирин-кетин ўта бошлайди, вақт ғилдираги тўхтовсиз олға силжийди, қачонлардир энг қувончли, энг бахтли саналган кун ҳам хотирадан ўчади... Аммо у эслайди, қариб соч-соқоли оппоқ чолга айланганида ҳам эсга олади. «...Ана шунақа!— дейди ўзига, тўғрироғи альбомдаги суратларига жуда-жуда ўхшаб кетадиган чурвақаларни тиззасига ўтқазиб. — Биз ҳам би-ир пайтлар папка кўтариб мактабга борардик!» Эҳ, бу кунни унутиб бўларканми! Бу шундай кун, шундай кунки, унда ҳар қандай одамнинг ҳам қанот чиқариб учгиси, осмону фалакда лочиндек чарх уриб, ўз қувончига бошқаларни ҳам шерик қилгиси келади. Минг афсуски, у қуш эмас, одам, бунинг устига вазифаси ҳам бўлак: қанот чиқариб, осмону фалакка парвоз этиш учун эмас, ерда икки оёқлаб тинчгина юриш учун туғилган...

— Ўзим... шундоқ! — деди Саид қўшнининг саволига жавоб тариқасида ва хушмуомалалик юзасидан қўшиб қўйди: — Қалай, ишлар бешми?

— Йўқ, уч! — дея ўзида йўқ севиниб қичқирди қўшни? — Учу ноль! Бизнинг фойдага! Кўргандирсиз? «Йўқ». Мавсумдаги энг зўр ўйинни-я?! Наҳотки?.. Бунақа ўйинни кўрмабсиз, дунёга келмабсиз! Асли ўзи бориб томоша қилиш керак эди-ю, билет етмай қолди. Бўлмаса дим хонада телевизорга тумшуқ тираб ўтиришга кимнинг тоқати бор?..

«Нимаси қизиқ экан? — дея хаёлидан ўтказди Саид, лотерея билетига ютуқ чиққан одамга ўхшовчи қўшнининг юзига истеҳзо билан тикилиб. — Ахир, биз ҳам ўйнардик-ку, яқиндагина...»

Яқиндагина, агар кеча бўлмаса!..

— ...Бири-биридан чиройли тўпларни айтмайсизми! — дея ҳануз куйиб-пишар эди севимли командасининг содиқ мухлиси. — Учаловиниям ўзимизнинг Мусо Исо ўғли киритди! Мана буни ўйинчи деса бўлади. Шунақаям яхши ўйнади, шунақанги чиройли тўплар киритдики, агар буни Пеле кўрганида борми, шартта тиз чўкиб оёғига бош урарди, бўйнига эса ўша... ҳалиги... гулчамбарини осиб қўярди! Ҳа, дарвоқе, укалари сизларнинг мактабда ўқийдилар, шундайми? ...Биламизда. Акаларига ўхшаб оёқ-қўллари чаққон, абжир бўлсалар керак, а? Ҳа, омон бўлсинлар, омон бўлсинлар...

Мусо Исо ўғли... Бақаҳовуздан чиққан машҳур ҳужумчи. Синфдоши Исҳоқнинг туғишган акаси. Исҳоқ, ҳа, ўша Ис... Бирдан Саиднинг таъби хира тортди. Исҳоқнинг муаллимлар олдида ялтоқланиши, тағин болалардан ўзини бир газ юқори тутиб гапириши, вақт-бевақт

www.ziyouz.com kutubxonasi

Азизага гап отиб, шилқимлик қилиши кўз олдига келдию кайфияти бузилди.

Офтобли кунларнинг бирида, мевалар шиғил етилиб, узумлар шира боғлаган дамда, уларни — ўзларидан икки баравар катта папка орқалаган, бир-бировига умуман нотаниш бўлган чурвақаларни — қўлларида гул билан, бўёқ ҳиди кетиб улгурмаган чоғроққина бир хонага бошлаб келишди. «Бу — сизларнинг иккинчи уйингиз, шу ерда ўн йил бирга ўқийсизлар, бир ота-онанинг фарзандларидай аҳил бўлингиз», деди пенсияга кетиш арафасида турган, сочлари қордек оппоқ муаллима «опа». «Болалар, кўп тумтаявермай дўст тутининглар, дунёда ҳар бир одамнинг дўсти бўлиши шарт, йўқса айиқ еб кетади!», дея ишонтирди ёшгина рус тили муаллимаси ўзбекчалаб. Ва улар ишонишди. Биринчи уринишданоқ! У пайтлар, биров: «Ҳув анави ерда туя ёнғоқ ташлаб кетяпти», деса, улар ўйлаб ҳам ўтирмай ўша томонга «ур-ра!»лаб югуриб кетадиган ёшда эдилар, шу сабабли тил топишишлари музқаймоқнинг эришидан ҳам осон кўчди — дўстлашиб, тезда апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Бунинг яна бир сабаби: у пайтлари бир-бирларига жуда ўхшаш — гаплари ҳам, фикр юритишлари ҳам, ташқи кўринишлари ҳам деярли бир хил эди. Сочлари оппоқ муалимма «опа» қўшалоқ кўзойнак таққанида ҳам уларнинг «шахси»ни аниқлагунча эси кетарди. Лекин... вақт ўтиб, болалар ўзгарди, бутунлай ўзгарди. Энди уларнинг ҳар бири алоҳида бир олам. Энди улар бировнинг ярим оғиз гапига учиб, ҳар томонга чопқиллаб кетаверадиганлардан эмас. Устига устак... Қисқаси, ўзидан икки баравар катта папка орқалаган чурвақаларнинг чурвақалигидан эсдалик бўлиб тепасига: «Менинг биринчи ўқитувчим» деб

Йўлингиз оқ, манглайингиз ярқироқ бўлсин!

Адабиётни кимдир тоғлар силсиласига, яна кимдир каттаю кичик дарёлар бориб қуйиладиган уммонга қиёслайди. Бу ва шу каби муқоясаларнинг барчаси ўзича тўғри. Шуни ҳам айтиш керакки, адабий жараён ҳам бамисоли организмдаги тириклик жараёни каби кечади: яшноқ ҳужайралар умрини яшаб бўлганлари ўрнини босиб туради. Ва айни пайтда аввалги бойлик ҳам барҳаёт бисот сифатида яшашда давом этади.

Халқимиз катта халқ. Унинг бағрида ҳайқириб оққан дарёлар оби ҳаётсиз узоқ муддат қуриб қолиши мумкин эмас. Тарихнинг бағоят мураккаб кечган сўқмоқларида ҳам аллақайси муюлишда, ҳеч кутилмаганда оламни қуёшдек ёритиб фидойи истеъдодлар пайдо бўлганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Шу маънода навқирон овози билан садо берган ҳар бир қаламкаш адабиёт жонкуярлари дилида, халқ қалбида ҳамиша қувонч уйғотади. Йилт этган чўғга, бир кун у аланга олиб, сўнмас оловга айланармикан деб, бизнинг тилимизга кўчмаган армонни у ифода қилармикан деб, ҳам қувончу ҳам кўзда ёш билан қараймиз.

Аввал бир суҳбатда айтган эдим, ҳозир яна ўша фикримни такрорламоқчиман: ҳеч маҳал буюклар оёғини узатиб осмондан тушмаган. Қаҳҳор ҳам болакай — Абдуллажон бўлган, Ойбек — Мусавой. Албатта, бундай улуғ зотлар билан дабдурустдан бўй ўлчашиш саркашликдан бошқа нарса эмас. Бироқ умид шулки, беҳад кўп истеъдод соҳибларини етиштириб бераётган халқимиз бундан буён ҳам адабиётни улкан сиймолардан бенасиб этмас.

Шу маънода, қўлига қалам олиб адабиёт майдонига дадил кириб келаётган кенжатой укаларимизга — у қайси жанрга қўл урмасин — катта умид ва ишонч билан қараймиз. Бу ишонч ўз навбатида истеъдоди имконини англаган ҳар бир ёш қаламкаш гарданида бир умрлик юк бўлиб турмоғи лозим. Ёш носир укамиз Тўхтамурод Рустамовга ҳам азбаройи қувончу умид билан баайни шу гапларни айтгим келади.

Тўхтамурод оламга болаларча беғубор бир назар билан қарайди, шунинг самараси ўлароқ булоқ суви янглиғ тиниқлик унинг ҳикояларига хос. Уларда эртанги кунимиз эгалари қиёфаси, ҳар қалай, кўриниш беради. «Битирув кечаси»да у: Саид ҳеч қанақа кино ва китобда айтилмаган бир ҳақиқатни англади, дейди. Ана шу ҳақиқатни ифодалаш, яъни адабиёт ва санъатнинг янада ҳаётийлигига эришиш кенжа авлоднинг зиммасига ҳам тушади.

Тўхтамурод ҳали ёш, унинг олдида Ватан ва жаҳон адабиётининг жавоҳир тўла пўлат сандиқлари турибди. Бу сандиқларни у тиши билан очиб, ҳар бир жавоҳирни киприги билан териб олмоғи даркор.

Ушбу гапларни ёзатуриб, киши минг хаёлга боради: илк муваффақиятлар, дўсту ёрларнинг ўринли-ўринсиз мақтову танбеҳлари укамизни шошириб қўймасмикан!!

Партия ва ҳукуматимиз ёшларга оталарча ғамхўрлик кўрсатяпти. Мана, яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ижодкор ёшлар билан ишлашни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Мақсад ёш ниҳолларнинг гуркираб ўсишига ва ҳосили бўлиқ бўлишига эришишдир.

Гапимнинг сўнгида шуни айтмоқчиманки, Тўхтамурод баҳонасида билдирилган бу фикрлар на фақат унга, балки унга тенгқур барча истеъдодли ёшларимизга тегишли. Уларнинг йўли оқ, манглайи ярқироқ бўлсин!

Абдулла ОРИПОВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзилган, четлари сарғайган сурату эскириб, қайси бир бурчакда чанг босиб ётган ўша бесўнақай папка қолди, холос...

Илгари Исҳоқ иккови қалин дўст эди: иккови бир партада ўтирарди, «Алифбе» устида биргалашиб бош қотиришарди, уйларидан олиб келган ярим бурда нонларини ҳам бирга баҳам кўришарди. Илгари! Эндичи? Энди уни кўриш тугул кўз олдига келтирса ҳам кайфияти бузилиб ўтирибди-да! Балки, у рашк қилаётгандир? Кимни дейсизми, Азизани-да! Ахир у... ахир у уни... яхши кўради-ку!

Яхши кўриш ҳам гапми, севади!

Яхши кўриш бошқа, севиш бошқа — бу аллақачон исбот этилган. Буни бутун бошли бир илмий-тадқиқот институти эмас, балки ўзимизнинг Замондош исбот этган. Мисли кўрилмаган бу ҳодиса Олим ихтирочилик таклифи киритганидан анча кейин, Шоир қофиябозлик «санъати»ни эгаллаётган, Рассом бўлажак илк мўъжизаси устида иш бошлаган бир пайтда содир бўлди. «Оғайнилар! — дея жар солди у бир куни синфга ёв қувгандек учиб кириб. Катта танаффус эмасми, чакана мунозарага мавзу тополмай эснаб ўтиришган эди, ҳамма ялт этиб унга қаради. — О-оғайнилар! — дея такрорлади у бир оз нафасини ростлагач. — Мен... мен кашфиёт яратдим!» Синфдагиларга бу яшин ургандек таъсир қилди, ҳамма жойида донг қотиб, бир-бирига тикилиб қолди. «Яхши кўриш бошқаю севиш бутунлай бошқа нарса эканлигини исбо-от қилдим! — дея уларни тахтадек қотириб давом этди Замондош. — Масалан, ҳар хил нарсаларни яхши кўриш мумкин: олма, дўлма, мураббо; духоба шим, дока кўйлак, учи бигиз туфли, «Монтана», «Милтонс», «Альфа»; тухумли шампунь, ялпизли совун, атир, упа... эҳ-ҳе, ҳаммасини санаб битиргунингча модадан қолиб кетасан киши. Қисқаси, ерда қанча одам яшаса — пештахталардаю пештахталарнинг тагида шунча яхши кўрса бўладиган нарса мавжуд!.. Аммо яхши кўришнинг яна бир тури бор: масалан, мен бошимни асалли шампунда ювишни ёқтираман. Мана, ишонмасаларинг ҳидлаб кўринглар: ювганимга уч кун бўлди-ю, ҳиди ҳалиям кетгани йўқ. Анави биология ўқитувчиси Мирза Муҳаммад бўлса тутаётган тезак ҳидини яхши кўрармиш. Ўз қулоғим билан эшитганман: «Кеч куз... Шамол тўкилган барглар-ни шитирлатиб тўзғитади... Шу дам пахса девор ортидан ажиб бир дуд осмонга кўтариладию ҳавода ўйнай-ўйнай келиб димоққа урилади». ...А? Тезак нима, дейсизларми? Билмадим... Бирор ажнабий сўз бўлса керакда. Чамаси, сигаранинг ғаройиб хили. Тутун, дейилганку, ахир... Қисқаси, яхши кўриш бошқаю севиш бошқа! «Яхши кўриш» фақат чиройли, кўнгилочар нарсаларгагина тааллуқли. Аммо севги... севги бу... севги бу бутунлай бошқа нарса!.. Севган одам олма, дўлма, мураббо емайди; духоба шим, дока кўйлак, учи бигиз туфлидан воз кечади; шампунь тугул кир совунда ҳам ювинмай, атиру упани бир четга улоқтиради: оламнинг барча ноз-неъматларидан воз кечиб, ҳалиги... бўлганку, мутаассир ошиқлар, шулар каби кўкрагини зах ер, яъни бетонга бериб ётаверади. Аммо бу узоққа чўзилмайди: меҳрибон ойижонисининг узундан узоқ зорланишларию фаввора олдидаги учрашувдан кайфияти бузилиб қайтган баджаҳл акасининг болахонадор сўкишидан сўнг у аста ўрнидан туради ва етти қават кўрпачага беозоргина ёнбошлайди: зах ер... дарвоқе, бетон соғлиққа зарар, соғлиққа зиён етса, табиийки, севгидан ҳам путур кетади...»

Замондош ўзининг оташин нутқини қўнғироқ чалинишидан роппа-роса бир дақиқа олдин тугатди. Кейин бориб, эшикнинг чап томонидаги жўмракка энгашди-да, томоғини ҳўллади, чўнтагидан шахмат гулли рўмолчасини чиқариб пешонасидаги терни артди. Шу пайт еру кўкни бузиб қўнғироқ жирингладию синф худди мудроқ уйқудан халос бўлган девдек ўкириб юборди. Эшигу дераза ромлари олқиш ва гулдурос қарсаклардан ларзага келди. Замондош худди ўз ариясини қойил қилиб ижро этган хассос санъаткордек атрофдагиларга эгилиб таъзим қилди. «Бу ҳали ҳолва, — дея хотима ясади у. — Шу тўғрида бир фундаментал тадқиқот қилиш орзуим бор». «Ў-ў-ў!..» Яна ҳамма чапак чалиб, Замондошни олқишлади. Олим эса унинг елкасига қўлини қўйиб, маслаҳат берди: «Оғайни, мактабни битиргину тўппа-тўғри аспирантурага жўна! Бундай калла билан ҳатто институтда тентираб юриш ҳам катта гуноҳ!» Ва кетидан пиқ этиб кулиб қўйди...

Ана шунақа гапла-ар!.. У Азизани яхши кўради... йўқ, Замондош айтганидек, севади, аммо буни на қиз билади, на бошқа биров. Айтишга эса юраги бетламайди: негадир, у кўзига ёзма иш жавобини сўраб юрувчи илгариги шўх ва хушчақчақ Азиза бўлиб эмас, қандайдир жиддий, анчагина заҳар ва балоғатга етган барча қизлар каби ҳуснига бино қўйган ҳурлиқо бўлиб кўринади. Қизларнинг бўлган-тургани шу ўзи: доим мақтаб, «у еринг ундоқ, бу еринг мундоқ» деб таърифлаш керак. «Кўйлагингни ёқасига қил ёпишипти», десанг ҳам тамом — дарров тумтайиб, юзларини четга буришади: «Башаранг қурсин!» Изҳори дилнинг бошқа бир йўлини топай деса, кечаю кундуз бош қотиргани билан миясига ҳеч жўяли фикр келмайди. Тўғри, бир пайтлар у ҳисобни қойил қилар — ўқитувчиларни донг қолдириб, синфдошларининг кўзини ўйнатиб энг мураккаб масалаларни ҳам зумда ечиб ташлар эди. Аммо жисмига кишибилмас кириб келган ҳафсаласизлигу дангасалик ундаги бор иқтидорни еб битирди. У ҳақда ҳақиқатгўй ўқитувчилар тўғри айтишган: «Каримовга туянинг думи ерга текканидагина ақл киради, одам бўлишига ҳам ишонч йўқ!..» Аммо буларни эслашдан ҳозир не фойда? Ўтмишни эсга олганинг билан ақлинг тўлишиб, ўқитувчиларинг ёлғончию ўзинг фариштадай оппоқ бўлиб қолмайсан-ку... Одам бўлишингга ишонч қолмаган экан, туянинг думи ерга тегишини кутиб ўтириш ҳам беҳуда; ана, китобда катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган: ЭККАНИНГНИ ЎРАСАН!..

Саид енгилгина хўрсинди. «Қизиқ мақол...»

Ҳа, буларнинг ҳаммаси энди хом хаёл... Хом — демак, пишмаган. Пишмаган нарсани эса қисқагина қилиб «хом», нари борса «ғўр» дейишади...

У энгашиб пастга қаради: қўшниси аллақачон уйига кириб кетибди. Саиднинг осмонга учишини кутавериб зериккан, чоғи.

Қўлидаги соатга бир қараб қўйиб ичкарига кирди. Хонасига ўтаётиб нимқоронғи бурчакдаги кийим жавони кўзгуси олдида бир зум тўхтади. Табиат ўзига бинойидек ҳусн ато қилганига яна бир бор ишонч ҳосил қилгач, жавон эшигини аста очди. Кўзгудаги майкачан йигит акси бир чайқалдию кўздан ғойиб бўлди...

...Мактабга кираверишда суҳбатлашиб турган йигитлар даврасига келиб у қўшилганида чамаси ўн дақиқа олдин бошланган мақтанчоқлик энг юқори пардаларга кўтарилган эди:

— Мактабни битириб физматга кираман, — дер эди Замондош.— Асли фалсафага иштиёқ кучли эди-ю, бўлмади: суриштириб билсак битта физматда танишимиз бор экан. Танишсиз, энди, ўзинглар биласизлар... Бизга-ку барибир-а, лекин ойим, ёш нарса, уриниб қолмасин, деб...

— Қийин, жуда қийин, айниқса, биоток! — дея хаёлга

www.ziyouz.com kutubxonasi

берилар эди Олим. — Лекин барибир уддасидан чиқаман, кучугим Альфада синаб бўлсаям ниятимга етаман, фанда буюк кашфиёт қиламан!..

— Акамни терма командага олишди,— демоқда эди футбол юлдузи Мусо Исо ўғлининг севимли укаси Исҳоқ.— Кейинги ҳафтада Италияга кетяпти. Европа чемпионлари кубогини олиб келгани. Кейин...

— ...аспирантура, докторантура, академия...

— ...водород, кислород, азот; магнит майдони, тузлар гидролизи, жинс генетикаси...

— ...халқаро мусобақалар, жаҳон биринчилиги, олимпия ўйинлари; ғолиблик шоҳсупаси, чемпионлик медали, шон-шуҳрат...

Саид болаларнинг босинқирашга ўхшаш сўзларини эшитмасликка тиришиб, қулоғини хаёлан бекитди. Бўлмади. Ўзини бирор нарсага андармон қилиш ниятида атрофдагиларга бир-бир назар ташлади.

Ана, илгари мактабга тамаки кулини туширишга ҳам юраги бетламайдиган синфдошлари, ҳар бирининг оғзида биттадан «Гавана» сигараси, ўқитувчилар ҳам бор демай ҳовлини тутунга тўлдириб туришибди. Рассом эса имтиҳонлардан кейинги бир ҳафта ичида соқол ўстиришга улгурибди, ҳар замон-ҳар замон, соқоли қочиб кетмаганлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида, иягидаги қоп-қора майин тукни силаб-силаб қўяди. Олим бир кўзи синиқ эски кўзойнагини янгитилла гардишлисига алмаштирган, вақти-вақти билан кўз нурини илм-фан йўлига фидо қилмоқчилигини таъкидламоқчидек, кўзойнагини қўлига олади-да, ойнакларини рўмолчасининг учида намойишкорона артиб қўяди. Замондош эса тамомила янгича — мактабдагилар етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган кийимларни кийиб келибди, ўзиям коинот сафарига отланган фазогир либосидек ялтирайди, каттаю кичикнинг диққат-эътибори унга михланган — гўё ҳозир Замондош фазога парвоз этади, улар эса ажойиб томошадан қуруқ қолишни исташмайди. Ҳу нарида турнадек тизилиб ўқитувчилар туришибди. Ҳар бирининг қўлида биттадан рўмолча, кўзёши тўкишяпти. Хурсандликларидами ёки севимли ўқувчилари мактабни тарк этаётганига қайғуришаётганиданми — тушуниб бўлмайди. Қачон тушуниб бўлган эди ўзи бу — ўқитувчиларни?! Жиддий, ҳатто қилич кесмайдиган бошни ҳам ерга қаратишга қодир ўткир нигоҳларидан тортиб, Колумб очган Америкадек туюлувчи дарсларигача — бари сир, жумбоқ. Ҳатто ибн Синою Беруний лар ҳам жилд-жилд китоб ёзиб мундоқ ўқитувчиларни ...айтганча, у пайтлар домулла бўлган-ку, а, хуллас, домуллаларни тушунтириб беришолмаган. Сабаби — уларнинг ўзлари ҳам у ёки бу даражада ўқитувчи... дарвоқе, домулла бўлишган!..

У шуларни ўйлаб, қизлар орасидан Азизани излай бошлади. Уф, намунча кўп бўлмаса булар, дунёни қиз босганми-ей, нима бало, яна ҳаммаси қуйиб қўйгандек бир-бирига ўхшайди — бирининг сочи бир хилда қирқилган, ҳаттоки эгнидаги кўйлаги ҳам бир!

Э, ана у, ахийри топди-я. Беҳисоб қизлар даврасида гулдай очилиб турибди, ён-веридагиларга сира ўхшамайди — сочлари чиройли қирқилган, эгнидаги кўйлаги ҳам бўлакча, чўғдек ёнади...

Шу пайт кимдир уни тўсиб қўйди.

Саид рўпарасида турган «устун»га норози тарзда тикилди: ким экан бу?

— Қалайсан?

У ялт этиб «устун»нинг юзига қаради. Қарадию беихтиёр... бултур, терим пайтида уни — мактаб шеъриятининг асосчисини ҳатто кечаси ҳам не балоларни чулдираб сира уйқу бермагани учун тумшуғига бир тушириб, шаҳарга қайтишгунча миқ этмасликка маҳкум этганини... эслади.

Шундан кейин Шоир аразлаб, Саид билан гаплашмай қўйди, «Ижод нималигини тушунмайдиган тўнкалар билан гаплашадиган гапим йўқ!— дея баёнот эълон қилди у.— Агар Саид шеъриятни қадрласа, келсин, кечирим сўрасин!..» Саид ҳам унинг суҳбатига зор бўлиб юрмаган эди — индамади.

Мана, бугун, болалик бутунлай трак этиладиган бу гўзал оқшомда, Шоирнинг ўзи унинг қаршисида турибди, тиржайиб соғлик сўраяпти:— Қалайсан?

— Михдай!— Саид бош бармоғини кўрсатди, сўнг ораларидан ўтган қора мушукни унутган каби нимтабассум билан сўради:— Ўзингчи, ўзинг?

Шоир ҳам унга кулиб қаради.

— Ҳа, энди, юрибмиз, магазинни қоғозини камайтири-иб...— У қизил боғичли семиз жилдни у қўлтиғидан бу қўлтиғига олди.

— Нима, яна шеърми?— дея жилдга ишора қилди Саид.

Шоир шудринг шимган гулдек яшнаб кетди. Афтидан, Саид шеърият ҳақида гап очишини у кутмаган эди.

— Тополмадинг!— деди.— Шеър эмас!..

— Достонми?

— Йўқ, поэма!

— Ҳа-а...— Саид лабини тишлаб ерга қаради.

— Аниқроғи — қасида, яъни, поэманинг кичик бир тури!— дея давом этди Шоир.— Илҳом келиб қолган эди, ўтирдиму шартта ёзиб ташладим. Сарлавҳасиям зўр — «Эркинлик»!— Шоир жилднинг боғичини ечдида, бошдан-охир жимжимадор қилиб шеър ёзилган қоғозларни бирма-бир варақлаб кўрсатди.— Мендан олдин фақат Пушкин ёзган бунақа қасидани, лекин Пушкинники тўқсон олти мисра эди, меники юз мисра.

Шу тариқа Шоир иштаҳа билан гапга тушиб кетди, қаламкашлар тили билан айтганда, асосан, «энди атакчечак қилаётган» ижоди ҳақида сўзлади: одатдагидек, кичкинтойлар журналига беш-олтита топишмоқ жўнатибди, кейинги йилларда ёзган шеърларини тўплаб нашриётга олиб борибди, турган гапки, таниш йўқлиги сабабли у ерга киргизишмабди, лекин кираверишдаги хоначада кўк чой ичиб ўтирган қоровул чол шеърларини олиб қолибди, майли, ўқип чиқип пикрибизди айтабиз, дебди, энди ўтирволиб фақат шеър битар эмиш, илҳоми айни жўш урган пайтда адо бўлиб қолмасин деб ўтган куни икки қути сиёҳ билан тўрт боғлам бир чизиқли дафтар сотиб олибди, бугун эса, телевизорда футболни томоша қилаётиб, хаёлига ажойиб бир фикр келибди, яъни спортнинг ҳар бир турига биттадан шеър бағишлайди ва жисмоний тарбиячилар газетасига элтади!

Ҳозирча спортнинг қирқ тўққизта тури маълум, демак, бу — қирқ тўққизта асар дегани, ҳар бири қирқ тўққиз сатрдан, қирқ тўққиз сатрлик қирқ тўққизта асар эса бутун бошли тўплам...

— Ҳа, айтгандай,— деди Шоир гапининг ниҳоясида, худди унутган нарсаси эсига тушгандек илжайиб,— қасидамдан парча ўқиб берайми?

Саид, лабида нимтабассум, хотиржамлик билан бош чайқади:

— Йўқ, ўқиб берма!

Шоирнинг қизил юзида ажабланишга ўхшаш бир ифода акс этди, аммо яна мушт еб қолишдан чўчидими, кўп зўрлаб ўтирмади:

— Ихтиёринг...

Шу пайт еру кўкни титратиб тантанавор мусиқа янгради, симёғоч ва деворларга ўрнатилган ранго-ранг

www.ziyouz.com kutubxonasi

чироқлар лоп этиб ёнди, уларнинг ёғдуси ва мусиқий садолар остида ҳовлига мактабнинг фахрли ўқувчиси, тенги йўқ спортчи, енгилмас ва жасур Насим кириб келди. Эгнида — муросасиз олишувлардан орттирган енги калта тўр кўйлак, оёғида — орқасига бургут акси туширилган бежиримгина шиппак; атрофдан эшитилаётган шивир-шивирларга эътибор бермай, спортчи аҳлига хос совуққонлик ва салобат билан у давранинг тўрига бориб турди.

Ниҳоят, худди Насимнинг келишини кутиб тургандек, мактаб томига ўрнатилган овоз узатгичлар ҳам тилга кирди ва «Ўнинчи синф ўқувчиларининг битирув кечасини очиш учун сўз — мактаб директори, ҳурматли ва қадрли Фалончи Писмадончиевга берил»ишини билдирди. Шу заҳотиёқ сийрак сочлари оқиш директорнинг ўзи совуққа олдирган оёқларини авайлаб босганча ҳовли ўртасидаги қўш микрофон олдига чиқиб келди.

Тантанавор мусиқа чўзиқ ҳомуза тортиб, тинди.

— Ҳурматли мактаб хизматчилари, азиз касбдошлар, қадрли ўқитувчилар!— деб ҳар йили шу кун, шу соат ва шу дақиқада гапиравериб, деярли ёд бўлиб кетган нутқини бошлади у.— Мана, бугун биз яна бир қувончли, шу билан бирга бир оз ғамгин кечани қарши оляпмиз. Мен бу кечани қувончли деб атадим, қувончлиси шундаки, бу оқшом бир гуруҳ балоғатга етган ёшларимиз мустақил, катта ҳаётга йўлланма олишмоқда. Мен бу кечани ғамгин деб ҳам атадим, ғамгин томони шуки, бизни азиз тарбияланувчиларимиз, ўн йиллик қувончу ташвишларимиз тарк этишмоқда, бутунлай, бир умрга! Бас, шундай экан, келинг, уларга бу йўлда каттадан катта муваффақиятлар, бахт-саодат тилайлик! — Гулдурос қарсаклар, қийқириқ, ҳуштак, йиғи-сиғи...— Болажонларим!—деб бир оз танаффусдан сўнг давом этди у.— Биз сизларга доим, ҳар қандай шароитда ҳам ишонч билдириб келдик, сизлар эса ўз навбатида дадил ва қатъий ҳаракатларинг билан бу ишончни оқлаб, бизни қўллаб-қувватлаб турдинглар. Тўғри, ораларингда бу ишончга эгри кўз билан қараганлар ҳам топилди...

Саиднинг эти жунжикиб кетди.

— ...аммо улар бир-икки кишинигина ташкил қилди, холос. Эсимда, ҳар баҳор болалар билан, оёқяланг, тоққа лола тергани чиқар эдик. Баъзи бир тарбиясиз болалар кўпчиликнинг гапига қулоқ солмай, узоққа кетиб қоларди. Айрилганни эса айиқ ейди дейдилар; қоронғи тушгач, чуқур жарликлардан бир ўзи ўтолмай, кечаси билан тоғда қолиб кетарди. Тоғ ҳавоси совуқ, ери — зах, салга оёқни совуқ олади. Оёқни совуқ олганидан кейин, тез-тез оғриб асабга тегади, қадам олиш қийинлашади, ҳар кеч иссиқ сувга солинмаса бўлмайди... Хуллас, тилагим — яхшилик ва поклик доимо йўлдошингиз бўлсин! Танингиздан қувонч ва соғлик аримасин! Энди, рухсат этинг...

Ҳовли гулдурос қарсаклар зарбидан ларзага келди.

Давранинг у томонида турган Азиза ҳам қўлидаги уч дона гулни қўлтиғига қисиб, лабида нимтабассум, кафтларини секингина бир-бирига уриб қўйди. Сўнг дунёдаги барча ажойиб фазилатлар соҳибаси, фаол жамоатчи ва аълочи Гулчеҳра сўз олди: юзи сутга чайилгандек оппоқ, қора қошлари етти кунлик ой каби эгик, достонлардаги ойни уялтирувчи маликаларга ўхшаб кетадиган бир қиз даврага чиқиб келди.

— Мўътабар, азиз, қадрдон ва жонажон муаллимлар!— дея булбулникидек тиниқ овозда сўз бошлади у. Сўнг ўқитувчиларга эгилиб таъзим қилди.— Ҳурматли ва севимли директоримиз Фалончи ака!— яна бир таъзим. Кейин ёниқ эҳтиросга тўла сўзлар:— Ўқитувчи! Шу биргина сўз замирида оламча маъно бор! Ўқитувчи — эзгулик ва инсонпарварликни ўзида мужассам этган сиймо! Агар мендан, дунёдаги энг буюк касб эгаси ким, деб сўрашганида, ҳеч иккиланмай, ўқитувчи, деб жавоб берган бўлар эдим. Ахир, ўқувчиларини ўз фарзандидек эъзозлаб, уларга тўғрилик, поклик ва инсонийликдан дарс берувчи, уларни виждонийлик ва меҳр-муҳаббатга ўргатувчи шарафли касб эгаси ўқитувчи эмасми? Ахир...

Саид турган ерида тахтадек қотиб қизнинг бахт ва қувонч уфуриб турган гулгун чеҳрасига тикилиб қолди. Хаёлида ўша, бундан уч йил бурунги воқеа жонланди. Ўшанда...

...Синфда учаловидан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Саид орқароқдаги партада ўтириб, ўқитувчи бир соат аввал қўйган чиройлигина «икки»ни куйиб-пишиб «уч»га айлантириш билан овора, бугун отаси узоқ сафардан қайтиб келади, овқатдан сўнг ҳазил-ҳазил билан «Кундалик дафтари»ни сўраб қолиши аниқ, агар қаторасига қўйилган учта «икки»га кўзи тушгудек бўлса, еган-ичгани заҳарга айланиб, тимсоҳ терисидан ишланган қайишини ечиб қолиши ҳеч гап эмас!

Нарироқда эса Насим сариқ... У синф журналини олдига очиб қўйиб, ҳар қандай ўқитувчининг хатини қойилмақом қилиб «ясовчи» Исҳоқга амирона буюрмоқда: «...Адабиётдан «уч» йўқ, «икки» кўп экан, «тўрт» қўйсак ўқитувчи билиб қолади; физикадан «тўрт», «уч» жа кўпайиб кетибди, чорак яқин, баҳони тўғриламасак бўлмас; биологиядан... майли, иккита «беш», қўрқма, барибир, «кўзойнакли илон» сезмайди, ўзим синаганман, ҳўв бирда, шундоққина пешонасининг тагида қизларга қоғоз отиб ўтирганимни пайқамаган; хў-ўп, жисмоний тарбияни очмасанг ҳам бўлади — шундоғам ҳаммаси «беш», ҳа-а, ўзингга қўймоқчимисан, унда майли, чизмачиликдан...»

Шу пайт ғийқ этиб эшик очилдию остонада сувга бўктирилган латта ушлаган чиройли бир қиз пайдо бўлди. Саид ялт этиб унга қаради, қизғин ҳафсала билан синф дафтарини «бежаётган» Исҳоқнинг ручка тутган қўли ҳавода муаллақ қотди, Насимнинг қип-қизил юзи бўздек оқарди. Синфдагиларнинг кўзи остонада тахтадек қотиб турган қизда, остонада тахтадек қотиб турган қизнинг кўзи эса синфдагиларда... Тўрт жуфт кўз ва ҳаммасида биргина савол: нима бўлади энди?!

Қиз уларга анчагача унсиз тикилиб турди, сўнг қўлидаги латтани ҳам ташламай, секин бурилиб чиқиб кетди...

Саид лом-мим демай яна «Кундалик дафтари» устига бош эгди, Исҳоқ енгил тин олиб, ҳавода муаллақ қотган қўлини пастга туширди, юзига қайта қон югурган Насим эса янги қўйилган баҳолар устига босма босди: «Ишқилиб, бугун билиб қолишмаса бўлди, эртага ҳеч ким сезмайди!..»

Аммо... сезишди, ўша — тумшуғининг тагидаги нарсани ҳам кўрмайдиган биология муаллими Мирза Муҳаммад сезди, кейинги дарсдаёқ пайқади: синф журналидаги ўз фанига ажратилган саҳифага бир неча муддат диққат билан тикилиб турди, шоша-пиша кўзойнагини қўлига олди, ойнакларини куҳ-куҳлаб артиб, яна бурнига қўндирди, яна қаради, сўнг: «Буни мен қўйганим йўқ-ку?!» деди-да, журнални қўлтиқлаб лўкиллаганча синфдан чиқиб кетди.

Шу куни кечгача ўқитувчилар хонаси ари уясидек ғувиллаб турди: «Учинчи соатда синфни очиқ қолдириб, янги чиққан кўйлакни... й-йўғ-е, нималар деяпман ўзи, дарс жадвалини суриштиргани ашула ўқитувчисининг олдига чиқиб кетувдим. Ўшанда...», деди мутаассир

www.ziyouz.com kutubxonasi

синф раҳбари дарров кўзига ёш олиб. «Биз ҳам ҳовлида тўп тепаётувдик... Ҳа, синфдами?.. Синфда Саид, Исҳоқ, Н-н-насим...дан бўлак ҳеч ким йўқ эди... шекилли...» дея елка қисди синфком. «М-мен... м-мен эмас... У-у-у-у», деб бўридек ув тортиб юборди Исҳоқ юзини қўллари билан бекитиб. «Нима, мендан гумон қиляпсизларми?— дея ёқа йиртиб қичқирди Насим.— Мендан-а? Ядро ирғитиш бўйича район чемпионидан-а?! Бўпти, шу гап эсларингда турсин! Эртагаёқ бошқа мактабга ўтиб кетаман, шаҳар спартакиадасида расволаринг чиқади!» «Тўғри,— дея бошини қашиб маъқуллади уни жисмоний тарбия ўқитувчиси,— расволаринг чиқади...» «Ҳм-м. Унда...»— Директор шундай деб остонада нима қиларини билмай мўлтираб турган Саидга ўгирилди. Саид унинг ўткир нигоҳига дош беролмай, кўзини олиб қочди. Ҳимоя учун бир сўз ҳам айтмади, нима ҳам десин, энди барибир ишонишмайди, шу сабаб кўзини ерга тикканча қотиб тураверди: хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — мен қилганим йўқ...

Ўқувчиларни чақириб, бирма-бир сўроққа тутдилар: «Ким қилганини кўрдингми? Айт!» Ўқитувчилар хонасига навбатма-навбат кириб чиққан ҳамма болаларнинг жавоби бир бўлди: «Йўқ... Кўрганим йўқ!»

Ниҳоят, сўроқ навбати сувга бўктирилган латта ушлаган ўша чиройли қизга келди! Саиднинг юрагида эса умид милтиллади: «Яхши қиз-ку, тўғрисини айтар?» Аммо... милтиллаган умид милтиллаганича қолиб кетди: яхши қиз тўғрисини айтмади. «Билмадим...— деди қўлидаги сувга бўктирилган латтадак бўшашиб.— Навбатчи эдим, латтани ҳўллагани ҳовлига чиқиб кетувдим. Кўрганим йўқ!» Саид турган жойида шамдек қотди, кўксини нимадир қаттиқ ғижимлади, қизга худди ҳозиргидек анграйиб тикилганча туриб қолди...

— Ахир одамни одам қилувчи, уни камолат пиллапояларига кўтарувчи — энг шарафли касб эгалари — ўқитувчилар-ку, шундай эмасми?— дея тилло медалидек порлаб давом этарди Гулчеҳра.— Сизлар бизни юксак оналик меҳри билан тарбиялаб вояга етказдингизлар, оламда неки яхши фазилат бўлса, барини бизнинг мурғак онгимизга жойладингизлар. Бобомиз Мир Алишер Навоий устознинг эзгулик ва зиё таратувчи фаолияти ҳақида бундай деган эканлар...

...Ўшанда унинг юрагида қўрқув ҳоким эди, шу сабаб ўзини ҳимоя қилиш учун бир сўз айтмади, айтолмади, ундан умидвор бўлиб... алданди. Вақт ўтиб, бу қўрқув нафратга айланди, Насимга ҳам, Исҳоқга ҳам эмас, ўзўзига нисбатан нафратга! Ўша воқеадан роппа-роса уч йил кейин, ушбу битирув кечасидан уч кун олдин у Насимдан сўради: «Менга қара, Насим, умрингда бирор кимсадан чинакамига қўрққанмисан? Фақат тўғрисини айт: қўрққанмисан?!.» Насим унга, худди музлоқдан топилган ёввойи одамга қарагандек, ошкора ҳайрат билан тикилиб қолди, ичида: «Эсини еганми бу?», деб хаёл қилди, сўнг жиннилар билан пачакилашиш ҳаёт учун хавфли экани эсига тушиб, орқасига ҳам қарамай жўнаб қолди...

Енгил шабада димоққа чанг аралаш гул исини олиб келиб урди.

Даврага ўқувчилар сафини ёриб, гулдурос қарсаклар остида Насим чиқиб келди. Ҳовли ўртасидаги микрофонлардан бирини баҳайбат кафтлари орасига олди-да, худди еб қўймоқчидек оғзига яқин олиб борди:

— Ўғил болалар номидан ўқитувчиларни табриклаш учун сўз Исоев Исҳоқга! Қани, олқишлаймиз!..

Қарс-қарс, қарс-қарс, қарс!..

— ...Дарвозабон тўпни чап қанотдаги ҳимоячига қараб ирғитди. Ҳимоячи эса майдондаги вазиятни назардан ўтказди-да, секин илгарилай бошлади, оёғи тагига жаҳд билан ташланган рақиб ҳужумчисини моҳирона алдаб ўтгач, тўпни командадошига оширди: тўп ҳавода ярим доира шаклини «чизиб» майдоннинг ўнг қанотига ўтди, ярим ҳимоячимиз уни кўкси билан қайтарди-да, олға ташланди. Мана, у рақибларнинг бир ҳимоячисини ортда қолдирди, иккинчи, учинчисини алдаб ўтди ва шиддат билан жарима майдончасига ёриб кирди. Зарб билан тепишнинг айни мавриди... шу пайт ҳеч кутилмаган ҳодиса... ярим ҳимоячимизнинг ажойиб «салб юриши»дан эсанкираб қолган рақиб команда ҳимоячиси дарбоза ёнгинасида уни чалиб йиқитди. Аммо негадир ҳакам... ўзини кўрмаганга олди. Ишқибозлар норози. Улар ҳакамнинг майдондан чиқиб кетишини талаб қилишмоқда. Қизи-иқ, нега энди кўпни кўрган, тажрибали ҳакам ўйинни тўхтатмади, а? Наҳотки, у бундай вазиятда ўн бир метрли жарима тўпи белгиланиши лозимлигини билмаса? Келинг, яхшиси буни ҳакамнинг виждонига ҳавола этайлик... Ўйин давом этмоқда. Ўйинчиларимиз яна чаққонлик билан тўпни эгаллаб олишди. Тўп олдида моҳир тўпураримиз Мусо Исо ўғли. Мана, у чап қанотни ёриб ўтди, рақибнинг икки ҳимоячисини доғда қолдириб, жарима майдончасига кирди ва тўпни ёрдамга етиб келган командадошига узатди. Дарбоза ёнида хавфли вазият! Зарба! Ай-яй-яй-яй-я-яй! Тўп дарбоза тўсинига тегиб қайтди. Яна бир қулай... Уре-е! Го-о-ол! Тўп дарбоза тўрида!.. Ўйиннинг сўнгги дақиқада моҳир тўпураримиз Мусо Исо ўғли дарбоза тўсинига тегиб қайтган тўпни боши билан қайта дарбозага йўллаб, ҳисобни оширди. Ҳисоб 3:0, олдинда севимли командамиз!..

Кеча борган сари қизиб, ўйин-кулги авжга минмоқда, магнитофонга уланган овоз узатгичларда Сузи Куатро: «Менга севги ҳадя қил, жоним!» дея ёниб бўзламоқда...

Саид юрак ютиб, шу билан бирга биров илиб кетмасин, деган хавотирда аста Азизага яқинлашди. Ахир, хавотирланмай бўладими, ҳар қалай, кўзга яқин қиз, биронтаси лип этиб...

«...Илиб кетади! Ҳозироқ бориб ҳамма гапни айтмасанг... албатта илиб кетади!..»

— Т-тушамизми?.. — Бориб, айтган гапи шу бўлди!

Қиз дугоналари билан бир нимани гаплашиб, кулишиб туришган эди — Саиднинг овозини эшитиб, орқасига кескин ўгирилди. Бир зум унга, худди биринчи марта кўраётгандек ҳайрат билан тикилиб турди-да:

— Бўпти! — деди. — Т-тушамиз!..

Бўлди кулги, бўлди кулги!

Саид уятдан шолғомдек қизариб, ерга қаради. «Боплади-ку, — дея хаёлидан ўтказди хижолат ўтида балиқдек қовурилиб. — Ўлганинг яхши эмасми, а, бу кунингдан!..»

Саиднинг пушаймонини қиз пайқадими, «Майли, раҳм қилдим, шундай кунда сазанг ўлмасин!» деган каби жилмайиб, унга яқинлашди:

— Қани, тушдикми бўлмаса?

Саиднинг пешонасидан то оёғининг бармоқларигача музлаб кетди. Аммо, иложи қанча — ўзини бардам кўрсатишга ҳаракат қилиб, қизнинг иссиқ қўлидан ушлади. Бўлак нима ҳам қиларди: қаттиқ гапириб бўлмаса, ҳар қалай, орада у эмас-бу эмас — севги, пинҳоний бўлса-да, муҳаббат бор!

У қизларга илгари унчалик эътибор бермас эди. Аниқроғи, эътибор беришга ботинмасди: болаликдаги бебошликлари сабаб, ҳамон қизларнинг уни отгани ўқлари йўқ эди, назарида. Э, у пайтлар Саиддай шўх,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ерга урса кўкка сапчийдиган бола бормиди оламда! Қизларга-ку, унинг дастидан бир дақиқа ҳам тинчлик йўқ: гоҳ унисининг сочидан тортган, гоҳ бунисини афтини бужмайтириб масхаралаган, гоҳ дафтарига сиёҳ тўкиб қийқиратган... Ундан бутун мактаб, ҳатто муаллимлар ҳам безор, деярли ҳар бир ота-оналар мажлисида у ҳақда гап кетмай илож йўқ эди. «Олтинчи синфда ҳурматли биология муаллимимизнинг кўзойнакларини ўғирлаб, ўзига ўхшаш зумрашалар томонидан худонинг берган куни такрорланиб турадиган «анъана»га асос солди; еттинчи синфда ўқитувчининг гапини қулоғига илмай спорт залимиз шифтида базўр осилиб турган арқоннинг нақ учига чиқволиб, қуйи синфлардаги укаларига ажойиб «намуна» кўрсатди; саккизинчи синфда мактабимиз фахри, машҳур чемпионимиз Бўриев Насимжоннинг табаррук номини булғаш ниятида қилган бад ишлари ошкор бўлиб, бутун мактаб олдида шармандаси чиқди; тўққизинчи синфда пахта теришдан намойишкорона бўйин товлаб, шаҳарга бесўроқ кетиб қолди — унинг касрига мактаб ўз планини тўлдира олмай, бутун республика олдида юзи шувут бўлди; ўнинчи синфда эса...»

«Ўзгариб қолди, — дейишди ўқитувчилар. — Ўзи шу, ёшликда одам, ер торлик қилиб, бир осмону фалакка кўтарилади. Кўтариладию мулойимгина бўлиб пастга тушади: бордим, кўрдим, ғалаба қилдим, аммо бундан на бир наф топдим, на бир роҳат, ҳамманинг кўзига ёмон кўринганим қолди... Бу — унинг қуюлгани!..» Лекин Саид ўзгармаган эди, йўқ, у ўша-ўша Саид, фақат... фақат севиб қолган эди!

Ҳм, севиб қолган эмиш! Икки соатдан бери бир сўзни сақичдек чайнаяпти: севги, севги... Севги нима эканлигини биладими ўзи? Йўқ. Билмайди. Ҳеч ким билмайди! Нима? «Ёзувчилар ёзишган-ку?...» Э, ниманиям биларди ўша ёзувчилар?! Бир пайтлар, миялари ишлаб қолганда ёзиб қўйишган, ўшандан бери қоғоз-қаламни йиғиштириб, пешоналарини тириштирганча ёзганлари устида бош қотиришяпти: нима дегани экан-а, бу?.. Одамлар ҳам қизиқ, бир нарса ўйлаб топишдими — бўлди, шу заҳотиёқ, уни тузукроқ тушунмасдан, у истайдими — йўқми, худди ёғшишага ёрлиқ ёпиштиргандек, ном ёпиштиришга тиришишади: севги, муҳаббат, ош, қатиқ...

Мана, ҳозир ҳам у қизни қоронғи кўчалар бўйлаб уйига кузатиб кетяптию миясида шунга ўхшаш бетайин фикрлар ғужғон: айтсинми, айтмасинми, балки кейинга қолдиргани дурустдир, йўғ-е, бугун айтмаса яна қачон айтади; айтаётганида қизнинг юзига тик қарасинми-йўқми, балки қўлидан ушлаб айтгани дурустдир, ё ундан ҳам яхшиси юзидан ўпиб олсинми, ахир киноларда доим шундай қилишади-ку, йўғ-е, Азиза бунга қандай қарар экан, хафа бўлса-я, жаҳли чиқиб: «Мен сенга орқамдан келгин девдимми?» деса-я, ахир, чиндан ҳам Азиза ундан буни сўрагани йўқ-ку, жимгина рақс тушишди, на қиз унга бир нарса деди, на у қизга, худди оғизларига талқон солиб олгандек икки-уч давра айланганларидан сўнг қиз қўлини унинг елкасидан олиб, алланечук маҳзун, ўйчан оҳангда: «Майли, мен борай...», дедию аста рақс тушаётганлар орасидан сирғалиб ўтиб, ҳовлидан чиқиб кетди, анчагача қизнинг кетидан нима қиларини билмай, шалпайиб кузатиб турди-да, сўнг худди биров бурнидан ип ўтказиб судрагандек овсарланганча унинг орқасидан эргашди — бор йўғи шу, демак, қиз уни силтаб ташлашга ҳақли, яна акасига айтиб, адабини бердиришга ҳам... умуман, у қизни нега кузатяпти?! Уф, жинни бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас!

Худди китобдагидек-а!

Охири, чидаёлмади. Охири, тилидаги кўз илғамас қисқични олиб ташлади:

— Менга қара! — деди у чироғи хира нур сочиб турган симёғоч тагида қизни тўхтатиб. — Нега орқангдан кузатиб келаётганимни биласанми?

Қиз ердан кўзини узмай келаётган эди — чўчиб бошини кўтарди. Лаблари ўз-ўзидан титраб, истеҳзоли табассумга ўхшаш бир ифода пайдо қилди:

— Хайрият, гапирар экансан-ку. Мен тилингни тупугингга қўшиб ютиб юборганмисан, деб ўйловдим...

— Эзмалик — аёлларга хос фазилат, — деб унинг оғзидан гапини олди Саид пинак бузмай.

— Шундай дегин... Унда гунг-соқовлик эркакларга хос фазилат экан-да? — дея кулди қиз ва орқасига ўгирилиб олдинга бир қадам ташлади.

— Тўхта, Азиза! — деб унинг йўлини тўсди Саид. — Бирпас тўхтаб тур. Сенга айтадиган муҳим гапим бор. Жудаям муҳим...

— Биламан... — дея сирли жилмайиб, ерга қаради қиз.

Саидни юраги шув этиб кетди.

— Нимани биласан?!

— Нимани бўларди... Менга нима демоқчи эканлигингни-да.

Саид қулт этиб ютинди, лекин муваффақиятсиз ютуми бўғизида қолди.

— Хўш, сенга н-нима демоқчи эканман?

— Қўй, ўзингни гўлликка солиб нима қиласан. Ҳаммасини сезиб турибман. Бугун... сен учинчисисан...

— Ниманинг учинчиси?

— Ниманинг эмас, кимнинг, — деб тузатди қиз. — Айтмоқчи бўлган ўша «муҳим гап»ингни аллақачон иккитаси менга айтди... Севги изҳор қилмоқчисан-да! Топдим-а, тўғрими?

— Н-нима?! — Саид тутилиб қолди. — Н-нега... н-нега энди сенга севги изҳор қиларканман? Топган гапингни қара-ю... Севги изҳор қилмоқчи эмишман. Худди бундан бошқа қиладиган ишим йўқдай...

— Қўй, нима қиласан ёлғон гапириб, кўзинг айтиб турибди-ку — нима демоқчи эканлигингни!

— Кўзим нима деяётганини сен қаёқдан биласан? — Саиднинг овози ўзи ҳам истамаган ҳолда титраб чиқди. — Нима, сеҳргармидинг? Балки мен сенга бутунлай бошқа нарсани гапирмоқчидирман?!

— Гапир, ахир, нима демоқчисан ўзи? — Қизнинг жаҳли чиқа бошлади.

— Нима демоқчи эдим-а... Ҳозир... Ҳа, ҳалиги... керакми сенга?

— Нима?!

— Нима бўларди... — Саид гап тополмай тутилди. Бир балолар деб ғудранди. Шу пайт қандайдир ит безовта улиди ва беихтиёр у: — Кучук! — деб юборди.

Қиз донг қотиб қолди. Юзида бояги жонсаракликдан, жонсараклик не, ҳатто жаҳлдан ҳам асар қолмади. Кўзларида сўз билан таърифлаб бўлмайдиган бир ифода пайдо бўлди. Саидга шундай тикилди, шундай тикилдики...

— Яна... қанақа кучук?! — Бу гал қизнинг ҳам овози титраб чиқди. — Мен сендан сўраяпман, қанақа?!

Энди Саиднинг жаҳли чиқа бошлади:

— Қанақа, қанақа... Яхши... Эргаш амакининг тузиги... сотмоқчи экан. Харидор топиб бер девди. Хўп деб қўювдим. Ҳўв, бирда, адабиёт дарсида, «Мен итларни яхши кўраман», деганинг эсимга тушиб кетди. Шунга...

У ёғини айтишга улгурмади — юзига шарақлаб тарсаки тушдию икки кўзидан ўт чиқиб кетгандек бўлди. Қиз эса, аксинча, негадир жилмайиб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Топган гапингни қараю! Жинни! — деди-да, югурганча қоронғилик қўйнига кириб кетди.

Худди кинодагидек-а!

Саид, хира чироқ ёруғида икки юзини ушлаганча ҳайкалдек қотиб турар экан, юзига келиб тушган тарсаки баробар ҳали ҳеч қанақа кино ва китобда айтилмаган бир ҳақиқатни англади: йўқ, қиз у ўйлаганидек мутаккаббир, ҳуснига ортиқча бино қўйган қандайдир самовий малика эмас, аксинча, ўша — ўзи билган, ёзма иш жавобини сўраб юрувчи илгариги Азиза экан! У қандайдир ҳавойи ўйларга берилиб, бурни тагидаги оддий ҳақиқатни ҳам пайқамаган экан!..

Саид енгил хўрсиниб, қиз югуриб кетган томонга йўл олди. Йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди, бир пайт хаёлини йиғиб қараса... Азизаларнинг уйи олдида турибди!

Негадир чеккиси келди. Шимининг орқа чўнтагидан сигарет олиб тутатди. Деразалар қоп-қоронғи... Демак, аллақачоноқ ётган. Демак, ширин-ширин тушлар кўряпти. Ёки... йўқ, Азиза ёмон туш кўрмайди, фақат яхши, дунёдаги энг яхши тушларни кўради! Негаки, у — Саид шуни тилайди! Эҳтимол, ҳали ётмагандир, атай чироқларни ўчириб, панада туриб деразадан мўралаётгандир: «Қани, Саид келадими-йўқми?!» деб. Эҳтимол...

Берироқда, оламнинг ғам-ташвишдан йироқ бир чеккасида эса ўйин-кулги авжга миниб давом этмоқда. Ҳовли ўртасидаги қўш микрофон қаршисида мактабда тенги йўқ шоир Абдуфаттоҳ Шоший қора терга ботиб, ўзининг юз мисрадан иборат («Пушкинники тўқсон олтита эди») қасидасини қироат билан тиловат этмоқда:

— Бола эдик нодон, кўп ўйинқароқ
Бизлар бу мактабга келганимиз чоқ.

Олқиш ва қарсаклар («Зангор денгиз лойқаланганди».)[1]

— Мўйловимиз чиқди — юлдик беомон,
Сўнг югуриб келдик эркинлик томон.

Олқиш ва гулдирос қарсаклар («Зангор денгиз қора ранг олди»)[2].

— Хайр, мактаб! Алвидо, мактаб!
Сени доим юрамиз мақтаб!

Кўпдан-кўп олқиш ва давомли, гулдирос қарсаклар («Денгиз нотинч, тўлқин урмоқда!»)[3]...

Бир оздан сўнг унинг ўзи ҳам уйқуга ётади. Ухлагач, албатта, туш кўради. Агар, ухлаёлса! Эҳтимол, у ҳам...

Худди шу пайтда бошқалар ҳам юмшоқ партўшаклар устида ширингина тамшаниб, туш кўраётган бўлишади: Замондош сочи тамомила тўкилиб битган доно профессорларга хос салобат билан илмий кенгаш ҳайъатида қўр тўкиб ўтирибди — бу кеч уни нақ фанлар академиясига сайлашади; Олим, қаншарида бир эмас, бир нечта тилла гардишли кўзойнак, эгнида қора ридо, Стокгольм дорилфунунининг маҳобатли мажлислар саройида Швеция қироли қўлидан ҳотамтой Альфред Нобель мукофотини қабул қилиб олмоқда; Рассом, илк мўъжизасини битиргунича соқоли яна бир қарич ўсган Рассом эса кўзгуга қараб, келажакда буюк устози Рафаэлнинг шоҳ асарлари қаторидан жой олиши лозим бўлган ўз автопортретини ишламоқда; футболимиз юлдузи, тенги йўқ хужумчи Мусо Исо ўғлининг суюкли укаси Исҳоқ Шимолий Қутбдан жаҳон чемпиони унвони билан қайтиб келаётган акасини гул тутиб шаҳар аэропортида қарши олмоқда; бу оқшом ҳатто оёғи бод касалига дучор мактаб директори ҳам тоққа лола тергани чиққан қўш кокилли болакайга айланган — офтобда қорайган оёқлари билан тоғма-тоғ улоқиб чопади, кетидан «ҳай-ҳай»лаб қолган оғайниларига ҳам қайрилиб боқмайди, «Ҳали кун ботишига анча бор, — дея ўйлайди, — кечгача етиб оламан...»

Хуллас, ҳамманинг ўз туши бўлади. Ўзиники!

Бу тун у ҳам қизга албатта севги изҳор қилади. Рўйирост айтади, яна кўп гапларни — ҳеч кимга ҳеч қачон айтмаган ва доимо юрагида асраган гапларини айтади. Кейин...

Кейин на бир кинода ифода этилган, на бир китобда ёзилган ҳаёт, мактаб директори айганидек, катта ҳаёт бошланади...

МЕҲМОН, ОЙИМ ВА МЕН

Меҳмон уйимизга доим мен мактабга бормайдиган — бозор куни келади. Келиш ҳам гапми, бир халта тўла ширин-шакар мева-чева ҳам олиб келади!

Шу куни эрталабдан балконга чиқаману кечгача уларнинг йўлини пойлаб ўтираман. Қоронғи тушади. Ҳамма уй-уйига кириб кетади. Ҳовлида Эргаш амакининг супургисидан бошқа ҳеч нарса қолмайди. Меҳмондан бўлса дарак йўқ...

Ҳафсалам пир бўлиб, қовоғимни уюб турганимда эшик қўнғироғи жиринглайдию даҳлиздан ойимнинг шип-шип қадам товуши эшитилади.

— Ким у?

— Мен, келин... Биз...

Эшик очилиб, йўлакда халта кўтарган кишилар кўринади.

— Яхшимисиз, келин? Укам, Шуҳратбой соғмилар?

Ўтирган жойимдан сакраб туриб кетаман: меҳмон келди, меҳмон!

Улар оёқларини остонадаги латтага артиб, яқинда солинган гиламни босганча ичкарига киришади. Дастурхон ёзилади. Жавондан конфетли ликобчалар тушади. Телевизор қўйилади. Улар бозорда савдо суст бўлганидан нолиб, маза қилиб чой ичишади. Ичаверишади, ичаверишади, қип-қизариб кетишади. Мўйловларидан тер оқади. Мен бўлсам буларнинг барини эшик тирқишидан кузатиб тураман. Ойимнинг айтишича, тарбияли болалар шундай қилишармиш. Мен — ўша тарбияли болаларнинг энг новчасиман. Негаки, дадам — олим, ойим — «маданиятли уй бекаси», ўзим — «намунали шаҳар мактабининг ўқувчиси»ман-да! Шунинг учун меҳмонларнинг олдига кирмай, тишимни-тишимга қўйиб тирқишдан мўралайвераман. Лекин бармоғимни сўрмайман.

Эҳ, тарбияли бола бўлиш ўлгудек қийин экан! Охири, чидаёлмай эшикни қия очиб секин ичкарига бош суқаман. Қани сезишса! Телевизорга тикилиб ўтираверишади. Уларга — маза; мен билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Жаҳлим чиқади. Ўртадаги деворни ағдариб ташлагим, телевизорни уриб синдиргим келади. «И-я!»лаб, деворни бир-икки тепаман. Ағдарилмайди. Шарт эшикни очиб, телевизорни уриб синдиргани ичкарига кираман. Узун мўйловли меҳмон — амаким ўгирилиб қарайди.

— Э-э, полвон, қалайсиз? — дейди у қўлини чўзиб. — Қани, бир сўрашиб қўяйлик-чи. Ҳа, балли, саломат бўлинг! Хўш, ўқишлар қалай, ҳаммаси «беш»ми?

— Йў-ў, «уч»... — дейман ерга қараб.

— Ие, — дейди амаким, — ўқувчи болаям «уч» оладими?

— Ўзи қўяди-да...

---

[1], [2], [3] — А. С. Пушкин сатрлари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ким? Ким экан у — бизни жиянга «уч» қўядиган? Қани, қулоғидан бир чўзиб қўяй?!

— Ие, амаки, ўқитувчиларниям қулоғидан чўзса бўладими?

— Эмасам-чи!

— Амаки, унда... муаллима опанинг қулоғидан секинроқ чўзинг, хўпми? — дейман мен. — Муаллима опа яхши. Кейин... яхши кўрган йигити боксёр, биззи уйда туради.

— Э, шунақами? — Меҳмонлар шарақлаб кулиб юборишади. Мен уялиб ерга қарайман. Кейин уятни ҳам йиғиштириб, амакимнинг тиззасини от қилиб миниб оламан. Чуҳ, ҳа-а, чуҳ!

— Қишлоққа опкетайми? — дейди у қўлимга битта олмани бериб. — Кетасизми?

— Қишлоғингларда нима бор? — деб сўрайман мен.

— Ҳамма нарса: олма, анор, ўрик, хўтик...

— Э, олма билан анор «Алифбе»даям бор! — деб «от»га қамчи босаман мен. — Мультфильмдаги ёки жунглидаги нарсалардан йўқми?

Амаким ўйланиб қолади.

— Ҳм... Жунглидаги нарсами? Бор! — дейди озгинадан кейин. — Эшакдай келадиган този кучугимиз бор!

— Ҳанграйдими?

— Нима?

— Кучук-да!

— Нега?

— Ахир, эшакдай келади-ку?!

Амаким бошидан дўпписини олиб, бир оз ўйланиб турадди-да, хахолаб кулиб юборади:

— Йўқ, бошқа итлардай вовуллайди.

— Э, унда қизиғи йўқ экан. Унақаси...

— Шуҳ-рат! — деган овоз эшитилади ошхонадан. — Ўзингдан каттага гап қайтарма! Қани, марш ичкарига! Дарсингни қил! Тез!

— Бирпас ўтирай.

— Мен кимга айтяпман!

— Ойи...

— Майли, ўтирса ўтирибди-да, — деб орага қўшилади амаким. — Келин, бу, сира қишлоққа ўтай демайсизлар? Ҳар келиб-кетганимда қариндош-уруғлар, яна опкемадингизми, деб қийин-қистовга олади. Нима деяримни билмай қоламан. Хижолат бўларкан-да, одам...

— Шароитимизни кўриб турибсиз-ку, — дейди ойим бошини ошхонадан чиқариб. — Дадасининг қўли сира ишдан бўшамайди. Дам олиш кунлариям ҳаловат йўқ. Шуҳратчик ўқишга борганидан бери-ку, оёқ-қўлимиз ипсиз боғланди-қолди. На унга улгурамиз, на буғдойга. Агар дадасининг отпускаси бунинг таътилига тўғри келса, билмадим...

— Ҳа-а, — дейди амаким дастурхон четини буклаб. — Шароитингларни билиб турибман-а... Ўғилча йигит бўп қопти, отасининг киндик қони тўкилган ерларни кўрсин, қариндош-уруғини танисин, дейманда. Кўзимиз очиқлигида бир-бировларини танитиб қўймасак, эртага ким бору ким йўқ...

— Ўзимиз ҳам бормоқчи бўлиб юрибмиз, лекин ноилож...

— Ҳа, ишқилиб омон бўлинглар.

— Айтганингиз келсин. — Ойим шундай деб яна ошхонага кириб кетади. Амаким бошимни силаб, мени ўзига қаратади.

— Қишда ўзим билан қишлоққа опкетаман, — дейди кўз қисиб. — Ҳаммаёқни кўрсатаман. Тўйга, улоққаям борамиз. Хўпми?

— Хўп! — деб бош силкийман мен.

Амаким хурсанд бўлиб кетади. Мўйловларини ботириб юзимдан ўпади. Қитиқлаб эркалайди.

Кейин стол тагидан халтасини олади. Худди анови эртакдагидек, сеҳрли халта у. Сек-ин боғичини бўшатиб очади. Қарабсизки, стол усти мевага лиқ тўлиб турибди-да: олма, анор, нок, шафтоли, ўрик!..

— Бу... менгами? — деб аста сўрайман мен.

— Сизга! — деб жавоб беради амаким. — Ҳаммаси сизга!..

Пастда болалар «уруш-уруш» ўйнашяпти. Зокир билан Шокир йўлбарс овлагани ҳайвонот боғига кетяпти. Гулноз қўғирчоғини кўтариб Дилнозникига меҳмонга жўнаяпти... Битта мен балконда ўрик еб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

данагини чақиб ўтирибман. Хўв, майдончадаги катта «қўзиқорин» тагида пальтосига ўраниб Ҳикмат ўтирибди. Тепадан мағиздек бўлиб кўринади. Шарт оғзимга солиб еб қўярдиму қўлим етмайди. Уларнинг уйига меҳмон келмайди, ейишга мағиз-пағизи ҳам йўқ. Раҳмим келади. Чўнтагимни мағизга тўлдирдиму югуриб пастга тушдим.

— Ҳа, ўтирибсан? Бир ўзинг, ўйнамасда-а-ан?..

— Сундоқ... Ёғос кўтариб югурисдан зерикдим, — деди Ҳикмат бурнини қўли билан бекитиб.

— Ҳа-а... Шу ўйин мениям жонимга тегди. Ўзлари ўйнайверишсин жиннига ўхшаб. Биз мағиз еймиз!

— Мағиз! Қанақа мағиз?.. — Ҳикмат қўлини бурнидан олди. — Қани-чи? Во-ой, роса ширин бўлса керак, а?

— Ширин ҳам гапми! Ма, ол-чи.

— Менга бўлмайди... — деб ютинди Ҳикмат, юз қават дока ўралган томоғини силаб. — Дўхтир опа уришади. Ширин нарса есанг томоғинг баттар ишиб кетади, деган.

— Э, шунга ишондингми? Тунов куни менга: «Оғритмайди, конфет егандай бўласан», деб укол қилувди. Ўшандан бери конфетни кўрсам, орқам оғрийди... Ишонма!

— Мен-чи, мен, анави Қўчқор сартарошни ёмон кўраман, — деди Ҳикмат. — Сочимни ўзи йиғлатиб оладию яна: «Раҳмат демасанг дадангни соқолини олмайман», деб қўрқитади. Тунов куни бопладим. Раҳмат, дедиму ичимда совлиқ деб сўкдим.

— Боплабсану! — деб чўнтагимдаги мағизни аста тушира бошладим.

— Шуҳ, — деди Ҳикмат яна ютиниб. — Битта-иккитаси ҳеч нарса қилмас, а?

— Билмадим, — деб елка қисдим мен.

— Кўпроқ есам-чи?

— Унда томоғинг шишиб кетади.

Ҳикмат бирпас ўйланиб турди-да, қўлини чўзди:

— Э, нима бўлса бўлди! Ташла жичча!

Биз пистачи кампирлардек «қўзиқорин» тагига ўтириб олиб, маза қилиб мағиз ея бошладик. Шу пайт олдимиздан Ҳикматнинг сочи елкасигача тушган акаси ўтди — ашула айтадиган қутисини варанглатиб.

— Ҳикмат, даданг уришмайдими? — деб сўрадим акасининг сочига қараб.

— Э, йўқ, ахир у тўққизинчида ўқийди-ку, — деди Ҳикмат. — Ҳали мўйлов ҳам ўстирмоқчи. Катта бўлай, кўрасан, мен ҳам сочимни олдирмайман.

— Мен ҳам... такага ўхшаган мўйлов қўяман: узу-ун, худди амакимникидай.

Кавшанаётганимизни кўриб Эргаш амакининг малла юнглари ўсиқ лайчаси югуриб келди. Тиззамга бемалол оёғини қўйиб, тугмачадек бурнини чўзди.

— Яхши ит, опоқ ит. Ма! — деб мағиздан ташладим. Тузик уни ҳаводаёқ илиб олиб, бирпасда қусирлатиб чайнадию ютди-юборди.

— Эргаш амаки яна ҳайдаворипти, — деди Ҳикмат. — Қара, қорни оч. Мастлигида ҳайдаворади-да, кейин ўзи қидириб юради. Ҳаммаёғи — кир.

— Эҳ, мен Тузикнинг ўрнида бўлганимда борми, шарт думбасидан тишлардим. Қани, ҳайдаб кўрсин-чи, кейин! Тузик комне!

— Шуҳ, ке боқволамиз уни? Сизларнинг уйингларда яшайди. Мен унга овқат опчиқиб тураман. Хўп?

— Э, бўлмайди. Уйга янги гилам солганмиз. Яқинда. Ўзинг...

— Уйдагилар қўйишмайди. Биласан-ку, ўзинг... — деб чайналди Ҳикмат. Кейин ўтириб Тузикни силади. Бурнига қўлини тегизди: — Қара, мармаладга ўхшаркан.

— Ҳикмат! Ҳи-икмат! — Тепадан эшитилди таниш овоз. — Итга қўлингни теккизма!

— Нега, ойи?

— Э, нега бўларди, юқумли касали бўлиши мумкин. Инфекция! Коч, олдидан!

— Сиз қаёқдан биласиз?! — деди хафа бўлиб ит. — Соппа-соғман-ку!

— Яна гап қайтаради-я! Соппа-соғ эмиш! Қани, ҳужжатинг борми? Йўқ?! Э, унда гапиришни сенга ким қўйибди! Даф бўл, бу ердан. Ҳозирги итларгаям ҳайронсан киши. Биззи пайтларда одамни кўрдими — думини қисиб қочарди, аблаҳлар! Ҳозиргилари юзингда кўзинг борми демай гап қайтаради!

Тузик Ҳикматнинг ойисига қараб яна бир балолар деди-да, чопиб уй орқасига ўтиб кетди.

— Ҳой, Раҳмат, укангга қарасанг бўлмайдими? — деб катта ўғлига ёпишди Ҳикматнинг ойиси. — Қачон қарама қаёқдаги исқирт нарсаларга илакишиб юради. Ака бўлиб, мундоқ укамга қарай ҳам демайсан-а?!

Қизлар олдида гап сотиб турган Ҳикматнинг акаси ойисига олайиб қаради:

— Тинч қўясизми, йўқми, мам?

— Ана, кўрдингми, — деди Ҳикмат бурнини тортиб, — уйга итни қўйиб бўпти булар!

Шу пайт подъезддан сочлари тўзғиган, кўзлари қипқизил Эргаш амаки чиқиб келди. Бошини солинтирганча у бирпас ерга тикилиб турди-да, кейин биз томонга қараб юрди.

— Энди нима қиламиз? — деди Ҳикмат қалтираб. — Ю-юр, қочамиз! У... ёмон...

Унинг гапини эшитиб мен ҳам қўрқиб кетдим.

— Тайёрланиб тур, — дедим секин қўлини туртиб. — Бир нарса қилса ойингни чақирасан...

«Қоровул чолнинг олдига бора кўрманглар», деб уқтиришган бизга, Эргаш амакининг супургиси атрофида ўралашаётганимизни кўриб.

«Нега?» деб сўраганмиз биз.

«Нега бўларди, жин теккан ўша пиёнистага!»

«Бу — нима дегани?»

Ҳеч нарсага «тушунмаётганимизни» кўриб, бармоқларини чаккаларига нуқиб кўрсатишган: «Етиб бордими энди?»

— Итимни кўрмадингларми, йигитлар?

Ҳикмат қўрқувдан даф-даф титраб бош чайқади. Қизлар, ҳар галгидек «ҳиринг-ҳиринг» қилишди. Мен қўрқа-писа Тузик югуриб кетган томонни кўрсатдим.

— Раҳмат... — Эргаш амаки гандираклаб уй орқасига ўтиб кетди.

Анча пайт жим ўтирдик. Энди кетмоқчи бўлиб турганимизда Тузигини қучоқлаб Эргаш амаки пайдо бўлди. Итнинг ҳаммаёғи лой, очкўзлик билан эгасининг юзини ялаяпти.

— Ариққа тушиб кетибди, — деди Эргаш амаки илжайиб. — Болалар тошбўрон қилишаётган экан бечорани... — У Тузикнинг ҳўл юнгидан ўпиб, қоронғи йўлакка қараб юрди. Йўлакдан чиқиб келган тўрхалта кўтарган кампирни кўриб, тўхтади. — Ассалому алайкум, хола! Чарчамай, бардам-бақувват юрибсизми? Бод энди қийнамаяптими?

— Шукур, Эргашжон ўғлим, шукур... Ўзинг тузукмисан, ишқилиб?

— Раҳмат. Мана, кўриб турибсиз-ку...

— Ҳа. Ишқилиб, омон бўл, — деди кампир. Амаки кучугини кўтариб подъездга кириб кетиши билан шанғиллади: — Вей, бу Эргаш эсини еб қўйибди-ку, одамлар!..

Ҳамма бирпасда уйининг балконига югуриб чиқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Одамлар! — деб бақирди кампир яна. — Гулдай хотинини ҳайдаб, қариганда... куни дайди итга қопти!

— Ит билан дўст бўлганнинг ҳоли шу-да! — деб илиб кетди ялтироқ кўйлакли семиз хотин. — Йигит ўлгур гиналарини унутиб, хотинини ўшанда етаклаб келганида-ку, ҳеч гап бўлмасди. Одамгарчиликни йўқотиб, ароққа мук тушганидан кейин шу-да!

Балкондагилар бирпас уларнинг гапларини эшитиб туришди-да, қўл силтаб бирин-кетин уйларига кириб кетишди. Кампир билан ялтироқ кўйлакли хотин жаврай-жаврай магазин томонга қараб йўл олишди.

— Мен кетдим. Дори ичадиган вақтим бўлди, — деб ўрнидан турди Ҳикмат.

— Яна бирпас ўтир, ўрик опчиқардим?

— Э, йўқ. Уҳу-уҳу-уҳу... Кўрдинг, томоғим оғриб кетяпти. Энди роса гап эшитаман ойимдан.

— Менга қара, Ҳикмат, Эргаш амаки яхши одамми?

— Билмадим. Ёмон бўлса керак, ҳар куни ичиб келади-ку. Дадам, ароқни ёмон одамлар ичади, деганлар.

— Унда нега менга «раҳмат» деди?! Ёмон одамлар «раҳмат» демайди-ку?

— Ҳа-я, эсимдан чиқибди... Унда яхши одам экан-да.

Мактабга боравершда, йўлда, баланд девор бор. Девор орқасидан узун олма шохи чиқиб туради. Шохда бор-йўғи иккитагина олма қолган: бири қизил, чиройли; иккинчисини қурт еган. Ҳар куни мактабга кетаётиб шу девор олдида тўхтаймиз.

— Оҳ, қизили роса ширин бўлса кераг-а, — дейман шохдаги олмаларга қараб.

— Қурт егани ширинроқ, — дейди Ҳикмат оғзининг суви келиб. — Акам шундай дейди, доим менга қурт еганини беради, ўзиям...

— Акаси айтганмиш! Нимани биларди, ўша аканг? Агар мен қизилини, сен қурт еганини олиб борсанг, Феруза қайсинисини оларди, а?

— Меникини-да! Ахир, ёнимда ўтиради-ку!

— Китоби билан бошингга боплаб тушираради! Билдинг? Қизлар қуртдан қўрқишади. Қурт еган олмадан ҳам!

Феруза — мактабимизда энг яхши ўқийдиган қиз. Карражадвалини ёддан билади. Минггача кўзини чирт юмиб санаб беради. «Алифбе»нинг хоҳлаган еридан шариллатиб ўқиб кетаверади. Сочиям ҳамманикидан узун: нақ елкасидан келади. Тортишга осон. Лекин биттаси тортиб кўрсин-чи, қани, нима қиларканман!

Ҳикмат ҳам шундай деб мақтанади. Мақтангани билан Ферузанинг сочидан тортсам индамай тураверади. Мана, бугун Ферузанинг ёнига ўтириб олсам миқ этмади. Бирпас кўзини лўқ қилиб турди-да, индамай менинг жойимга бориб ўтирди.

Дарсга қўнғироқ бўлди. Ҳамманинг овози ўчиб, сумкасидан китоб-дафтарини олди.

Сочларини орқасига ёйиб юрадиган муаллима опа синфга кириб келиши билан ҳамма ҳар томондан чувиллай кетди:

— Опа, Абуни қаранг, партага отини ёзипти!

— Ҳаби сочимдан тортмасин, опа, айти-и-инг!

— Дарс тугашига қанча қолди, соатизга қараворинг?!

— Бугун атай ўқиб келувдим. Доскага чиқсам «беш» қўясизми?

— Уйга бориб келай, пулим қопкетипти?

— Бўлди! Бўлди, болалар, жим! — деб бақирди муалимма опа столни сумкачаси билан уриб. — Қоидани бузмай, қўл кўтариб навбат билан гапиринглар. Бўлди, жинни бўлманглар энди!..

Ана шунақа. Синфда мендан бўлак ҳамма жинни. Негаки, партага отимни эмас, фамилиямни ёзаман. Пулим қопкетибди, деб ўтирмай, танаффусда бошқаларникига шерик бўламан. Биров сочимдан тортса ўқитувчигаям айтиб ўтирмайман: шартта юзига чанг соламан. Ҳикмат ҳам муаллима опага бир нарса деб нолимайди-ю, барибир жинни — соғ бўлганида сал нарсага ғалва кўтариб ўтирмасди...

Танаффусдан келсам, Ферузанинг ёнида ялпайиб Ҳикмат ўтирибди!

Жаҳлим чиқди:

— Қани, тур, жойни бўшат! — дедим.

— Нега турарканман? — деб партага маҳкам ёпишиб олди Ҳикмат. — Муаллима опа бу ерга мени ўтқазган, сени эмас. Билдингми?!

Кулгим қистади:

— Кўп бидирлама, томоғинг оғриб қолади. Дўхтир опангдан гап эшитасан, — дедим.

Ҳикмат шолғомдай қизариб кетди:

— С-сени... с-сени орқанг оғриб қолади. Укол егансан! — деб бақирди.

— Э, ишқилиб, сенга ўхшаб иштонимни ҳўллаб қўймасам бўлдими, — дедим илжайиб.

— Н-нима-а?! — деб бақириб юборди Ҳикмат.

— Эшитганинг...

Қизлар юзларини четга буришди. Феруза рўмолчаси билан оғзини беркитди. Ҳикмат уятдан шолғомдек қипқизариб кетди.

— Нима, бу жойга ҳужжатинг бормиди? — деб ойисини гапини қайтарди у. — Бўпти, Ферузадан сўраймиз. Қани, ким билан ўтираман деркан. Феруза, ўзинг айт?!

— Ҳикмат яхши бола, — деди Феруза ерга қараб. — Уятсиз сўз гапирмайди. Дарсда ҳам жим ўтиради.

— Ана! — деб қичқириб юборди Ҳикмат. — Қалайсан энди?

Жаҳлимни ютиб, яна ўзимнинг жойимга бориб ўтирдим.

Яхши боламиш. Уят сўз гапирмасмиш. Дарсдаям жим ўтирармиш! Ана, Ҳаби, доим нималарнидир кавшаганикавшаган. Жичча бер, десангиз дарров папкасига яширади. Дарсдаям овози чиқмайди — жим ўтиради. Нима, яхши болами у ҳам?

— ...Исҳоқов? Ҳой, ухлаб қолдингми? Сенга гапиряпман, Шуҳрат!

Сакраб жойимдан турдим.

— Болалар, дафтарларингни олинглар. Ҳозир ҳисоб дарси. Тез, тез. Дилноз, қани, жойингга ўтир! Ручкангни чайнама, Гулноз! Бўлди, болалар, жим! — деди муаллима опа синфдагиларга қараб. Кейин менга ўгирилиб. — Дарсда ухлаш мумкин эмас-ку, Шуҳрат, — деди. — Агар одам кундуз куни ҳам ухлайдиган бўлса Коалага айланиб қолади. Эсингдан чиқмасин. Хўпми?

— Опа, Коала ким? — деб сўради биттаси.

Муалимма опа юриб, унинг олдига келди.

— Коала — ҳайвон, шу сабабли «ким» эмас, «нима» сўроғига жавоб бўлади, — деди унинг бошини силаб. — Коала — сут эмизувчилар туркумига кирувчи ҳайвон. Кўпинча Австралиянинг шарқий қисмида учрайди. У жудаям ювош, беғам ва ялқов, кечасию кундузи шовқин-суронга қарамай, дарахтга осилиб ухлайверади. Фақат қорни очқагандагина уйғонади. Худди бизнинг Шуҳратга ўхшаб.

— Ухлаганим йўқ. Уй вазифасини ўйлаб ўтирувдим... — деб ёлғон гапирдим мен.

— Шунақа де? Кечирасан, билмапман. Бўпти, дарсни бошладик унда. Ҳозир доскага чиқади... доскага чиқади... Шуҳрат! Овора бўлиб уй вазифасини тайёрлаб кепсан, майли, сен чиқа қол!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бекор алдабман. Бўйнимни қисиб, секин доскага чиқдим.

— Энди саволни эшит. Сенда олтита олма бор эди. Ҳаммасини бир ўзинг еёлмадингу тенг ярмини Ҳикматга бердинг...

— Унга биттасиниям бермайман. Ёрилиб кетсам ҳам бир ўзим ейман...

— Нима учун? Ахир, у дўстинг-ку?

— ...

— Майли, истамасанг — берма. Бир ўзинг есанг ҳам розимиз. Мен буни мисол қилиб гапиряпман. Тушунарлими? Хўш, дейлик, олтита олманинг тенг ярмини единг. Қўлингда нечта қолди?

— Иккита.

— Нечта?

— Иккита. Биттаси қизил, чиройли, иккинчисини қурт еган...

Ҳамма хахолаб юборди. Муаллима опа ҳам оғзини қўли билан тўсиб, илжайди. Ҳаммадан кўп Ҳикмат кулди. Қорнини ушлаб қотиб-қотиб кулди. Олма бермаганим алам қилди, шекилли.

— Ўйлаб жавоб бериш керак, Шуҳрат, — деди муаллима опа кулгидан зўрға тўхтаб. Кейин синфдагиларга қаради: — Бўлди, болалар, жим! Бировнинг хатоси устидан кулиш эмас, уни вақтида тўғрилаш керак. Шуҳрат қаерда хато қилди, қани, ким айтади?

— Мен!

— Мен!!

— Мен!!!

— Қани, Феруза.

Феруза сакраб ўрнидан турди:

— Бидир-бидир, бидир-бидир, бидир-бидир, бидир... Ана шу!

— Тўғри! Эшитдингми, Шуҳрат. Хай, майли, ўтира қол! — Муаллима опа шундай деб синф дафтарини очди. Йўқ «икки» қўймади. Минг ялингани билан Феруза ҳам «беш» ололмади. Лекин, барибир, алам қилди. Айниқса, Ҳикматнинг устимдан қотиб-қотиб кулгани. Яна чин ўртоқ, «бир маҳалланинг боласи» эмиш-а! Сотқин! Ҳали қараб тур, бир ўчимни олмасамми! Кўчага чиқасан-ку, ҳали...

Лифтда бешинчи қаватгача чиқдим. Еттинчи қаватнинг тугмачаси тепада — бўйим етмайди. Ойим яна қаёққадир чиқиб кетипти. Қўшнимизникидан калитни олиб, ичкарига кирдим.

Бирпасдан кейин эшик тақиллади.

Бу — Ҳикмат. Унинг ҳам бўйи қўнғироқ тугмасидан сал пастроқ.

Оёғимнинг учида секин эшик олдига келдим.

— Шуҳ, эшикни оч, — деди Ҳикмат эшик орқасида турганимни сезиб.

«Оч», эмиш. Очадиган аҳмоқ борми. Очмадим.

— Шуҳ, ке, оча қол энди?

Яна очмадим. У яна ялинди:

— Шуҳ, оч, зўр нарса опкелдим.

— Нима?

— Кўкракка тақадиган нишон. Зўр! Очгин, кўрасан.

Секин эшик тирқишидан мўраладим.

— Қани? Вуй, чиройли-ку! Майли, кир, — деб эшикни очдим. — Бу... ҳалиги... менгами?

— Сенга! Қара, ярашганини. Акамнинг кўйлагидан ечиб олдим.

— Ростданам ярашипти. Акангдан калтак емайсанми?

— А-а, уриб кўрсин-чи. Чўнтагида қўшни қизнинг суратини олиб юришини айтиб бераман.

— Ҳа-а. Унда, юр, уйга. Чой ичамиз.

Етаклашиб ошхонага кирдик.

— Шуҳ, — деди Ҳикмат чой ҳўплаб, — мен катта бўлсам космонавт бўламан. Кейин менинг суратимниям кўкракларига тақиб юришади.

— Жа-а, сени суратинг кимгаям зарил. Мана мен боксчи бўламан. Суратим газетада чиқади!

— Шуҳ, кеча зўр кино бўлди, кўрдингми? Жосуслар ҳақида: пах-пах-пах, трах — ўлди...

— Кечами? Йўқ, кўрмадим. Биласан-ку, биззи телевизор бошқача. Кейин сизлардан бир қават тепада турамиз...

...Ичкари уйдаги каравотда юмалаб ётибман. Хона қоп-қоронғи, чироғи ўчиқ. Деразадан ҳам ёруғ тушмайди. Кўчадаги чироқ ҳам ёнгани йўқ.

Нариги хонадан телевизор овози эшитилади: пах-пах-пах, трах... Кеча Ҳикматларнинг телевизорида бўлган кино бугун бизникида бўляпти.

Мен бўлсам юмалаб ётибман. Ёстиғим йиғидан ҳўл. Бугун ойим билан дадам уришиб қолишди.

— Меҳмонларингиз янги солган гиламимни ифлос қилишди! — деди ойим.

— Қизиқ гапларни гапирасан-а, — деб бош чайқади дадам. Қаёқдаги намат одамдан азиз бўптими?

— Ҳо-о, уйингизда ўша «намат» бўлмасин-чи, биров қадам босармикан?! Менга-ку, барибир-а, дўстдушман олдида сизнинг обрўйингиз тўкилмасин, дейман. Билдингиз?

— Биринчидан, одам танлайдиган меҳмонларга муҳтож жойим йўқ. Иккинчидан, мен осмоннинг устуни эмас, оддий бир олимман, холос...

— Мен бўлсам маданиятли уй бекасиман!

— Мен-чи, мен?

— Сен... намунали шаҳар мактабининг ўқувчисисан! Гап қўшмай, жим тур, зумраша!

— Бу гапингни қўй, — деди дадам. — Мени... қариндошларим ҳам ўзимга ўхшаган тўпори одамлар. Ерга жой қилиб берсанг ҳам худо деб ўтираверамиз.

— Ҳа, ҳали шунақами? — Ойим ўтга текизилган гугурт донасидай ёниб кетди. — Ердаям ўтираверамаи, денг. Ҳу, ордона қолсин! Ҳозир, ҳозир балкондан ташлаб юбораман ўша савилни!

— Бемалол! Фақат бирпасдан кейин тушиб опчиқишингга тўғри келади. Қўрқитмай қўя қол!

— Ҳали... ҳали шунақа денг?! — Ойим энди кўзига ёш олди.

— Ўт қўяман, ҳаммасини ёндириб чиқиб кетаман! Бунақа уйнинг боридан йўғи!

— Ойи, кейин уйимизга ўт ўчирувчилар келадими? — деб яна орага суқилувдим, дадам қўлидаги пиёлани тушириб кулиб юбордию ойимнинг баттар жаҳли қўзиб, укол еган жойимга бир туширди. Йиғлаб юборувдим, кўтариб каравотимга опкириб ташлади. Мана...

Йиғладим. Кўзимда ёш қолмагунча йиғладим. Ҳали қараб туришсин, қишлоққа қочиб кетаман. Амакимникига. Олма, анор, ўриклари кўп — маза қилиб ейман. Яна амакимнинг зўр кучуги бор. Тузикдан ҳам катта. Нақ эшакдай келади. Този. Уни миниб, улоққа бораман.

Мен ётган каравотнинг ён томонида кичкинагина гиламча осиғлиқ. Ҳар куни шунга қараб ухлайман. Бўри қуённи қувлаб кетяпти. Қувяпти, қувяпти — ҳеч етолгани йўқ. Худди мультфильмдагидек! Кечаси тушларимгаям кириб чиқади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — минг қувгани билан тушимдаям қуённи ушлаёлмайди. Кеча ушлаёлмади. Ўтган куни ушлаёлмади. Бугун... ишқилиб, бугун ҳам ушлаёлмасин-да... Уш-ла-ёл-маси-и-ин...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Александр Сергеевич Пушкин

ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН

(Шеърий романдан)

Ўзимнинг бу камтарин меҳнатимни «Евгений Онегин» сари илк бор йўл очган улуғ устоз Ойбек хотирасига бағишладим.

ТАРЖИМОН

Petri de vanite il avait encore plus de cette espece d'orgueil quifait avouer avec la méme indifférence les bonnes comme les mauvaises actions, suite d'un sentiment de supériorité, peut-etré imaginaire.

Tiré d'une lettre particulière*

Кибор элга битмадим эрмак,
Олқаб дўстлик илтифотини,
Аҳдим — сенга армуғон этмак
Муносиброқ дил баётини.
Арзигайдир гўзал қалбга то
Тирик ҳамда ойдин шеърият,
Бир муқаддас ўйлар унда жо,
Ҳам соддалик, ҳам олий ният.
Кел, қўлингни узат энди, о,
Олгил рангин боблар дафтарин,
Сал кулгули, қайғулидир сал,
Халқонаю оддий, мукаммал,
Завқларимнинг камтар самарин.
Илҳом уйқу бермаган тунлар,
Хом ва сўлғин йилларим — сенга.
Совуқ ақл таратган унлар
Ва ҳасратли юрагим — сенга.

* У шуҳратпарастликка мойил бўлиб, бунинг устига яна алоҳида бир мағрурликка ҳам эга эдики, бу мағрурлик, балки хаёлий бир устунлик туйғуси натижасида, ўзининг яхши ҳаракатлари каби ярамас қилиқларини ҳам бирдай бепарволик билан тан олишга мажбур этар эди.

Шахсий мактубдан (Французча)

Биринчи боб

Ҳам яшашга ошиқар,
ҳам шошар ҳис этмакка.
К. Вяземский

I

«Дучор бўлиб бедаво дардга
Тартибпараст аткам бечора,*
Қистар ўзин ҳурматламакка
Ва топмасди авлороқ чора,
Бошқаларга бу қилмиш — ибрат;
Лекин, тангрим, қандайин кулфат,
Жилмай бемор ёнидан ҳеч ҳам,
Қараб ётмоқ кундуз ҳам, кеч ҳам!
Қандай тубан — найранг, ёлғонлар,
Тирикмурда кўнглин овутмоқ,
Ёстиқларин тўғрилаб ўтмоқ,
Маъюс элтмоқ дори-дармонлар;
Хўрсинмоқ ва айтмоқ бесадо:
Қачон сени кўтаргай худо!»

II

Еш шумтака ўйларди нуқул
«Почтовой»да дала-қир оша.
Қодир Зевс иродаси шул —
Барча хешлар вориси — ўша.
Эй, Людмила-Руслан ёрони,
Достонимнинг бош қаҳрамони —
Муқаддима этмай шу соат
Таништирай, айланг ижозат —
Онегин бу, танти бир ошнам,
Туғилгандир Нева бўйинда.
Туғилгансиз ё сиз ҳам унда,
Е кезгансиз, ўқувчим, яшнаб;
Сайр этганман мен ҳам бир замон,
Аммо шимол мен учун зиён[1].

III

Хизматини ўтаб мардона,
Қарз-қурз ила яшаб отаси,
Бал берарди йилда уч бора,
Сўнг шип-шийдам бўлди хонаси.
Евгенийни асради фалак,
Қараб юрди Madame — малак,
Сўнг Monsieur алмашди ўрин;
Бола шўхроқ эди-ю, ширин.
Monsieur бу — ночор бир фаранг,
Ўксимасин дея шул бола,
Сабоқ берди ҳазиллар ила,
Насиҳат-ла қилмади гаранг.
Шумлик қилса, койир беозор,
Ёзги боққа айлашар гузор.

IV

Ўспиринлик — беором фасл,
Нозик дарду умидлар ундан.
Евгений бу ёшга етган йил
Monsieurни ҳайдашди уйдан.
Мана энди Онегин озод,
Сўнг наъмада соч қўйдириб шод,

* Атка — амаки.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қийиниши — Лондон dandu[2]си,
Кўрди кибор дунё ёғдусин.
Энди фаранг тилида эркин
Еза билар, бемалол сўйлар;
Мазуркага чарх уриб ўйнар,
Таъзим бажо келтирар секин.
Боз не керак? Киборлар охир
Тан берди: у — суюмли, оқил.

V

Ўқиганмиз барчамиз оз-моз
Ниманидир, қандайдир, бир қур.
Тарбиядан биз мақтансак соз,
Ажаб эмас, худога шукур.
Нечаларнинг фикрига кўра,
(Қатъий зотлар ҳукмига кўра).
Онегин сал олим-у, педант,
Бордир унда бахтиёр талант:
Суҳбатларда қийналмай аста
Ҳар соҳадан чўқир бир дона;
Зўр тус олиб донишмандона
Сукут сақлар муҳим баҳсда.
Митти шеърий ҳажв ила лекин
Хонимларни кулдирар секин.

VI

Латин қолди расмдан буткул,
Ҳақиқатни сўйласам талай.
Латинчани хийла билар ул —
Эпиграфни фарқлар, ҳар қалай.
Ювеналдан гаплар ҳам сотар,
Хат сўнгида uale* деб битар.
Тутилса ҳам айтар ёдидан
Икки шеърни Энеидадан.
У, тарихлар чангига ботиб
Қадим дунё кечмиши аро
Изғимоқни севмайди асло,
Аммо Ромул давридан тортиб
Шу кунгача бўлган ва кезган
Латифани чиқармас эсдан.

VII

Умрин ҳаёт садоларига
Бахш этмоққа йўқ унда ҳавас.
Ямб ва хорей ароларида
Не фарқ бордир, уринманг, билмас,—
Сўкар Ҳомер, Феокритни;
Аммо ўқир Адам Смитни —
Иқтисодчи эди у, демак,
Мулоҳаза қиларди андак:
Давлат қандай бойийди олдин,
Сўнг не билан кечирар ҳаёт,
Бўлса унда **оддий маҳсулот,**
Кераксиздир не учун олтин.
Тушунмади отаси уни
Ва гаровга берди мулкини.

VIII

Евгенийнинг барча билганин
Сўйламоққа фурсат менда кам.
Қайси бобда у даҳодир чин,
Қай илмни билар чинакам? —
Кунлар бўйи унинг таянчи,
Заҳматию ғами, қувончи,
Ялқов умрин тўлдирган хилқат —
Бу муҳаббат илмиким, бир пайт
Назон уни куйлаб ўтганди;
Жабр чекиб шундан, диёри
Италиядан қувилиб бориб
Молдавияни макон этганди;
Умри унинг — порлоқ, исёнкор,
Чўллар аро тинган эди зор.

IX

. . . . . .
. . . . . .
. . . . . .

X

Риё касбин уқди жуда тез:
Яширади умид ва рашкни,
Кўринади мунглуғ, ғамангиз,
Билар ишонтириш, аврашни.
Гоҳ мағруру гоҳ итоаткор,
Гоҳ бепарво, гоҳ боэзтибор!
Сукутлари нечоғ хуморли,
Сўзлашлари нечоғ чиройли.
Ишқий хатда лоқайд қандайин!
Бирин севиб, бири-ла кезиб,
У унута биларди ўзин,
Қарашлари кескин ва майин.
Уятчан ва беор, баъзида
Йилтирайди ёшлар кўзида!

XI

О, у қандай ўзгариб бирдан,
Маъсумликни ҳайратга солар.
Чўчитар-у, маъюслик бирлан,
Ширин сўйлаб юпата қолар.
Тутиб олиб меҳр лаҳзасин,
Кейин иффат мулоҳазасин
Енгиб ақлу эҳтирос ила,
Эркалашлар кутгач ноз ила,
Розилигин сўраб тиришар;
Тинглар қалбнинг илк садосин, оҳ,
Муҳаббатни азоблаб, ногоҳ
Сирли висолга ҳам эришар...
Сўнг хилватда сукунат чоғлар
Жононага берур сабоқлар!

XII

У жуда тез ўрганди — танноз
Юракларни ўйнатиш йўлин.
Рақибларин агар у поққос
Йўқотмоқни истаса, тилин
Заҳар қилиб ёмонлар чунон!
Ҳам тузоқлар қўяди ёмон!
Эй, бахтиёр эрлар, лекин сиз
Уни дўст деб билдингиз, эсиз;
Уни суяр мунофиқ эр ҳам,
Ё Фобласнинг толиби борми,
Ё ишончин йўқотган чолми,
Суяр уни ғофил тақсир ҳам,
Мамнун зот ҳам — ўз куни билан,
Тушлигию хотини билан.

XIII. XIV

. . . . . .
. . . . . .
. . . . . .

XV

Турмасданоқ ҳали ўриндан,
Кўп қоғозлар келади унга.
Не бу? Таклифномами? Бирдан
Уч хонадон чорламиш уйга.
Бал, ўсмирлар байрами унда,
Қайга сапчир арзандам шунда? —
Кимдан бошлар? Бироқ барибир
Ҳаммасига улгурар бир-бир.
Кенг боливар[3] қўндириб бошга,
Бўлаверар сайргоҳга равон,
Эрталабки либосда ҳамон;
То брегет-соат ҳам тушга
Садо бериб чорлагунча боз,
Кенг майдонда сайр этар бир оз.

XVI

Кеч тушади. Эркам — чанада.
Учар «Пўшт-пўшт!» деган қичқириқ.
Кумушланар қорлар чангида
Унинг қундуз ёқаси — тиниқ.
Елар Talon[4] майхона томон,
Кутар унда Каверин, аён.
Кирар, тиқин думли юлдуздек
Шипга учар, май тошар, муздек.
roast-beef — қирмизи таом,
Мана бу қанд — болалик завқи,
Фаранг неъмат гули ҳам балқиб,
Страсбургнинг сомсаси тамом
Яшнар Лимбург пишлоғи, сара
Ва олтинранг ананас ора!

XVII

Боз май истар кўнгил ҳавоси
Қақраб серёғ ул қийма этдан.
Лек брегет-соат садоси
Хабар берар янги балетдан.
Театрда доно ҳукмдор,
Гўзал актёр хонимларнинг зор
Ва беқарор ошиқ-шайдоси,
Саҳна ортин фахрий аъзоси —
Театрга Онегин елар.
Бунда барча эркинлик аро
Рақс олқишлаб, иззалаб ҳатто
Федра, Клеопатрадан кулар;
Ўз овозин ҳар ким баландлаб
Моинани айлайди талаб.

XVIII

О, сеҳрли диёр! Бир замон
Ҳажв устози — жасур эрк дўсти
Фонвизин ҳам топиб унда шон,
Ҳам тақлидчи Княжнин ўтди.
Халқ кўз ёши эрксиз хирожин
Чапакларин баҳам кўрди чин
Озеров, ёш Семёнова ҳам.
Унда бизнинг Катенин ўктам
Тирилтирди Корнель даҳосин;
Нишдор Шаховский алами
Чиқарганди шанғи галани,
Дидло кийган шуҳрат либосин.
Унда — саҳна соясида жим
Ўтди менинг ёшлик кунларим.

XIX

Эй, ҳурларим! Қайларда сизлар?
Етармикин сизга бу фарёд?
Ўшамисиз? Ё оддий қизлар
Ўрнингизни олдими, ҳайҳот?!
Яна тинглаб куйингиз сасин,
Илоҳий рус Терпсихорасин
Кўрурменми самовий рақсин?
Ё нигоҳим танишлар аксин
Топмасмикин безавқ саҳнада?
Ўксиб қолган дурбиним бесўз
Ўзга олам томон буриб кўз,
Шод этгайми лоқайд лаҳзада?
Ё мен эснаб, ютиб унларни,
Ёд этгаймен ўтган кунларни?

* Омон бўл. (Латинча)

www.ziyouz.com kutubxonasi

XX

Бино тўлган, ложалар порлар,
Мавж зўр партер ва курсиларда.
Чапак чалар юраги торлар —
Кўтарилар шиғиллаб парда.
Сир-сеҳрли камонча куйин
Кутиб, кўкка шайланган кўйи
Раққос маъбудалар аро жим
Истомина турар, о, ажиб.
Бир оёқда ер тепиб тездан,
Бир оёқда айланар-қолар,
Бирдан сакрар, бирдан ҳаволар,
Буғ учгандек Эол оғзидан.
Бурар, тиклар қоматин озод,
Оёқларин уриштирар бот.

XXI

Қарсак, олқиш. Кирар Онегин,
Курсилардан ўтгани ҳамон
Дурбинидан боқади секин
Ёт хонимлар ложаси томон.
Қаватларга ташлабон нигоҳ,
Кўрди — юзлар, кийимлар ногоҳ
Қилди ёмон таъбини хира.
Ҳар томонга бош эгиб сўнгра
Эркаклар-ла саломлашди жим.
Сўнг саҳнага боқиб паришон,
Юз бурдию эснади шу он,
Деди: «Барин янгилаш лозим;
Балетга кўп чидадим, энди
Дидлоси ҳам жонимга тегди»[5].

XXII

Ишқ тангриси, илон ва жинлар
Ғавғо қилур ҳали саҳнада.
Хизматчилар ҳориб, пўстинлар
Ушлаб мудрар эшик саҳнида.
Ҳали тинмас топташ, нуқишлар,
Чапак, йўтал, бурун қоқишлар.
Ҳали бино ичу тошида
Фонусчалар йилтирар жуда.
Ҳали отлар депсинар кишнаб —
Эгар-жабдуқ айлаган зада.
Извошчилар гулхан гирдида
Жанобларин сўкар қўл ишқаб.
Онегин ҳам чиқади, мана,
Уйга бориб кийинар яна.

XXIII

Чизарменми аниқ лавҳасин
Танҳо бўлма-хонанинг зинҳор? —
Унда ҳар хил наъма бандаси
Кийим танлар такрор ва такрор.
Ҳаю ҳавас, завқ учун чандон
Неки сотса ул аттор Лондон,
Болтиқденгиз тўлқини букун
Не келтирса ёғоч, мой учун,
Ё очкўз дид Парижда билса
Ниманики гўзал санъат деб;
Нени роҳат, зебу зийнат деб
Ё эрмак деб ихтиро қилса,—
Булар бари безамиш, тайин,
Ўн саккиз ёш файласуф уйин.

XXIV

Қаҳрабодир туркий чилимлар,
Бронзаю чинни бундадир.
Биллур шиша ичра жилвагар
Нозик ҳислар нашъаси — атир.
Тароқ ва ё пўлат аррача,
Тўғри-эгри қайчилар неча,
Чўткаларнинг ўттиздир хили,—
Тиш ё тирноқ учун бир хили.
Руссо — чечан девона бироқ
Англамади (қистириб ўтай)
Грим унинг олдида атай
Тозалади не учун тирноқ[6].
Эрк ва ҳуқуқ кўриқчиси нақ
Шу ўринда тамоман ноҳақ.

XXV

Ишчангина арбоб бўлиб чин
Тирноқларни ўйлаш ҳам мумкин.
Замон билан довлашув нечун?! —
Расм-русум — инсонга ҳоким.
Соний Чаадаевдир Онегин,
Гап-сўзлардан қўрқарди лекин —
Кийинишда педант эди у,
Биз айтгандек, пўрим боди у.
Уч соатлар, энг камида, рост,
Жилмас эди кўзгу ёнидан,
Сўнг чиқарди пардозхонадан,—
Кийиб олиб эркакча либос
Маскарадга чиққан маъбуда
Венерадай солланиб жуда.

XXVI

Сўнгги завқи билан пардознинг
Диққатингиз жалб этиб бутун,
Сиз донолар қошида ёзиб
Қўёлсайдим унинг бисотин;
Бу жасорат бўлар ўзи ҳам —
Тавсиф, ахир, менинг вазифам.
Қаранг: жилет, панталон, фрак —
Бундай сўзлар йўқ бизда бироқ.
Қошингизда айбдорман аммо,
Академик луғатни гарчанд
Титар эдим азалдан ҳарчанд,
Мана, ўзи қашшоқ, бенаво
Бисотимни ажнабий сўзлар
Олақуроқ айлаб, кўз-кўзлар.

XXVII

Бироқ мавзу бошқадир энди,
Ҳозир балга шошганимиз соз.
Аравани киралаб елди
Ўша ёққа Онегин шоввоз.
Тийра уйлар ёнидан бот-бот
Ухлаётган кўчаларга шод
Шўх нур сочиб қўш фонуслари
Аравалар ўтар, тусланиб,
Қор устида камалак чизар;
Теграсида ғужғон чироқлар —
Зўр, муҳташам бир уй чарақлар;
Деразада соялар кезар,
Улар — хоним ва наъмапараст
Тентакларнинг шаклидир, холос.

XXVIII

Мана, етди қаҳрамонимиз.
Эшикоға ёнидан ўқдек
Ўтиб, мармар зиналардан тез,
Сочин тараб қўл билан, чиқди,
Кирди — саҳн одамга тўлган.
Куй ҳам роса гумбирлаб, толган.
Мазуркага оломон банддир,
Атроф шовқин ҳамда тирбанддир.
Отлиқ зобит тепкиси шитоб,
Хонимларнинг оёқчалари
Учар, соҳир ул излар сари
Учиб турар нигоҳлар, олов.
Куй садоси босар яширин
Таннозларнинг рашкли шивирин.

XXIX

Беғам, шайдо кунларим бутун
Бал телбаси эдим, гудозроқ:
Изҳор учун, хат бермоқ учун
Жой топилмас бундан ҳам созроқ.
Эй, муҳтарам эру хотинлар!
Хизматимни қабул этинглар —
Сўзларимни тинглангиз, ҳайҳот,
Ўтинчим шул: бўлинг эҳтиёт.
Онажонлар, сизлар ҳам илло
Огоҳ бўлинг ҳур қизингизни,
Тўғри тутинг дурбинингизни!
Йўқса... Йўқса, асрасин худо!
Бул сўзимга шулдирки изоҳ,
Кўпдан бери қилмайман гуноҳ.

XXX

Ҳайҳот, турфа эрмаклар учун
Қанча умрим айладим исроф!
Ҳануз бални севардим, букун
Дил чекмаса агар изтироб.
Мен севаман ёвқур ёшликни,
Дабдабани, ялпи шодликни,
Хўб безанган хонимларни-да,
Оёқларин севаман жуда.
Аммо бутун Россияда сиз
Уч жуфт бирдай гўзал оёқча
Топгаймисиз? Бир жуфтин қанча
Унутмадим... Тўниб, оҳ, эсиз,
Ёд этаман ҳануз тушларда,
Дил ёнадир ёд этишларда.

XXXI

Қачон, қайда, қайси саҳрода
Унутарсан уни, тентагим?
Эҳ, оёқлар! Сиз қай маъвода
Босмоқдасиз баҳор чечагин?
Эрка ўсиб шарқ ардоғида,
Шимол юртин мунглиғ қорида
Қолгани йўқ сиздан бирон из,
Чунки кўпроқ севардингиз сиз
Юмшоқ гиламларнинг сафосин.
Сиз деб, ахир, унутдим кўпдан
Донг ва мақтов чанқоғин обдон,
Ота юрту сургун жафосин.
Ёшлик бахтим йўқолди увол,
Ўтлоқларда сизнинг из мисол.

XXXII

Диананинг сийнаси порлоқ,
Флоранинг ёноқгинаси.
Дўстлар, менга гўзалдир кўпроқ
Терпсихора оёқгинаси.
Тенгсиз инъом бахш этади у,—
Нигоҳларга нақш этади у
Олий ҳайрат, беқиёс фусн,
Бебош тўда узолмас кўзин.
Севдим уни, дўстим, Эльвина,
Кўриб стол остидан, севдим,
Баҳор ўтлоқ устида севдим,
Қишда — печнинг ёнида ёна —
Севдим, паркет ойнасида ҳам,
Денгиз — қоя сийнасида ҳам.

XXXIII

Ёдда: денгиз кутарди довул,
Тўлқинларга қилгандим ҳасад —
Чопишарди муҳаббат-ла ул
Оёқларга бош уриб фақат.
Ўшал азиз оёқларга жим
Мавжлар ила тексайди лабим!
Йўқ, йўқ, ёшлик гупурган асно

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёниб юрган чоғларим асло
Ёш ва гўзал, сеҳргар, содда
Армидалар лабин ўпмоқни
Ё кўксига гуллар экмоқни
Истамовдим бундай азобда.
Ҳислар запти ҳеч бирон бора
Бағрим бунча этмаган пора!

XXXIV

Ўзга бир кез ёддадир! Гангиб
Мен муқаддас орзу йўлинда
Тутадирман бахтли узанги...
Ва оёқлар гўё қўлимда;
Яна тошар ўйларим запти,
Яна латиф оёқлар тафти
Сўник дилда қон ёқур фақат,
Яна андуҳ, яна муҳаббат!..
Бас, маккора қизларни жўшиб
Чечан соз-ла этма кўп тасвир;
Дардларингга арзимас ахир,
Ҳайф уларга илҳом ва қўшиқ:
Жодугарлар сўзи ва кўзи
Алдар... худди оёқнинг ўзи.

XXXV

Онегиним не бўлди, ёрон? —
Мудраб, балдан ётоққа елган.
Ноғоралар бу пайт беором
Петербургни уйғотиб бўлган.
Ҳаммол борар, савдогар турар,
Киракашлар қамчини урар,
Хурма олиб келар сутфуруш,
Пойларида қор ёнур, кумуш.
Тонг ғовури уйғонар ажиб.
Деразалар очиқдир; тутун
Кўкка ўрлар — мовий бир устун.
Немис новвой дарчасин очиб,
Қоғоз қалпоқ ҳар сафар бошда,
Нон сотади жуда саришта.

XXXVI

Бал шовқини ҳоритиб бирок,
Субҳидамни айлаб ярим кеч,
Шўхлик, зийнат гўдаги бу чоқ
Ухлар ором оғушида тинч.
Уйғонади чошгоҳда, алҳол,
Тонгга қадар яна шу аҳвол —
Рангин кечар умр бир изда,
Ўтган кунга бу кун эгиздай.
Энг гуллаган йиллари лекин
Ғалабалар зиёси аро,
Кунларнинг айш, сафоси аро
Бахтлимиди эркин Онегин?
Зиёфатлар, базмлар аро
Соғломмиди ҳамда бепарво?

XXXVII

Йўқ, ҳислари тўндилар эрта;
Эзди кибор ҳаёт сурони.
Жонолар оз фурсат, ўртаб,
Хаёлининг бўлди меҳмони.
Хиёнатлар бевақт толдирди,
Дўстлар, дўстлик кўнглига урди.
Кейин, ахир, ҳар куни ботиб
Турли-туман таомлар тотиб,
Шаробга ҳам қониб, шундақа
Бош лўқиллаб оғриган кезлар
Тополмас хуш ва тиғдор сўзлар.
Бўлса ҳамки олов шумтака,
Қизиқтирмай қўйди охир ҳеч
Жангу жадал, ўқ билан қилич.

XXXVIII

Келмишдир, у мубтало бўлган
Дард сабабин топмоқ замони:
Мисли инглиз ғашлиги олган,
Алқиссаки, рус хафақони
Аста-секин чулғамиш уни.
Йўқ, худога шукур, ўзини
Ногоҳ отиб қўйгани йўқ ул,
Лек яшашдан совиди буткул.
Child Haroldgek ғамгин, синиқ
Даргоҳларда кўринар яна.
На ғийбату на қарта ва на
Хумор кўз, на ошкор хўрсиниқ
Этар эди кўнглига таъсир,
Ҳеч нарсани сезмасди тақир.

XXXIX. XL. XLI

. . . . . .
. . . . . .
. . . . . .
. . . . . .
. . . . . .
. . . . . .
. . . . . .
. . . . . .
. . . . . .
. . . . . .
. . . . . .
. . . . . .

XLII

Эй, кибор эл жилвагарлари!
У энг аввал тарк этди сизни.
Рост, ҳавойи оҳанг зарблари
Зериктирар бу ёшда бизни.
Бирон хоним нутқида кам-кам
Учрар балки Сей билан Бентам,
Лекин улар суҳбати зинҳор
Бемаънидир, гарчи беғубор.
Тағин улар жуда бегуноҳ,
Кўп улуғвор, беҳад оқила,
Диёнатга қалблари тўла,
Эҳтиёткор ва зийракнигоҳ,
Эркак зоти боролмас ёвуқ,
Кўрсанг, **ғашлик** бошланур совуқ[7].

XLIII

Петербургнинг тош йулларидан
Аравалар кечки маҳаллар
Елиб олиб кетгувчи бирдан,
Эй, навниҳол, маъсум гўзаллар,
Сизлардан ҳам Евгений кечди.
Жўшқин айшу сафодан қочди,
У қамалиб олиб ётоққа,
Эснаб, қалам тутди ёзмоққа,
Уринди-ю, бу заҳматли иш
Кўнглин қилди беҳузур, қалам
Унга ҳамдард бўлмади, у ҳам
Бўлмай қолди тажанг элга эш;
Ки бу элни нетгум ёзиб мен,
Ўзим, ахир, унга мансубмен.

XLIV

Бекорликка у яна содиқ,
Қалб бўшлиғи солиб қийноққа,
Мақтов учун киришди ёниқ
Ўз илмини баланд қилмоққа.
Китобларни токчага тизди,
Ўқиб-ўқиб, тушунмай, безди:
Унда азоб, алдов, вайсаш ё,
Бирда виждон йўқ, бирда маъно.
Ҳаммасида турфа риёзат,
Ҳаммасида ривоят — кўҳна;
Янгиликда эскича раҳна.
Аёллардек ташлаб, ниҳоят,
Чанг қоплаган токчага шартта
Тортди қора — мотамий парда.

XLV

Бузиб кибор ҳаётин кулфат,
Унингдек юз ўгиргандим мен.
Онегин-ла дўстлашиб бир пайт,
Хислатларин хуш кўргандим мен:
Орзуларга чексиз садоқат
Ва тақлидга сиғмас бир ҳолат,
Кескин, совуқ фикри ҳам маъқул.
Мен — ғазабноқ, маъюс эди ул.
Ишрат шавқин билардик андоқ:
Иккимиз ҳам ҳаётдан тўнган.
Қалбимизнинг олови сўнган.
Умримизнинг тонгларидаёқ
Икковни ҳам кутарди нари —
Кўр толею одамлар қаҳри.

XLVI

Яшаб фикр қилгувчи инсон
Инсонларга нафратсиз бўлмас.
Ҳисли дилга бўлмагай омон, —
Қайтмас кунлар шарпаси қўймас.
У дил мафтун бўлолмас сира.
Унга илон бўлгай хотира,
Уни ўкинч кемиргай абад.
Булар бари бергайдир фақат
Бир назокат — суҳбат тарзига.
Онегиннинг тили аввало
Довдиратди мени, мен аммо
Кўникдим сўнг аччиқ баҳсига,
Заҳар ҳазил сўхтасига ҳам,
Мудҳиш шеърий қитъасига ҳам.

XLVII

Ёз палласи бирга кездик кўп.
Тунги само Нева устида
Ложуварду ёруғ эди хўб;
Ўйноқи сув ўз кўзгусида
Кўрсатмас ой — Диана аксин.
Жим эслашиб ўтмиш қиссасин,
Кечган муҳаббатни этдик ёд.
Боз туйғули, беғам бўлиб, шод,
Мурувватли тунги нафасдан
Лаззат бердик жимгина жонга!
Уйқусида яшил ўрмонга
Келтирилган тутқундек тездан
Учдик хаёл қўйнида тамом
Еш умрнинг кўклами томон.

XLVIII

Надоматга тўлиб юраги,
Харсангтошга суянганча тек,
Онегиним ўйчан туради
Ўз тасвирин чизган шоирдек.
Жимжит эди ҳаммаёқ, холос —
Посбонлар гоҳ берарди овоз.
Келур Милён кўчадан ногоҳ
Аравонинг тақ-туқи гоҳ-гоҳ.
Эшкак уриб танҳо бир қайиқ
Сузар эди мудроқ дарёда:
Бизни асир этди — нарёкда
Янграган най, оташин қўшиқ.
Лек лазизроқ туннинг ароси
Торкватонинг шеърий садоси!

www.ziyouz.com kutubxonasi

XLIX

Эй, Адриатденгиз мавжлари!
О, Брента! Кўргумдир сизни.
Илҳомларим тинсиз мавжланиб,
Тинглай соҳир товушингизни.
Муқаддасдир бу сас Аполлон
Авлодлари учун. Альбион
Созидан у менга эш, дилдош.
Венеция диёрининг ёш —
Гоҳ сўзлаюр, гоҳо индамас
Дилдори-ла Италиянинг хуш
Туни сирли қайиқда дилхуш
Эрк қўйнида сузурман сармаст.
Ул гўзалдан олурман билиб
Петрарка ва муҳаббат тилин.

L

Келармикин эрким замони?
Келгин, келгин! — дея зорлайман.
Денгиз узра[8] очиқ ҳавони
Кутиб, кема чодрин чорлайман.
Бўрон ридосига ўраниб,
Озод тўлқинлар-ла урниб,
Озод йўлим бошларман қай чоқ?
Асов адоватли тунд қирғоқ
Қолсин энди. Энди кўз тикай
Чошгоҳ мавжи жавлонларига,
Ҳам Африкам осмонларига,[9]
Россиямни ўйлаб энтикай:
Севгим, дардим диёридир у,
Юрагимнинг мозоридир у.

LI

Шайланганди мен-ла Онегин
Ўзга диёрларни кўрмоққа.
Тезда тақдир бизни ва лекин
Узоқ замон солди фироққа.
У чоғ вафот қилган отаси.
Қарзчиларнинг очкўз тўдаси
Евгенийни ўради дарҳол,
Ҳар бирида ўзга арзи ҳол.
Даъволардан ҳазар қилганча,
Ўз чекидан бўлдию рози
Қарзларига кетди мероси,
У зиён ҳам кўрмади унча.
Амакасин ўлишин ва ё
Билдимикин олдиндан, оё!

LII

Чиндан ҳам иш бошқарувчидан
Дафъатанда олди у бир хат:
Чол тўшакда бетобмиш жуда,
Ризолашув истармиш беҳад.
Ўқибоқ бу мунгли хабарни,
Дарҳол лозим топди сафарни.
«Почтовой»да елди у бирдан,
Уни эсноқ тутди ҳозирдан.
Аҳча ҳаққи, шайлади шу чоқ
Оҳу зорни, найранг, ёлғонни.
(Шундан бошлаб эдим достонни);
Кўрди, етгач қишлоққа бироқ —
Амакиси тахта узра тек
Ётар, тупроқ кутган совғадек.

LIII

Ҳовли тўла — барча парвона;
Ҳар томондан, сўниб юзлари,
Келишарди дўсту бегона
Ҳамда дафн ишқибозлари.
Марҳумни ҳам қўйишди ерга.
Поп, меҳмонлар еб-ичди бирга.
Сўнг гердайиб тарқалди — машъул,
Гўё ишга бўлдилар машғул.
Қишлоқидир Онегин энди,
Ер-сув, завод, ўрмонга хўжа,
Аслида-чи, шу фурсатгача
Бетартибу исрофгар эди.
Энди хурсанд — у йўлни ташлаб
Неларгадир олди олмошлаб.

LIV

Икки кунча, чекка далалар,
Жилғаларнинг жилдирашлари,
Тунд эманзор салқини — булар
Янгичадек туюлди бари.
Тепа, дашту дарахтзор лекин
Учинчи кун бермади таскин.
Сўнг уйқусин келтирди чунон,
Кейин эса кўрди у аён —
Қишлоқда ҳам ўша дилгирлик.
Гарчи бунда на бир кўча бор,
На сарою на бал, на ашъор,
Хафақонлик айлаб тихирлик
Соя ва ё вафодор хотин
Каби унга эргашар бетин.

LV

Мен туғилдим тинч ҳаёт учун
Ҳамда қишлоқ жимлиги учун;
Овлоқларда созим-да серун,
Ҳам ижодий тушларим бутун.
Мен бокира онларга фидо —
Кўл бўйларин кезаман шайдо.
far niente* — умримга ғоя,
Ором дея, эркинлик дея
Уйғонаман ҳар куни наҳор:
Оз ўқийман, кўп ухлаб фақат,
Қизиқтирмас ўткинчи шуҳрат.
Йилларимни шу йўсин бекор
Энг бахтиёр кунларимнинг шод
Соясида ўтказдим, ҳайҳот!

LVI

Гуллар, севги, эркинлик, қишлоқ,
Далалар! Мен сизга фидоман.
Онегиндан ўзимнинг мутлоқ
Фарқим айтиб шодман жуда ман.
Истеҳзоли ўқувчим токи,
Аллақайси ноширми, ёки
Бирон туҳмат бандаси нохос
Феъл-атворим айлабон қиёс,
Демасинким, ул мағрур шоир
Байрон каби мен ҳам навода
Ўз тасвирим этдим ифода;
Гўё бошқа одамга доир
Достон битмоқ биз учун душвор,
Шоир ўзин айлармиш ошкор.

LVII

Айтиб ўтай, барча шоирлар
Бир хаёлкаш севгига ёрдир.
Менга азиз лавҳалар, сирлар
Тушларимда азалдан бордир.
Қалбимда жо эди бариси,
Сўнг тиргизди илҳом париси:
Мен беармон куйладим суюб
Соф омолим — тоғлар қизию
Солғирдарё асираларин.

Энди сиздан, азиз жўралар,
Менга шундай савол таралар:
«Созинг ким деб оҳ чекар майин?
Рашкчи қизлар тўдаси аро
Сен қай қизга бахш этдинг наво?

LVIII

Илҳомингни қўзғаб қай нигоҳ,
Ҳадя этур меҳрини, ширин,
Сенинг ўйчан куйларингга гоҳ?
Кимни худо деб билур шеъринг?»
Тангри ҳаққи, ҳеч кимни, дўстлар!
Телба севги ғалвасин бўзлаб
Мен бошимдан кечирдим нолон.
Бахтиёрдир, кимки ишқ билан
Қофиянинг жазавасини
Қўшиб, шеъриятнинг муқаддас
Ингроқларин орттирса-ю, бас,
Босиб Петрарканинг изини,
Таскин топса, шон ҳам топса зўр!
Мен севганда эдим гунг ва кўр.

LIX

Севги ўтди, илҳом париси
Зулмат фикрим ёритди хиёл.
Озодману излайман кезиб
Сеҳрли сас, туйғу ва хаёл.
Ёзаману йўқ дилда ғамим,
Чизмас энди ҳушсиз қаламим
Чала шеърлар ёнига шошиб
Аёл оёқчасин ва бошин.
Қайта ёнмас юракдаги кул,
Қийналаман, ёшсиздир кўзим
Ва ҳадемай бўронлар изи
Сўнар, сўнар руҳимда буткул;
Ўшанда мен ёзурман ростдан
Йигирма беш қўшиқли достон.

LX

Ўйлаб қўйдим асарнинг шаклин
Ва исмини қаҳрамонимнинг.
Ҳозирча мен биринчи фаслин
Тугалладим бу достонимнинг.
Сўнг диққат-ла қараб чиқдим хўп,
Зиддиятлар унда жуда кўп.
Аммо уни тузатмам — ҳар зум
Цензурага тўларман қарзим
Ва чайнаш-чун танқидчи халқи
Меҳнатимнинг меваси тайёр.
Боргил, Нева бўйларига бор,
Эй, чақалоқ ижодим, балқи! —
Хизмат қилиб, менга шон келтир,
Миш-миш, шов-шув ва сурон келтир!

Мирза КЕНЖАБОЕВ таржимаси.

* Бекорчилик. [Италянча]

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биринчи бобга А. Пушкин изоҳлари

1. Бессарабияда ёзилган.
2. Dandu — *олифта, пурим.*
3. Боливар — шляпа. (Латин Америкасида миллий озодлик ҳаракатининг доҳийси, европа либералларининг сиғинган кишиси — Симон Боливар номи билан боғлиқ. Таржимон).
4. Машҳур ресторан хўжайини.
5. Чайльд Гарольдга хос тўнган туйғулар. Жаноб Дидло балетлари жонли тасаввур ва фавқулодда бир жозиба билан ижро этилган. Романтик ёзувчиларимиздан бири уларда бутун француз адабиётида бўлганидан ҳам кўра кўпроқ шеърият кўрган эди.
6. Ҳамма билардики, у оқ мойбўёқ истифода қилур эди...
7. Киноялн бутун бу банд гўзал ватандош хонимларимизни нозик мадҳ этишдан бошқа нарса эмасдир. Буало ҳам шундай таъноомуз усул ила Людовик XIV ни мадҳ этган. Бизнинг хонимларимиз латофатга йўғрилган маърифат ила ва покиза ахлоқ ила жаноб Стал хонимни мафтун этган бу шарқона жозибани уйғунлаштирмишлар.
8. Одессада ёзилган.
9. А. Пушкин она томондан Африкаликдир. (Таржимон).

Таржимон изоҳлари

Муқаддима қўшиғи А. Пушкиннинг қадрдон дўсти Пётр Александрович Плетнёвга бағишлангандир. П. А. Плетнёв — адабиётшунос, педагог, кейинроқ эса — профессор, академик, Петербург университетининг ректори бўлган.

II — Аммо шимол... — Петербургдан жанубга сургун қилинганига ишора.
III — Мадаме — мураббия, монсиеур — мураббий.
VIII — Назон — қадимий рим шоири. Ишқий шеър ва достонлари туфайли император Август томонидан сургун қилинган.
XII — Фоблас — Луве-да-Кувренинг (1760—1797) «Хуштор Фобласнинг саргузаштлари» романи қаҳрамони.
XVI — Каверин, Пётр Павлович — Пушкиннинг ёшлик дўсти. Геттингенда ўқиган. Саргашта ҳаёти ва эркин фикрлилиги билан танилган.
XVII — Федра — Расиннинг «Федра» операси қаҳрамони. Клеопатра — қадим Мисрда подшоҳлик қилган гўзал аёл. Моина — Озеровнинг «Фингал» трагедиясидаги аёл образи.
XIX — Терпсихора — қадим юнон мифологиясида рақс илоҳаси.
XX — Эол — шамол илоҳаси.
XXII — Учинчи мисрага: XIX аср бошларида театрларда гардероб бўлмаган...
XXIV — Руссо, Жан Жак (1712—1778) француз ёзувчиси ва файласуфи. Гримм Мельхиор — француз ёзувчиси, Руссонинг дўсти.
XXV — Венера — муҳаббат илоҳаси.
XXXII — Диана — ой, ўрмон ва ов илоҳаси. Флора — баҳор ва гуллар илоҳаси. Эльвина — шартли шоирона исм.
XXXVIII — Чайльд Гарольд — Ж. Г. Байрон қаҳрамони.

Хаёл оғушида. Б. РЯЗАНЦЕВ фотоси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кичик қисса

Бу кунниг давоми

Ахмад Аъзам

Уйингга борасан, ишга келасан, ишга келасан, уйингга борасан — торгина йўлакдан чиқмайсан; тегрангда — дунё, катта ҳаёт, сен эса йўлагингда димиқиб, судралиб бориб-келаверасан; яна ўй ўйлайсан: олдинда ўзингни нималар кутаётганини билишга уринасан...

У ёқда, қишлоқда кекса отанг эртадан кечгача меҳнат билан банд; эртаю кеч сенинг ташвишингда: «Шу ўғлимнинг ҳам йўли очилса!..»

Йўлинг беркми?

Кайвони онанг салобатингдан ғурур аралаш чўчийди: «Ҳали ўғлим бир катта одам бўлсинки!..»

Бўлармикансан, бўлармон бола?

Онангнинг: «Сен қаторилар...», деб гап бошлагани заҳоти кўзига ёш келади, биладики, йиғлаб айтмаса, жеркиб ташлайсан. Шўрлик ҳеч тушунолмайди, нега уйланмайсан, ахир, деяверади. Билмайдики, уйланиш ҳуснини товоққа солса ё солмаса ҳам бўладиган, ўзи тагли-тугли — онаси ундоқ, отаси мундоқ қиз билан бир ёстиққа бош қўйишнинг ўзидангина иборат эмас. Ахир, уйланиш учун ўртада... Хуллас, турмуш қуришнинг нималигини, қандай бўлиши кераклигини отанг билан шунча йилдан буён сан-манга бормай, тинчгина яшаб келаётган онанг билмайди, сен биласан. Жуда билиб олгансан, шунинг учун ҳам уйланолмайсан. Отангдан ҳам бир сўраб кўрсанг бўлармиди: ота, сиз онамни кўнгил қўйиб олганмисиз ё раҳматли катта онам шу қизни ол, десалар, олаверганмисиз, деб. Отанг қулоғингнинг тагига ўхшатиб туширармиди! Сўрамасликка ақлинг етади: ўзбекчиликнингми, муҳаббатнингми меваси бўлиб, саккизта одам бир қориндан талашиб тушган, шулардан энг ноқобили, гапга кирмайдигани — сенсан, кенжаси.

Бир томондан ўйлайсан: кампир одам, уйланмаётганим унга катта армон, эҳтимол, сўнгги, умри узоқ бўлсин-у, сўнгги армонидир, одам ҳаётга бир марта келади; кампир ҳам қариган чоғида яна қайноналик ҳузурини кўрсин, мендан иноят, уйланиб юборсамми, дейсан, акалар уй қилиб чиқиб кетишган, опалар «отилган жойига тошдек тушган», ҳовли бизга қолган, чол-кампирнинг ҳолидан хабар олиш — бизга тан, деган туппа-тузук хаёлларга ҳам борасан.

«Оқ уй — ошхонаси йўқ». Шу гапни биринчи марта эшитганингда, қандай доно гап, турмуш — оқ уй, каминада фақат ошхона йўқ экан, кампирлар бунақа гапларни қайдан топади-я, деб ажаблангансан. Лекин кўп эшитаверганингдан кейин «ошхона солиш»дан юрагинг безиллаб қолган. Ичингда бир ўрлик пайдо бўлиб, гўё уйлансанг, тутган йўлингдан чекиниб, одамларнинг гапи билангина яшайдигандек.

Одамлар ҳам тинч қўйишмайди лекин, ҳадеб сўрайверишади: «қачон, қачон?..»

Э тавба, дейсан, ким уйланиши керак ўзи: уйланмаган йигитми ё уйланган одамларми? Уйланиш менга керакку, нега бошқалар бунча куйиб-пишишади? Уйланмаган йигит шўрликни нега ўз ҳолига қўйишмайди? Уйланар, ахир!

Фикрдан фикр туғилиб, бир уйланмаган йигитга бошқа уйланган одамларнинг муносабати ҳақида астойдил ўйга тушасан-да, бу йигитнинг ўзинг эканлигинг, ўзингнинг уйланишинг кераклиги эсингдан чиқиб кетади. Ўша, ҳалигача уйланмай, қайсарлик қилаётган йигитга ҳамдард бўлиб, ёнини ола бошлайсан...

Иссиқ, ҳаво жуда ҳам иссиқ эди. Осмон кўм-кўк булутдек, ерни босиб, дарахтлар иссиқдан қуруқшаб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳозир, мана, ҳозир гур-р этиб аланга оладиганга ўхшар эди.

Машиналар шовқини кўринмас қувурга қамалиб, фақат кўчанинг устида гувларди, гўё кўча тепасидаги кўкимтир ғубор унинг таралиб кетишига имкон бермаётгандек.

Жуда иссиқ. Биронта ҳам япроқ қимирламайди. Одамнинг олган нафаси ичига иссиқ ҳовур бўлиб қуйилади. Столга қўлини қўйса, чип этиб ёпишади. Ичган чойи, худди бадани ғалвирдек, тер бўлиб сирқиб чиқади.

Саратон.

У сочининг орасига қўл юбориб кўрди, боши қизиб кетибди: худди новвойнинг ҳозир тандирдан чиққан бошидек. Иссиқданми ё кўп ўйлаганиданми?

Бурунгилар хўп ақлли бўлган-да: сочни тақир қирдириб, калла жониворни шамоллатиб юраверишган...

Ниҳоят, телефон жирингланди. У шошганича трубкани кўтарди, ҳали уни қулоғига тутгунича бўлмай, хаёлидан, йўқ, ўша қиз эмас, бу бошқа одам, деган туйғу ўтди. Ростдан ҳам, бошқа одам экан, адашиб тушибди.

— Э йўқ, бу ер бошқа... Э-э, билмайман, билмайман деяпман-ку.

У трубкани шарақлатиб жойига ташлади. Қанақа одамлар ўзи, уларга керакли номерни мен қайдан биламан?!

У, худди шу кулранг қути гапириб юборадигандек, телефонга тикилди. Хона ёруғида хира товланаётган телефоннинг сиртида ўша қизнинг уни йўқламаслигини билдирадиган нимадир бордек эди.

У деразага кўз тикди: дарахтларнинг тек қотиб туришида ҳам, кўчанинг бўғиқ шовқинида ҳам унинг кутганидан билги берадиган бирон аломат, сезим йўқ эди.

Шунақа ишларнинг бўлиш-бўлмаслигини одамнинг кўнгли олдиндан сезади. У ўша қизнинг телефон қилмаслигини аниқ билиб турибди, лекин умидини узгиси келмайди, қаттиқ умид қилса, умид билан телефонга қаттиқ термилиб тураверса, интизорлиги ўша қизга бориб етадигандек. Ҳозир, шу дақиқада бўлмаса, сал кейин, бугун, бугун бўлмаса, эртага. Ахир, сен бир одамни бутун борлиғинг билан ўйлаб, хаёлан қаттиқ чорлаб турсанг-да, ўша одам тамомила сезмаса, сен ҳақингда мутлақо ўйламаса...

Шу битта нарсага ёпишиб олиб, бошқа нарсани ўйламаслигим ёмон-да, деб ўйлади у. Энди шу ўйдан қутулолмайман. Миямнинг қатиғи чиқиб кетгунча ўйлайвераман. Ўша қиз ё телефон қилади, ё қилмайди. Шундай экан, биттаси бўлади-да, деб хотиржам ўтирсам, китоб-питоб ўқиб кутсам яхши бўлмайдими-я? Йўқ, калламга бошқа ҳеч нарса кирмайди, телефон қиладими, қилмайдими, деб ўйлайвераман-ўйлайвераман-ўйлайвераман... Э, минг лаънат-э ўша қизга, агар пошшонинг қизи бўлсаям! Ишли одамни шунақа аҳволга соладими? Бир кунимни ўлдирди. Ваъда бергандан кейин сўзининг устидан чиқиши керакми, ахир? Мен сенга ялинганим йўқ эди, ўзинг телефонимни ёзиб олдинг, кутинг, дединг. Бировни бекордан-бекорга умидлантириш инсофданми, ахир? Нозингдан ўргилдим, ҳў ўша сени... Ажува! Танноз! Дуч келган йигитнинг телефонини ёзиб олади-да, яна куттиради...

У телефонга тикилганча хаёлан дағдаға қилди, ўша қизнинг шаънига, уни пастга уриб, анча-мунча гапларни тўкиб солди, аламини енгмоқчи бўлди.

Телефон ҳам муқаррар зарбадан ўзини ҳимоялаб, бошини қўли билан паналаганча, ғужанак бўлиб ётиб олган одамчадек кўринарди.

Шунақа ҳам бемаъни ҳаво бўладими! Иссиқни!... Одамнинг ичини қайнатиб юборади.

У сигарет эзғилаб хонадан чиқди. Телефон жирингласа, эшитмай қолмай, деб эшикни очиқ қўйди. Коридорнинг охирига, дераза тагига бориб тутатди.

Ана, Собирвой ҳам чиқдилар. Битта керишинг, битта керишинг... Э раҳмат-э, ака! Ҳозир қўлларини силкитадилар. Ҳа, ана, силкитдилар. Энди биз томонга келадилар. Ҳа, шундай: кўп ишлаб чарчагандек... девордан бошқа нарсани кўрмасангиз ҳам у ёққа, энди бу ёққа кўз ташланг, баракалла... келдингизми, энди уф тортинг, тартиб бузилмасин-да, яхши, хўп, ана, энди сигарет сўранг, сўрайверинг, ўрганиб қолганмиз, заҳарни ҳам қизғанамизми-я...

— Уф, қани, заҳарингиздан бизга ҳам...

У Собирнинг сўрови тугамай, унга сигарет тутди. Собир аввал сигаретнинг ёзувларига разм солди, кўнгли тўлди шекилли, мамнуният билан:

— Хў-ўш,— деди.

Қалайман?

— Қалайсиз, ошна?— деди Собир.

У, кам деганда амлокдорнинг мулозимга марҳамат кўрсатишидек, илжайиб бош ирғади, жавоби шу бўлди.

Ишлаяпманми?

— Ишлаяпсиз?

— Йўқ, чекяпман.

Собир бир қараб қўйди-да, унинг сигаретига қўл чўзди.

— Тутатайлик.

Сигаретни ҳам ҳаром қилди. Тишланадиган жойидан ушлайди-я!

— Бугун директорга рўпара келмадингизми?

Бошладикми дейман.

— Нима эди?— деб сўради у, Собирнинг бу саволни нимага берганини билиб турса ҳам.

— Э-э, икки кунга жавоб сўраб кирувдим...

Бошладик.

— ...бир олди, бир олди! Шу-у, ўлиб-тирилиб ишлайсан-ишлайсан, раҳмат йўқ, бунинг ўрнига...

Ке-етдик! Директорнинг қартасини айлантирамиз! Директорнинг қартаси яхши — ҳар қанча қўйсанг ҳам зерикмайсан одам.

Тилаб чекканига, бу ҳам майли, тинчгина ўй ўйлатмаганига яраша, гапирмай турса бўлмасмикан?

Ҳей инсон, менга қара, нима қиласан ҳасратингни оёқости қилиб, мен сенга дардимни ёрмаяпман-ку, балки менинг дардларим сеникидан кўпроқдир; чидаяпман-ку...

Шу-да, қандай эди? Ҳа: «Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас, мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас». Малик ул-каломни ҳам ғийбатга тўйдириб юборишган шекилли. Агар у киши бизга директор бўлганларида эди, уларнинг қарталарини ҳам роса айлантирардик: нега уйланмайдилар, Хондамирнинг ёзганига ишониб бўлмайди, бу ерда бошқа гап бор, ишқи илоҳий ўз йўлига, лекин Малик ул-каломнинг уйланмасликлари...

Хонада чекиш тақиқланган. У ҳар соатда шу ерга чиқишга мажбур. У чиқса, пойлаб тургандек (балки пойлар), манави ҳам чиқади. Ўзи сотиб олса, кўп чекиб қўяр эмиш. Яшавор! Ташламоқчилар. Шу гапни такрорлаётганига ҳам бир йил бўлди. Шунчадан бери тилаб чекадилар ва доим ташламоқчи эканликларини писанда қиладилар. Қоида бўлиб қолган: хонасидан чиқади-да, келади, йўқ, чиққандан кейин аввал керишади, гўё

www.ziyouz.com kutubxonasi

дўстини кўрганидан қувонгандек, қўлини тепага кўтариб қутлайди, кейин келади, сигарет сўрайди, шундан ё олдин, ё кейин уф тортади, тутатади-да... Э, майли, у сигаретга ачинмайди, гап тамакининг пулида эмас, шу заҳарни ўзинг саситдинг нима, икковлашдинг нима? Инсоф билан айтганда, Собир унинг сигаретидан иккита ё учта, борингки, тўртта чекар, шу билан камбағаллашиб қолмайди. Майли, чексин, лекин гапирмай чексада. Ахир, у Собирнинг кўнглига қазноқ эмаски, неки ичига сиғмаса, олиб келиб тиқиб қўяверса...

У ҳар чиққанида Собирни кўрмайин, деб юрагини ҳовучлаб туради. Яна шуниси ҳам борки, Собирни кўрмаса, кўнгли алағда ҳам бўлади: чиқадими, чиқмайдими... чиқмасин-да... бари бир чиқади... ё чиқмасмикан... чиқса-чиқсин-э, бунақа фол очиб ўтиргандан кўра, чиққани яхши... Бордию Собир чиқмаса (ишлик одам, сенга ўхшаб кун-узун-кун телефон пойламайди, ишлайди), у бошқача ўйлай бошлайди: нима ҳам қилсин, дардини ҳаммага ҳам ёравермайди-ку, ишонгани — мен; ростдан ҳам меҳнаткаш, ўлиб-тирилиб ишлайди, лекин директор билан ораси чатоқ, довон ошай деб турибди, бир ҳимо берилса, бас эди... То сигаретни ёлғиз чекиб бўлгунча Собирвой — Собир жўрамга, ёзғириш — меҳрга айланади.

Собир у сигарет чекаётганда чиқмаса — яхши одам. Лекин аксар пайтлари чиқади, у баҳона бу баҳона гап бошланади-да, биронта бошлиқроқ: сектор мудири Иноятов, илмий котиб Нуруллаев, директор ўринбосари Қувватов, ё директорнинг жияни Илҳом, Аввалбой тўғрисида «ҳар ким ҳар нарса деб ўйлаши мумкин-у, лекин аслида тўғри гаплар» қўзғалади-да, кўпинча директорга келиб тақалади. У аввалига Собирнинг дийдиёсини «тишини тишига босиб» эшитган бўлади, Собир ўзининг «шундай-шундай» машаққатларини санайвергандан кейин бир оз юмшайди-да, ўзи ҳам секин гапга тушади: сал баландроқ туриб, сал босиқ ва сал бетарафроқ бўлиб; бир вақт қараса, ҳангоманинг жилови ўзининг қўлида: у гапиряпти, Собир ора-сира қўшилиб, бош ирғаб тасдиқлаяпти. Гапингни биров эҳтиром билан тинглагандан кейин... «Ғийбат эмас, ошна, жуда тўғри гаплар...» «Қаранг, мен ҳам шуни айтмоқчи эдим, лекин бошқача тушунасизми, деб...» Шунақа пайтлари Собир унинг кўзига елкадош, ҳақиқатгўй дўст бўлиб кўринади...

— Икковининг ораси ёмонлигини туш кўрибманми? Акобиров ҳам ўқиб чиқди, маъқул, деди, рецензия ёзиб берадиган бўлди, деб айтганимни биламан, шу-у, бақириб кетди...

— Билмасмидингиз?

— Қайдан биламан?

— Билардингиз-ку, ўзингиз ҳам лекин...

— Хай, билганимда-чи, бари бир эмасми? Уларни мен уриштирдимми ё менинг устимда уришишдими? Икки қўчқор сузишса, мен — қўзида не гуноҳ?

— Қўзи эмас, каттагина тўқли бўлиб қолдингиз сиз ҳам. Беш минути кам қўчқорча.

— Директор қўйса,— Собирга бунақа гаплар ёқади,— қўймаяпти-да. Нима қилай — бордим ўша Акобировининг олдига.

— Мақола чиқадими, ишқилиб?

— Чиқади,— деди Собир очилиб,— юраманми, жонга тегди. Шу мақола чиқса — бўлди, публикация тўлади. Директорнинг ўзига неча марта айтдим. Фамилиясини қўйиб, ўқитдим. Ҳали у дейди, ҳали бу. Э-э, қай бирини айтай...

— Айтувдингиз.

— Муҳокамага қўйдирса, қочиб кетганим йўқ, камчиликларини айтса, кейин ҳам қилавераман.

— Ҳали муҳокамадаям...

— Шу-да, ишнинг ҳозирги туришидан ярми ҳам қолмайди.

— Ким ўқиса, битта маъқулга иккита номаъқул қўшади.

— Мисир аканинг китоби муҳокамасида бормидингиз?

— Йўқ, нима эди?

— Аввалбой ҳам сўзга чиқибди.

— Йўғ-э?

— Қўяверинг.

— Нима дептилар? Ўзларича, китобга уни қўшиш керак, буни олиб ташлаш керак, дегандирлар?

Собир унга ўпкалаганнамо қаради:

— Шу Аввалбой, а?! Осмонга олиб чиқдию тагига саккиз қават кўрпача тўшади.

— Мунча? Мисир аканинг китоби маълум нарса-ку.

— Нима қипти? Аввалбой шу келаётган кенгашда ёқлайди.

— Йўғ-э, эшитмабман.

— Сизга эшиттирадими? Ими-жимида битиради ишини. Албатта, мен ҳам директорнинг уйидан чиқмай, бозор-ўчарини қилсам, полигача ювиб берсам, аллақачон ёқлаган бўлардим.

— Жа, унақа... полини ювмас-э, — деб у ўзини ҳайронликка солди, бу гапни Собирдан юзинчи марта эшитаётган бўлса-да.

— Ювмайди?! Э-э, юрибсиз-да, сиз ҳам, ҳамма нарсага тўғринча эришаман, деб...

Аввалбойнинг шу келаётган кенгашда ёқлаши у учун ёқимсиз бир янгилик бўлди. Эшитган сонияда қулоғига ўрнашмади, энди эса нашъа қилди: оббо Аввалбой, Аввалхўжа, Аввалчик, Авик, Ав... ҳаммамиздан олдин ёқлар экансиз-да...

Бировга ҳасад қилиш яхши эмаслигини билиб турса ҳам, кўнглидаги туйғуни тия олмади, аксинча, эрк берди.

— Аввалбой шундай яратилганки, — деб салмоқ билан гап бошлади у, ўзини лоқайд, ҳамма нарсадан, ёқлашлардан баланд тутишга урриниб, — агар шундай қилмаса, илмни ташлаб, отасининг ёнида чўпонлик қилиши керак. Бўлмаса, кун кўролмайди. — Бу гаплари ўз кўнглидаги кирпитиканнинг тиканларини ўнгига силагандек, таскин топди: Аввалбойга ўхшаб ёқлагандан кўра, ўлгани яхши...

Собирнинг кўзлари йилтиллади:

— Мен билан ўқиган...

— Биламан, айтувдингиз...

— Нима гап чиқар экан, деб доим оғзимни пойлар эди. Диплом ишини ҳам бизга ўхшаганларнинг оғзидан тушиб қолган гаплардан териб ёзган. Ишонмайсиз-а?

— Айтувдингиз, айтувдингиз, — деди у бетоқотланиб: Аввалбой ҳақида гапининг давоми узун эди.

Бироқ Собир унга гал бермади:

— Ҳеч эътибор қилганмисиз: қайсимиз билан гаплашса, гапни дарров темасига буради. Мен бир оғиз гапираман, сиз бир оғиз... Унинг қулоғи локатордан ҳам яхши ишлайди. Қарабсизки, мана, уч йилда диссертация тайёр.

— Қойил бўлиш керак лекин, — деди у Собирни гапдан тўхтатишга чоғланиб.

— Нимасига қойил бўлиш керак? Бунақада сиз ўнта диссертация ёзиб ташлар эдингиз.

— Мен бундай қилолмайман.

— Мен ҳам бундай қилмайман.

— Аввалбой ожиз одам-да. Боя айтдим-ку, Аввалбой...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ожиз? Ёқласин, кейин қанақа ожизлигини кўрасиз!

— Мен илмини айтяпман.

— Мен ҳам. Дипломни олгандан кейин унга ожизсан, деб кўринг-чи! Ҳозирданоқ бурнига хода етмайди. Нима, савлатдан бор, қориндан бор...

— Фақат калладан йўқ, — деди у ғашланиб.

— Менга қилган насиҳатини қаранг: Акобировга бекор борибсиз, домланинг тузлуғига тупуриш дейди!

— Шунақа...

— Борганимни ҳам шу етказган домлага.

— Сиз ҳам қизиқ. Шунақа одамларга нега сир берасиз? Сотади-ку!

— Э-э, қувониб кетибман-да. Ишингиз нима бўляпти, деса, Акобировга борганимни айтиб юборибман.

Бу бечоранинг ҳам мақтангиси келган: униси яқинда ёқлашини айтган бўлса, бунисининг ҳам кам кўрингиси келмаган...

— Аввалбойни қўйинг. Илмни фақат буюклар яратмайди. Аксинча, унинг асосий юкини мен билан с и з г а ў х ш а г а н ў р т а ч а л а р, — деб аччиқ ҳузур билан таъкидлади у, — кўтаради...

Аввалбойлар-чи? Нима деса экан? Аввалбой бўлмаса, директорнинг бозор-ўчарини ким қилиб беради, полини ким ювади? Собирми? Собир-ку жон-жон дер, лекин бир кун ювса, ўн кун ҳасрат қилади. Йўқ, директор собирларга полини ювдирмайди, у ҳам кимга ювдиришни билади. Менгами? Мен директорнинг полини ювар эканманми? Ҳечам-да! Яна ҳам... билмадим. Одам қийин шароитга тушгунча оғзиботирлик қилавериши мумкин, лекин... Яхши ҳамки, Аввалбойга ўхшаганлар бор. Акс ҳолда, Аввалбойнинг ўрнида бўлишга тўғри келади, ё... Йўқ, бошқа Аввалбой бари бир топилади. Дунё шунақа: иш жойи бўш турмайди, одамлар бўш туриши мумкин.

Нимагадир жуда гапиргиси келди. Айтмоқчи бўлган гаплари айтмасданоқ, ҳалитдан, тиниқиб, фикри баландлаб кетаётгандек туюлди.

— Илм ҳам, Собир, илм ҳам, директоримиз айтгандек, муҳташам бир иморат... Бу иморатни тиклайдиган Уста бор, — деди, — Сиз — қора ишчи, иш кучисиз. — Оғир кунда Собирни ёлғиз қолдирмасликка ваъда бераётгандек, «Мен ҳам», деб ўзини қўшиб қўйди. — Қора ишчилар иморатнинг лойини қилади, ғиштини қуяди.

— Аввалбой тайёрини Устага узатиб туради, — деди Собир алам билан.

— Йўқ, Аввалбойнинг иши бошқа. Лойни ҳам, ғиштни ҳам ўзимиз узатамиз. Уста бизнинг лойимиз, ғиштимиздан иморатни тиклайверади.

— Аввалбой-чи?— деди Собир истеҳзо билан.

— Ҳозир. Шошмай туринг. Айтаман... Бир вақти келади-да, Уста чанқайди. Биз қора иш билан бўлиб, Устамизнинг чанқашини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Ўзи, қора иш аслида бунақа нозик сезгиларга кўп ҳам ўрин қолдирмайди. Уста фақат эзгу хаёллар, юксак, масъул мақсадлардан баҳра олади, бизга ўхшаган оддий ишчиларгина очқайди, чанқайди, деб фикр қиламиз. Кейин, Устанинг нима ичишини ҳам билмаймиз. Гулоб, атиргул суви, хуллас, қандайдир ақлимиз етмайдиган ичимлик керак унга, бунақасини топиш қўлимиздан келмайди, деб ўйлаймиз.

Собир унинг гапи қаёққа бурилаётганини билмай диққат бўлди.

— Ана шунда, Уста айни чанқаган пайтда Аввалбой пайдо бўлади, қўлида...

— Арман коньяги, — деди Собир топағонлигидан ўзи завқланиб.

— Мана, сизнинг хатоингиз қаерда. Фикрларингизнинг андозаси ҳаётга тўғри келмайди. Ишлаб чанқаган одам коньяк ичадими? Чой, оддийгина, ўзимизнинг яхна чой, сув эмас, чой. Устанинг чанқашига мўлжаллаб, дамлаб, пиёлага қуйиб совутиб туриш керак. Буни фақат Аввалбой эплайди. Устага чой тутиш оддий иш эмас. Бунинг учун одамда алоҳида бир фаросат бўлиши керак. Аввалбойнинг юрагида Устага нисбатан шундай бир меҳр борки, бу меҳр Устанинг кўнглини бир чирмаб, Устанинг меҳри бўлиб яна Аввалбойнинг ўзига қайтади. Нозик, искабтопар бир меҳр. У сиз — қора ишчида йўқ, ўлиб-тирилиб ишлайвериб, бу туйғуни ўлдириб юборгансиз.

— Энди нима қилишимиз керак? — деди Собир тўрсайиб.

— Ҳеч нарса, — деди у. — Ишимизни қилаверамиз.

— Аввалбойнинг ошиғи олчи бўлаверар экан-да, — деди Собир гўё Аввалбойнинг ошиғини у олчи қилиб бераётгандек.

— Олчи бўлаверади.

— Э-э, йўқ, мен бу маталингизга қўшилмайман. Ўзига эмас, Аввалбой ҳақидаги жойига.

— Ихтиёрингиз, лекин...

— Ишнинг оғирини биз қилайлик-да, ҳузурини Аввалбой кўрсин!

— Унда чойни ким узатади?

— Чойни ҳам ўзимиз узатамиз.

У кулиб юборди.

— Аввалбойни нима қиламиз унда? Сиз қуйган ғиштни Устага у узатиб турса, ўзингиз четга чиқиб қоласиз-ку?

— Ҳаммасини ўзим қиламан.

— Сиз чой тутишни эплолмайсиз. Уста сизнинг лойга беланган қўлингиздан чой ичмайди. Чой узатиладиган қўл меҳнатда қавармаслиги керак. Сиз қўпол қўлингиз билан пиёлани тушириб юборасиз-да, бу кўрган кунингиз ҳам ҳолва бўлиб қолади.

Йўқ, у ҳеч қачон директорнинг полини ювмас экан. Ю в о л м а с э к а н.

— Ҳа, Аввалбойнинг бу томонига тан бериш керак, — деди Собир. — Боплайди лекин. Ҳар қандай одамнинг кўнглига йўл топади. Диссертациясида директорнинг ишларидан цитата шунча кўп эдики...

— Нега? — деди у ажабланиб. — Домла бари бир олдириб ташлайди-ку.

— Ўқиб кўрадими, ахир. Ўчиришдан олдин Аввалбой уни қандай кўкка кўтарганини ўқийди-ку.

— Зўр. Қойил, — деди у ҳиссиз бир оҳангда.

— Буям сиз айтган меҳр, чой тутиш, — деди Собир. — Ҳали қараб туринг, Аввалбой шу Устангизнинг қизига ҳам уйланиб олади.

Унинг кўнгли бирдан ғашланди. Пастлашиб кетгандек, майдалашгандек бўлди. Тўсатдан ўзига ўзи ёмон кўринди кетди.

— Ошириб юбордингиз энди, — деди ва Собирнинг кўнгли учун, ўз ихтиёрига қарши қўшиб қўйди. — Ҳеч замонда хўжа хизматкорини бошига кўтармайди. Куёв ўғилдан баланд иззатланишини унутманг. Аввалбой директорнинг полини ювади-я... қандайига...

У гапининг давомини айтмади, директордан уялиб кетди. Назарида, директор уларнинг гапи устига келиб қолиб, «Э ўғлим-а, мен сени илмий иш қиляпти, диссертациясини ёзяпти, жуда истеъдодли йигит, деб юрсам, сен бу ерда...» деяётгандек бўлди.

Шу пайтда телефон жиринглади. У хонасига чопди. Йўқ, қўшни хонадаги телефон экан.

Собир унинг ортидан кирди. У ўзини ишга берилган кўрсатиб, ройиш бермади. Бир оздан кейин Собир чиқиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Расмни О. БОБОЖОНОВ чизган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу аҳвол жуда кўп такрорланган.

Негадир одам ҳузур билан ғийбат қиласан-у, кейин негадир кўнглингда жуда нохуш бир сезимлар уйғонади, ўзингдан ўзинг иргана бошлайсан.

Бемаъни гап. Уйида бўй етган қизи бўлатуриб, директор ҳўкиздек, бегона эркакка полини ювдирадими?!

...Аввалбой жиққа терга ботиб, кўйлаги кўтарилиб, оппоқ, биққи бели очилиб пол ювяпти.

...Гўё тўртоёқлаб турган Аввалбойнинг олдида охурдек тоғора...

...Аввалбой ҳансираб, кир латта билан...

У нафратланиб кетди, Аввалбойдан эмас, ўзидан, Аввалбой ҳақида шу хаёлга борган ўзидан.

Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Директор домла, устоз сифатида шогирдини эзиб ишлатади, аммо одамни бундай хўрламайди. Аввалбой чаласавод, хомкалла, хушомадгўй, борингки, фикр ўғриси ҳамдир, лекин — одам. Одам, ахир! Уни одамлик шаънидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Агар директор Аввалбойдек чойтутарини бунақа хўрлайдиган бўлса, менга ўхшаган ўзибилармон, ўзибўлармонларни топтаб ташларди. Мен ҳам борганман-ку уйига. «Э ўғлим, сан кичиксан-у, лекин маникида меҳмонсан», деб чойни ўзи дамлаб келган, ҳатто сузишга ҳам қўймаган, ўзи сузиб, унга чой узатган. Уйдагиларининг ҳаммаси келиннинг отасиникига қидириб кетишган экан. Директор иккаласи ўшанда уч чойнак чой устида (ҳаммасини директорнинг ўзи дамлади — жуда кичикфеъл одам эканми, деб ўйлаган эди ўшанда) бир дунё гапларни гаплашиб олишди. «Ўғлим, санга ўхшаган ёшларнинг энг катта камчилиги — ўзбошимчалик, катталарга ҳурматсизлик эмас, лақиллаш. Олим бўламан, деган одамга ҳеч тўғри келмайдиган нарса ҳам шу. Ҳозир ҳеч нарсани ўйламай, фақат ишлайдиган, фақат меҳнат қиладиган пайтларинг. Ҳў кейин, мана, бизларга ўхшаб қариганларингдан сўнг хоҳлаганларингча лақиллашларинг мумкин. Лекин, шу кучга тўлган, тоғни талқон қиладиган пайтларингда умрни лақиллаш билан ўтказиб юборсаларинг, биздай вақтларингда нимани лақиллашни билмай, бир гапни тўтидай такрорлаб, ёшларга кулги бўлиб юрасизлар. Санга бу гапларни бекорга айтаётганим йўқ».

Собирга ўхшаганларнинг бир ишни бошлаб, ҳалоллаб битказиши гумон, лекин бировга лой чаплашга тушса, шундай қилишадики, туққан онаси ҳам таниёлмайди.

Бориб турган ёлғон! Аввалбой хоҳлаганда ҳам, директор унинг бунақа суйкалишига йўл бермайди.

Қизиқ, аслида ўйлаган, гапираётган одаминг яхши бўлиши мумкин, кўпинча яхши ҳам, лекин сен унга кайфиятингга қараб баҳо берасан, кайфиятинг ёмон пайтда ўша одам ҳам кўзингга жуда ёмон кўринади, биронта яхши томонини кўрмайсан, кўролмай қоласан...

Собир Аввалбойни ёмон кўради, бошқаларга ҳам ёмон кўрсатишга тиришади. Аввалбой ҳам, нафсиламрини айтганда, яхши эмас. Лекин директорнинг полини ювиши — ёлғон. Буни Собир тўқиган, бу гапни кўп такрорлайверганидан ўзи ҳам ишониб қолган.

Шу гапнинг ёлғонлигини у билмайдими? Билади. Ишонмайди. Лекин бу гап ўзига ёқади. Собир яна бу гапни чайнаганида, айниқса, Аввалбойнинг яқинда ёқлашини айтганида, баттар ёқиб тушди. Шу ёлғоннинг рост чиқишини тиланди. Ҳар хил йўллар билан менга ўхшаган умидли ёшлардан ўзиб, олдин ёқлар эканми, марҳамат қилиб директорнинг полини ювсин, деб Аввалбойнинг устидан ҳукм чиқарди. Аввалбойни хаёлан хўрлади. Одамлик шаънига тегинди. Шу истак билан ҳатто директорни қоралаб юборди.

Завқланганига қаранг!

Шоирларга ўхшаб илҳом билан нақл қилганига қаранг. Билдики, нақл қилса ишонарли бўлади. Чунки нақл деган нарсада кўпчиликнинг номидан ҳукм чиқарилади, ҳар қандай фикр ишонарли, қонундек бир тус олади.

Ў, сенга ўхшаганлардан директор чиқмасин — Собирни эшакдай ишлатасан, Аввалбойга... чой ташитасан!..

Ҳали ҳам камтарлигингга балли. «Уста ўзимман», деб юборишдан ўзингни зўрға тўхтатиб қолдинг. Уятдан ҳам озгина бор лекин.

Ҳар ким ҳам ўз ҳаётига Уста эканини, ўз иморатига ўзи ғишт қуйиб, ўзи лой қориб, ўзи тиклашини билмасмидинг? Биласан. Лекин қора ишдан қочасан. Фақат... ўзингга ўзинг эҳтиром билан чой тутиб ўтираверасан.

Оқ уйим бор эмиш...

У деразани ланг очиб юборди. Иссиқ ҳаво ичкарига ёпирилди. Ҳаво ҳам шунақа бўладими-я, деразани ёпиб ўтирсанг, қайнаб кетасан, очсанг — ёнасан.

Энди телефон қилмаса керак. Исмини айтмагани, адресини бермаганидан маълум эди-я ўзи. Нимасини кутяпти? Лекин нега қиз унинг телефонини ёзиб олди? Ё кейин ортиқча хиралик қилдими? Йўқ. Фақат «Исмингизни айтмадингиз ҳам», деди. «Исмимни кўчада айтмайман. Ё сизга кўчада қолган Исм керакмиди?», деди қиз. «Қачон телефон қиласиз?» деган сўровига «Кутинг», деди. «Ё телефон қилмайми?», деб жилмайди. Ғамзамиди ё масхарамиди, бари бир, ширин эди.

Кутинг.

Кутасан.

Мана, кутяпти.

Йўқ нарсани кутаётган бўлса-чи?

Ўша қизни трамвайда учратиши ростдан ҳам тушга ўхшаб кўринди. Бирдан дунё ўзгача бўлиб қолди. Қизларга гап отишни ўзига эп билмайдиган одам, ҳар қандай тортинишни йиғиштириб қўйиб, албатта шундай бўлиши керакдек, қиз ҳам шуни кутиб тургандек, гап қотди, қиз унинг аҳволини тушундими ё силтаб ташлашга ботинолмадими, тўғри жавоб қилди. Уч бекат гаплашиб кетишди. Қиз тушиб қолди. Бўлган воқеа. Энди тушга ўхшаб қолди. У қизнинг на исмини билади, на адресини, на қиз ўзини билдиради. Шундай экан, қизни қайта кўрмаса, у телефон қилмаса, уни кўргани ўнг эдими, туш эдими, бари бир, хотиранинг тушдан нима фарқи қолади?

Наҳотки телефон қилмаса?

Унинг юраги орзиқиб кетди. Эзилди. Яна чеккиси келди. Коридорга чиқса, биронта ҳамкасбга дуч келиб қолишини ўйлаб, хонасини ичкаридан қулфлаб олиб тутатди.

Яна телефонга кўз тикди: ким биландир гаплашгиси келди. Трубкани олди.

— Алё, саломалайкум... Каримова... ҳа, Зуҳра, ишдами?... Илтимос!

«Сизга кўчада қолган Исм керакми?» Нима дегани бу? Иккаламиз ҳоли учрашганда айтаман, демоқчимиди?

Ҳозир, айни шу Зуҳра билан гаплашаётган пайтда ўша қиз телефон қилиб қолиши мумкинлигини ўйлаб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

шартта трубкани қўйди. Зуҳранинг нари ёқдан телефонга келишини кутмади: гап чўзилади.

«Кутинг», деганида алдамаётгандек эди шекилли. Ё алдадимикан? Ҳай, қизнинг бекорга умидвор қилаётганини ўшанда сезганида ҳам нима қила оларди? Қўлидан тутиб, трамвайдан тушишига қўймасмиди? Илож қанча? Энди кутишдан бошқа чора йўқ. Кутиш ўзига керак. Шунча йилдан бери ахтараётганини энди топгандек... Ахтараётганмиди ўзи? Ё ахтараяпман, деб лақиллаб юрибдими?

Телефон жирингладн. Ҳали трубкани олмаёқ, телефон қилаётган ўша қиз эмас, Каримова, яъни Зуҳра эканлигини сезди.

— Ҳа, мен... Салом, ўртоқ Каримова... Ҳа, мен эдим... Узилиб қолди... Ўзим шундай... Кино-пинога тушсакми, деб кейин ўйлаб қарасам...— У жўрттага, эшиттириб эснади.—Билмадим, яхшироғи йўқ шекилли. Бемаза, ясама... Кўрмасам ҳам биламан, отидан маълум... Қўйинг шу «Муҳаббат ва қасослар»ни. Ёқмайди менга... Йўғ-э, нега сиз билан боргим келмас экан. Ўзим телефон қилдим-ку сизга. Гапингизни қаранг... Яхшироқ кино бўлса-да... Келади, кепқолар... Оббо, мени чақиришяпти-ку.— У эшик томонга қарата: «Мажлисгами? Ҳозир, ҳозир», деб қичқирди.— Мана, котиба қизимиз... Йўқ, сиздек чиройли эмас... Ўзим телефон қиламан. Бўпти.

Яхши эмас шу. Бировни ўйин қилиш яхши эмас.

Қўшилиб қўшилолмасанг, узилиб узилолмасанг...

Лекин қайси қизнинг исми кўчада ётибди? Зуҳранинг нимаси ёмон? Келишган. Юзи чиройли. Одамнинг кўнглига қарайди. Меҳрибон, кейин... Фақат са-ал... Нима бўпти шунга?

Я-ах-ши эмас!

Анов қизалоқ ҳам телефон қилмади энди. Хўп, дейлик, умуман телефон қилмайди. Ўша учрашув туш эди. Тушида бўлган эди. Қиз ўтиб кетган тушдан телефон қилмайди-ку. У нимани йўқотди? Ҳеч нарса. Тушда топган нарсасини йўқотганига ҳам одам куйинадими? Аксинча, яхши бўлди — тушида шундай ажойиб бир қизни кўриб қолди. Яхши-да.

Иш вақти тугади.

Чиқаверишда уни Султон ака тутиб қолди.

— Кетмай тур. Собир билан Раҳмон ҳам чиқсин.

— Жа вақтим зиқ.

— Уйга бормасанг, нима, хотининг уришармиди?

— Бир жойга ўтишим керак.

— Пулинг йўқми? Қўрқма, мен оламан.

— Ишим жуда зарил, Султон ака.

— Ҳеч одамга қўшилай демайсан. Бир жойда ишлагандан кейин бунақа бўлмайди. Одамларга қўшилиш керак. Қачон қараса, бир баҳонани ғудурлаб... Бугун шундай қилма. Бир кўнгил ёзиб...

— Директорни ғийбат қиламизми?..

— Эй бола, менга қара! Тўхта, деяпман...

У портфелини қўлтиққа уриб, жўнаб қолди. Султон акага қарай олмади.

Бундай демаслик керак эди. Оғзидан чиқиб кетди. Ўтиришга директорнинг нима алоқаси бор?.. Бошқа илож ҳам йўқ эди-да. Бўлмаса, қўйиб юбормасди. Аслида бошқа жиддийроқ баҳонани рўкач қилиши керак эдику-я...

Мен ёқиб қолган эмишман унга. Албатта ёқаманда. Мен ҳам сиздай маст бўлиб, йўлимда юролмай қолай-да,— ўлигимни сўкишларига чидаб,— уйимга олиб бориб қўйинг, сизни ҳам албатта ёқтираман.

Ичишади. Кўпинча Султон аканинг пулига. У ҳам бир-икки марта ноилождан, Султон ака қистайвергандан кейин, «одамларга», яъни уларнинг ичишига қўшилган. Султон ака ошхонанинг катта стаканини тўлдириб-тўлдириб икки марта отади-да, кўзи пешонасига ёпишиб, тап-тайёр бўлади. Раҳмон ака билан Собир аста қўзғалишади. Собир кам ичсаям, баҳонаси тайёр — кеч борса, уйидагилари... Раҳмон ака — катта, ёши улуғ. «Энди, ука, бизлар шу ёшимизда катта кўчада етаклашиб юрсак ярашмайди. Шаҳар! Султонбойнинг аҳволини кўриб турибсиз. Яна йўл-пўлда... Кўп ичсаям, ўзи зўр олим. Ҳали сизга кўп фойдаси тегади. Яхшиликни ерда қолдирмайдиган одам». Султон ака тамом учган бўлса-да, ўзини бирови олиб бориб қўйишини сезиб, шуни кутиб бир муддат жим ўтиради. Кейин у «ўзбекнинг кичиги» бўлиб, оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган Султон акани ёш боладек авраб, кўчадагилардан минг хижолатда, уйига етказиб боргунча она сути оғзидан келади... Йўл-йўлакай ўзи ҳам сўкишга бўкади: Султон ака ким эсига тушса, булғайди: «Ҳе ўшани... Нега сўкмас эканман?! Нима, сани пулингга ичдимми? Ҳе саниям...»

Шунақа одамларнинг ошқозони қандай чидар экан? Шу сассиғи билан бориб бола-чақасиинг олдига ётадими?

Автобус изма-из келибдими, ҳар қалай, бекатда одам санжоб эди.

Автобусга чиқаётган маҳали негадир бир кампир унга хавотир аралаш ўқрайиб қаради. Арпангизни хом ўрдикми, кампиршо?

Автобус юриши билан бирдан мушукнинг аянчли миёвлаши эшитилди. У сесканиб ўша томонга ўгирилди. Бир хотиннинг тиззасидаги сумка ичидан мушукнинг калласи чиқиб турарди; кўзлари ғалати, кўкиш товланади, одамга тўғри қарайди: одам бир гуноҳ қилган-у, ҳаммадан, ҳатто ўзидан ҳам бекитиб юргандек, мушук буни биладигандек, «Ҳали жавоб берасан!», деяётгандек,— одамнинг кўнглига совуқ ваҳм ўрмалайди.

— Бечоранинг қорни очибди,— деди мушукнинг эгасига ёнма-ён ўтирган аёл.

Мушук тумшуғини чўзиб, яна миёвлади.

Бу лаънати мунча зорланади?

Хотин мушугининг калласини силади:

— Манечка! Уят эмасми сенга. Жонгинам! Одамлар сени одобсиз экан, деб ўйлашади.

Мушук хотиннинг қўлини искалади-да, яна миёвлади.

— Оти Манями! Қаранг-а, қандай чиройли экан,— деди ёнма-ён ўтирган аёл.— Шўрликнинг уйқуси келганга ўхшайди.

— Манечка, сенга нима бўлди? Тўполон қилма.— Хотин кўзларини ёлғондакам олайтириб, мушукка танбеҳ берган бўлди.— Қани, жанжални тўхтат-чи. Жиндай чидаш керак. Уйимизга яқин қолди.

— Жуда яхши мушук экан-да,— деб аёл ҳам мушукни силашга қўл чўзди.

Хотин тирсаги билан мушугини паналаб, гўё беихтиёр қилгандек, аёлнинг қўлини қайтарди, бидирлаб кетди:

— Бензин ҳиди ёқмаяпти-да таннозга. Салгина нохуш ҳидга чидамайди. Тоза ҳавога ўрганган. Овқатни ҳам сайлаб ейди. Кўнгли шунақа нозик. Бир марта билмай туртиб юборган эканман, шунга уч кун араз қилса бўладими! Сиз ишонмайсиз, бирам ақлли.

Хотин шундай деб мушукнинг тумшуғидан ўпиб қўйди.

Уларга рўбарў ўтирган одам — танқа бурун, мўйловининг учлари тепага қайрилиб, нақ қулоғигача борган эркак, мушукпарварлик томошасига анқайиб қараб келаётган эди, хотиннинг мушукни ўпганини кўриб, бирдан ирганди: «Э топган матаҳингга...» деб ғўлдира-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, сўкиши оғзига тиқилиб қолгандек, бўғриқиб кетди. Унинг ёнидаги озғин, қўллари калта енгидан чўпдек осилиб турган, ингичка мўйловли йигит: «Инг қилгиси келаётгандир», деб ҳиҳилади.

Хотиннинг ранги бўзарди, ёмон тус олди.

— Қандай маданиятсиз одамлар!— деб пичирлади ва гапини тасдиқлатишни кутиб, ёнидаги аёлга қаради.

Аёлнинг юзлари қизарди, хотиннинг гапини эшитмасликка олиб, ойна томонга ўгирилди.

Танқа бурун эркак, агар хотин яна бир оғиз гапирса, боплаб сўкадиган алпозда бақрайиб қараб тураверди. Озғин йигит тиржайиб бир хотинга, жанжалга ҳимо бергандек, бир эркакка кўз солди, кўрдики, иккаласидан ҳам садо чиқмаяпти; ҳафсаласи пир бўлиб, у ҳам ойнага юз бурди.

Унинг тушишига икки бекат бор эди, лекин автобус тўхтаган дастлабки бекатдаёқ тушиб қолди. Танқа бурун эркакдан баттар бўғилиб кетган эди.

Мушук тегинган идишнинг ташлаб юборилиши, мушук искаган қозоннинг куйдирилишини эслади. Ўзи ҳам мушукни ўлгунча ёмон кўрар эди.

Хотин мушукнинг оғзидан ўпди-я.

Одамга меҳр деган туйғу нима учун берилган? Мушукка бағишлаш учунми? Мушук билармикан шуни?

Дунё дегани ҳам кенг бўлар экан-да!

Хонаси ҳувиллаб ётарди.

Уйнинг хўжайини ҳозир қай бир дўконнинг олдида, ажриққа газета тўшаб, ўзига ўхшаган «одамзоднинг гуллари» билан пивони симиряпти. Ярим кечаси келадида, унинг хонасига киради (уй икки хонали). «Э, ўқиётганмидинг», дейди, гўё унинг ҳар кун оқшом китобдан бош кўтармаслигини билмайдигандек. Кечирим сўрайди. «Гаплашгим келяпти», дейди. «Ўқиш керак. Шу ишинг яхши. Қишлоғингдан ота-онангни ташлаб, шаҳарга одам бўламан, деб келганингдан кейин, албатта, ўқи,— дейди; маст, лекин гапидан адашмайди, аксинча, ичмаган пайтлари оғзидан гап чиқмайдиган одам, ичса, нотиқлиги тутади.— Ман ҳам олдинлари кўп ўқир эдим. Анави битта китоб бор-у, оти нимайди?.. Йигит билан қиз икковгинаси сой бўйида, жийданинг тагида, а!.. Тепасида она майна сайраб туради. Тўлиб-тошиб сайрайди, именно, тўлиб-тошиб. Ҳа, ишинг беш бўлгандан кейин, тепангда майна сайрайди, бедана вавақлайди. Маниям тепамда бир вақтлар майналар роса сайраган... Энди... битта туллак чумчуқ ҳам назарга илмайди... Ўқи, майли. Ҳозирдан каллани ишлат. Уйланаётганда ҳушёр бўл лекин. Уйланганингдан кейин бундан ҳам ҳушёр бўл. Одам ҳамма нарсани ясаши мумкин, лекин турмушни ясолмайди. Қайтангга турмушнинг ўзи одамни ясаб ташлаши мумкин. Шунинг учун бошданоқ хотиннинг яхшисини танлаш керак. Йигит одамнинг ҳаётда бир марта омади келади — буям бўлса, уйланганида. Ҳаммаси хотинга боғлиқ. Шунинг учун яхшилаб танла, дейман. Яхши, деб ёмонини олишинг мумкин, ёмон, деб яхшисини. Лекин ёмониям, ичмасанг, ўзингни хор қилмасанг, яхшилик қилади. Мана, мандан мисол — аҳмоқман. Хотиннинг яхшиси адашиб манга тушиб қолган, билмаганман. Ичи-иб юраверганман. Ғинг, деса, урганман. Лекин... яхши хотин эди, яхши эди. Ман нима бўлдим энди? Сани нимага ижарага қўйдим? Пул учунми? Йў-ўқ, пулни топаман... агар хоҳласам. Пулга қизиқмайман. Ичишим керак, аслида ичмаслигим керак, лекин ичишим керак. Керак! Соғлиғимдаги турмуш-турмуш эмас. Турмушни бой бериб бўлганман. Эсимга тушишидан қочиб юрибман. Ҳамма нарсани сотиб ичдим. Лекин, мана, шу шимни сотмайман. Хотиним туғилган кунимга совға қилган. Ўттиз саккиз сўму етмиш икки тийинга олган. Тангалаб йиққан, ман ичган ароқларнинг шишаларини сотиб... Олдинги нарсалардан фақат шу қолди. Сира йиртилмайди-я, қара. Олдин чиққан нарсалар шунақа пишиқ бўлар эканми...» Хотинидан кейин албатта болалари эсига тушади, кўзи ёшланади: «Фарзанд нималигини ҳали билмайсан. Қизим гиламга сийиб қўйса, уй шиптир ҳиди бўлиб кетди, болаларга қарамайсан, деб хотинни урардим. Ҳозирлари эса... э ука, ишонмайсан-да, шу шиптир ҳидини ҳам соғиндим. Болангники бўлганидан кейин...» Кейин ўзи яхши, лекин болаларини кўришга ғов бўладиган хотинини ёмонлайди: «Нима бўлса ҳам, шу болаларнинг отасиманми? Соғинаман. Нима, ичадиган одамда юрак бўлмайдими? Болаларни соғиниб борсам... «Келманг, тарбиясини бузасиз», дейди. Биламан, икки боласи билан унга ҳам осон эмас. Биздан оладиган йигирма тўққиз сўмига нима ҳам беради? Ўзининг ойлиги... Қийин, албатта. Ҳалигача бошқа турмуш қилгани йўқ. Ўзим ярашай дейман-у, лекин яна қўшилсак... Бўлмайди-да, ука. Турмуш шунақа. Энди бизникининг бу ёғи маълум. Тамом ютқазганмиз». Кейин ҳамшиша ошналарини сўкади, кейин яна ўзини сўкади, шу билан виждонини сал-пал тозалаб оладими, унинг тақдири тўғрисида қайғуриб қолади. «Э, манга қара, ташла шу бошоғриқни. Бир умр китобга термилиб ўтасанми? Бари ёлғон. Сан... ўзинг ёз. Мана, мани ёз. Айтиб тураман, ёзиб олаверасан. Катта китоб қиламиз. Агар сан тўғри ёзиб олаверсанг, зўр, ибратли китоб бўлади. Ҳамма ўқийди. Майли, ўқисин, бу дунёга Воҳид деган бир одам келиб, дунёдан ҳеч нарса ололмай ўтиб кетаётганини халқ ўқисин!.. Энди сан Воҳид деб ёзмассан, отимни бошқа қил. Зоҳид де... Йўқ, Зоҳид тўғри келмайди, акамнинг оти. Шунга уйқаш бир от топ-да. Балки Аҳад дейсанми?.. Отимни тўғри қўйсанг, ичолмай қоламан... Манави қобирғанинг тагида кўп гаплар ётибди, ўнта ёзувчига етади. Сан ёзсанг бўлади. Қўлингдан келмайдими? Келади. Одам қилган ишни одам қилади. Туппа-тузук йигитсан, калланг ишлайди. Ичмайсан. Манга олиб бериб турсанг, бўлди. Доим ёнингдаман. Эй, манга қара, шу ёзувчиларинг, китобига қаҳрамон қидириб Мирзачўлга боришар экан. Санга яхши бўлади-ку: ҳеч қаёққа бормайсан — мани тилимдан ёзаверасан. Ҳаммасини ўзим айтиб турсам... Лекин китоб ёзамиз, деб манга қўшилиб ичиб кетма. Майлими? Зўрласам ҳам, ичма. Ичиб кетсанг, ёзувчи тугул, шимилдириқ ҳам бўлолмайсан... Сани соҳанг нима ўзи, психологиями? Бўлмағур юмушни қўй, ука. Ҳали ҳаётни кўрганинг йўқ, психологияни қайдан тушунасан. Мана, мани психологиямни айтиб бер-чи? Айтолмайсан. Бир пиёнистада нима ҳам психология бор, топганини ичади, ҳеч вақоси йўқ, деб ўйлайсан. Лекин манавининг тагида,— деб у яна кўкрагига нуқийди,— психологиянинг зўри бор! Саники ҳам психологиями? Мани ўрнимда бир кун, майли, бир соатгина яшаб кўр — кейин биласан ҳақиқий психологияни! Псих бўп қоласан... Қалай, бопладимми? Бу калла,— кўрсаткич бармоғи билан чаккасини нуқийди,— ҳалиям ишлайди... Э, ичмаганимдами... Санга ўхшаганлар билан гаплашиб ҳам ўтирмасдим. Ичиб шу аҳволга тушдик-да...» Энг охирида халақит бергани учун минг узр сўрайди: «Тўлиб кетганимдан кирдим-да, ука. Бўлмаса, ишинг тиғизлигини биламан...» Эрталаб унинг юзига қарамай, ғўлдираб бошоғриққа бир сўм сўрайди (бу пулни ҳеч қачон қайтариб бермайди — ижара ҳақидан чегириб ташлайди)— ҳаммаси қайтадан бошланади, ҳар куни аҳволи шу. Дарди-ҳоли ҳам, воқеаларнинг ўрни алмашиб турса-да, доим бир хил; фақат хотини совға қилган

www.ziyouz.com kutubxonasi

шимнинг баҳоси йигирма саккиз сўмдан қирқ саккиз сўмгача — хотинини қандай кайфиятда тилга олишига қараб, ўзгариб туради (бироқ, нима учундир, тангаси доимо бир хил — етмиш икки тийин).

Падарлаънатнинг уйида бир вақтлар телефон ҳам бўлган, лекин пулини тўламаганидан кейин узиб қўяверишган, кейин ўзи қўшнисига пуллаб юборган.

Телефондек ажойиб нарсани қўлдан чиқазган-а!

У кийимини ечмай каравотга чўзилди. Кун бўйи кетмон чопгандек ҳорғин эди.

Аравасига минганингдан кейин қўшиғини ҳам айтасан.

Ўттизга бораётган одамнинг ўз уйи бўлиши керак. Бу ёшларда одам энди ўз орзуларинигина бошпана қилиб яшай олмайди, орзу қилиш учун ҳам яшаш жойи тайин бўлиши керак. Ётишда тайин бўлмагандан кейин, орзуда тайин қоладими?

Йигирма саккизга чиққан йигитнинг бола бўлиб бола эмаслиги, катта сафига кириб, катта дейишга арзигулик биронта ишнинг уддасидан чиқмаганлиги ажойиб.

Қўлига бирон марта ҳам теша ушламаган Уста, оқ уйингни қачон қурасан?

Одам ҳаракатсиз ётаверса, калласига бўлмағур фикрлар келаверади.

«Болам, икки нарсадан одам касал топади: бири — раббим берган дарддан, иккинчиси — ўй ўйлашдан.— Онаси бу гапни ҳам кўп такрорлайди.— Ўй ўйлашнинг табиби йўқ».

Одам ҳам қариганидан кейин ўтган умрини бир-бир хотирадан қайта ўтказиб, маънисини доно-доно гапларга тизиб чиқади шекилли? Бўлмаса, ўқимаган, маълумотсиз кампир бунақа гапларни қайдан топади?

У оғир қўзғалди. Бир муддат йўл қараб ўтирди. Назарида, ўзи ҳам ҳаётининг, тамоман бўлмаса-да, кўп нарсасини бой берганга ўхшарди. Бой берилган нарсалар жуда қадрли эди.

Бориб деразани очди. Илиқ ҳаво баробарида шаҳар шовқини ҳам юзига урилгандек бўлди. Шаҳардан нимадир бир яхши туйғу ҳам келди.

Муюлишда бурилаётган трамвайнинг ғийқиллаши юракка санчилгудек эшитилди.

Шу трамвай ҳам юргани-юрган. Пешонасига мана шу издан чиқмайсан, деб битта рақамни тақиб қўйишган, тинмай бориб-келади. Ғийқиллагани-ғийқиллаган.

У ўзини умр бўйи бир йўлдан чиқмаган трамвайнинг ўрнига қўйиб кўрди, лекин хурсанд бўлмади.

Бари бир, шаҳар шовқинида нимадир, ҳаётни безайдиган, эй, эзилиб ётаверасанми, яшасанг-чи мундоқ, деган бир чорлов бор эди.

Кун ўтиб кетяпти. Нимадир қилиш керак! Дангасаманми? Унда дангасаликдан қийналмаслигим, куним ўтганига шукр қилиб, оёқни узатиб ётаверишим керак эди. Мен эса ношукрман. Ўзимдан норозиман. Бу юришимдан, ҳаётимдан норозиман. Аммо, қизиқ, бу норозилигим яшашимга халақит бермаяпти, қандайдир ўнғай: ҳаракатсиз ётсам ҳам, бу ҳаракатсизликдан норозиман-ку, деб ўзимни оқлайман; совуқ кунларимда норозиликни пўстин қилиб кияман-да, унинг ичида бўғриқиб, иссиққина юраверамен.

Кейин, одамнинг ўзини ўзи ёмон кўришида ҳам худбинлик бор. Гап бурним сассиқ деб кесиб ташлай олмасликда ҳам эмас. Одам ўзини ёмон кўрса ҳам, аллақандай шафқат, аяш, меҳр билан, баъзан эса з ў р о д а м н и ё м о н к ў р г а н д е к ҳурмат билан ёмон кўради. Яна ким билади: кучли одамларнинг ўзини ёмон кўришини, доим ўзидан, ҳаётидан норози бўлишини шу билан изоҳлаш мумкиндир. Лекин кучли одамнинг норозилиги — ҳаракат.

Албатта, уйланиш керак. У ҳам дунёдан тоқ ўтмоқчи эмас. Бутун тирик мавжудотнинг ҳаёти жуфтлашишга қурилган экан, у ҳам бу қонундан бўйин товламайди.

Лекин...

Эҳ! Севсанг-да!

Ўртаниб, куйиб, ёниб, бутун вужудинг билан қа-ат-тиқ севсанг!

Севги кўксингда қамалиб ётган исённи шивирлайдиган имконга айланса...

Ёрилиб кетаёзган кўнглингга таскин бериб, секин-секин, осуда-осуда шивирласанг Унга...

Сокин ҳайқириқ билан, тўйиб йиғлаган одамдек енгил тортиб шивирласанг Унга...

Совуқ, дилдираб турган чўққингдан Унинг майин, илиқ кўнглига қулаб тушсанг...

Даминг қайтиб кетса севгидан...

Юрагинг гур-р этиб аланга олса...

Севганга яраша...

Лекин...

Сени мана шундай телба-савдойи қиладиган ўша қиз қани?

Кимлигини, қайдалигини билмайсан-у, аммо кутасан. Сабр-тоқат билан.

Келмаса-чи? Келса ҳам, Зуҳрага ўхшаган қиз бўлса... Балки кеча ўзим телефон қиламан, деб умидлантирган қиз ҳам зуҳраларнинг биридир...

Бор умрингни тикиб, ҳаллослаб, жон-жаҳдинг билан югургилаб излаганинг шунчаки йигитлигингга учадиган, қачон ёқлайсиз, деб ҳол-жонингга қўймайдиган оддийгина қиз бўлиб чиқса-чи!

Балки у йўқдир, уйқусиз тунлари хаёлингда яратгандирсан. Балки ўзинг Унга муносиб эмасдирсан. Орзудаги қизга орзудагидек йигит керак-ку. Ким билади: эҳтимол ўзинг ҳақингдаги тасаввуринг ҳам фақатгина орзудир...

Эҳтимол кечаги қиз ҳам ўзи орзу қилган йигитни ахтариб юргандир. Йигирма бешларга чиққан экан, гаплари бурро-бурро, эҳтимол, сенга ўхшаганлардан оғзи куйгандир...

Эҳтимол Уни кўриб, танимагандирсан; сен Ундан, У сендан бехабар, иккаланг икки томонга: У — катта дунёга, сен — тор йўлагингга, ўтиб кетгандирсизлар...

У шалағи чиққан, ўриндиғи ботиб кетган курсида мунғайиб ўтирар эди.

Ташқарида шаҳар шовқин соларди: кўтарилиб пасайиб турган ғала-ғовур, болаларнинг қийқириғи, ора сира боласини чақирган аёлларнинг қичқириғи — шаҳар яшаётган эди.

Қуёш ботиб борар эди.

У талабалик пайтларидаги устози, «валинеъмати» в катталар орасидаги энг яқин дўсти — Ҳусаиновни кўри келишга отланди. Ҳусаинов малака ошириш, ўз таъбир билан айтганда, «чаласаводликни битириш» курсиг келган.

— Салом, ўт,— деди Ҳусаинов.

— Йўқ, ўтмайман.

— Ўтмасанг, нега келдинг?— деди Ҳусаинов қандай дир бир яхши табассум билан.

— Э-э, ўтинг-да энди. Остонадан қайтиб кета сизми,— деб қистади Расулов — Ҳусаиновнинг ҳамкасбаси.

— Қўяверинг, феъли шунақа, ўзининг ақлига бори етмаса, ўтмайди,— деди Ҳусаинов.

Ҳусаинов, бари бир, унинг келганига қувонган эд

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Рустам ака, кинога борайлик,— деди у Ҳусаиновга.

— Ҳозир-а?

— Сеансга қирқ минут бор. Улгурамиз.

Ҳусаинов кифтини учирди.

— Жуда бўғилиб кетдим, — деди у ўзи ҳам кутмаган ҳолда; шу гап оғзидан чиққани ҳамоно ростдан ҳам бўғилиб кетганини бирдан чуқур англади. — Ўзимни қўярга жой тополмай юрибман.

Ҳусаинов бир лаҳза унинг кўзига ажабланиб тикилдида, Расуловга ўгирилди:

— Борамизми?

— Э-э, биздан нима кетди? Қанақа кино экан?

— Бари бир эмасми, — деди у, уларни кўндирганидан шодланиб. — Экрани ёришса бўлди-да.

Рустам ака жуда яхши одам-да.

У шундай деб ўйлагани сайин Ҳусаиновнинг янада яхши бўлиб кўринаётганини, Ҳусаинов ҳақида яхши фикр юрита бошлагани учун ўзи ҳам яхшиланиб, кайфияти кўтарилаётганини ҳис қилди. Биз ҳозир унсиз мулоқотдамиз, деб ўйлади у, мен унга бир яхши туйғу йўллаяпман, у ҳам менга шундай бир яхши туйғу билан жавоб қайтаряпти.

«Яхши одамларга яқинлаш, — деб такрорлайди онаси. — Яхши одам дилингга дил қўшади». Йўқ, чиндан ҳам, кампирлар бундай гапларни қайдан топишади?

— Нега тиржаясан? — деди Ҳусаинов, — келиб одамларнинг тинчини бузасан-да, яна тиржаясан.

— Эсимга бир нарса тушиб қолди, — деди у, тавба, кулганимни ўзим ҳам сезмай қолибман, деб ажабланди.

Ҳусаинов кийинаётиб пўнғиллади:

— Уйланиш керак, укам. Ўшанда ўзингни қўярга жой бўлади.

— Ҳа-ҳа, у жойдан кейин чиқолмай қоласиз, — деб кулди Расулов.

— Бу нима юриш? Ҳе йўқ, бе йўқ, юр кинога эмиш. Экрани ёришса бас экан.

— Пулдан қалайсан? — деб сўради Ҳусаинов кўчага чиқишганда. — Бизни кинога судраганингдан кейин, пулини ўзинг тўларсан.

— Унда сизга ялиниб келмасдим. Ўзим кетаверардим, — деди у ясама бепарволик билан. — Биздек ғарибларни сиздек раҳнамолар қанотлари остига олмаса...

— Кўп алжирайверма, — деб уни гапдан тўхтатди Ҳусаинов, хушфеъл бир кайфиятда чўнтагини кавлаб.

— Полапон дегани бировнинг қаноти остида ўсиши керак-да, — деди у.

Шунда бир истак унинг нигоҳини бари бир Ҳусаиновнинг қўлига қаратди.

— Тўғри, тўғри, — деб унинг гапини тасдиқлади Расулов. — Рустамбой, шундай йигитларни қанотларингиз остига олмасангиз, кимни оласиз?

Ҳусаинов чўнтагидан битта йигирма бешталик чиқарди:

— Ма, бизга ўхшаб доцент бўлганингда қайтарасан. Аслида сенга ўзи бир тийин ҳам бермаслик керакку-я.

— Шуям пул бўлди-ю, — деди у хижолатини чапанилик билан босишга уриниб. — Чўнтакда йўқолиб кетади. Бир марта ресторанга киришга ҳам етмайди. Яна, қайтарасан эмиш. Доцент бўлгунимча сақлаб юраманми?

— Юравер шундай. Ресторанга кир, қизларнинг кетидан чоп, костюмингнинг нархи юз сўмдан кам бўлса, кийма. Ишингни эса қишлоқдан отанг соқолини селкиллатиб келиб ёзиб беради.

— Э-э, бўйдоқ одамга пул чидамайди, — деди Расулов, унинг ёнини олибми, Ҳусаиновнинг гапини маъқуллабми...

...Отаси, атрофида кўп русча китоблар, ёзув машинкасини чиқиллатиб унинг диссертациясини ёзиб берянти. Машинка чиқиллашига монанд соқоли селкиллайди: «Эталон группаларда социал статус проблемасига асримизнинг умумий концептуал матрицаси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу проблеманинг рационал маъзи...»

Шуни тасаввур қилиб кулиб юборган эди, Ҳусаинов бир оз ранжиди, кинотеатрга етгунча насиҳат қилди, Расулов жўр бўлди, у эса бошини хам қилиб, индамай эшитиб борди.

Ҳусаиновнинг насиҳатида йигирма беш сўмининг алами йўқми? Йўғ-э, ўзининг калласига ҳам бўлмағур фикрлар келаверади. Энди, Ҳусаинов ҳам шу боланинг иши юришиб кетсин, деб куйинади-да.

Фильм тугади.

Кинотеатрдан то катта кўчага чиқиб, одамлар сийраклашгач жим кетишди. Расулов икки-уч марта унга, Ҳусаиновга қараб қўйди, жимликни бузишга ботинолмай, индамади.

Фильмдаги томоша ҳаётга ҳар ким ўзича бориб келадими, одам, ҳар қалай, томошага бирга кирган шерикларига бегона бўлиб қолади шекилли, фильм тугаб, кинотеатрдан чиққандан сўнг ҳам улардан ғалати суратда ётсираб туради.

Салом, оғайнилар! Танишайлик, мен олдиндан биламан — биз дўстлашиб кетамиз, дегиси келди унинг.

Худди шундай бўлиши керакдек, бараварига тутатишди. У гугурт чақди: ҳовучининг устида аввал Ҳусаиновнинг озғин юзи, кейин Расуловнинг баркашдек юзи ёришди, иккала юз ҳам унга бошқача кўринди — гўё йўлдошлари ундан қандайдир хайрли иш, яхшилик сўраётгандек, у эса гугурт чақиш билан уларни ёритгандек, шу билан хайрли ишни бошлаб юбораётгандек туюлди.

Ўзининг кўнгли ҳам баайни мактаб дафтаридаги босма қоғоз сингари сиёҳдек томган бу яхши туйғуни зум ўтмай шимиб олди, шу туйғунинг тиниқ рангига бўялди.

Қоронғиликнинг қоронғилиги шундаки, у ҳамма нарсани яшириб туради, ҳеч нарсани кўрсатмайди. Балки бизнинг кундузимиз ҳам тўла кундуз эмасдир, ундаги ҳамма нарса ҳам кўринавермас? Кундузимиз янада ёришса, биз ҳали билмаган янада яхши нарсаларнинг юзи очилар? Деразадан қуёш нури қия тушса, унинг ёруғида уй чангининг ҳар бир заррасигача ялтиллаб кўринади. Кундузимиз янада ёришса, осмон бошқача, ранглар янада равшанроқ туюлармиди, кўзимизга ҳаво ҳам кўринаримиди?..

Мана, Расулов билан Ҳусаиновнинг юзи кўча қоронғилиги учун кўринмаяпти, иккаласининг ўрнида сигареталарнинг ёнарқуртдек иккита чўғи йилтираяпти. Илгари уларни кўрмаганда, шакл-шамойилларини ожизгина йилтираётган чўғдангина иборат деб билармиди? Ҳозир уларни фикран кўряпти.

Фикрлашнинг ўзи ҳам — ёруғлик; фикр фикрлайдиган одамнинг кўзига кўринмайдиган нарсаларни ҳам кўради. Мана, ҳозир у қоронғида ҳам Ҳусаинов билан Расуловнинг кўнгилларини кўриб боряпти. Улар, ҳар қалай, яхши нарсаларни ўйлаб кетишяпти.

Расулов бирдан гап қотди:

— Яхши кино экан-а?

— Ростдан ҳам, яхши экан, — деди Ҳусаинов.

У ўртамиёна ишланган фильмдан дам олиб, енгил

www.ziyouz.com kutubxonasi

тортишини ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Чарчоғи ёзилиб, танаси яйраб кетди.

Тасаввурида: боши тоза сув тўлдирилган думалоқ аквариум каби тип-тиниқ; икки-учта фикрлари эса ўзидан ёруғлик таратадиган рангли балиқчалардек фароғат билан сузиб юрар эди.

Қандай яхши! Майин, салқин ҳаво оғушида, ёнингда сени ёқтирадиган, сен учун куйинадиган оққўнгил ҳамроҳларинг бор. На сен уларга тобесан, на улар сенга. Оддий, инсоний муносабат тоза. Ҳеч ким ҳеч кимга ёмон қарамайди, бир-бирини ғийбат қилмайди.

Дилинг равшан, юрагинг санчмайди, ҳеч жойинг оғримайди, оёқ-қўлинг бус-бутун: истасанг юрасан, истасанг — югурасан — я х ш и!

Ҳамроҳларининг овози унга олисдан эшитилаётгандек эди. Худди қоронғи чорбоғнинг нари ёғида, девор ортида у ҳақда икки киши ғўнғиллаб гапиришяптию у эшитмаяпти, аммо эшитмаса ҳам, ўзи ҳақида я х ш и г а п л а р бўлаётганини аниқ к ў р и б тургандек...

Ораликдаги ҳаво қуюқлашиб, ҳамроҳлари жуда кичрайиб қолган, сўзлари ҳам, учар қўнғизчалар сингари, учиб келиб унинг қулоғига урилгач, киролмай яна қайтиб кетаётгандек туюлди. «Анавиниси... Догматик йигитми... Ўсувчан характер... Мантиқий меъёр... Э-э, Зузунинг феъл-атвори... Ҳа, тузук... Э-э, масаланинг бу томони очилмаган...»

Кутилмаганда уни ҳам суҳбатга тортишди.

— Буюк психолог бунга нима дейдилар?— деди Ҳусаинов.

У кўчанинг ёритилган жойига чиқиб қолишганидан норози бўлди. Қоронғилик — ўйлашга ўнғай, кўнгилни фикрларнинг ўзи ёритаверади, ф а қ а т қ о р о н ғ и л и к д а а л б а т т а к ў з н и о ч и б ў й л а ш к е р а к.

— Буюк психологми?— У бир зум гап тополмади.— Буюк психолог ўзидан буюкларнинг фикрлари мағзини чақиш билан банд.

Ҳазили яхши чиққанидан ўзи ҳам хурсанд бўлиб, кўнгли б и р я х ш и л и к билан ёришиб кетди.

«Юр,— деди Ҳусаинов ўзлари турадиган ётоққа етиб келишганда. — Чой-пой ичиб кетасан. Ё уйингда хотининг ошни сузмай, сени кутиб ўтирибдими?» «Яхши бўлардику-я,— деди у.— Менга тегадиганини онаси ўпсамми, ўпмасамми, деб турган эмиш. У каттаргунча қоринни тўйғизиб турайлик-чи» «Яшанг,—деди Расулов,— Рустамбой, шу укангиз менга жуда ёқиб қолди-да. Сира гапдан ютқизмайди». «Э, бундан фақат гап оласиз. Мирзақуруқ,— деди Ҳусаинов.— Юриши — бу, лекин сиртига сув юқтирмайди». «Э-э, одамнинг шундай очиқ бўлгани яхши», деди Расулов.

Расуловнинг хотини эрига меҳрибон, яна, буни қарангки, жуда пазанда экан — қўй гўштини ёғига қовуриб, битта сирланган сатилга босиб, қўярда-қўймай, бериб юборибди. «Э-э, қўй-э, катта шаҳарда тақирлатиб сатил кўтариб юраманми, Тошкентда ҳам ошхона кўп, десам, ҳам кўнмади. «Ўзингиз емасангиз, ҳамхоналарингиз ер», деди.

Лекин, ҳақиқатан ҳам, Расуловнинг хотини гўшт қовуришнинг ҳадисини олган экан! У гўштни мақтаб-мақтаб еди. Қорни очлиги учунми, умрида бунақа гўшт емагандек туюлди. Кўп еганидан хижолат тортиб, Расуловга жиндай хушомад қилди: «Хотиннинг пазандаси — оиланинг фароғати-да. Бу ҳам бир бахт». Бу гапдан Расулов, гўштни ўзи қовургандек, анча талтайди, тўла юзларига мамнун бир ифода ёйилди. Ҳусаинов кулиб юборди: «Худди ноудда хотиндан куйгандек гапирасан-а», деди. «Э-э, бу киши уйланмасалар ҳам, оила нималигини яхши тушунар эканлар», деди Расулов. «Хотиннинг қадри ўтган-да», деб хахолади унинг ўзи, лекин гапидан ичида уялиб кетди. «Йўқ, менга қара,— деди Ҳусаинов,— рости гап, сен бола биронта бевамеваникига қатнайдиганга ўхшайсан». «Ҳеч ўхшамайман-да», деди у қизариб.

«Ҳа, шунақа,— деди Расулов ҳазил-ҳузулдан кейин.— Ёнингда бўлса, хотиннинг қадри билинмайди. Командировкага чиққанда ё ҳафта-ўн кун меҳмонлаб кетганда хотинни соғинасан одам. Шунда ҳам доим ўйлаб юрмайсан, йўқ, бирданига — кўчадами, автобусдами юрганингда, бирданига эсингга тушиб, кўргинг келиб қолади... Йўғ-э, Рустамбой, унақа ниятда эмас. Куласи-з-а. Бу — бошқа нарса... Шундай пайтларда ҳамма ишимни ташлаб, осмон узилиб ерга тушса ҳам, уйга қайтаман. Қилган овқатидан тортиб болаларгача соғинаман. Лекин, қизиқ, уйга кириб, хотинимни кўрганимдан кейин, ҳайрон бўламан: шу хотиним, болаларимнинг онаси, нега бунча соғиндим, нега шошилдим — тушуниш қийин. Овқатни тушираман-да, ҳеч нарсага қарамай, ётиб уйқуни ураман. Уйқудан туриб қарайман: ҳаммаси ўша-ўша — хотин ҳам, болаларнинг шовқини ҳам, овқат ҳам. Э-э, маза қилиб дам олиб юрмайманми, уй қочиб кетармиди, деб хуноб бўламан». «Бошқаларидан тўйиб борсангиз керак-да?», деб илжайди Ҳусаинов. Расулов қизаринқиради: «Тўғрисини айтсам, бу масалада... Ўзим кўп қизиқмайманми ё менга қизиқишмайдими, ишқилиб, бу йўлдан юрмаганман.— Расулов дув қизарди.— Тўғриси, уйланганимдан кейин умуман...» «Ростдан-а?!» деб Ҳусаинов чиндан ажабланди. Расуловнинг лоларанг тус олган юзига майда тер кўпчиди: «Ким билади,— деб ғулдиради,— ҳеч шунга қизиқиш бўлмаган. Айтяпман-ку, ўзим қизиқмайман, деб. Йўғасам, эркак одам...— Кейин биров уни шу йўлга бошлаётгандек, нимагадир қаршилик кўрсатиб, сал жаҳлланиб: — Э-э, биз шу хотин билан қаноат қиламиз», деди. «Э-э, яхши-ку,— деди Ҳусаинов негадир ўнғайсизланиб.— Бунинг нимасидан уяласиз? Эркак одамнинг ўз хотинидан совимаслигидан ҳам яхши нарса борми!»

«Олдин севишиб, кейин турмуш қурганмисизлар?», деб сўради у, гапининг қуруқлигидан ўзи ҳам ўнғайсизланиб. «Э-э, қаёқда,— деди Расулов гўё ҳафсаласи пир бўлгандек қўл силтаб.— Иккинчи курсдалигимда уйлантириб қўйишган. Қишлоқчасига. Саккизинчи синфларда ўқиб юрганида бир-икки кўрган эдим-у, энди, у пайти шунга уйланаман, деган хаёл ҳам бўлмаган. Кичкинагина қизча эди. Э-э, кейин ҳам сал бўйи ўсди-ю, лекин бари бир, кичкиналигича қолди. Зоти ориқ. Шу, иккинчи курсдалигимда бобой «Қарияпман», деб бошни қотирди, момошка «Лип этиб биров илиб кетмасдан шу қизга хай дегин», деб мияни қоқиб қўлга берди. Мен ҳам бошқалар илиб кетаман, деб турса, яхши нарса экан-да, қуруқ қолмай яна, деб шартта розилик бериб юборибман. Э-э, ўшанда тўғриям қилган эканман. Мана, ҳалигача бирон марта хотиндан норози бўлмадик. Ишонасизми, шунча йилдан бери бирон марта чўнтагимни кавламаган». Ҳусаинов унча ишонмади: «Сизга билдирмай кавлар?», деди. «Э-э, нима деяпсиз,— деди Расулов бир оз қизишиб.— Неча марталаб синаганман». «Хотиннинг пулга бепарвоси бўлмайди,— деди Ҳусаинов.— Бир ҳисобда, эрнинг пулини текшириб тургани ҳам тузук. Бўлмаса, биз эркаклар не номаъқулчиликларни қилмаймиз». «Синадим, синадим, қарасам пулга тегинмайди,— деб гапида давом этди Расулов.— Кейин-кейин, қанча топсам, ҳаммасини қўлига берадиган бўлдим. Шу яхши экан, Рустамбой, пул хотиннинг қўлида турса, бекорга харж бўлмайди». «Энди, бу қандай хотинлигига боғлиқ,— деди Ҳусаинов.— Бир хил

www.ziyouz.com kutubxonasi

хотинлар борки, қўлига бир сўм тегса, дарров магазинга чопади, пул деса ўзини томдан ташлайди. Бунақаларга пул тутқазиб бўладими? Эрини хонавайрон қилади-ку». «Э-э, бизнинг хотин,— деди Расулов,— бир тийинни ҳам бесўроқ сарфламайди. Лекин, масалан, ўзим ҳам уни ўз ҳолига ташлаб қўймайман-да. Қани, хотин, айт, нима олиб берай, нимадан камчилигинг бор, болаларингга нима керак, дейман. Тўғрими? Хотин ўзимники, деб унга қарамай қўйиш ҳам инсофдан эмас-да».

У Расуловни ёқтириб қолди. Бир оз тўпорироқ, ёқаси ғижим, галстугини ёғ босиб юрадиган шу содда, дилкаш одамга ҳаваси келди — бахтли экан, дунёдан зерикмай, ҳасрат нималигини билмай ўтади. Лекин жуда кўп «Э-э», деяверар экан.

Ҳусаинов Расуловнинг гапидан зерикдими ё бирон нарса эсига тушдими, бирдан хомушланди. Суҳбатга бошқа аралашмади, чой дамлаб келди-да, соатига қараб, унга: «Кеч бўлди, бугун ётиб қолавер», деди. У бош чайқади.

У квартирасига жўнади.

Келса, уйнинг хўжайини йўқ! Шунақа кунлар учун жонингни берсанг ҳам арзийди!

Маст одамнинг изҳори дилини тинглашдан ҳам оғирроқ иш борми дунёда? Сен ҳам маст бўлсанг, майли эди. Маст — сен яшаётган уйнинг эгаси бўлса, устига устак сендан бошқа одамга «юрак сирлари»ни очмаса, бу ҳам етмагандек, сени ўзича ҳурмат қилса. Икки гапнинг бирида буни таъкидлаб турса. «Мен сендан ўн ёш каттаман-у, лекин олдингда худди сен акамдек, довдираб қоламан», деб турса. Албатта, бу гапни доим айтмайди, лекин айтгандан кейин одатда пул сўрайди...

Тун ярмидан ошиб, шаҳар тинчиган, жимликни орасира катта тезликда ўтиб қолган машиналарнинг шувиллаши бузар эди. Дераза очиқ қолгани учун уйнинг ҳавоси тоза, салқин. Тўйиб-тўйиб симиргинг келади.

Бугун ростдан ҳам бошқача кун.

Жин урсин ҳамма ташвишу йўқ ердаги ҳасратларни! Шунча ёшга кириб ҳам қанақа одамман, деб иккиланиб юрсанг. Ичингда, кўнглингнинг туб-тубида ўзингнинг яхши йигит эканлигингга ишонасану яна буни албатта бошқа биров — ичингдаги бошқа бир одам исботлаб бериши шартдек, ахтариниб юрасан.

Одам ўзини яхшиманми, ёмонманми, деб қийнамаслиги керак. Сабаби: охир-оқибат жавоби битта бўлади — ҳеч ким ўзи ҳақида ёмон хулосага келмайди. Мен хомкалла, аҳмоқман, бўрининг тиши, арининг нишиман, йўқ, итнинг кейинги оёғиман, деб ўзини ўзи роса сўкади-ю, кейин бу сўкишларни йўққа чиқарадиган сабаблар ахтаради, ҳамма айбларини турмушга, бошқа одамларнинг уддабуронлигига ағдаради-да, ўзини оқлаб олади. Обдон оқлагандан кейин қараса, ўзи яхши одам экан; унга етишолмаган, ундай бўлолмай юрган одамлар қанча! Шундай экан, иккиланишни бас қилиб, қандайлигингга қарамай, я х ш и ишларга бирданига тутинаверган маъқул. Шунда, ёмон бўлсанг ҳам, ўзўзидан яхшиланиб кетаверасан.

Энг асосийси — ишонч. Йилт этган ёруғликсиз зулмат бўлмайди. Зулматга эмас, ўша ёруғликка қара. Одамга кўз фақат кундузи юриш учун эмас, кечаси — зулматда йўл топиш учун ҳам берилган. Атайлаб кўнглингни шабкўр қилма.

Сен ў ш а қизни ҳам топасан. Нега топмас экансан? Шунча қийналишларинг эвазига уни албатта топасан.

Қизлар билан дўстлашдинг, Мастурани эслайсанми, қандоқ қиз эди! Ака-сингилдек яқин эдиларинг. Ҳамма сирларини сенга айтарди. Акром деган ҳамқишлоғи совчи устига совчи юбориб ҳол-жонига қўймаётгани, онаси эса, Эркин деган қариндошига тегасан, деб мажбурлаётганини гапирарди. «Акром акани ҳар куни кўраман, автобусда кузатиб келади, ўқишдан қайтишимда кузатиб кетади. Фақат узоқдан. Ўзи келиб бир оғиз гапирса нима қилади, а? Ҳадеб совчи юбораверадими? Ўз қадрини ўйламайдими? Ўзим гапирай, десам уяламан. Раҳмим келади. Автобусда мана бундай ғўдайиб олади.— Мастура ўша Акром деган ғўдайганнинг туришини кўрсатиб, ўзи ҳам кулиб юборади.— Йигит ҳам шунақа бўладими?.. Эркин билан бирга ўқиганмиз. Ёмон бола эмас. Мактабдан кейин ҳам одамга ўхшаб саломлашиб юрардик. Шу, онам билан онаси келишиб олгандан бери, мени кўрса, бир чақиримга қочади. Кўролмаяпман. Бир гапириб ташлардим. Э эркак, ким уйланмоқчи: сенми, менми... Қаранг, кимларга дучорман: биттаси гунг, ёнимда унисининг тили бор-у, лекин ҳеч тутқич бермайди...» Кейин умуман эрга чиқишни хоҳламаслигини, тоза ҳаволарни, баланд қирларни, кенг даштларни, қаттиқ шамолларни яхши кўришини соатлаб ҳикоя қиларди: «Сизлар томон дашт, а? Ҳай, дашт бўлмаса ҳам, даштга яқиндир? Мени олиб борсангиз, даштга чиқсак... Қаттиқ шамол турса! Одамни учирадиган зўр шамол бўлмайди-да, а? Шу даштга чиққанимда шамол мени учириб кетса-да, кейин узоқ-узоқ олиб юриб, аста ҳеч ким йўқ бир жойга қўйиб кетса... Учирмаса ҳам, қаттиқ эсса, майли. Фақат чанги ёмон-да, а? Тоза бўлса-да...» Тўртинчи курс охирларида Мастура ўша тутқич бермас Эркинга турмушга чиқди. Эркинбой Мастуранинг йўқ дейишидан қўрқиб қочиб юрган экан. Фотиҳа қилинганидан кейин ўзини туппатузук кўрсатибди, бинойидек тили ҳам бор экан. Тўйларига гала курсдош бир бўлиб бординглар. Сизларни кутиб олишга чиққанда Мастура сал-пал йиғлагандек бўлди, қизлар уни кулиб-кулиб, ҳавас билан овутишди. Тўйдан кейин Мастура қайта ўқишга келмади, келганидан кейин эса илгариги Мастура эмас, мутлақо бошқа — эрлик жувон бўлиб келди. Ака-сингиллик муносабатларинг ҳам бирданига барҳам топди. Унинг сенга айтадиган гапларининг вақти ўтибди, янги гаплари эса сенга аталмаган эди. Худди Мастура сенга бевафолик қилгандек. Майли, эрга тегсин, лекин ҳозир шартмиди, битирганимиздан кейин турмушга чиқса бўлармиди... ҳозирдан рўзғорга ўралашиб... хуллас, шунақа мужмал бир алам уйғонди кўксингда. Мастурадан сенга нима кераклигини ўзинг ҳам билмасдинг. Айни пайтда, Мастура турмушга чиқиб, сенга бегоналашгач, ахир, кундузлари дарсда ухлаб қоладиган келинчак, ўзи ҳам уйланса бўладиган йигит билан уйқусининг сабаби ҳақида гурунглашолмайди-ку, қандайдир эркинликка чиққандек ҳис қилгансан. Қизлар билан юришга эрк берадиган эркинлик. Хадича... Сени Мастурадан рашк қилган. Ва Мастуранинг сенга жиддий кўнгли бўлганлигини ва буни курсдаги ҳамма қизлар билганлигини ва сени латталик қилди, деб ўйлашганини, ва унинг ўзи, яъни Хадича муносабатларингнинг худди шундай тугашини олдиндан билганлигини ва сабр билан кутганлигини ва ниҳоят, энди сен ў з и н и к и эканлигини кўзлари йилтиллаб айтиб берган ва сени, сени тамомила ўзиники қилиб олишга тайёрлигини билдирган... Ана ўшанда сен Мастуранинг тоза ҳаволари ҳам, баланд қирлари ҳам, кенг даштлари ҳам, қаттиқ шамоллари ҳам яккаю ягона ў з и н г бўлганлигингни тўрт йил кечикиб билгансан. Билгансану Хадичадан ҳам ўзингни тортгансан... Мастурадаги айрим белгиларни Ўғилойда кўргандек бўлиб, у билан ҳам бир оз юриб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўргансан. Кейин Сабиҳа... Кейин кўнглингда бўм-бўшлик бошланган. Сен билан юриш уларга яхши сабоқ бўлганми, кейин бу қизларнинг ҳаммаси турмушга чиқиб бахтини топиб кетибди. Улардан бирортасини ҳам ёмон йўлга бошламаган эдинг, бирортасини бахтли қилмаганинг каби, бахтсиз ҳам қилмадинг. Энди Зуҳра... Бу ҳам қарайди-қарайди, кейин ҳафсаласи пир бўлиб, турмушга чиқади-кетади.

Қизлар сенга орқаворотдан «авлиё» деган лақаб тақишган. Йўқ, сенинг авлиёлигинг қолдими? Ўн олти ёшли йигитгина муҳаббатда авлиё бўлади. Сенинг ёшингдаги йигитларнинг муҳаббатига анча-мунча нарсалар илашган чиқади.

Лекин, бари бир, поксан. Ўша қизнинг олдида поксан. Севсанг — поксан. Севги ҳамма нарсани поклайди. Балки ўша қиз ҳам сенга ўтмишидан покланиб пешвоз чиқар?..

Уни шунча йил муштоқлик билан кутганингни, юрган қизларингни, кўнглинг бўм-бўш бўлиб, бу бўшлиқни ҳеч нарса билан тўлдиролмаганингни унинг ўзига бирма-бир сўзлаб берасан.

Секин-секин, осуда-осуда, юрагинг аланга олгунча, тафти унинг кўзларига ўтгунча сокин ҳайқириқ билан шивирлаб сўзлайсан.

Ундан ҳеч нарсани яширмай, ҳаммасини айтиб берасан.

Маҳбублар ўртасида айтилмаган гап қолмаслиги керак. Айтиб беравер. Севган қиз маҳбуби ҳақидаги гапларни бошқалардан эмас, оғир бўлса ҳам, унинг ўзидан эшитиши зарур. Фақат жасоратли одам эмас, гуноҳини жасорат билан тан олган ҳам — мард.

Ҳар қандай иш ҳам албатта якун топади. Кутиш ҳам. Излаш ҳам. Азоб ҳам. Қолаверса, бахт ҳам.

Эртадан, ўрнингдан турибоқ янги ҳаётни бошла. Сенга диссертация фақат ёқлаш учун керак эмас-ку, бу ҳам — борлиги номаълум нарсани излаш. Олимлик илм ҳақида гапириш билан эмас, иш билан бошланади.

Юрасанми собирларга қўшилиб, аввалбойларни ғийбат қилиб. Атрофингга кўзингни каттароқ очиб қара. Султон акадан ёзғирасан, уни ҳам тушуниш керак. Яхши одам, лекин ҳаётда унга ҳам нимадир алам қилган, нимадир уни четлаб ўтган. Уста бўлишга уринган-у, нимадир етишмаган, ишқилиб, энди илмда яшай бошлаганида кўнглининг қаеридир дарз кетганда, шу аҳволга тушган. Йўқса, сенинг ёшингда у ҳам қандайдир катта нарсаларни кутган.

«Э-э,— дейди онанг,— бу дунёда, ишқилиб, одамнинг бахти қайтмасин; бир қайтгандан кейин...»

«Бахт одамга бирдан келмайди, болам,— дейди доно кампир.— Аста-аста келади: нарвонга бирдан чиқмайсан... Лекин кетганини билмай қоласан...»

Ҳикмат. Яшаш илми сенинг диссертациянгдан чуқуроқ.

Қара атрофга: одамлар ишлаяпти. Ҳатто шу Собир ҳам, нияти фақат ёқлаш бўлса ҳам, ишқилиб, бир мақсадга тирмашади.

Нега анов мушукпарвар хотинни кўриб асабинг бузилади? Майли, бу ҳам — бир эрмаги-да. Шўрликнинг боласи йўқдир, турмуши бузилгандир, ёлғиздир, бу дунёдаги яккаю ягона овунчоғи, эҳтимол, мушукдир. Унинг ҳам нимагадир меҳр қўйгиси келар...

Табиат одамни меҳрли қилиб яратган: ўзга вужудга бағишлаши учун. Ўзида меҳрни тўплаб, ҳеч ким, ҳеч нарсага харжламай юрган одам дард топади. Ўзини ёмон кўриш дардини.

Сенга меҳр кўрсатганлар кўп-ку. Яхши одамлар ичида яшаяпсан. Султон акага қўрс гапириб юборганингнинг сабаби ҳам, унинг эртага сени кечириб юборишини билганингда: у ҳам сенга меҳр қўйган. Ҳусаиновни ҳам ўзинг қийналган пайтингда йўқлаб борасан — биласанки, у ҳам сенга меҳрини беради.

Лекин ўзинг ҳали бировга тузукроқ меҳр кўргизганинг йўқ.

Бу — ёмон!

Бирдан у ишхонадаги телефонини ўйлади. Телефон жиринглаётган эди, лекин товуши қайдадир, йўлда, шаҳар осмонининг қаеридадир, худди қумлоққа сингиб бораётган жилғадек ҳолсизланиб, йўқолиб, бу ергача етиб келмаётган эди.

Шаҳарнинг қаеридадир унинг товушини эшитишга интиқ бўлган ўша қиз телефон трубкасини қулоғига тутганча, қошларини чимириб, ажабланиб турибди... Қайта-қайта телефон қилади, хуноб бўлади, «Қанақа бетайин йигит экан, телефон қилинг, кутаман, дегандан кейин, кутмайдими, ахир», деб жаҳли чиқади... «Адресини билмасам, телефонимни айтмаган бўлсам, қиз бошим билан уни қандай ахтариб топаман?», деб ўксинади...

Ишхонасига бориб келсами?

Телефон товуши хонасининг эшиги, деразалари тирқишидан сизиб ўтиб, бутун ишхонани тўлдиряпти, осмонга тараляпти — уни излаяпти!

Назарида, телефон жон-жаҳди билан уни чақираётганидан ҳозир, мана, ҳозир дарз кетадигандек туюлди.

Ишхонагача бир соатлик йўл. То етиб боргунча...

Эртага, эртага...

У яна дераза олдига борди.

Яна бир машина, олдидаги йўлни чироқлари билан пайпаслаганча, худди қоронғиликдан қўрқаётгандек, ерга пусиб-қапишиб ўтди.

У деразага орқа ўгириб, хонасига қаради: ўзини тўрт девор билан ҳимоялаб олган хона ҳаддан ташқари беибо ёришиб тургандек, уни масхаралаётгандек кўринди. У ўзида хонасига нисбатан ғалати бир душманлик туйди. Аччиқ бир ҳузур билан бориб чироқни ўчирди.

Қоронғилик лип этиб ўзини ичкарига урди, хонани ҳам, уни ҳам ўзига қўшиб олди.

Зулмат унинг суяк-суякларигача сингиб кетгандек, ҳатто фикрларини ҳам бир текис — қора, унсиз бир тусга бўяб юборгандек туюлди.

«Тун мени ютиб юборди.

Тун сени ўраб турган ҳамма нарсани ўзига сингдириб олди.

Ёлғиз, яланғоч қолдинг, юрагим!»

Лекин дераза чорчўпи юлдузларга тўлиб кўринди: ёруғлик элаётган ғалвирдек...

У яна дераза ёнига борди. Шаҳар кўринишидан боягидек эркинлик туйди. Кундуз яхши — одамларни кўриб турасан, уларнинг юзлари ёришиб турганини кўрасан. Одам ёруғда туриши керак. Одам ёруғда юриши керак.

Тун — ёлғизлик. Лекин тунда ҳам ерда — чироқлар, осмонда — юлдузлар: қоронғилик жуда-жуда катта бўлгани билан, ости-усти ғалвир, бағри илма-тешик, бу тешиклардан зулумотни ёндирадиган ингичка аланга тиллари ўсяпти...

Тўққизинчи қаватдан қарасанг, сен ҳаммадан юксакда, тунги шаҳар эса пойингда сукут сақлаб, сенга тобе — фармон кутиб ётгандек кўринади.

Саҳарлаб тураман-да, абадий яшайдигандек ўйлаб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

эртага ўладигандек, шошилинч ишга киришаман, деб қатъий фикрга келди у.

Кўча жимиди. Чироқларнинг ёғли нурида кундуз терисидек йилтираб, ниманидир кутиб қолди. Кўча четидаги дарахтлар, симёғочлар, симёғочлардан тортилган, чироқлар ёруғида бир қулоч-бир қулоч жойлари сарғиш товланаётган трамвай симлари ҳам, беш-олтитагина кўзи қоронғиликка аланглаган уйлар ҳам, ҳатто ўчган деразалар ҳам кўча кутаётган муждага сомеъ бўлиб қотиб турарди.

Кўчанинг у бошидан яна бир машина кўринди, ўзидан олдин енгил шувиллаши келди.

Ҳаммаси ҳавойи гаплар — бугун ҳаётни қайта қуришга сўз берасан-да, эртага кечагидек яшайверасан, деб ўйлади у, кўнглининг туб-тубидан ўрмалаб келаётган иккиланиш билан.

Йўлдаги машинанинг чироқлари ўчиқ эди.

Лекин, бари бир, бугунги кун беиз ўтмайди: кўнглимда бугун нимадир енгилди, нималардир бош кўтардилар; эртадан қандайдир ўзгаришлар нишона беради; одам бир нарсани тубдан ўйлаб олса-ю, ҳеч нарсани ўзгартирмаса, яна шундай яшайверса... Йўқ, мумкин эмас — эртадан нимадир яхши нарса бўлади, деб ўйлади у шикаста бир ишонч билан.

Шаҳар юлдузли осмон остида чироқларини пирпиратиб, яшнаб-ястаниб ётар эди. Шу ётишида асотирлардаги жуда баҳайбат, жуда улкан жуссали афсонавий тирик жонзотга ўхшаб кетарди — қандайдир хушфеъл, соддадил, хайрхоҳ... Ҳозир эса ҳорғин сукунат қўйнида тамшаниб-тамшаниб туш кўрар, аҳён-аҳёнда энтикиб, кўзлари очиқ ухлар эди.

Илк таассурот

«Бу куннинг давоми...»

Аҳмад Аъзамни илгаридан биламан, ёзган нарсаларини кўпдан бери кузатиб келаман. Баҳсли, доим айтган гапининг тагида яна бир гапни яшириб турадиган ҳикояларини яхши кўраман. Менингча, у ҳикоя шаклини пухта эгаллаб олган, шунинг учун ифода, тасвирдаги янгича, кутилмаган рангларни дадил ишлатаверади. Таъсирчан, ширали ёзади. Асарнинг бошидан охиригача китобхонни бирдек «ушлаб» туради. Бу — катта гап. Асарни берилиб ўқиган китобхон унда кўтарилган масалаларга ҳам бефарқ қолмайди, ўзи учун керакли бир хулосани топиб олади.

Аҳмаднинг «Ойнинг гардиши», «Одамнинг оласи», «Алмисоқдан қолган Карим» деган бир-бирига ўхшамайдиган ҳикоялари мени ана шу жиҳатлари билан ўзига тортган.

«Бу куннинг давоми» кичик қиссаси кўп жиҳатдан Аҳмаднинг олдинги ҳикояларига боғлиқ, лекин улардан ажралиб ҳам туради. Ҳарҳолда, изланиш бунда ўз кучини кўрсатган. Муаллиф янги тажрибаларни кўпроқ қўллаган, ҳикоя имкониятларини чуқурроқ англаб, ифода усулини китобхоннинг юрагига яқинроқ қилган.

Асар тўғридан-тўғри ҳаётда ўз ўрнини тузукроқ англаб улгурмаган йигитнинг ўйларидан бошланади.

Очиғини айтганда, асарнинг бошларида иккита навқирон ёш олим йигитларнинг сигаретни бурқситиб, беш-олти саҳифа давомида ғийбат қилишидан кўнглим ғаш тортиб кетди. Қаҳрамонлар психологиясини фақат шу йўл билан очиб бериш шартми, деб ўйладим. Лекин асар давомида, билсам, бу ҳам муаллифнинг мақсадига кирар экан. Ўзи ғаш, дарёнинг лабида ўтириб, қандай сув ичишни билмай чанқаб турган йигитнинг туйғулари китобхонга ҳам юқади: бора-бора бу кечинмалар ўрнини ёруғ туйғулар эгаллай бошлайди.

Муаллиф қаҳрамони кўнглидаги бир кунлик ўзгаришларни батафсил тасвирлайди ва асарнинг охирида бу ўзгаришларни яхлит бир кўтаринки кайфиятга айлантиради. Аслида кичик қиссанинг ўзи ҳам шу кайфият тўғрисида. Одам ўйланиб қолади: бу ақлли қаҳрамонимизнинг эртанги куни қандай бўлар экан! У эртадан бошқача яшайдими ё «саҳарлаб туриб» бугун ўйлаган ўйларини яна қайтадан бошлаб, одамларнинг меҳр дарёси лабида меҳрдан бебаҳра ўтиравердими!

Аҳмад Аъзамнинг ўзи қаҳрамонига ишонади, бу куннинг давоми, яна шундай руҳий изланишларга учраса-да, яхши бўлади, деб ўйлайди. Лекин буни яширади, масалани атайлаб очиқ қолдиради, китобхон ҳал қилсин, дейди.

Адабиётда янги йўл излаш, уни топиш машаққатли кечади. Лекин бу — хайрли иш. Хайрли деганимнинг сабаби, бунақа янги йўллар, экспериментлар, улар хоҳ муваффақиятли, хоҳ бўш чиқсин, адабиётга хизмат қилади.

Мен бу гапларни Аҳмад Аъзамни бир оз суяганим учун ҳам ёзяпман. Асардаги янгича йўлнинг қанчалик ўзини оқлаган-оқламаганлигини муҳтарам танқидчилар айтишар. Лекин асар мени бефарқ қолдирмади, муаллифнинг гоҳ ўз тилидан, гоҳ қаҳрамонининг тилидан инсоний кайфият товланишларини очиб бериши, бу кайфиятни китобхоннинг кўнглига ҳам ўтказа олиши маъқул тушди.

Насримизда бир гуруҳ истеъдодли ёшлар бор, ҳар бирининг ёзиши ўзига хос. Уларга кенг имкониятлар яратилган ва айни пайтда, ёшлар, зиммаларингиздаги масъулият ҳам жиддий, дегим келади.

Худойберди ТЎХТАБОЕВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юсуф Жумаев

Қизларга

Кўк ва Ўзбекистон иккови касбдош,
Касбдош бўлганидай дутор билан най,
Оламга нурларин сочмоқда қуёш,
Зарафшон оламга тилло сочгандай!

Осмону юртимнинг бағрин қўрлари
Сарҳадсиз очунни обод этмоқда.
Каттакон оламга офтоб нурлари
Ғозғон мармаридек тарқаб кетмоқда!

Фалак ва Ватаним мудом мўътабар,
Фалак ва Ватаним ҳар ишда шерик.
Шамси ер юзини айлар мунаввар
Қоракўл қўйларин антиқасидек!

Бўлар ҳар бирини бир офоқ деса,
Лекин битта фарқ бор икки жаҳонда:
Осмоннинг биргина қуёши бўлса,
Минглаб қуёши бор Ўзбекистонда!!!

. . .

Бағрингда мавжуд деб уч-тўртта илон,
Покиза дарёни сўкмак жаҳолат.
Чўққингда музликлар тутди деб ошён,
Нодонлик — тоғни гар қилсанг ҳақорат!

«Бизда бор экан деб уч-тўрт эгри қўл»,
Нега юзинг ерда, бу нечук дастур?!
Эй халқим, дарёдек собитқадам бўл,
Ҳамиша тоғ каби яшагин мағрур!!!

. . .

Ўйлайсиз: мен сизнинг мақтовга зорман,
Бақа мақтовига зор эмас булоқ.
Сиз не десангиз денг, мен бахтиёрман,
Чўғнинг мақтовига зор эмас чақмоқ!

Ўз эътиқодимдан кетмасман тониб,
Майли камол тиланг, майлига завол.
Яшайман дунёда чақмоқдай ёниб,
Яшайман дунёда булоқдай ҳалол!

Бир устозимга деганларим

Бурнингиз осмонда, димоғдор устоз,
Бурнингизга кўкда нима бор, устоз.

Бурунга эргашиб кўкда юрибсиз,
У сизни қилади бир кун хор, устоз.

Мендан ўзингизни баланд оласиз,
Қалбингизда кибр устивор, устоз.

Ҳазрат Навоийни олингиз ёдга,
Шогирдларга нечоғ ғамгусор, устоз.

Дардлашинг мен каби укалар билан,
Кўксимда она халқ пойидор, устоз.

Менимас, шу халқни менсисангиз-чи,
Не буюк даҳолар халққа ёр, устоз.

Рост бўлса элим деб жаврашларингиз,
Бурнингизга кўкда нима бор, устоз?!

* * *

Гўзал кулаётир ўзидан-ўзи,
Гўё қитиқланган бола сингари.
Билмам, нимагадир ёнмоқда кўзи,
Билмам, ким қитиқлар нозик дилбарни?

Атрофида йўқ-ку бирорта жонзот,
Сочида тўкилган ўрик гуллари.
Ё қалбида биров бормикан... наҳот...
Билмам, не қитиқлар нозик дилбарни?

Ё хушбўй чечаклар қиларми имо,
Қитиқлармикан ё майса тиллари.
Балки ҳазиллашган ўткинчи сабо,
Билмам, ким қитиқлар нозик дилбарни!

Эй, шоир, кўзингни очсанг-чи ахир,
Хайрлашиб турфа қайғулар билан,
Гўзални шўх баҳор қитиқлаётир,
Қитиқлайди ширин туйғулар билан.

Бисёр ташвишларни унутгил зинҳор,
Қара, ям-яшилдир буткул ер юзи.
Бошланди деявер оламда баҳор
Бўй етган қиз кулса ўзидан-ўзи!

Хорижни мақтаган сайёҳга

Дедингки, хорижда матолар рангин,
Енгил машиналар чидамли, арзон.
Бинолар бардошли қоялар бикин,
Дангали, у ёқда яшамак осон.

Ўзбекистон борми хорижда, айтгил,
Ўзбекистон бўлса ҳақсан бегумон.
У йўқ жойда менга яшамак мушкул,
У бор жойда менга яшамак осон!

* * *

Ҳабибим, дедингки: бенаф курашмоқ,
Оламда фосидлик ҳали анча бор.
Гарчи балоларга тутамиз кўкрак,
Балки бизга бўлмас ғалабалар ёр...

— Курашсак, юракда сўнмаса сабот...
Ғалаба бўлмаса ҳамки муяссар,
Бизни кечиради келажак авлод,
Курашмаганларни кечирмайдилар!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шукур Содиқ

Исёнкор дарахтлар

Баҳорда дарахтлар исён қиларлар
Яшил байроқларин кўтариб кўкка.
Қаддин қалқон қилиб собит турарлар,
Довруқ солмоқчидай тубсиз фалакка.

Тунда, ой нурида содиқ соқчидай
Кўм-кўк совут кийиб турар дарахтлар.
Гоҳида кўнглимни кўтармоқчидай,
Хаёлим саҳнида юрар дарахтлар.

Исёнкор дарахтлар силсиласида
Ўзимни сезгум мен эркин, бахтиёр.
Дарахтларнинг яшаш намунасида
Муте зотлар учун буюк ибрат бор.

Баъзида, нимадир дилимни эзиб
Дарахтларни қучиб босганимда лаб.
Тополмаган кезлар ўзимни ўзим
Яшагим келади уларга ўхшаб.

. . .

Йигирманчи Аср, мени қийнама,
Жаврама инқироз фалсафасини.
Яхшиси, сен менга ҳал қилиб бергин
Боқий тинчлигимиз масаласини.

Йигирманчи Аср, сувратинг кўрдим,
Бир қўлингда қурол, бир қўлингда гул.
Менимча, суратга бир қучоқ бола,
Бир қучоқ гул билан тушганинг маъқул.

Йигирманчи Аср, урушни кўрдинг,
Ёғоч оёқ билан қолдинг дирдираб.
Сен энди Тинчликда яшамоғинг шарт,
Вужуди соппа-соғ болангга қараб.

Расадхонада

Замон ҳар кимсани тақдирлар бешак,
Тақдирлар ҳар кимни ишига қараб.
Мен бунда илк марта Вақтни учратдим,
Турарди у оппоқ сочини тараб.

Вақт мени бошлади расадхонага,
Юлдузлар шуъласи унга бермиш зеб.
Сўнгра у туйнукдан кўкни кўрсатди,
Ана Улуғбекнинг бор-йўқ умри деб.

Рауф Толиб

Орзулар

Дарё дейди:— Чўллар ҳам
Гул бўлсин,
Гул бўлсин.
Она ер дер:— Буғдой дон
Мўл бўлсин,
Мўл бўлсин!

Ниҳол дейди:— Инсонга
Бол тутай,
Бол тутай.
Гул дер:— Кўрган кўзларни
Қувнатай,
Қувнатай!

Қушлар дейди:— Сайрайлик,
Чаманда,
Чаманда.
Болалар дер:— Яйрайлик
Ватанда,
Ватанда!

Қуёш дейди:— Она ер
Яшнасин,
Яшнасин!

Қор ва пахта

Қор кўрдию пахтани
Қолди бирдан мақтаниб:
— Вой, ўхшайсан ўзимга,
Ҳа, ишонгин сўзимга.
Кўнгил сендай юмшоқдир,
Кўринишим оппоқдир.
Ўзим жуда енгилман,
Балки, сенга сингилман,
Дўст излаб кездим сарсон
Бир умрга пахтажон,
Бўламиз дўст, қадрдон.
Қани,
Қани қўлни бер!
Пахта ҳам шод бўлиб дер:
— Гапинг чин бўлса агар,
Айрилмаймиз ҳеч жигар.
Қуёш чиқди...
Пахтажон
Боқса қордан йўқ нишон.
Ҳар бир учраган ҳамроҳ,
Дўст эмасдир,
Бўл огоҳ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳикоялар

Эмили учун атиргул

Ибрҳим ҒАФУРОВ таржимаси

Уилям Фолкнер

ТЎЗОНЛИ СЕНТЯБРЬ

I

Олтмиш икки кундан бери ёмғир ёғмас — сентябрь ойининг қонталаш хуфтон чоғларидан бирида худди қуриган ўтга ўт чақилгандай миш-мишми, ҳангомами, нима деб атаманг, тарқалди. Минни Купер билан негр тўғрисида аллақандай ғавғо. Унга ёпишган эмишлар, уни ҳақоратлаган эмишлар, қўрқитган эмишлар; шанба куни кечқурун сартарошхонага тўпланган кишиларнинг биронтаси ҳам аслида нима бўлганлигини билмас эди. Сартарошхона шифтида вентилятор париллаб айланар, лекин дим ҳавони тозалаб беролмас, одамларнинг сассиқ нафас ва ҳидларини ўзларига қайтарар, хонада турли лосьон ва суртқиларнинг ислари кезарди.

— Лекин бу Уил Мэйзнинг иши эмас, — деди сартарошлардан бири. Ўрта ёшлардаги малладан келган қотма, чеҳраси мулойим бу сартарош шу тобда мусофир бир кишининг соч-соқолини олмоқда эди. — Мен Уил Мэйзни биламан. У қора бўлса ҳам, ўзи ёмон йигит эмас. Минни Куперни ҳам биламан.

— Сен унинг нимасини биласан? — деди бошқа сартарош.

— У ким ўзи? — сўради мусофир. — Ёшгина қизчадир-да?

— Йўғ-э, — деди сартарош. — Менимча, унинг ёши қирқларга бориб қолган. Турмуш қурмаган. Шунинг учун ҳам сира ишонгим келмайдики...

— Ишониш ёки ишонмасликка бу ерда бало борми! — деди ипак кўйлак кийган, терлаб кетган, хатти-ҳаракатлари ўхшовсиз йигитча. — Кимнинг сўзи муҳим, оқ хотиннингми ёки қорачалпакнинг?

— Мен Уил Мэйз шундай иш қилишига сира ишонмайман, — деди сартарош. — Уил Мэйзни мен биламан.

— Унда балким буни ким қилганлигини ҳам биларсан? Қорачалпакларни бунчалик яхши кўрар экансан, балки шаҳардан чиқиб қочишига ҳам ёрдам бергандирсан?

— Умуман, бировнинг шундай иш қилишига ишонмайман. Бир нарса бўлганига ишонмайман. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Эри йўқ хотинлар ёшлари ўтган сайин хаёлларига ҳар хил нарсалар келаверади, шуни ҳам билмайсизларми, ахир, одамга...

— Шуям оқ танли киши бўлдими! — деди мусофир. У пешбанд тагида питирлаб қолди. Йигитча дик этиб ўрнидан туриб кетди.

— Нима, ишонмайсанми? — деди у. — Демак, сенингча, оқ танли хотин ёлғон гапираётган экан-да?

Сартарош устарасини ўрнидан туриб кетай деяётган мижознинг тепасида тутиб турди. У атрофига қарамасди.

— Э, ҳаммаси шу ҳавонинг ёмонлигидан, — деди бошқа сартарош. — Бундай ҳавода одамнинг қўлидан ҳамма нарса келади. Ҳатто Минни Куперниг ҳам.

Ҳеч ким кулмади. Сартарош мулойим, лекин қатъий деди:

— Мен ҳеч кимни ҳеч нарсада айбламайман. Мен фақат шуни яхши биламанки, сизлар ҳам болалар, яхши биласизларки, аёл киши агар уни ҳеч ким ҳеч қачон...

— Бор, ўзингнинг негритосларинг билан оғиз-бурун ўпишавер! — деди йигитча.

— Оғзингни юм, Чўян, — деди бошқаси. — Гапнинг нимада эканлигини аниқлаймиз, ҳали вақтимиз кўп олдинда.

— Ким? Ким аниқлайди? — деди йигитча. — Топган гапингизни қаранг! Э, мен...

— Сен чин оқ танли экансан, — деди мижоз. Соқолига совун суртиб қўйилганидан у худди кинолардаги ковбойларга ўхшаб кетарди. — Уларга тушунтириб қўй, йигит, — деди у ўсмиргга. — Агарда шаҳарларингда оқ танли эркаклар қолмаган бўлса, мана, мен бор, бор-йўғи мусофиру гумашта эканлигимга ҳам қараб ўтирмайман.

— Менга қаранглар, болалар, — деди сартарош. — Аввал ҳақ-ноҳақни билинглар. Мен Уил Мэйзни танийман.

— Ана, холос! — деб қичқирди йигитча. — Тавба, бизга ҳамшаҳар бўлган оқ танли киши...

— Жим, Чўян, — деди иккинчиси... — Ҳали вақтимиз етарли.

Мижоз ўтирган жойида қаддини ростлади. У гапираётган одамга қаради.

— Сизнингча, демак, қорачалпак оқ танли хотинга ташланса, индамай ўтирвериш керак экан-да, а? Яна сиз оқ танли бўлатуриб, уни оқлайсизми, мен сизни тўғри тушунибманми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яхшиси, қаердан келган бўлсангиз ўша ерга — шимолга туёғингизни шиқиллатиб қолинг. Бундайларнинг бизга сира кераги йўқ.

— Шимол бу ерда нима қилиб юрибди? — деди бошқаси. — Мен шу ерда туғилиб ўсганман.

— Ана, холос! — деди йигитча. У нима қилмоқчилиги ёки нима демоқчилигини эслагандай бир-бир ҳаммага ўқрайиб ва даргумон бўлиб қараб чиқди. Енги билан тер қуйилаётган манглайини артди.

— Мен отимни бошқа қўяман, агар йўл қўйсам оқ хотинни мана шундай...

— Уларга тушунтириб қўй, йигит, — деди гумашта. — Худо номини тилга олиб қасам ичаманки, агарда улар андаккина...

Ойнаванд эшик шарақлаб очилди. Остонада оёқларини-керганча тиғиз гавдали бир одам қад ростлади. Оқ кўйлагининг ёқалари ечилган, бошида енгил шляпа. У қонталаш сурбет кўзларини ҳаммага бир-бир қадади. Бу одамнинг исми шарифи Мак-Лендон эди. У фронтда солдатларга бошчилик қилган, мардлиги учун медаль олганди.

— Хўш, — деди у, — Жефферсоннинг кўчаларида қорачалпак оқ хотинни бемалол зўрласа-ю, сизлар индамай чидаб ўтираверасизлар?

Чўян яна дик этиб ўрнидан туриб кетди. Ипак кўйлаги ўйнаб чиққан елкаларига чиппа ёпишиб қолганди. Иккала қўлтиғининг таги намиқиб қорайган, ярим гардиш бўлиб турар эди.

— Боядан бери айтяпман шуни! Тўхтовсиз жавраяпман...

— Ростдан ҳам бир гап бор эканми ўзи? — сўради учинчи одам. — У хотин биринчи маротаба қилаётгани йўқ-ку, бундай ишни. Пинкертон тўғри айтди. Эсингизданми, бултур у дунёни бузиб айюҳаннос солган эди, ечинаётсам томдан бир эркак қараб турибди, деб?

— Нима? — деди мижоз. — Нима дедингиз?

Сартарош уни яна оҳиста жойига ўтқиза бошлади, у креслонинг суянчиғига ястаниб олди-да, бошини орқага ташлади.

Сартарош унинг елкасидан босиб турарди.

Мак-Лендон учинчи кишига ёпиша кетди.

— Хўп, нима бўпти! Онасини палон-пистон, бунинг нима аҳамияти бор! Нима сиз қорачалпакларга шунгача ҳам бемалол йўл қўйиб бермоқчимисиз?

— Ана, мен ҳам шуни айтяпман! — деб қичқирди Чўян. Шундай деб у бемаъниларча узундан узоқ сўкинди, нафаси оғзига тиқилиб қолди.

— Ўпкангни бос, ўпкангни бос, — деди тўртинчи одам. — Мунча кекирдагингни чўзаверма. Шовқинлаб нима қиласан?

— Рост, — деди Мак-Лендон, — шовқин солмай тинчитамиз. Ким мен билан боради?

У оёғининг учида туриб чайқалар, ҳаммага бир-бир назар соларди.

Сартарош мижознинг калласини креслога босиб, устарасини шайлади.

— Болалар, олдин ҳақ-ноҳақни аниқланглар. Уил Мэйзни мен биламан. Буни у қилмаган. Келинглар, яхшиси, шерифни чақириб ишни жойида қиламиз.

Мак-Лендон қаҳр ва қатъиятдан тиришган башарасини унга ялт этиб бурди. Сартарош кўзини олиб қочгани йўқ. Улар турли ирққа мансуб одамларга ўхшар эдилар. Бошқа сартарошлар креслоларда ястанишиб ётган мижозлар тепасида қотиб қолишди.

— Демак, — деди Мак-Лендон, — сенга оқ хотиндан негрнинг сўзлари муҳимроқ экан-да, а? Бу дейман, қорачалпаклар билан оғиз-бурун ўпишиб қолибсан...

Учинчи одам ўрнидан туриб келиб Мак-Лендоннинг қўлидан тутди. Ўз вақтида у ҳам фронтда жанг қилганлардан эди.

— Қўйинглар, қўйинглар. Келинглар, бир миямизни жойига қўйиб ўйлаб кўрайлик. Ҳақиқатан нима бўлганлигини ким аниқ билади, қани айтсин?

— Мияни қотириб нима қиламиз! — Мак-Лендон силтаниб унинг қўлидан чиқди. — Ким хоҳласа, мен билан юрсин. Ким истамаса... — у юзидан қўйилиб келаётган терни енги билан сидираркан, ҳаммага кўз қадаб чиқди.

Уч киши ўрнидан қўзғалди. Гумашта креслода қаддини кўтарди.

— Қани-чи, — деди у томоғидан пешбандни сидириб оларкан, — латтангизни олинг бўйнимдан. Мен мусофир одамман, лекин худо номига қасам ичаманки, хотинларимиз, опасингилларимиз ва оналаримизни...

У пешбанд билан юзини сидириб, сўнг уни ерга улоқтирди. Мак-Лендон остонада турганча қолганларни сўкиб ҳақоратларди. Ўтирганлардан яна бири туриб унинг ёнига борди. Бошқалар қисилиб-қимтиниб ўтиришди-да, сўнг бир-бирларининг кўзларига тик қаролмай, бирин-сирин ўринларидан қўзғалиб, Мак-Лендонга қўшилишди.

Сартарош этакни ердан олди. Уни бафуржа тахлай бошлади.

— Болалар, қўйинглар. Уил Мэйзнинг гуноҳи йўқ. Мен биламан.

— Кетдик, — деди Мак-Лендон. У шаҳд билан орқасига бурилди. Шимининг чўнтагидан оғир тўппончанинг қўндоғи чиқиб турарди. Чиқдилар. Ойнаванд эшик орқаларидан қарсиллаб ёпилди, диққинафас ҳаво шанғиллаб кетди.

Сартарош устарани шошмасдан яхшилаб артди-да, жойига қўйди, қўшни ҳужрага кириб девордан шляпасини олди.

— Мен тезда қайтиб келаман, — деди у. — Бунга йўл қўйиб бўлмайди...

У кўчага югуриб чиқиб кетди. Бошқа икки уста унинг ортидан эшиккача келишди, шитоб билан очилиб-ёпилаётган эшикни қўллари билан тутиб, кўчага мўралаганча унинг кетидан қараб қолдилар. Ҳаво дим, ўлик эди. Оғиз-томоқлар қақраб қақшаган эди.

— Унинг қўлидан нима ҳам келарди? — деди сартарошлардан бири. Бошқаси пичирларди: «Ё раббим Исо, ё раббим Исо. Шўринг қурсин, Уил Мэйз, Мак-Лендоннинг ғазабига учрабсан».

— Ё раббим Исо, ё раббим Исо, — дея тўхтовсиз пичирларди бошқаси ҳам.

— Сенингча, ростданам бир гап бўлганмикан ўзи? — деди биринчиси.

II

Унинг ёши ўттиз саккиз, ўттиз тўққизларга бориб қолган эди. У оғир бемор онаси ҳамда ҳеч нарсани писанд қилмайдиган заҳил, ориқ холаси билан бирга турарди. Улар кўп қатори йиғма уйда яшашар, у ҳар куни эрталаб соат ўн билан ўн бирнинг орасида бошига чеккаларига тўр тикилган қалпоқча илганча айвонга чиқар ва кун ярим бўлгунча ҳалинчак-креслода чайқалиб ўтирарди. Тушликдан сўнг то жазирама иссиқ тушмагунча уйга кириб ухларди. Кейин эса ёзда кияман деб тиккан уч-тўртта ҳарир кўйлагининг бирортасини кийиб марказга тушарди — бу ерда аёллар магазинларидаги танишбилишларига учрашар, товарларни қўли билан пайпаслаб кўрар, кўнглида ҳеч нарса оладиган нияти бўлмаса ҳам, совуқ, дағал товуш билан нарх талашарди.

У гарчи жуда атовлик бўлмаса-да, лекин Жефферсонда ўзига тўқ ва тузук хонадонлардан эди, унинг қадди-қомати анча нозик, кўриниши эса одмироқ эди, ўзини ғашга тегадиган даражада ўктам тутар ва шунга яраша кийинарди. Ёшлигида қадди-басти келишганлиги ва ерга урса кўкка сапчиши боисидан шаҳар жамоасининг казо-кузоларига тегишли кибор доираларда бирмунча вақт ўралашиб юришга муяссар бўлди; ёшлар ижтимоий келиб чиқишдаги фарқларга унчалик эътибор бериб ўтирмайдилар, шунинг учун ҳам у дугоналарининг зиёфатларида қатнашар, улар билан биргаликда черковга борарди.

У эътибордан қолаётганлигини ҳаммадан кейин англади; у тўда ичида алангасини ўткирлиги билан бошқалардан ажралиб турарди, лекин вақт ўтган сари бу тўданинг эркаклари тобора олифта-қуруқ, қизлари эса қасоскор бўлиб боришарди. Ана ўшанда унинг чеҳрасида мана шу ўнғайсиз-ўктам ифода пайдо бўлди. У яна бирмунча вақт зиёфатларда, иморатларнинг салқин ва ҳоли айвонларида, кўм-кўк ўтлоқларда шундай бўлиб юрди. Бу ифода унга мисоли ниқоб ёхуд байроқ бўлиб хизмат қилар, кейин ҳақиқатни сира тан олишни истамаганликдан унинг кўзларида ажабланиш юзага чиқди. Лекин бир куни кечқурун меҳмондорчиликда у тасодифан ўзининг синфдошларидан икки қиз билан бир боланинг гапларини эшитиб қолди. Шундан эътиборан у меҳмонга чақирсалар, бормайдиган бўлди.

У ўзи билан бирга ўсган дугоналари турмушга чиқаётганлари, уйлик-жойлик, бола-чақалик бўлаётганлари, унга эса биронта эркак жиддийроқ бир ният билан мурожаат қилмаётганлигини кўриб турар, вақт эса жойида турмас, ўртоқларининг фарзандлари энди бўй чўзиб, тил чиқариб, мана, бир неча

www.ziyouz.com kutubxonasi

Николай АНАСТАСЬЕВ: Фолкнер диёрига сафар

Адабий жанрлар ичида энг оғири шеъриятдан кейин ҳикоячиликдир, деб ҳисобларди Уилям Фолкнер. «Романда анчайин нуқсонлар ва пала-партишлик сезилмаслиги мумкиндир, — деган эди у. — Бунинг учун китобхон сиздан ёзғирмайди. Лекин мухтасарликда шеърдангина қолишадиган ҳикояда, фаҳмимча, деярли ҳар бир сўз ўз ўрнида ишлатилмоғи лозим». Шу гапининг сўнгида ўзидан шоир ёки нари борса, ҳикоянавис чиқмаганини у афсус билан қайд этади ва: «Оқибат Марк Твен, Драйзерларнинг дабдабали усулида ёзишимга тўғри келди», дейди.

Фолкнер ҳикояларини ўқиётиб (жумладан, романларини ҳам), дам-бадам киши боши берк кўчага кириб қолаётгандек бўлади — ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари мубҳамдек. Бу ҳикоялар Чехов, сўнгра Хемингуэй такомиллаштирган «айсберг»дан ҳам ҳоли. Энг муҳими, улар мазкур жанр учун тамомила мажбурий ички «чегаралар»га бўйсунмайди: на бошланиши бор, на аниқ якуни. Ҳажман унча катта бўлмаган бу ҳикоялар жанр қонуниятлари нуқтаи назаридан қараганда, моҳияти тўла очилмай қолиши мумкин бўлган аллақандай маҳобатли нарсага мансубдек туюлади. Санъаткорнинг чидамли материал устида чеккан азияту ранжлари ҳар саҳифада сезилиб туради.

Ушбу эътирофлари ҳам Фолкнернинг адабий фаолиятига хос аксар хусусиятларни ойдинлаштиради:

«Биз (Фолкнер ўзи билан замондоши Томас Вулфни назарда тутади. — Н. А.) кўнглимиздаги ҳамма гапни, бор-йўқ тажрибамизни тўғридан-тўғри ҳар бир абзацга жойлаштиришга, ҳаётни қамраб олишга ҳаракат қилдик».

«Яратган оламим қанчалик кичик бўлмасин, у жойидан жиндек қўзғатилса коинотнинг тартиботига путур етадиган даражада бўлишини истардим».

Кўриниб турибдики, ёзувчи, олам яхлит, санъаткорнинг вазифаси адабий шаклни сақлайман деб йўлдан чалғимай мана шу яхлитликнинг тасаввурга сиғмас мураккабликлари билан бадиий идрок этишдан иборат, деган хулосага келяпти. Ижодининг ибтидосидаёқ Фолкнернинг тасаввурида туғилган зиғирдеккина макон — Йокнопатофа унинг деярли барча асарларидаги воқеалар кечадиган «афсонавий салтанат»га айланади. Бу ўша — жойидан жиндек қўзғатилса, олам, оламга қўшилиб одамзод ҳам кунпаякун бўлиб кетиши мумкин бўлган тилсимнинг худди ўзгинаси эди. Ёзувчининг айрим асарлари беўхшовроқ туюлиши мумкин. Лекин улар катта Режанинг бир қисми эканлигини назардан қочирмаслик даркор.

Ёзувчининг салмоқдор идеяси китоблари қурилишига ҳам сезиларли таъсир этади. У кўплаб ҳикоялар ёзди, 30—40-йиллар мобайнида вақтли матбуотда, гоҳо куллиёт ҳолида улар чоп этилди. Уларнинг ҳар бири, муаллифнинг назарида, ўз ҳолича муайян аҳамият касб этибгина қолмас эди. Шу боис ҳам у кейинчалик, ҳикоя қилиш тарзини ўзида ёрқин намоён этади ва кўламдор манзара ҳосил қилади, деган ўйда бу асарларини бирлаштиришга уринди. Шу тариқа «Сайланма ҳикоялар»и дунёга келди. Зеро, бу куллиёт ҳам аслида Йокнопатофа вилояти хусусидаги солноманинг бир бўлакчаси эди, холос. Бошқача қилиб айтганда, ҳамонки «ҳаётнинг ҳар қандай зарраси» умумий моҳият касб этар экан, шартли равишда уни алоҳида ажратиб олиш ҳам мумкин. Жумладан, «Қишлоқча» романининг бобларидан бири — «Чавкар» — то шу чоққача алоҳида, яъни мустақил ҳикоя сифатида эълон қилиниб келинади. Худди шунга ўхшаб унинг бошқа асари — «Август знёси» романидаги туғилиб келаётган фашизмнинг (роман 1932 йилда ёзилган) манфур қиёфаси акс этган Перси Гримм номли ирқчи тақдирига бағишланган боб ҳам аксар ҳолларда мустақил асар сифатида эълон қилинади. Лекин бу хил ажратиш чиндан ҳам шартлидир, ҳикоянинг моҳияти, мазмуни у киритилган романни ўқигандагина тўла-тўкис намоён бўлади. Шубҳасиз, Фолкнернинг ўзи буни чуқур ҳис этган. У, энг яхши ва айни пайтда энг мураккаб асарларидан бири — «Ғалаён ва ғазаб» романини уч марта ўқиганда ҳам тушунолмаган китобхонга тўртинчи марта мутолаа қилишни маслаҳат берганлиги бежиз эмас.

«Ёшлик» яратган имкониятдан фойдаланиб, олдиндан журналхонларни огоҳлантиришни истардим: ғира-шира ишораларга, ниҳоясиз — қаерда тугаши номаълум ва кўп тармоқли жумлаларга дуч келган баъзи журналхонлар аминманки, ҳикоянинг ярмига бормай мутолаани тўхтатиб қўядилар. Бундай китобхонларни элбурутдан тушуниб турибман, чунки ўзимда ҳам дастлаб шундай бўлган.

«Уош»ни олиб кўрайлик. Асарни ўқигач, қари чоракорнинг қиёфасини яққол тасаввур қилиш мумкин. Аммо бошқа персонаж — полковник Сатпен жуда хомаки чизилгандек туюлади. Аслини олганда, нима бўлди ўзи! Олтмиш яшар мўйсафид ўн гулидан бир гули очилмаган қизчага бунчалар ёмонликни нега раво кўряпти, умуман бундай ғалати муносабатлар замирида нима бор, деган саволларга ҳикоядан жавоб топиш душвор. Буни билиш учун ҳикояни ўқиб чиққач, романга («Авессалом, Авессалом» — Н. А.) мурожаат этишга тўғри келади. Чунки имкон даражасида қисқартирилган мазкур сюжетнинг асл моҳияти роман таркибидагина тўла намоён бўлади. Улкан ниятдан руҳланган ва ўз сулоласини таркиб топтиришдек улуғвор мақсадини амалга ошириш йўлида қон тўккан, ахлоқий чегараларни яксон қилган инсон бунинг эвазига ҳалокатга дучор бўлади, чунки Фолкнернинг таъбири билан айтганда, ер юзидаги ҳар бир инсон бир оила аъзосидек яшаши ва бу оила учун барча қатори қайғуриши керак. Зўравонлик қилган кимсалар эртами, кечми ўзлари ҳам завол

Николай АНАСТАСЬЕВ. Филология фанлари доктори. Америка адабиёти бўйича йирик мутахассис. «Ҳозирги замон Америка романчилиги», «Ишонч ва умидсизлик», «Фолкнер» каби қатор китобларнинг муаллифи.

Ушбу мақола «Ёшлик» учун махсус ёзилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

топадилар. Мана шундай мудҳиш, ҳатто жаҳолатона кундалик воқеалар баҳонасида секин-аста улкан маънолар хазинасининг тубсиз қатламлари очила боради.

Фолкнернинг Фолкнерлиги ҳам шунда. У жуда катта истеъдод эгаси эди. Унинг китобларини ўқиган одам Жанубнинг ранг-баранг, ниҳоятда ўзига хос табиатини теран ҳис этади, бу асарларда ўша вилоят ҳаётини кўриш, эшитиш ва қалбан ҳис этиш мумкин бўлади. Бу маконда тақдири бир-бирига ўхшамаган кишилар яшайди. Бир қараганда, ёзувчи оддий солномачи каби таассурот қолдиради. У яратган солнома тўлалигича туғилишлар ва ўлимлар, никоҳу муваффақиятлар ҳамда турфа кишилар — такаббур боёнлардан тортиб асрлар мобайнида ҳуқуқсизлик тамғаси остида яшаган қуллар авлодининг бағоят оғир кечган тақдирлари қайд этилган кўп жилдлик мажмуанинг ўзгинаси.

Мана шу моддий оламсиз Фолкнерни санъаткор сифатида тасаввур этиш мумкин эмас; у она тупроғидан узилиб бутунлай ўзга мавзуда — Инжил ривоятларига таяниб одамзод бошидан кечирган мушкулотларнинг теран таҳлилига бағишлаб асар ёзганида («Ривоят» романи — Н. А.) сира иши юришмаганлиги ҳам шундан бўлса ажаб эмас.

«Жануб қуллик қарғишига учраган», дейилади кўп манбаларда. Фолкнер ҳам бу ҳақда бир неча бор гапирган. Дарҳақиқат, Фолкнер фожиавий ҳаёт муаммоларини муттасил ва изчил таҳлил этган. Унинг «Удумларни оёқ ости қилган» ва «Август зиёси» дек йирик асарлари шу муаммоларга бағишланган. Хўш, Фолкнер уни қандай, қай йўсин таҳлил этади! Машҳур «Том тоғанинг кулбаси» ёки айтайлик, Фолкнернинг замондоши Эрскин Колдуэллнинг прозасини биладиган одам «Тўзонли сентябрь» («Ёшлик»да эълон қилинаётганлиги учун шу асарни мисол тариқасида таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб билдик) ҳикоясини ўқиб эҳтимол ҳайратга тушса ажаб эмас. Бичер-Стоу, Колдуэлл асарларида деярли ҳамиша диққат марказида китобхон қалбида раҳмдиллик туйғуларини қўзғовчи аламзада қурбонлару замонавий одамхўрликка нафрат ҳисси туради. Бундай асарлар Американинг қора танли аҳолисининг ночор ва мусибатли тақдирини т ў ғ р и д а н т ў ғ р и тасвирлашга асосланади.

Фолкнер эса бундай тасвир ракурсидан воз кечадики, ҳикояни ўқиётиб буни сезмаслик мумкин эмас. Асарда занжи Уил Мейзнинг сазойи қилиб ўлдирилиши ҳикоя қилинади. «Тўзонли сентябр»ни ўқиш баробарида бу бахтиқаро негр ҳақида оладиган маълумотимиз унинг исмдан нарига ўтмайди. Умуман, ҳикояда у атиги бир лаҳзагина кўринади, холос, қотиллик эса мутлақо тасвирланмайди. Зотан, диққат марказида бу зўравонликда иштирок этиш у ёқда турсин, аксинча, иложи борича шафқатсиз ва адолатсиз ҳукмни тўхтатишга уринган киши туради. У — оддий сартарош сўнгги дақиқагача қутуриб кетган ҳамюртларини бу йўлдан қайтаришга уринади, ҳатто уларга қўшилиб машинага ўтиради; ҳаракатлари мутлақо зое кетишини англаб етгачгина ваҳший жиноятда иштирок этишни истамай жадал юриб кетаётган машинадан сакраб тушиб қолади. Машиналар ҳам, ваҳшийлар ҳам ғойиб бўладию ғилдиракдар остидан кўтарилган чанггина қолади. Бироқ у ҳам асрлар мобайнида давом этиб келаётган жаҳолат ғуборлари остида секин-аста йўқолиб боради. Ҳикоя шу тарзда тугайди, шундагина биз унинг нима мақсадда ва нима учун ш у й ў с и н ёзилганини элас-элас англай бошлаймиз.

Тўғри, сартарош Пинкертон золим эмас, у ҳатто инсонпарвар бўлақолсин — у бир одамнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун қўлидан келганини қилди. Лекин қутқаролмади. Шунинг учунмикин унинг қотилликда бевосита иштирок этмаганлиги ёлғондек, йўлига шундай қилгандек туюлади; тавқи лаънат бу меҳрибон одамнинг ҳам бўйнига сиртмоқ бўлиб тушади. Ҳикояни ўқиётиб, Фолкнернинг ижодига ғоят зўр таъсир кўрсатган ёзувчи — Достоевский айтганидек, дунёда ҳамма ҳамма учун жавобгар, деган ғояни юракдан ҳис қилади киши. Шу тариқа жануб шаҳарчаларидан бирида юз берган қонли воқеа ҳам дунёдаги ҳар бир одам тақдирига бирдек дахлдор деган тушунча билан қоришиб кетади. Бу тахлит кўз илғамас эврилишни фаҳмлаш осон эмас. Лекин кимники ҳикояни охиригача ўқиш учун сабри етар экан, аминманки, Фолкнер дунёси ва одамлари билан дастлабки учрашувдан қувониб, ўз юрагига яқин бўлиб қолган сеҳрли олам бўйлаб узоқ саёҳатга чиққиси келади. Бахтимизга, Америка ёзувчиси Совет Иттифоқида жуда машҳур, унинг асарлари бир нечта иттифоқдош республикаларда нашр қилинган. Айни замонда ўзбек Фолкнери учун йўл очаётган «Ёшлик» журналининг ташаббуси ҳам таҳсинга сазовор, албатта. Фолкнер диёрига саёҳат жуда оғир кечади; баъзан одамни толиқтиради. Аммо манзилгача боролган китобхон замонамизнинг улкан санъаткори оламини кашф этади.

Фолкнер олами, Шекспир таъбири билан айтганда, шовқин ва ғазабга тўла: унда фисқу фужур, нафрат ҳукмрон, ғайритабиий қотиллик эса ҳар куни содир бўладиган оддий ҳодисадир. Булар ҳам Фолкнер асарларини энди ўқиётган китобхонни бездиради. Бир вақтлар ҳатто малакали китобхонларни — танқидчиларни ҳам бездирган эди. Буни Фолкнер асарларига ёзилган тақризлар сарлавҳасидан ҳам билиш мумкин: «Адабиётдаги касаллик», «Шафқатсизлик даргоҳи», «Даҳшатлар адабиёти» ва ҳоказо. Вақт ўтиши билан «шафқатсизлик»дан, «касаллик»дан ёзувчи бир адабий восита сифатида фойдаланганн маълум бўлди.

Фолкнер дунёси беомондир — бу дунёда яшовчи одамлар, ёзувчининг севимли қаҳрамонлари кўпинча омонсиз жангларда мағлубиятга учрайдилар. Лекин улар ҳеч қачон бош эгмайдилар, улар ҳар қандай тажовузга қарши курашиш учун ботинан ҳаддан зиёда кучли қувватлангандирлар.

Фолкнер яратган дунё беаёвдир. Аммо санъаткор эзгуликка ишонади — унинг асарлари ҳам ана шу ишонч руҳи билан суғорилган. Узини инсонпарварлик мактабига мансуб эканини эътироф этаркан Уилям Фолкнер шундай деган эди: «Инсон матонатлидир, ҳеч нарса; на уруш, на ғам-кулфат, на умидсизлик, на чорасизлик одамчалик яшовчан эмас! Агар инсон чин дилдан истаса, ўз бошига тушган барча жафолар устидан ғалаба қилади. Инсон порлоқ келажакка етишиш учун қўлтиқтаёқлар изламайди, балки ўзи ўрнидан туриб, ўзи меҳр қўйган, киндик қони тўкилган заминга оёқ қўяди».

Ушбу сўзбоши якунида жаҳон адабий харитасидан аллақачаноқ мустаҳкам ўрин эгаллаган диёр — Йокнопатофага йўл олган ўзбек китобхонларига оқ йўл тилаб қоламан.

Москва шаҳри. 12.03.86.

www.ziyouz.com kutubxonasi

йилдан бери уни «холажон» деб чақиришар, оналари эса уларга ўктам товуш билан Минни хола ёшлигида қандай қилиб ҳаммани ақлдан оздирганлиги тўғрисида ҳикоя қилиб беришарди. Кейин шаҳарча одамлари унинг якшанба кунлари автомобилда банк кассири билан сайр қилиб юрганларига кўзи туша бошлади. Кассир қирққа кирган, анча басавлат киши эди, ундан доим сартарошхона ва ёки виски ҳиди гупиллаб келиб турарди. У шаҳарчада биринчи бўлиб кичкина «қўнғиз» автомашина олган эди; яна шаҳарчадагилар биринчи маротаба автомобилда юрганда кийиладиган юзни тўсиб турадиган тўри бор шляпани Миннининг бошида кўрдилар. Ана ўшанда «шўрлик Минни» деган гап чиқди. «Лекин у катта, эслик қиз бўлиб қолган, ақли-ҳушини йўқотмайди», дейишарди бошқа бировлар. Шундан кейин Минни собиқ синфдош дугоналаридан болаларинг мени «холажон» эмас, «хонимой» деб чақиришсин деб илтимос қила бошлади.

Жамоат уни йўлдан оздирувчилар қаторига қўшиб қўйганига мана ўн икки йил бўлмоқда, кассирнинг ҳам ишини Мемфисга кўчирганлигига саккиз йил тўлмоқда, у Жефферсонга фақат мавлуд кунига келиб кетади, мавлудни у дарё бўйидаги овчилар клубида ҳар йили бўладиган бўйдоқлар зиёфатида ўтказади. Қўшнилар дарпардалар орасидан мавлуднинг биринчи куни зиёфат қатнашчиларининг кўчадан ўтиб боришларини томоша қилишар, кейин Миннининг олдига кириб, кассирнинг қанчалар очилиб кетгани, одамларнинг гапига қараганда, катта шаҳарда унинг ишлари юришиб, омади келгани ҳақида сўзлашар, шўх, маҳфуз кўзлари билан Миннининг ўнғайсиз-ўктам чеҳрасига тикилишарди. Одатда, бундай соатларда Миннидан виски ҳиди келиб турган бўларди. Унга вискини сув дўконида турадиган бола келтириб берарди:

— Рост, кампир учун сотиб оламан. Жуда бўлмаганда шундан хурсанд бўлиб юрсин.

Миннининг онаси энди ўз хонасидан қимирламайдиган бўлиб қолганди; уй юмушларини рамақижон холаси бажарарди. Мана шундай аҳволда Миннининг ҳарир, қичиқ кўйлаклари, бекор, бўм-бўш, ҳувиллаб ўтаётган кунлари аллақандай тоқат қилиб бўлмайдиган рўёга ўхшарди. Кечқурунлари энди у фақат қўшни аёллар билан бирга кинога борарди. Кундузлари эса янги кўйлакларидан бирини киярди-да, ёлғиз ўзи марказга тушиб кетарди, бу ерларда эса энди унинг ёш-ёш жиянчалари айланиб юришарди — ипакдай нафис ва майин бошчалар, узун, ориқ қўллар, ўз жозиб кучини ҳис қилиб турган беллар — қизчалар бир-бирларини ачомлашиб боришарди ё сув дўкони олдида ўғил болалар билан ҳиринглашиб, қаҳ-қаҳ уришарди; Минни эса улар олдиларидан, магазинларнинг бир-бирига туташиб кетган витриналаридан ўтиб борарди, эшикларда ўтирган, бекорчиликдан тоб ташлаган эркаклар эса энди унга ҳатто қайрилиб ҳам қарамайдилар.

III

Сартарош кўчада тепага қараб югурди, унда-мунда кўзни қамаштириб пориллаб ёнаётган фонарлар атрофида парвоналар бутунлай чарх урар, фонарлар ўлик ҳавода қимир этмай даб-дабадор осилиб туришарди. Қуюқ тўзон ичра кун жон таслим қилмоқда; қум кафанига бурканган қоронғи майдон узра осмон худди мис жомнинг ич юзасига ўхшарди. Шарқ осмонига шиддат билан кўтарилиб келаётган тўлин ойнинг шуъалари ёйилганди.

Сартарош уларга етиб олганда, Мак-Лендон билан ёнидаги уч киши тор кўчада қолган машинага ўтирмоқда эдилар. Мак-Лендон хумдай бошини букиб унга машина тепасидан сарасоф солди.

— Ҳа, ўйлаб кўрдингми? — деди у. — Ўзингга яхши; худо номига қасам ичаманки, эртага бутун шаҳар сенинг боя нима деб алжираганингни эшитса...

— Бўлди, бўлди,— деди бошқаси, собиқ солдат.— Пинкертон ўзимизнинг одам. Ке, бу ёққа, Пинк, ўтир.

— Болалар, Уил Мэйз, сира бундай қиладиган одам эмас,— деди сартарош.— Мабодо бирор гап ўтган бўлса ҳам дейманда. Э сизлар мендан кўра ҳам яхши биласизлар-ку, негрлари бизникидан яхши шаҳар йўқ. Хотин кишининг бошига нималар келмайди дейсиз эркак хусусида, гарчи ҳеч нарса бўлмаса ҳам, мисс Минни умуман...

— Рост, рост,— деди солдат.— Биз у билан озгина гаплашиб оламиз, холос.

— Нимасини гаплашамиз!— деди Чўян.— Уни тинчитганимиздан кейин...

— Э, овозингни ўчир!— деди солдат.— Сен нима демоқчисан ўзи, шаҳардаги ҳар бир итвачча...

— Ҳаммага айтиб чиқамиз, худо ҳақи!— деди Мак-Лендон,— оқ хотинни... йўл қўйган ҳар қандай одам...

— Кетдик, кетдик, ана яна бир машина.

Тор кўчанинг ичидан чанг-тўзон кўтариб, ғирчиллаганча иккинчи машина чиқиб келди. Мак-Лендон машинасини унинг орқасидан юрғизди. Кўчада тўзон туман янглиғ тўзғирди. Шуъласи гардиш ясаган кўча фонарлари худди сувда сузиб кетаётгандек эди. Машина шаҳарча ташқарисига чиқди.

Тор, ўнқир-чўнқир йўл жуда айланиш эди. Йўл узра ва умуман бутун ер юзини чанг-тўзон босганди. Олисда морожний фабрикасининг баҳайбат биноси қорайиб кўринди, Уил Мэйз шу ерда тунги қоровул бўлиб ишларди.

— Мана шу ерда тўхтасакмикин, а?— деди солдат.

Мак-Лендон жавоб бермади. У машинани бир силтаб ҳайдаб сўнг қаттиқ тормоз босди, машина чироғининг нурлари қопқора деворни ёритди.

— Менга қаранглар, болалар,— деди сартарош.— Агар у шу ерда бўлса, демак, унинг гуноҳи йўқ. Тўғрими? Агар бўйнида айб бўлганда қочиб кетарди. Тўғрими, қочиб, кетарди, а?

Иккинчи машина ҳам юриб келиб тўхтади. Мак-Лендон машинадан тушди, унинг кетидан Чўян эргашди.

— Менга, қаранглар, болалар,— деди сартарош.

— Чироқни ўчиринглар!— деди Мак-Лендон. Зимистон қоронғилик чўкди. Зимзиё сукунатда одамларнинг чанг билан олишиб ҳарсиллаб нафас олиши — икки ойдан бери шу аҳвол — ундан сўнг Мак-Лендон ва Чўяннинг узоқлашиб бораётган ғирчиллаган қадам товушлари ва сал ўтмай Мак-Лендоннинг ововзи келади:

— Уил! Уил!

Шарқнинг осмонида ойнинг хира шуъалари ёруғ тортди. Ой ҳаво ва чанг ичра нуқраланиб, томдаги ясалган от узра энкайди, қўрғошиндай эриган чангалзорда тўзон ва ҳаво худди жонлангандай бўлди. Ҳа тунги қушлар ва на чирилдоқларнинг товушлари эшитилади — тиқ этган овоз йўқ, фақат одам нафаси ва совуётган машина темирларининг тириқлагани қулоққа чалинади. Баданинг баданга тасодифан тегиб кетса, гўё одамлар тер чиқармасдан терлаётганга ўхшардилар, бинобарин, киши таналаридан энди нам чиқмай қўйганди.

— Ё раббим Исо!— кимнингдир овози янгради.— Тезроқ бу ердан оёқни узиб кетайлик.

Лекин ҳеч ким жойидан қимирламади, олдиндан — қоронғиликдан элас-элас овоз келиб, сўнг у тобора кучая борди, шунда одамлар машинадан тушиб, ўлик зулмат ичра юраклари дукирлаб урганча кута бошладилар. Кейин бошқа товушлар келди: кимдир урди, кимдир ихраб оғир нафас олди, кейин Мак-Лендоннинг вишиллаб сўкингани эшитилди. Одамлар яна бир зум қотиб турдилару сўнг олдинга ташландилар. Ҳаммалари бир бўлиб, қоқилиб-суқилиб, худди ўлимдан қочгандай бўлиб борардилар.

— Тинчитинг, тинчитинг бу аблаҳни,— дея шипшиди кимдир. Мак-Лендон ҳаммани орқага итқитиб юборди.

— Бу ерда эмас,— деди у.— Машинага олиб киринглар уни.

— Ўлдир уни, ифлос қораялоқни!— ғўлдиради аллаким.

Негрни машинага судрадилар. Сартарош шу ерда эди. Уни жиққа тер босди, ҳозир қусиб юбораман, деб ўйлади у.

— Нима гап ўзи, хўжайин?— деди негр.— Мен ҳеч қандай ёмонлик қилганим йўқ. Худо шоҳид, мистер Жон.

Аллаким қўл кишан чиқарди. Тўнка устида уймалашгандай негр тепасида индамай шоша-пиша, бир-бирларига халақит бериб уймалаша бошладилар. Негр ҳаммасига индамай чидаб турар, кўзлари эса одамларнинг тунд-лойқа башараларида дам-бадам олазарак кезинарди.

— Кимсизлар ўзи, хўжайинлар?— деди у кишиларнинг юзларини тузукроқ кўриш учун энгашиб, оқ кишиларнинг димоқларига унинг нафаси, тер ҳидлари гуп этиб урилди. Негр бир-икки одамни таниди ва уларнинг отларини айтди.— Мен нима қилибман ўзи, мистер Жон?

Мак-Лендон машина эшигини силтаб очди.

— Ўтир!— деди у.

Негр ўрнидан қўзғалмади.

— Мен сизга нима қилдим, мистер Жон? Мен ёмонлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилганим йўқ. Оқ кишилар, хўжайинлар, мен ҳеч нарса қилганим йўқ, худо шоҳид.

У яна бир одамнинг отини айтди.

— Ўтир!— деди Мак-Лендон. У негрни урди. Бошқалар хирқираб, хушиллаб қуруқ ҳавони ўпкаларига куч билан ютдилар-да, қоранинг тўғри келган жойига уриб дўппослай кетдилар, қора эса ўртада тентираб, пилдираб қолди, сўкиниб, кишанланган қўлларини уларнинг башаралари олдида силкита бошлади, қўллари сартарошнинг жағига тегиб кетди, шунда сартарош ҳам уни урди.

— Манави ерга ўтқизинг,— деди Мак-Лендон.

Ҳаммалари негр устига ёпирилдилар. У қаршилик қилмай қўйди, машинага кирдию жим бўлиб қолди, бошқалар ҳам атрофга жойлашдилар. Негр солдат билан сартарошнинг ўртасида уларга оёқ-қўлларини теккизмасликка ҳаракат қилиб ўтирарди, тинмасдан у башарадан бу башарага алангларди. Чўян эшик тагига ўрнашди. Машина йўлга тушди. Сартарош бурнини рўмолчаси билан тўсди.

— Сенга нима бўлди, Пинк?— деди солдат.

— Ҳеч нима,— деди сартарош. Яна катта йўлга чиқиб олдилар ва шаҳар ташқарасига қараб кетдилар. Чанг-тўзон ичидан иккинчи автомобиль ҳам чиқиб келди. Машиналар тезликни тобора ошира бошладилар, шаҳарнинг сўнгги вайроналари орқада қолди.

— Ҳай, уфф-эй, жуда саситиб юборди-ку!— деди солдат.

—Бунинг эпини қиламиз,— деди гумашта олдинги ўриндиқда Мак-Лендоннинг ёнида ўтирганча. Эшик тубида ўтирган Чўян қайноқ шамолни ютиб бўралаб сўкинди. Кутилмаганда сартарош олдинги ўриндиқ суянчиғига энгашди-да, Мак-Лендоннинг елкасидан тутди.

— Мени тушириб кет, Жон,— деди у.

— Шуми ҳали ҳолинг, сакра. Сен қораялоқларни жонингдан ҳам яхши кўрасан-ку,— деди Мак-Лендон бошини ўгирмасдан. У машинани катта тезликда ҳайдаб борарди. Орқаларидан чанг-тўзон ичидан нариги автомобилнинг чироқлари пориллаганча сузиб келмоқда эди. Мак-Лендон тор дала йўлига бурилди. Анчадан бери фойдаланилмаганидан йўл ўйдим-чуқур эди. У ташландиқ ғиштхумдонга, тепа-тепа бўлиб уюлиб ётган қўнғир тош-чандиқларга, атрофини ўт-ўлан, хас-хашак босган тубсиз хумдонларга олиб борарди. Бир пайтлар бу ерда мол боқишарди, кейин чўпоннинг хачири йўқолди. У ҳар бир хумдон ичига узун таёқ солиб кўрди, лекин биронтасида таёқнинг учи ерга теккани йўқ.

— Жон,— деди сартарош.

— Э, сакрамайсанми!— деди Мак-Лендон машинани ўйдим-чуқурлардан олиб ўтаркан.

Сартарошнинг ёнидаги негр тилга кирди:

— Мистер Генри!

Сартарош ташқарига интилди. Тор йўл юқорилаб бориб ғойиб бўларди. Машина олға босар, ҳаво худди ўти сўнган хумдондаги каби: салқин, лекин буткул ўлик эди. Машина чуқурма-чуқур ҳакилларди.

— Мистер Генри!

Сартарош жон-жаҳди билан эшикни торта бошлади.

— Ҳей, эҳтиёт бўлинглар!— деди солдат, лекин сартарош эшикни тепиб очиб, пастга қараб осилди. Солдат негрнинг устидан оша уни ушлайман деб энкайди, лекин сартарош сакрашга улгурди. Машина тезликни пасайтирмасдан йўлдан ўрлаб борарди.

Ҳаракатнинг тезлигидан у чеккадаги чанг-тупроқ босган шўразорга отилиб кетди ва чуқурликка қулади. Тўзон кўтарилди, тагида қуриган ўт-ўланларнинг ожиз қисирлагани эшитиларди, ҳаво ололмай томоғи бўғилар, дам-бадам ўқчиқ келарди, иккинчи автомобиль ўтиб кетиб, овози узоқда ўчмагунча у шундай аҳволда ётди. Кейин сартарош чўлоқланиб қадам босди, катта йўлга чиқиб олди, шаҳарча йўлига тушди. Энгил-бошига ёпишган чанг-чунгларни қоқди. Осмонга ой чиқди, у энди кўк тоқига баландлаб кетган, тўзондан форғ бўлган эди, бир оздан сўнг тўзон пардаси ортидан шаҳарчанинг чироқлари кўринди. Сартарош ҳамон чўлоқланганча кетиб борарди. Шунда бирдан қулоқларига автомобилларнинг шовқини чалинди, кейин орқа томонида уларнинг чироқлари борган сари яқинлашиб келаётганлигини кўрди, шунда у то машиналар ариллаб ўтиб кетмагунларича йўлдан чеккага ўтиб тупроқ босган шўразорда беркиниб турди. Энди Мак-Лендоннинг машинаси орқада келарди. Унда тўрт киши ўтиришар, Чўян ҳам ичкарида эди.

Машиналар ўтиб кетишди. Чанг тупроқ уларни ютиб юборди, чироқларнинг шуълалари, вариллаган овозлар олисларда сўнди. Улар кўтарган чанг бир қанча вақт ҳавода осилиб турди, лекин тез орада улар ҳам асрий тўзонларга қўшилиб кетдилар. Сартарош катта йўлга амаллаб чиқиб олди-да, ланг қадамлар билан шаҳарча томон юрди.

IV

Ўша шанба у кечки тановул учун кийинаркан, аъзойи бадани алангаи оташ бўлиб ёнарди. Илгаклар устида бармоқлари титрар, кўзлари қонталашиб асабий чақнар, тароқ урса сочлари чирсиллар эди. У ҳали кийиниб улгургани ҳам йўқ эдики, дугоналари кириб келишди, нафис ички кийими, пайпоқлари ва янги ҳарир кўйлагини то кийиб бўлгунча унга қараб ўтиришди.

— Сен бемалол кўчага чиқаверасанми, мадоринг келадими?— деб сўрашарди улар, шунда уларнинг кўзлари фаттон йилтираб кетар, фитнага ғаш аралаш эди.— Сал ўзингга келганингдан кейин бизга албатта ҳаммасини бир бошдан сўйлаб берасан. У нима деди, нима қилди: ҳамма-ҳаммасини.

Майдон томон борар эканлар, дарахтларнинг қоронғу кўланкасида у худди денгизга шўнғиш олдидан чуқур нафас олгандай титроғини босиш учун чуқур-чуқур сўлиш олди, тўрт дугонаси эса иссиқдан ва унга юраклари ачиганидан сал орқароқда аста қадам ташлаб келар эдилар. Майдонга чиққанда уни яна қалтироқ босди, у муштларини икки биқинига тираганча, бошини баланд кўтарди. Дугоналари тинмай чулдирашар, уларнинг ҳам нигоҳларида аллақандай жазава зуҳур қила бошлади.

Майдонга кириб келдилар, қизлар уни ўртага олишган, нозиккина баданга кийилган ҳарир кўйлаги ҳилпирарди. Титроқ зўрайди. У борган сари имиллаб қадам босар, болалар мороженийни еб бўлаётганларида шундай имиллайдилар, бошини орқага ташлаган, чеҳраси худди осилган байроқдай эди, кўзлари йилтирарди; у меҳмонхона ёнидан ўтди, йўлак бўйлаб қўйилган стулларда пиджаксиз яланг кўйлакда ўтирган гумашталар унинг орқасидан қараб қолишарди:

— Анави, кўряпсанми? Ўртадагиси, пушти кўйлак кийгани.

— Шуми? Қорани нима қилишди? Уни...

— Шундай. Тинчитишди.

— Тинчитишди?

— Шундай. Жойлаб келишди.

Кейин дорихона олдидан ўтдилар, эшикка елкаларини тираб турган ёш йигитлар бошларидан шляпаларини олиб, унинг бели ва болдирларига узоқ тикилиб қолишди.

Улар аста кўтариб қўйилган шляпалар, тўсатдан жим бўлиб қолган меҳрибон, маҳрамона овозларни оралаб ўтиб борардилар.

— Ана кўрдингми?— дейишарди дугоналари. Уларнинг товушлари вошиллиб турган тантананинг оғир ва беҳад узун сўлишлари каби эшитиларди.— Майдонда биттаям негр йўқ. Биттаям!

Кинотеатрга кирдилар. Бу ер кичкина мўъжиза ўлкага ўхшарди — фойе чароғон, ҳаётнинг энг мудҳиш ва лаззатли эврилишларида тутиб қолинган рангдор суратлари. Унинг лаблари уча бошлади. Қоронғи чўкиб фильм бошланганда бари жойида бўлади; у кулиб юборишдан ўзини тўхтатади, кулгини тез ва бекордан бекорга исроф қилиб юбормаслик керак. Унга ўгирилиб қараётган башаралар издиҳоми ичидан, ҳайрат ва таажжубнинг босиқ шивир-шивирлари оралаб у жадал ўтиб кетди ва улар одатдагидай жойларига ўрнашиб олдилар, бу ердан нуқра экранга борадиган йўлка ҳам, ўз жойларига ўтаётган қўша-қўша ёшлар ҳам кўриниб туради.

Чироқ ўчди; экран жилваланди, гўзал, ҳароратли ва маъюс ҳаёт бошланди, ним қоронғи залга ифор таратиб, ҳамон жуфт-жуфт бўлиб кириб келишар, бир-бирларининг бағирларига сингиб кетган баданлар хушбичим ва ҳавойи, нозик, инжа, йилдиримдай вужудлари бир оз қовушиқсиз, лекин беҳад навқирон эди, уларнинг бошлари узра оппоқ кумушдай хаёлот бурканар, жозиб сузар эди. Уни кулги хуружи тутди. Кулмайман деса, яна баттар кулгиси авжга чиқарди, ҳамма яна унга алангалаб қарай бошлади. Дугоналари уни ўрнидан турғизиб залдан олиб чиқдилар, у ҳамон кулгисини тўхтатолмас, то такси етиб келиб унга ўтқизмагунларича у шайтонлаб, чинқириб кулишдан тўхтамасди.

Ярим ҳарир пушти кўйлагини, ипак ички кийимларини ва пайпоқларини ечдилар, каравотга ётқиздилар, муз синдириб

www.ziyouz.com kutubxonasi

келтирдилар ва унинг чаккаларига босдилар, доктор чақиртирдилар. Докторни қидириб топишолмади, шунинг учун хотинлар унга ўзлари қарай бошладилар, ивир-шивир гаплашиб, унга муз қўйишар, юзларини елпир эдилар. Муз янги экан; у индамас, тек ётар, оҳиста инграр эди. Лекин кўп ўтмай яна кулгиси тута бошлади, сўнг у қичқириққа айланди.

— Тсссссссссс! Тсссссссссс!— дейишарди дугоналари яна янгидан муз қўйиб, унинг сочларини силашаркан, оқ тушганмийўқми деб қараб ҳам қўйишарди.— Шўрлик!

Кейин бир-бирларига:

— Сен биласанми, ростдан ҳам бирон гап бўлганмийўқми?— дейишар, кўзлари эса маҳфуз жазава ичида фитнали ёнарди.— Ҳей, секинроқ! Оҳ, шўрлик! Бечора Минни!

V

Мак-Лендон ўзининг янгигина, озодагина уйига келганда ярим кеча бўлганди. Худди қуш сақланадиган уячадай безатилган, тоза ва пором, мўъжазгина бу уй кўк ва оқ рангларга батартиб бўялган эди. Мак-Лендон машинани ёпди, айвонга чиқди ва ичкарига ўтди. Стол устидаги чироқ олдида турган креслодан хотини турди. Мак-Лендон хонанинг ўртасида то хотини ерга қарамагунча тикилиб турди.

— Қара-чи, соат неча бўлди экан?— деди у қўлини кўтариб хотинига соатни кўрсатаркан. Хотини унинг қошида — қўлида журнал — бошини қуйи эгиб турарди. Юзи оқарган, хавотирли, ҳорғин.— Сенга неча марта айтиш керак, бундай ўтирма, мени кутма, қачон келишимни пойлама, деб?

— Жон,— деди у. Журнални қўлидан қўйди. Эри товонида турганча тебраниб, ундан жазавали кўзларини узмас, терлаб кетган юзини четга бурмас эди.

— Неча марта айтишим керак?

У хотинга яқин келди. Шунда хотин бошини кўтарди. У хотинининг елкасидан қаттиқ ушлади. Хотин бўшашибгина унга кўзларини тикиб турарди.

— Керакмас, Жон. Уйқум қочиб кетди. Иссиқданми бошқами, билмайман. Ўтинаман сендан, Жон. Оғритиб юбординг.

— Сенга қанча айтишим керак?

У хотинини бўшатди, урдими, ё креслога итқитиб юбордими, билиб бўлмади, хотини креслода индамайгина унинг хонадан чиқиб кетаётганига қараб ётарди.

У уйнинг барча хоналаридан ўтиб борди, йўл-йўлакай эгнидан кўйлагини суғуриб ечди, орқа томондаги қоронғи ойнаванд айвонда тўхтади, боши ва елкаларини кўйлаги билан артди-да, сўнг кўйлакни улоқтириб юборди. Чўнтагидан тўппончани чиқариб столча устига қўйди ва каравотга ўтирди, ботинкаларини ечди, ўрнидан турди ва шимини ечди. У яна терлай бошлади, шунинг учун энгашиб боя отиб юборган кўйлагини асабий қидирди. Охири, уни топди, яна баданларини артди, тик турганча ойнага ёпишиб, ҳарс-ҳарс нафас оларди. Теварак жимжит, тиқ этган товуш йўқ, ҳатто чивин учмайди. Совуқ ой ва мудрамас юлдузлар тагида қоронғи дунё тўнкарилиб ётарди.

ЭМИЛИ УЧУН АТИРГУЛ

I

Мисс Эмили Грирсон ўлганда, уни кўмиш учун бутун шаҳар йиғилди: эркаклар қулаган маъбудга эъзоз-икром юзасидан, хотинлар эса камида ўн йил инсон қадами етмаган хонадонни ўз кўзлари билан кўргани ичлари ошиқиб келдилар, чиндан ҳам бу эшикка ҳам боғбон, ҳам ошпаз бўлган қари хизматкордан бошқа ҳеч ким яқин йўламасди.

Синчкор қилиб қурилган ҳайҳотдай чорси уйнинг сувоқлари кўчганига не замонлар бўлган, етмишинчи йилларнинг ҳавойи алфозида гумбазчалар, найзадор қуббалар, жимжимадор балконлар билан безатилган бу иморат шаҳримизнинг бир маҳаллар оқсуяклар маҳалласи деб саналган кўчасида жойлашган эди. Замонаси келиб гаражлар ва пахта йигирувчи заводлар бу ердан энг кибор хонадонларни ҳам қисиб чиқарди ва фақат Грирсонларнинг кўҳна тарзли иморатигина худди беллашсанг, беллашаман дегандай пахта ортилган фургонлар ҳамда бензин қуядиган станциялар узра кибр ва қийиқлик ила кеккайиб турарди. Мана энди қазо соати етиб мисс Эмили ҳам қарағай буталари ўсиб ётган шаҳар мозоридаги ўз жойига равона бўлди, бу мозорликда ҳамон Жефферсон яқинидаги жангда ҳалок бўлган федерал қўшинлар ва конфедерат солдатларининг (улар ичида номсиз қабрлар ҳам кўп) сўнгги оромгоҳлари сақланиб келар эди.

Мисс Эмили ҳаёт экан, шаҳар ўз устига олган қадим анъана, қарздорлик ва ўзига хос маънавий бурчнинг мужассам тимсоли эди, бу нарса Жефферсоннинг мэри полковник Сарторис 1894 йилда (бу — негр аёлларга шаҳар кўчаларида этаксиз юришни ман қилган ўша Сарторис эди) қизнинг отаси ўлгандан сўнг дарҳол уни солиқ тўлашдан бир умрга озод қилгандан бери давом этиб келарди. Бу мисс Эмилига хайр-эҳсон бўлиб туюлмади. Полковник Сарторис қизнинг отаси бир замонлар шаҳарга пул қарз бериб турган эди, деган чигал бир баҳонани ўйлаб топди, ўша қарзни шундай йўл билан қайтариш осонроқ кўчар экан. Бундай нарсани полковник Сарторис авлодига мансуб одамгина тўқиб чиқариши мумкин эди.

Бироқ шаҳар муниципалитетига бошқа бир даврда тарбияланган, замонавийроқ ғоялар эгаси бўлмиш янги одамлар насллари келишганда, ушбу аҳднома маълум бир норозиликларга сабабчи бўла бошлади. Янги йилнинг биринчи куни мисс Эмилига солиқ тўлаш ҳақида баёнот жўнатилди. Февраль кирди, лекин жавоб йўқ эди. Унга ўзингизга қулай бўлган вақтда шерифнинг идорасига келиб учрашинг деган расмий хат ёзилди. Яна бир ҳафта ўтгач, мэрнинг ўзи унга хат ёзиб, ё мен ҳузурингизга борай ва ё сизга автомобиль юборай ўзингиз келинг, деб хабар қилди ва қадимий қоғоз варағига ранги ўчиб кетган сиёҳ билан бениҳоя нафис ҳуснихатда ёзилган жавоб олди. Хатда маълум қилинишича, мисс Эмили узоқ вақтлардан бери эшикка чиқмас экан; хатга ҳеч қандай изоҳсиз солиқ ҳақидаги баёнот ҳам қўшиб жўнатилган эди.

Муниципалитет махсус мажлис чақирди ва мисс Эмили ҳузурига делегация жўнатилди. Делегация саккиз-ўн йиллардан бери ташқаридан келувчиларга тим-тирс беркилган эшикни тақиллатди. Эшик чиннига гул солиш дарслари тугагандан бери очилмаган эди. Қари негр уларни ним қоронғи пастки залга олиб кирди, бу ердан яна ҳам қоронғироқ бўлган юқорига пиллапоя билан кўтарилар эди. Уврин-тўда ва чанг ҳиди анқирди, ҳаво чирик ва дим эди. Негр уларни вазмин чарм мебеллар қўйилган меҳмонхонага олиб кирди. У дераза-лардан бирининг тўсиғини очган эди, чармларнинг ёрилиб кетгани кўзга чалинди, хонага кириб келган қуёшнинг бир толим нури ўриндиқлар узра кўтарилган тўзон издиҳомларини ёритди. Камин олдидаги унниққан тилла суви юритилган мольбертда мисс Эмили отасининг пастелда ишланган сурати турарди.

Улар бошдан-оёқ қора кийинган, тилла занжир осган, занжири белигача тушиб, сўнг кенг белбоғ ичра ғойиб бўлган, паст бўйли, тўлачагина хотин қора оғочдан ишланган, дастаси хира олтиндан қуббаланган асога таяниб кириб келганда, ўринларидан турдилар. У бўйчан, суяги нозик эди, шунинг учун ҳам бошқа пайтда тўлалик бўлиб кўринадиган ҳол ҳозир хомсемизлик каби туюлар эди. Унинг вужуди худди узоқ вақт ботқоқлик тагида ётгандай шалвайган ва шишганга ўхшарди. Мурданикидай туссиз бетининг семиз ўрмаларида хамир бўлагига тиқиб қўйилган икки бўлак кўмирдай кўзлари биқинган эди. Мушрифлар нега келганликларини баён қилишаркан, бу кўзлар уларни бирма-бир сузиб чиқди.

Уларга ўтиринглар ҳам демади. У эшикда туриб жимгина қулоқ солди, гапираётган киши тутилиб жим бўлиб қолди. Шунда ҳаммалари олтин занжирнинг учида беркинган соатнинг чиқиллаб юраётганлигини баралла эшитдилар.

У совуқ ва қуруқ оҳангда деди: «Мен Жефферсонда солиқ тўламайман. Менга буни полковник Сарторис тушунтирган. Ичингиздан истаган киши агар қизиқса, шаҳар қоғозларига қараб кўрсин».

— Биз шундай қилдик, мисс. Биз шаҳар идорасиданмиз. Наҳот сиз шериф имзо чеккан хатимизни олмаган бўлсангиз?

— Ҳа, бир нима келгандай бўлувди, — деди мисс Эмили. — Демак, у ўзини шериф деб ҳисоблар экан-да... Лекин мен Жефферсонда солиқ тўламайман.

— Шаҳар қоғозларида ҳеч қаерда бундай эслатма йўқ. Биз афтидан...

— Полковник Сарторисга учрашинглар. Менинг Жефферсондан ҳеч қандай қарзим йўқ.

— Лекин мисс Эмили...

— Сарторис билан гаплашиб кўринглар. (Полковник Сарториснинг ўлганига чамаси ўн йилча бўлиб қолган эди.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Расмни В. ТРОШИНА чизган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Менинг Жефферсондан ҳеч қандай қарзим йўқ. Тоб! — Эшикда негр пайдо бўлди. — Жентльменларни кузатиб қўй.

II

Хуллас калом, у ғалаба қилди, уларнинг пиёдалари ва отлиқларини буткул тору мор этди. Ўттиз йил бурун ҳид хусусида гап чиққанда уларнинг оталари устидан у худди мана шундай ғалаба қозонганди. Бу отаси вафот этгач, икки йилдан сўнг рўй берганди, ўшанда биз ҳаммамиз энди тўй бўлади деб турганимизда, қаллиғи бирдан ташлаб кетиб қолган эди. Отасининг ўлимидан сўнг у эшикка камдан кам чиқар, қаллиғи қочиб кетгач, у сира қорасини кўрсатмай қўйди. Шаҳар хонимлари бир неча маротаба мисс Эмилини кўрмоқчи бўлиб уриндилар, лекин уларни қабул қилмади. Хонадонда ҳали ҳаёт нишонлари сўнмаганлигини негр — у пайтлар ёш йигит эди — онда-сонда қўлида сават билан майда-чуйда харид қилгани эшикка чиққанидангина билса бўларди.

— Нима деганингизда ҳам эркак — эркак-да, товоқ-қошиқни эплай олмайди, — дейишарди хонимлар, шунинг учун ҳам, ҳид тарқалганда, ҳеч ким бундан ажабланмади. У шу дағал ва жўн кишилар дунёси билан улар узра баланд қад кўтарган улуғвор Грирсонларни боғлаб турган мисоли бир ҳалқа эди.

Бироқ мисс Эмилининг қўшниси шаҳар мэри, саксон яшар судья Стивенсга шикоят қилди.

— Мендан нима истайсиз, хоним? — деб ўсмоқчилади судья.

— Унга айтинг, бир чорасини кўрсин.

— Хўш, бунга ҳеч қандай зарурат йўқ, — деди судья Стивенс. — Негр хизматкори ҳовлида илонми ё каламушми ўлдирган бўлса керак-да. Мен у билан гаплашиб кўраман.

Эртасига яна икки кишидан шикоят тушди — уларнинг бири эркак эди, у қўшнисидан бутунлай фарқли ўлароқ ғоятда эҳтиёткорлик ва назокат билан сўйлади.

— Бир нарса қилмаса сира бўлмайди, судья. Мен ўлсам ҳам мисс Эмилининг тинчини бузишни истамасдим, лекин нимадир қилиш керак.

Кечқурун шаҳар кенгаши чақирилди: учта оппоқ соқолли мўйсафид ва яна ёшроқ бирови — келажак насллар даракчиси.

— Бош қотириб ўтирадиган жойи йўқ, — деди у. — Унга хат ёзиб юбориш керак, уйини тартибга келтириб қўйсин. Бир озгина фурсат берайлик, агар шунда ҳам нафи тегмаса...

— Э, йўқ, бўлмайди, сэр, — унинг сўзини кесди судья. — Ким лединнинг юзига қараб туриб, сасиб кетяпти дейди.

Шундай қилиб, эртаси куни кечқурун тўрт эркак мисс Эмилининг кўк бута деворини ошиб ўтдилар-да, худди қароқчилардай пусиб биқинганча ҳовлини чарх уриб айланиб, барча тешик-ёриқларни искаб кўришди, орқадаги бириси эса елкасига осиб олган қопдан ниманидир олиб дон сочгандай сочди. Уйнинг ертўласига, ҳовли юзасидаги барча иморатларнинг атрофига улар хлорли оҳак сепиб чиқдилар. Сўнг бута девордан ошиб кетаётган чоғларида шу пайтгача қорайиб турган дераза ойнасига бирдан ёруғ тушиб, унда шам қотган маъбуд каби мисс Эмилининг қораси кўринди. Улар бу ердан аста пусиб ўтиб, кўча ёқаларида ўсган дарахтлар қорасида кўздан йўқолдилар. Бир-икки ҳафта ўтиб, ҳид бутунлай билинмай кетди.

Ана ўшандан бошлаб, одамлар мисс Эмилига юраклари ачиб қарайдиган бўлиб қолдилар. Унинг холаси Уайет кампир охири бориб миясини еб қўйганлигини эслашган одамлар, ниҳоят, бу Грирсонларнинг ўзлари доим такаббур бўлганлар, деган хулосага келдилар. Ҳар қалай, қариндош-уруғларининг назарида мисс Эмилига тенг келадиган йигит бизнинг шаҳарда топилмас эди. Мисс Эмили билан унинг отаси эшик олдига қандай қилиб чиқиб турганлари ҳали ҳозиргача ҳам кўз ўнгимиздан кетмайди. Отаси олдинда оёқларини керганча, қўлида қамчисини маҳкам қисиб туради, унинг пича орқасида — ланг очиқ эшикнинг ўртасида оппоқ кийинган мисс Эмилининг нозиккина қомати. Шунинг учун ҳам, қизнинг ёши ўттизга чиққанда ва у ҳамон турмуш қурмаганда, бутун шаҳар заҳарханда қилди десак бўлмас-ку, лекин ҳарҳолда, ундан ўчини олиб аламидан чиққандай бўлди. Агар, ким бўлмасин, биров унга талабгор бўлганда эди, ҳатто телба холасидан ҳам ҳайиқиб ўтирмай, дарров кўниб қўя қоларди-да, деб ўйлар эдик биз.

Отаси ўлгандан кейин унга уйдан бошқа ҳеч нарса мерос қолдирмагани маълум бўлди, яшириб нима қилдик, бундан кўплар хурсанд ҳам бўлди. Ана энди у ҳақда ғамхўрлик қилиш мумкин деган қарорга келдик биз. Мисс Эмили ҳам муҳтожлик ва кимсасизликда яшаб кўрса, доим учини учига етказолмай фиғони кўкка чиқиб, мудом қўрқинч ичида кун кечириш нима эканлигини билади.

Ота ўлимининг эртасига эрталаб шаҳарнинг барча хонимлари мисс Эмилига ҳамдардлик билдириш, мадад бериш учун одатга биноан жам бўлдилар. Уларни одатдагича кийинган ҳолда эшикда қарши олди. Кўзларида бир қатра ёш йўқ эди. Отам ўлгани йўқ, дер эди у яккаш, руҳонийлар ва докторларнинг мурдани олишга шунча уринишларига қарамай, уч кунгача у шу гапни такрорлашдан қолмади. Қонунда кўрсатилгани бўйича чора кўрмасак бўлмайди деб турганларида, у ниҳоят, рози бўлди ва мурдани тезлик билан дафн қилдилар.

Ўшанда биз уни ҳали телба деб ҳисобламасдик. Мисс Эмили бекорга шундай қилаётгани йўқ, деб мулоҳаза қилар эдик биз, ахир унинг отаси қанчадан қанча йигитларни эшигидан нари қувиб юборди, одам келмайдиган қилиб қўйди, энди эса қиз охирги бор нарсасини қўлдан чиқармасликка уринарди, одамлар одатан шундай қиладилар-ку.

III

Кейин у узоқ бетоб бўлиб ётди. Уни яна кўрганимизда, сочи калта қирқтирилган ва шундан ёш қизчаларга ва тағин жиндаккина черковларга қўйиладиган маъюс ва ўйчан фаришталарга ўхшаб кетарди.

Худди ана шу пайтларга келиб, шаҳар ҳукумати кўчаларга йўлка ётқизишга қарор қилди, ишга одамлар ёлланди ва ёз кунларида (бу пайтга келиб унинг отаси ўлган эди) ишлар қизиб кетди. Шаҳарга Гомер Бэррон деган сочлари қора, қаддиқомати йирик, иш деганни чайнаб ташлайдиган, овози ўткир ва ўктам, юзи офтобда қорайган, кўзлари шишадай тиниқ — ҳақиқий янки бошчилигида неграри, улов ҳамда асбоб-ускуналари билан қурувчилар бригадаси келди. Болалар Бэрроннинг кетидан тўдалашиб чопиб юришар, унинг неграрларни қора терга тушириб ишлатиши, уларнинг қўшиқ айтиб оғир чўкичларни бир маромда кўтариб ташлашларини завқланиб томоша қилишарди. Тезда Гомер Бэррон бутун шаҳар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Кўчанинг бирон ерида одамлар тўпланишиб, хахолаб кулашаётган бўлса, билаверингки, демак, Бэррон ҳам шу ерда эди. Кўп ўтмай уни ва мисс Эмилини якшанба кунлари ғилдираклари сариқ, ёллаб олинган бир жуфт тўриқ от қўшилган усти очиқ икки ўринли коляскада биргаликда сайр қилиб юришганини учрата бошладилар.

Бошида биз ҳаммамиз қандай бўлмасин мисс Грирсон яна ҳаётга қизиқиб қарай бошлаганидан қувондик, бунинг устига шаҳар хотинлари: «Э, қўйинглар, ахир шу Грирсонлар шимолдан келган ва бунинг устига ёлланиб ишлайдиган одамни назар-писанд қилишармиди?», деганлари деган эди. Лекин ёшлари улуғроқлар бошқача ўйлашарди: чинакам леди ҳатто бошига кулфат тушганда ҳам ор-номус тузукларидан чиқмаслиги керак, деб ҳисоблашарди улар, лекин бу сўзларни оғиз очиб айтишмасди. Улар оддийгина қилиб: «Шўрлик Эмили. Қариндош-уруғлари унга қарашса бўларди», деб қўйишарди. Қизнинг рости билан ҳам Алабамада қариндош-уруғлари бор бўлиб, бироқ отаси улар билан ақлдан озган Уайет кампирнинг мулкини талашиб, шундан хонадонлар юз кўрмас бўлиб кетган эдилар. Чолни кўмиш маросимига Алабамадан ҳеч ким келгани ҳам йўқ.

«Шўрлик Эмили» деган сўзлар кимнингдир оғзидан чиқиши биланоқ дарҳол турли миш-мишлар ўрмалаб қолди. «У ерда бир нима бор деб ўйлайсизми?», деб сўрардик биз бир-биримиздан. «Албатта-да, бошқача бўлиши мумкинми?» Шундай қилиб, унинг орқасидан, якшанбанинг кўзни қамаштирадиган офтобидан тўсиб ёпилган дераза тавақалари орқасидан, кўчадан ўтиб бораётган қурувчилар билан изма-из ивиршивир қўзғалди: «Шўрлик Эмили».

Гарчи ҳамма мисс Эмили ўзини тийиб юра олмади, деб ҳисобласа-да, қизнинг ўзи ҳамон бошини мағрур кўтариб юрар, худди одамларнинг койиш, гап-сўзлари унга ўзининг ҳақлиги ва ягоналигига ишонч-эътимодини орттираётгандай, Грирсонлар наслининг сўнгги вакили шаён-шукуҳини ҳимоя қилиб, ҳар қачонгидан кўра ҳам кибриё эди. У дорихонадан каламуш дори, маргимуш сотиб олаётганда ҳам ўзини ана

www.ziyouz.com kutubxonasi

ундай тутди. «Шўрлик Эмили» деган сўзлар биринчи аротаба айтилганига ҳам бир йилдан ошиб, ниҳоят унинг олидан хабар олгани икки холаваччаси келишди.

— Менга заҳар керак, — деди у.

— Хўп бўлади, мисс Эмили, лекин қанақасидан бўлсин? аламушга бўлса керак-да? Мен сизга тавс...

— Менга энг яхшиси керак — нима деб аталиши билан шим йўқ.

Аптекачи бир неча хил заҳарларни санаб чиқди.

— Улар филни ҳам қулатади. Лекин чамаси, сизга яхшиси...

— Маргимуш, — деди мисс Эмили, — яхши заҳарми?

— Маргимуш? Ҳа, мэм. Лекин сизга...

— Менга маргимуш керак.

Аптекачи унга бошини кўтариб қаради, у заррача ўзгаргани ўқ; унинг шамдай қотган чеҳраси полк туғидай таҳдид олади.

— Майли бўлмасам, — деди аптекачи. — Агар сизга худди у заҳар керак бўлса. Лекин қонун бўйича, сиз уни нимага шлатмоқчи эканлигингизни айтишингиз керак.

Мисс Эмили бошини пича орқага ташлаганча унинг кўзларига ик қараб турар, ва ниҳоят, аптекачи дош беролмай юзини гирди-да, хонадан чиқиб кетди. У бошқа қайтиб келмади, аргимуш солинган қоғозни югурдак негр боладан бериб борди. Мисс Эмили уйга кириб қоғозни очди, калла суягининг асми солинган қутичанинг тагида: «Каламушларга қарши» деган сўзларни ўқиди.

IV

«У ўзини ўзи ўлдиради», дердик биз эртасига, шундай қилса зига яхши бўлади, деган хулосага келди ҳамма. Улар Гомер Бэррон билан энди-энди учрашиб юрганларида, унга турмушга чиқишига ҳамманинг ишончи комил эди. Бўғулар Клубида ешлар билан чақчақлашиб туришни ёқтирадиган Гомер атрофдагиларга ўзининг бўйдоқ яшаш тарафдори эканлиги ақида оғиз кўпиртирганлигини эшитиб, «қиз уни эгиб олади», дердик биз кейинроқ. Кейин дераза тавақалари туширилгач, якшанба кунлари офтобда ярақлаб турган коляскада ёнларимиздан ўтиб боришаркан, биз: «Шўрлик Эмили!», деганимиз деган эди. Коляскада мисс Эмилининг боши тик кўтарилган, Гомер Бэррон эса шляпасини бошига боплаб қўнқайтириб, оғзидан сигара тушмай, сариқ қўлқоп кийган қўлларида жилов ҳамда қамчинни маҳкам ушлаб борарди.

Шунда баъзи бир шаҳар хонимлари улар ёшларга ёмон ўрнак кўрсатишяпти ва шаҳримизнинг обрўсини ерга уришяпти, деб гап-сўз қила бошлашди. Эркаклар бу ишга аралашмасликни маъқул кўрдилар, лекин уларнинг хотинлари баптистлар руҳонийсини мисс Эмилини бориб кўришга кўндирдилар, мисс Эмили барча қавму қариндошлари каби епископ черковига мансуб эди. Руҳоний бу учрашув қандай ўтганлиги тўғрисида ҳеч кимсага ҳеч нарса демади, лекин яна бир марта боришдан қатъий бош тортди. Келаси якшанба куни улар яна коляскада сайрга чиқдилар, яна бир кун ўтгандан сўнг руҳонийнинг хотини мисс Эмилининг Алабамадаги қариндошларига хат жўнатди.

Ниҳоят, унинг уйига одамлар келишди ва биз буёғи нима бўларкин деб кута бошладик. Аввалига ҳаммаси илгаригидай давом этаверди. Кейин биз улар барибир турмуш қурсалар керак, деб юрдик. Мисс Эмили заргар қошига борганмиш, унга эркакларнинг кумушдан ишланган анжомларини буюрганмиш, анжомларнинг ҳар бирига Г. Б. деган ҳарфлар ўйилиб ёзилармиш деган гаплар тарқалди. Икки кун ўтгач, у эркакларнинг кийим-кечакларини, ҳатто ички кўйлаккача қўшиб харид қилганлигини эшитдик. Ҳаммамиз енгил нафас олдик: «Улар уйланишибдилар». Чиндан, ҳаммамиз юрак-юракдан хурсанд эдик. Биз яна шунга ҳам хурсанд эдикки, Эмилининг ҳар иккала холаваччаси унинг ўзидан ҳам ўтиб тушган Грирсонлардан экан.

Шундай экан, шаҳар кўчаларидаги ишлар ниҳоясига етгач, бир оз вақт ўтиб Гомер Бэрроннинг йўқ бўлиб қолганлигидан ҳеч ким ажабланиб ўтирмади. Тўй ҳақида ҳаммага эшиттириб эълон қилинмагани бир оз шаштимизни туширди, лекин Гомер мисс Эмилининг келишига ҳаммасини ҳозирлаб қўйиш учун кетган бўлса керак ёки бўлмаса, қизга холаваччаларидан қутулишга имкон туғдиргандир (холаваччаларга қарши бутун бошли фитна тузилган, ҳаммамиз мисс Эмили томонида эдик), деган фикрда эдик. Ростдан ҳам, яна бир ҳафта ўтиб, унинг қариндошлари жўнаб кетишди. Ҳамма кутгандек, уч кундан сўнг Гомер Бэррон яна шаҳримизда пайдо бўлиб қолди: шом қоронғиси тушганда, негр хизматкор орқа эшикни очиб уни ичкарига қўйганлигини мисс Эмилининг аёл қўшниси кўрган экан.

Ўшандан бери Гомер Бэрронни бошқа ҳеч ким кўрмади. Мисс Эмили ҳам, ҳар қалай, бир оз вақт ўтгунча бутунлай кўринмай қолди. Негр хизматкор майда-чуйда олгани саватини кўтариб чиқиб қолар, сўнг яна қайтиб кириб кетар, лекин катта эшик доим тим-тирс берк эди. Баъзан деразадан мисс Эмилининг қораси кўзга чалинар (кечаси унинг ҳовлисига оҳак сепиб чиқишганда шундай бўлган эди), лекин ярим йилгача у кўчага қадам босмади. Биз буни ҳам тушунса бўлади деб ҳисоблардик — чунки унинг аёллик қисматининг очилиб кетишига шунчалар қаршилик қилган отасининг руҳи, афтидан, ҳаддан ташқари қудратли ва яшовчан бўлса керак эди.

Мисс Эмили, яна қайтиб кўрганимизда, бироз тўлишган, сочларига эса оқ оралаган эди. Йиллар ўтган сайин оқлари кўпайиб, ниҳоят, улар мурч билан туз аралашган тусга кирди. Ғайратли, ишга чанқоқ эркакларнинг сочлари одатда шундай оқаради. Мисс Эмили етмиш тўртга кириб дунёдан кўз юмгунча унинг сочлари шундайлигича қолди.

Шу вақт ичида хонадоннинг катта эшиги бир марта ҳам очилмади. Мисс Эмили чиннига гул солишдан болаларга дарс берган олти-етти йил (ўшанда у қирқларга бориб қолганди) бу ҳисобга кирмайди. У пастки қаватдаги хоналардан бирини дарсхонага айлантирди, полковник Сарторис қурдошларининг қизчалари ва набиралари унинг олдига қатнай бошладилар, қатнаганда ҳам, худди якшанба кунлари йигирма беш цент танга хайр-эҳсон учун олиб черковга келгандай бир кайфият ва мунтазамлик билан қатнардилар.

Лекин мана шаҳарнинг қалби ва вужудига айланган янги насл юзага чиқди. Мисс Эмилининг шогирдлари катта бўлиб вояга етишди ва унинг қошига болаларини юбормай қўйишди, бўёқлар, чўткалар, журналлардан қирқиб олинган суратлар шу қадар жонларига тегиб кетган эди. Катта эшик сўнгги шогирд ортидан гурсиллаб ёпилдию бошқа ҳеч қачон очилмади. Шаҳарда текин почта хизмати йўлга қўйилганда ёлғиз мисс Эмили уйига тунука тахтача ва почта қутиси қоқиб қўйишни ман қилди. Уни кўндирмоқчи бўлиб уриндилар, лекин у ҳеч кимнинг гапини эшитишни истамади.

Кун кетидан кун, ой кетидан ой, йил кетидан йил ўтар, биз эрталаблари озиқ-овқат харид қилгани чиққанда негрнинг сочлари тобора оқариб, беллари тобора букилиб бораётганлигини кўрардик. Ҳар декабрь ойи келганда, мисс Эмили солиқ тўлаш ҳақида баёнот олар ва ҳар сафар бир ҳафта ўтгач, уни очмасдан орқасига қайтариб жўнатар эди. Онда-сонда уни пастки қаватдаги хоналардан бирининг деразасида кўриб қолардилар — чамаси юқори қават хоналари ҳамон берк эди — у қотиб турар, мисоли тошдан йўниб ишланган маъбудга ўхшарди. У бизлардан бирортамизни кўрармиди-йўқми, аниқ билиб бўлмасди. Насллардан насларга худди мана шу алфозда ўтиб борар эди бу ҳаммамизга яқин ва ажойиб, безабон, ўқ ўтмас, сув тешмас, қайтмас ва тонмас аёл.

Шундай қилиб, у оламдан ўтди. Қариб-чуриб путурдан кетган негр хизматкордан бошқа қарайдиган одами бўлмай, чанг-ғубор ва қоронғилик қоплаган уйда касалланиб ётиб қолди. Ҳатто шаҳарда ҳеч кимса унинг касал ётганлигини билмас, биз қари хизматкордан сўраб-нетиб туришликни алдақачонлар йиғиштириб қўйгандик. Хизматкор ҳеч ким ва ҳатто бекаси билан гаплашмас, худди узоқ замонлар ишлатилмай ётганидан занглагандай товуши хирқираб чиқадиган бўлиб қолганди.

У пастки қаватнинг хоналаридан бирида ёнғоқдан ишланган, атрофи парда билан тўсилган каттакон каравотда жон берди. Унинг оппоқ оқарган боши қуёш нурларини сира кўрмаган вақтнинг забтига дош беролмай сарғайган ва моғор босган болишга сокин чўккан эди.

V

Биринчи бўлиб келган хотинларни негр эшикда кутиб олди ва ичкарига олиб кирди. Бўғиқ шивир-шивир шилдиради, нигоҳлар олазарак чопдилар. Негр эса шу дамдаёқ ғойиб бўлди. У уйнинг барча хоналаридан ўтиб бориб, орқа зинадан пастга тушди-да, шунинг билан бошқа ҳеч ким ҳеч қачон уни кўрмади. Кўп маҳтал қилмай тезда унинг икки қариндоши ҳам етиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

келишди ва эртасига бутун шаҳар мисс Эмилини кўмиш маросимига йиғилди. У гулларга кўмилиб ётар, бош томонида отасининг пастелда ишланган теран ўйга ботган сурати осиғлиқ турар, атрофда эса шаҳар хонимлари ғамбода бир қиёфада ғуж бўлиб, пичир-пичир қилишарди. Эшик олдида ва ҳовлида мўйсафид қариялар ўтиришар, уларнинг айримлари конфедерат қўшинларининг артиб-тозаланган либосларини кийиб олишган, уларнинг хотиралари мисс Эмили худди уларга тенгқурдай гавдаланар, назарларида улар мисс Эмили билан неча-неча бор рақсга тушгандай ва ҳаттоки неча-неча мароталаб унинг қўлини сўрагандай бўлардилар. Барча кексайган одамлар каби улар воқеалар ҳамда саналарни чалкаштириб айтишар, ўтмиш улар назарида олис-олисларда йўқолиб кетадиган арава изимас, кенг, абадиян ям-яшил ўтлоқ эди, бу ўтлоқ бизнинг кунларимиздан фақат сўнгги ўн йил ичида тор жарлик билангина ажралган эди.

Уйнинг тепа қаватида қирқ йилдан бери инсон қадами тегмаган, эшиги қулфлаб ташланган хона борлиги ҳозир маълум бўлган эди. Мисс Эмилининг жасади аппон-саппон ўз қабрига қўйилгандан сўнггина бу хонани бузиб очдилар.

Худди янги келин-куёвлар турадигандай қилиб ясатилган ва жиҳозланган хонанинг узоқ йиллар ўтириб қолган чанги қаттиқ ҳаракат туфайли бирдан тўзиб кетди. Уй ичи ачимсиқ гўр ҳидига тўлганди. Ранги ўчиб кетган пушти кимхоб чойшаб қатлари, чироқларнинг пушти соябонлари, биллур шишачалар ва кумушдан ишланган, соч-соқол анжомлари сочилган мўъжаз столчалар — ҳаммаёқ гардга қопланганди. Кумуш буюмлар шунчалар ҳам хиралашиб кетгандики, энди уларга ўйиб ёзилган бош ҳарфларни кўриб бўлмасди. Шу ернинг ўзида худди ҳозиргина ечилгандай ёқа ва галстук ётарди, уларни ердан кўтариб кўрганларида чанг пардаси ичра ярим гардиш аниқ из қолди. Стулнинг суянчиғида текислаб ташлаб қўйилган костюм осилиб турарди. Полда ботинкалар, уларнинг ёнида пайпоқлар ётарди.

Эр кишининг ўзи эса каравотда эди.

Жағи иршайиб очилиб қолган қўрқинчли бош суяк чаноғига қараганча анчагина жим туриб қолдик. Мурда худди кимнидир қучоқлагандай бўлиб ётарди, лекин муҳаббатдан боқийроқ узун уйқу вақт ўтиши билан унинг барча аъжубаликлари ва найрангларини текислаб, ундан маъшуқасини тортиб олгандай эди. Унинг суяклари узра тунги кўйлакнинг чурик парчалари лахталаниб ётарди. Ўлик худди каравотга сингиб кетгандай эди. Лош ҳам, унинг ёнидаги болиш ҳам бир текис хоки туробга ботганди.

Ва фақат шу ондагина биз иккинчи ёстиқда енгилгина бош изи қолганлигини кўрдик. Ичимиздан кимдир қўли билан изни пайпаслади ва олдинга энкайиб, кўзга ташланмас тўзоннинг қуруқ ва аччиқ ҳидини димоққа тортганча биз бўзранг пўлат тусидаги узундан узун соч толасига кўзимиз тушди.

УОШ

Сатпен кўзи ёриган она чақалоғи билан ётган катта ёғоч каравотнинг олдида турарди. Деворнинг қуриган тахталари тирқишларидан субҳидамнинг бўз нурлари тушиб турар, улар Сатпеннинг керилган оёқлари ва пастга солланиб турган қамчисининг сопига тегиб синар, усти яхшилаб ўраб қўйилган она ва унинг ёнида ётган топ-тоза ювилган латталарга йўргакланган чақалоқнинг устига ёйилар, она Сатпенга чимирилиб қарар, ундан хўмрайган, синоатли кўзларини узмасди. Сатпеннинг орқа томонида кўри сўнай деб қолган ўчоқ олдида чўнқайганча негр кампир ўтирмоқда эди.

— Аттанг, Милли,— деди Сатпен,— бия эмассан-да. Сени отхонамнинг энг яхши ерига жойлаб қўярдим.

Ёғоч каравотда ётган хотин қимир этмади. У ҳамон ҳеч қандай ифодасиз чимирилган кўзларини унга тикиб ётар, унинг навқирон, тумтайган, ҳеч нимани англаб бўлмас юзи яқиндагина тугаган тўлғоқ азобларидан оқариб кетганди. Сатпен юзини бурди, олтмишга кирган эркакнинг чеҳрасига тонгнинг тирқираган зиёси отилди. Чўнқайиб ўтирган негр хотинга паст товуш билан деди:

— Гризельда бугун азонда қулунлади.

— Тойми, байталми?— сўради негр хотин.

— Той. Кетворган той... Бу ерда-чи?— у қамчи дастасининг учи билан ёғоч каравотни кўрсатди.

— Бу ерда бия.

— Тойсан той. Худди Роб Ройнинг қуйиб қўйган ўзи бўлади. Эсингдами, уни олтмиш биринчи йилда Шимолга миниб кетган эдим?

— Эсимда, хўжайин.

— Э-ҳа.— У ёғоч каравотга ўгирилиб қаради. Хотин унга қараяптими-йўқми, энди билиб бўлмасди. У қамчисининг сопи билан яна бир карра у томонга нуқиб қўйди.— Бизникини қараб кўр, нима керак бўлса, ҳаммасини қилиб бер.

Шундай деб, у лиқиллаб турган пиллапоядан одам баравар бўлиб қалин ўсган бурганзор ичига тушди (бу ерда Уош бурганларни ўриб ташлайман деб, уч ой илгари ундан сўраб олган чалғи деворга суяб қўйилган кўйи занглаб ётмоқда эди), бунда унинг оти жиловини қўлларида тутуганча Уош кутиб турарди.

Полковник Сатпен шимолликлар билан урушга жўнаб кетганда, Уош у билан бирга бормади.

— Полковник йўғида бу ерда унинг хўжалиги ва негрларига қараб юраман,— деб тушунтирарди у сўраганларга ҳам, сўрамаганларга ҳам. Уош новчадан келган, ориқ, безгакдан силламадори қуриган, кўзлари шишадай тиниқ ва ажабсиниб боқадиган, кўринишдан ўттиз бешларга борган, шунга қарамасдан, катта қизи ҳамда саккиз яшар набираси бўлган бир киши эди. Унинг гаплари бошдан-оёқ уйдирма эди ва уйда қолган ўн саккиздан эллик ёшгача бўлган ёшу қари эркаклар унинг барча баҳоналари уйдирма эканлигини яхши билишар, шунда ҳам баъзилар у ўз гапига ўзи чиппа-чин ишонса керак, деб ҳисоблашар ва шунга қарамасдан, улар миссис Сатпен ва Сатпеннинг қулларига ўзини ҳомий қилиб кўрсатмасликка ҳар қалай Уошнинг ақли етар, деб ишонишарди. Ё ақли етар ва ё жонбозлик кўрсатишга қурби етмас, дейишарди одамлар, э, барака топсин, унга йўл бўлсин, ахир Сатпеннинг мулкига унинг ҳеч бир дахли йўқ, фақат полковник Сатпен бир пайтлар ҳали бўйдоқ чоғлари дарё бўйидаги чалчиқда балиқ тутиб юрарман деб, тиккайтирган ҳужрасини Уошга берган, ўшандан бери бу кулба ҳам ташлаб қўйилганидан бутунлай путурдан кетган, худди тўйиб сув ичаману сўнг ўламан деб, дарё лабига базўр судралиб етиб келган ночор маҳлуққа ўхшаб қолганди.

Бироқ Сатпеннинг қуллари Уошнинг катта гапириб кариллаб юрганлигини тешик қулоқ эмасми, эшитиб қолибдилар. Улар қотиб-қотиб кулишди. Аввалари ҳам унинг устидан кулиб юришар ва орқасидан оқ ялангоёқ деб чақиришарди. Собиқ балиқчи қўналғасидан келаётганда улар Уошни ўт босган сўқмоқда учратиб қолиб, сўрашарди: «Ҳой, оқ киши, нега сен урушга бормадинг?» Уош тўхтарди-да, мийиғида заҳарханда қилган қора башаралар, оқарган кўз ва тишларнинг гардишига бир-бир разм солиб чиқарди. «Мен хонадонни боқишим керак, ана шунга,— деб жавоб берарди у.— Йўлдан қочинглар-эй, қораялоқлар».

— Қораялоқлар?— деб такрорлашарди улар.— Қораялоқлар?—энди улар очиқдан очиқ унинг башарасига қараб кулишарди.—У киши бизларни қораялоқлар деяптиларми?

— Тўғри-да,— дерди у,— менинг қораялоқларим йўқ, мен кетганда бола-чақамни боқиб ўтирадиган.

— Э, сенинг дарё бетида қийшайган ҳужрангдан бошқа ниманг ҳам бор, ҳатто бизнинг биронтамизнинг у ерда туришимизга полковникнинг кўнгли бўлмаганди.

Шунда у сўкина бошлар, гоҳида эса ерда ётган таёқни олиб уларга ташланиб қолар, улар тирақайлаб қочиб кетишар ва у оғир ҳансираганча аламидан шақ-шақ титраб сўқмоқда ёлғиз ўзи қоларди, лекин таҳқирловчи, бераҳм, қочириқларнинг қора кулгилари барибир уни ўз гардишидан сира чиқариб юбормасди. Бир сафар худди шундай воқеа хўжайин уйининг нақ орқа ҳовлисида рўй берди. Виксберг остоналаридан ва Теннеси тоғларидан аламли хабарлар олингандан кейин бўлган эди бу. Шерман ҳам мулк далаларидан бостириб ўтиб кетган, қолган бир-иккитасини демаса, барча неглар ҳам у билан бирга жўнаб қолишган эди. Федерал қўшинлар билан бирга кейин қолган-қутганлари ҳам кетиб қолишди, шунда миссис Сатпен Уошга бориб айтинглар, келиб уй орқасидаги шийпонда пишган узумни узиб кетсин. Ушанда плантацияда қолган иккиуч негрнинг бири — хизматкор қиз унинг бошига таъна ёғдирган эди; у ҳатто қочиб ҳам кетмади, фақат орқа эшикнинг пиллапояларидан кўтарилди-да, сўнг орқасига ўгирилиб ўша ерда турганча деди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тўхта, оқ киши. Турган жойингдан қимирлама. Полковник борида бу остонадан ўтмаган эдинг, энди ҳам ўтмайсан.

Тўғриси ҳам шу эди. Лекин унинг ориятн учун муҳим бир нозик томони бор эди: у ўзича Сатпен мени уйига қўйган бўларди деб ишонса ҳам, лекин ҳеч қачон бу уйга қадам босишга урниб ҳам кўрмаганди. «Бошимни бу ерга суқиб зарур келибдими менга, яна қораялоқлардан биронтаси, қани туёғингни шиқиллат, деб қолмасин, — деб юрарди у ўзўзига. — Тағин полковник мени деб, уларни ўқитиб юрмасин». Лекин шунга қарамасдан, улар камдан кам ҳоллардагина меҳмонлар келмай қоладиган якшанба кунларини одатда бирга ўтказишарди. У Сатпенга, шу яхши бўлса керак, деб чин дилдан ишонар, бинобарин, полковник ўзи билан ўзи ёлғиз қолса нима қилишини билмайдиган зотлардан эди. Ҳар қалай, қандай бўлмасин, баъзи кунлари улар уззукун шийпонда бирга бўлишар, Сатпен арқон ҳалинчакда ёғар, Уош эса устунга суянганча чўнқайиб ўтирар ва ўртада ёмғир суви тўлдирилган челак, челакда эса шиша ва улар то шом қоронғиси тушгунча галма-галдан шишани кўтариб ичардилар. Қолган пайтлар, бегим кунлари у полковник (улар Сатпен билан тенгқур эдилар, лекин на униси ва на буниси — афтидан, Уош неваралик бува бўлгани, Сатпеннинг ўғли эса ҳали мактабда ўқиётгани учун бўлса керак — ўзларининг тенгдош эканликларини яхши ҳис қилмасдилар) наслдор отда далаларда бир маромда елиб юрганлигини кўрарди. Ана ўшанда унинг дили бир зум ифтихори жўшиб тўхтаб қолгандай бўларди. Шунда унинг назарида худди Инжилда ўқигани каби худо томонидан ҳар қандай оқ танли кишиларга хизмат ва қуллуқ учун маҳкум қилинган негрлар ундан ва унинг оиласидан кўра яхшироқ, тўкроқ яшаётган, ҳатто тозароқ ва тузукроқ кийинаётган бу дунё, унинг теварагида муттасил ва дам-бадам қора кулгининг акс-садоси янграб турадиган мана шу дунё дардисар рўёдан ўзга нарса эмас, чинакам дунё бу — унинг валиеъмати асл хоназот қора отда шон-шавкатга чулғаниб ёлғиз учиб бораётган дунё, ахир барча одамлар, бу ҳам Инжил шарифда айтилган, худойимнинг шакли-шамойили каби яратилганлар, шунинг учун ҳамма одам болалари жиллақурса, худо назаргоҳида бир хил сиймо каби кўринадилар; шунинг учун у худди ўзи ҳақида ўзи айтгандай шундай дейиши мумкин: «Одам! Ҳусн ва шараф! Агар худованди каримимиз кўк тоқидан она еримизга қадам ранжида қилганда эди, у ўзига айнан худди мана шу сиймони танлаган бўларди!»

Олтмиш бешинчи йилда Сатпен қора тўриқда уйга қайтди. У ўн ёшга қариган эди. Хотини ўлган ўша куз кунлари ўғли ҳам жангда ҳалок бўлди. У генерал Лининг шахсан ўзи қўл қўйган ташаккурномани олиб хароб бўлган далаларига қайтиб келди. Бундан ўн беш йил муқаддам дарё бўйидаги эсидан ҳам чиқиб кетган вайрона балиқчи кулбасига ўзи раҳм-шафқат қилиб жойлаштирган бечора одам унинг қизини ҳам қарамоғига олиб боқиб ўтирарди. Уни кутиб олган Уош ҳеч ўзгармабди — ҳамон ўша-ўша — ориқ ва найнов, ҳамон ўша-ўша — унинг ёши нечага кирганлигини билиб бўлмас, хира кўзларида ҳамон ўша саволомуз иштибо учқунланиб туради. «Қани, хўш, полковник, — деди у уялинқираб, андаккина ялтоқланган ва айни чоқда маҳрамона товуш билан, — бизни уришди, лекин белимизни синдиришолмади, мен тўғри айтяпманми?»

Кейинги беш йил ичида уларнинг ҳамма гаплари мана шунга келиб тақаларди. Улар сопол кўзадан галма-галдан ичадиган виски ҳам энди жуда бемаза, ўтирадиган жойлари ҳам эндиликда ток сўрилари чирмашган шийпон эмас, ночоргина дўкончанинг орқаси бўларди. Сатпен йўл бўйида деворлари тахтадан, ичига қатор токчалар ясалган дўкон очган эди. Уош бу ерда гумашта ва қоровуллик қиларди, улар керосин, кундалик озиқ-овқатлар, бир-бирига ёпишиб кетган ширинликлар, арзон тақинчоқлар, ленталар сотишар, мижозлари Уошга ўхшаган камбағал оқ танлилар ва негрлар бўлиб, улар пиёда ёхуд қоқсуяк хачирларга миниб келишар, муборизларни жасорат билан жангларга бошлаб кирган, бир маҳаллар ўн чақиримгача ўз ҳосилдор ерларида отини гижинглатиб чоптириб юрадиган (қора тўриқ ҳали ҳам тирик эди; унинг ерга урса кўкка сапчийдиган насллари хўжайиннинг ўзи турадиган уйдан кўра ҳам яхшироқ сақланадиган отхоналарда боқиларди) одам билан ҳар бир чақа устида эзмаланиб савдолашгани келар эдилар. Тортишувлар шу билан тугардики, Сатпен дарғазаб бўлиб уларни дўкондан ҳайдаб чиқарар, эшикни жаҳл билан қулфлар, сўнг Уош билан сопол кўзачани олиб дўконнинг орқасига ўтиб кетар эдилар. Бир йиллари Сатпен арқон ҳалинчакда ётиб кибру ҳаво билан узоқ вайсар, Уош эса устунга суяниб чўнқайиб ўтирганча унинг гапларини маъқуллар, лекин мана энди уларнинг суҳбатлари ўшанда бўлгандай текис бир маромда кечмас эди. Энди улар ўтириб олишар, тўғри, Сатпен бирдан-бир курсига, Уош эса тўғри келган яшикми ё тунука идишними тўнкариб ўтиришар, лекин бу узоққа чўзилмас, чунки Сатпен бирпаснинг ичида оғзидан кўпик сочган қаҳҳор жангарига айланар, у чайқалиб гандираклаганча ўрнидан турар, илгари ташланмоқчи бўлар, ҳозир қора тўриғимни минаману тўппончаларимни олиб Вашингтонга йўл оламан, Линкольн билан Шерманни отиб ташлайман, деб дағдаға соларди, ваҳоланки, Линкольн бу пайтга келиб ўлиб бўлган, Шерман эса аллақачонлар генераллик либосларини оддий кишилик кийимларига алмаштирган эди. «Сол уларни! — деб қичқирарди у. — Қутурган ит каби ҳаммасини отиб ташланглар!»

— Бўлмаса-чи, полковник, бўлмаса-чи, — дерди нуқул Уош, йиқилиб бораётган Сатпенни қучоқлаб оларкан. Шундан кейин у йўлдан ўтиб бораётган дуч келган аравани тўхтатар, агар арава ҳадеганда ўтавермаса, бир чақирим келадиган фермагача яёв йўл олар, у ердан от-арава олиб Сатпенни уйга етказиб келарди. Анчадан бери у Сатпенни олиб келган чоғларида уйга ҳам кираверар, кейин худди отни, асов отни аврагандай Сатпенни алдаб-сулдаб, керак бўлса судраб йўлакдан уйга киритарди. Сатпеннинг қизи уларни эшикни ланг очиб ва уни қўллари билан тутиб турганча кутиб оларди. Шунда у ортмоқлаган юкини тепаси ярим айлана, рангдор ойналари ўз вақтида Европадан биттама-битта авайлаб ташиб келтирилган равон ўрнатилган, ҳозир эса тахта қоқиб қўйилган бир маҳаллар оппоқ ва баланд катта эшикдан олиб ўтар, жунлари тўзғиб ётган пат гиламдан судраб ўтиб, тахталари едирилиб кетган, фақат чеккаларидагина жигарранг бўёғи билиниб турган улуғ пиллапоядан кўтариб чиқариб алоҳа хобхонага етиб келарди. Бу пайтга келиб говгум бўлиб кетар ва у полковникни чалқанчасига каравотга ётқизар, кийимларини бирма-бир ечиб олар ва сўнг жимгина шу ердаги курсида ўтирарди. Бир оз вақт ўтгач, эшикдан унинг қизи кўриниш берарди. «Биздан хавотир олманг, — дерди унга Уош. — Сиз ҳеч нарсадан ташвишланманг, мисс Жудит».

Кейин бутунлай қоронғилик тушар, бир оз вақт ўтгач, у шундоққина каравот олдида ерга чўзиларди, лекин мириқиб ухлагани имкон бўлмас, чунки кўп ҳам ўтмай, баъзан ҳали тун ярим бўлмай туриб, чўзилиб ётган Сатпен қимирлай бошлар, инграб, уни хаста товуш билан чақирарди: «Уош!»

— Шу ердаман, полковник. Тинчгина ухлайверинг. Улар бизни енгиб бўлипти. Кўрсатиб қўямиз ҳали уларга.

Ҳолбуки, у ўша кезлариёқ набираси белига лента тақиб юрганлигини кўрганди. Қизча ўн олтига қадам қўйган, худди шу ёшга кирган навраста қизлар каби бўй етиб, кўзга ташланиб қолганди. Бу лента қайси ёқдан пайдо бўлганлигини у яхши билар (уч йилдирки, худонинг берган куни дўконда шу ленталарни кўрарди), невараси мабодо ёлғон сўзлаганда ҳам, барибир, у биларди, лекин қизча ёлғонлагани урниб ҳам кўрмас, фақат унга тап тортмай тик, қовоқ уйиб ҳуркиганча қараб турарди.

— Нима ҳам қилдик, — деёлди у фақат. — Полковник сенга лента ҳадя қилган бўлса, сен раҳмат деб қўйишни эсингдан чиқармагандирсан, ахир?

Унинг устида янги кўйлак кўрганида ва қизча унга маҳфуз, тўнг ва қўрқа-писа нигоҳ ташлаганида, кўйлакни тикишга мисс Жудит қарашганлигини эшитганда ҳам унинг дили хотиржам эди. Аммо ўша оқшом дўконни ёпиб орқа эшикдан Сатпен билан изма-из чиқаркан, унга ўгрилиб қаради, унинг чеҳраси жиддий эди.

— Кўзани келтир, — буюрди Сатпен.

— Ҳозир, — деди Уош. — Шошманг.

Сатпен ҳам кўйлак хусусида бош товлаб ўтирмади.

— Ҳўп, нима бўпти? — деб сўради, холос.

Лекин Уош унинг такаббур ва тошдек қаттиқ қарашидан кўзини олиб қочмади, у оҳиста жавоб берди:

— Мен сизни қарийб йигирма йилдан бери биламан. Сиз нима деб буюрманг, барини тўхтовсиз адо этдим. Мен ҳам олтмишга кириб қолдим ва мен эр кишиман. У эса ҳали навраста қизча, бор-йўғи ўн бешга чиқди.

— Нима, сенингча, мен қиз болани хафа қиладиган одамманми? Мен кексайган бир одам, сенинг тенг-тўшинг бўлатуриб-а?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сиз мабодо бошқача бўлмаганингизда, мен ҳам сизни қари — ўзим тенги одам, дердим. Қарими-ёшми, барибир, сизнинг қўлингиздан бу кўйлак тугул бошқа ҳеч нарсани олишга йўл қўймаган бўлардим. Аммо сиз бошқачасиз.

— Нимам бошқача? — Бу саволга жавобан Уош унга хира тортган иштиболи кўзларини тикиб турарди, холос. — Сен мана шунинг учун ҳам мендан қўрқар экансан-да?

Уошнинг кўзларидаги саволомуз ифода сўнди. Унинг нигоҳи осуда ва тиниқ эди.

— Мен қўрқмайман. Сиз қаҳрамонсиз, лекин ҳаётда бир кунлик ёки бир дақиқалик қаҳрамон эмассиз, генерал Лининг қўлидан фақат шунинг ўзи учунгина шаҳодатнома олган эмассиз. Йўқ, сиз қаҳрамонсиз, бу қаҳрамонлик худди тириклик нафаси каби сиз билан бирга. Мана шунинг учун сиз бошқачасиз. Мен буни ҳеч қандай қоғоз-поғозсиз ҳам биламан. Яна шуни ҳам биламанки, сизнинг шарпангиз кимга ва ё нимага тегмасин, нимани ўз инон-ихтиёрингизда тутманг, бу хоҳ бир полк солдат ва хоҳ тенгсиз бир қиз ва хоҳ дайди ит бўладими, сиз барибир ҳаммасини жойига қўясиз.

Сатпен кўзини олиб қочди, у шаҳд билан юзини бурди-да, тўнғиллади:

— Кўзани келтир.

— Бош устига, полковник, — жавоб қилди Уош.

Орадан икки йил ўтди, якшанба куни тонг қоронғисида бу ердан уч чақирим наридаги қишлоқдан негр доя кампирни олиб келди, эски майриқ эшик кампир ортидан ёпилиб, набирасининг чинқириқларини бир оз бўлса-да тўсганда ҳам, унинг дили ташвишли, лекин хотиржам эди. У атрофтеваракдаги кулбаларда яшайдиган негрлар ҳам, уззукун дўкон атрофида хира пашшадай айланиб юрадиган оқ танли кишилар ҳам ўзи ҳақида нималар деб валдирашаётганларини ҳаммасини биларди. Улар Сатпен, унинг ўзи, бўйида эканлиги кундан кунга билиниб ва билинган сари тобора сурбет ва ҳуркак бўлиб бораётган набирасига — учовларига худди саҳнада томоша кўрсатаётган актерларга қарагандай қарардилар. «Улар бир-бирларига нималар деётганларини биламан, — деб ўйларди у. — Овозлари шундоқ қулоғимга чалиниб туради. Уош амал-тақал қилиб қари Сатпенни қўлга туширди. Умрининг йигирма йилини бой бериб бўлса ҳам, барибир, алоҳа уни қўлга киритди».

Тонг оқарай деб қолган, лекин ҳали субҳи козибнинг қоронғиси кетмаган. Тирқишидан чироқнинг хира шуълалари тўкилиб турган эшик ортидан бир маромда ва дам-бадам неварасининг қичқириғи эшитилиб турар, унинг хаёли эса худди тимирскилангандай оҳиста ва тахдидли, нима учундир от тақаларининг дупурларига ҳамоҳанг ҳаракат қилар, шунда бирдан қоронғиликлар қўйнидан кўз илғамас кенгликларга мағрур тулпор минган бўз чавандоз отилиб чиқардию унинг ўсмоқчиланган, порлоқ даражада тиниқ ва содда хаёллари ҳам кенгликларга учиб чиқардилар — ва бу на барот ва на изҳор эди, бу бамисоли якка ва тушунарли, инсон боласи тегиниб асло кир қилолмайдиган худовандо каби эди: «Ўғли ва хотинини ўлдирган ва негрларини тортиб олган ва ерларини хонавайрон қилган ўша янкиларнинг барчасидан кўра у мумтозроқ; у ўз ерим деб, қонини тўкди, она юрти уни тақдирлаш ўрнига кичкинагина дўкончага тиқиб қўйди, у мана шу юртдан кўра мумтозроқ; худди Инжилда айтилгандек, уни талх тўла косани ичишга мажбур қилдилар, у мана шу нонкўрликдан кўра мумтозроқдир. Ахир, мен йигирма йил у билан ёнма-ён яшаб, буларнинг барини кўриб, билиб, танамда ҳис қилиб турибман, яна ҳам ўзгармайинми? Майли мен ундан кўра тубанроқдирман ва чоптириб юрадиган учар отим ҳам йўқдир. Лекин ҳар қалай, доим унга қараб интилдим. Иккимиз бош қўшсак, қўлимиздан ҳар иш келади! Бир оғиз гапи, бир оғиз гапи».

Сўнг кун оқара бошлади. У бирдан уйга ва уй бўсағасида турган негр кампирга қараб турганлигини пайқади. Уй ичидан ҳам энди набирасининг додлаганлари эшитилмасди. «Қиз, — деди кампир. — Бориб унга айтиб қўйсангиз ҳам бўларди». У яна ичкарига кириб кетди.

— Қиз, — дея такрорлади у, — қиз.

Шунда тағин қулоғига отнинг янгроқ дупурлари чалинди, яна кўз ўнгида бўз от минган мағрур чавандоз унинг тасаввурида йиллар оша ва эврилишлар оша сал ва мумтоз вақт сари — боши узра қиличини яланғочлаб, тўп ўқидан далва-далва бўлиб кетган байроқ тагидан ваҳимали ва гунгурт уфқлар сари от қўйиб ўтаётгани жонланиб кетди; шунда бирдан унинг хаёлидан, ахир, Сатпен мен билан тенг мўйсафид-ку, деган фикр ўтди. «Қиз туғибди, а? — деди у ўзига ўзи яна ҳайрати ошиб. Кейин болаларча қувониб ўйлади: — Буни қара-я, шу кунларга ҳам етдикми. Вой сен-эй! Эварали бобо бўлибсанда!»

У уйга кирди. Худди бу ерда бошқа турмайдигандай бесўнақай, оёқ учида қадам ташларди, бошланаётган янги куннинг биринчи шуълалари ичида ҳозиргина кўксидан илк садо отилиб чиққан чақалоқ, гарчи унга жондош ва қондош бўлса-да, гўё уни бу ердан сиқиб чиқараётгандай эди. Лекин у ёғоч каравот томонда набирасининг ғира-шира сўник оқариб турган юзидан бошқа ҳеч нимани кўрмади. Учоқ олдида чўнқайиб ўтирган кампир паст товуш билан деди: «Бориб унга айтсангиз бўларди. Тонг отди».

Лекин хабар беришга ҳожат қолмади. У бундан уч ой илгари ҳовлида ўсиб ётган бурганзорни ўриб ташлайман деб, сўраб олиб келган, ўшандан бери ташқари эшик олдида деворга суяб қўйилганча турган чалғини айланиб ўтган эди ҳамки, Сатпеннинг ўзи қари тўриқни миниб келиб қолди. Сатпен қаердан била қолибди, деб ажабланиб ўтирмади. Якшанба куни азон қоронғисида Сатпенни шундан бошқа нима ҳам ўрнидан қўзғатиши мумкин, деб ўйлади, кейин Сатпен отдан тушунча қараб турди, сўнг унинг қўлидан жиловни олди, шу тобда Уошнинг чеҳраси баногоҳий ҳорғин севинчдан телбаловчи бир гусга кирган эди.

— Қиз, полковник! — ғўлдиради у. — Одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши, ахир, сиз мен билан бараварсиз-ку...— Бироқ Сатпен унинг ёнидан индамай ўтиб уйга кириб кетди. У турган жойида турганча қолди. Қулоғига Сатпеннинг эски пол оғочларини қисирлатиб каравот томонга ўтгани кирди. У Сатпеннинг сўзларини эшитди, шунда бирдан ичида нимадир музлаб кетди, тўхтади, сўнг ўша тўхтаган нарса жуда астасекинлик билан ҳаракатга келди.

Жанубий кенгликларнинг шитоб билан кўтариладиган офтоби чиқди, шунда назарида ёт осмон тагида ёт бир ерларда тургандай, худди ҳеч қачон баландга чиқмаган одам тушида пастга қулагандай ва атрофдаги жамики нарсалар ҳам худди тушдагидай бўлиб туюлди. «Е менга шундай эшитилдимикин,— деб фикрларди у хотиржам,— қулоғимга янглиш чалингандир-эй». Бироқ ҳамон ўша таниш овоз доя кампирга шу тонг қоронғисида туғилган той ҳақида сўзлаб бермоқда эди. «Э-ҳа, мана шунинг учун каллайи саҳарлаб ўрнидан турган экан-да,— ўйлади Уош.— Тўғри, шунга. Мени деб, ё менинг томиримни деб эмас. Ўз томири деб ҳам эмас. Тўшакдан мана шунинг учун турган экан-да».

Сатпен чиқди. У пиллапоядан тушиб, ёшлик шаҳд-шиддати кетиб, ўрнига қолган вазмин мақсад ва ҳаракатчанлик билан бурганзордан ўтиб бора бошлади. Уошнинг кўзларига шу тобгача бир маротаба ҳам қарамади. Йўл-йўлакай у деди: «Дайси унга қараб туради. Нима лозим бўлса, барини қилади. Сен эса яхшиси...— у ҳар қалай олдида турган Уошни ниҳоят пайқади ва таққа тўхтади.— Нима гап?»

— Сиз айтдингизки...— Уошнинг овози назарида худди карникидай ғағиллаб чиққандай бўлди.— Сиз унга бия бўлганингда отхонадаги энг яхши жойга ўрнаштирган бўлардим, дедингиз.

— Хўш, нима бўпти?— Сатпеннинг кўзлари аввал чақчайди, сўнг худди ўқталган муштдай дарҳол қисилди. Уош тиззалари букилиб, икки елкаси чиққанча унга томон иддао билан юра бошлади. Сатпен бир зум ҳайратланиб қолди — йигирма йил бу одам то ундан амру фармон бўлмагунча синчалоғини ҳам қимирлатган эмас, у худди қора тўриқ каби доим унинг ҳукми, иродасига тобе эди. Сатпеннинг кўзлари яна қисилиб, сўнг яна чақчайди. У турган еридан қимирламади, фақат шу турган жойида кўкка сапчигандай бўлди. «Кет,— шиддат билан буюрди у.— Яқинлашма!»

— Мен эса бораверaман, полковник,— жавоб қилди Уош ўша сокин, палағда, ҳатто эркаловчи оҳангда ва бир қадам олға ташлади.

Сатпен қамчи ушлаб турган қўлини кўтарди; қийшайиб қолган эшикни қия очиб доя кампир худди қари хазинабонникидай қора юзини суқиб қаради. «Қайт орқага, Уош», дона-дона қилиб деди Сатпен. Сўнг у қамчи урди. Доя кампир ўзини бурганзорга уриб худди эчкичадай ғойиб бўлди. Сатпен яна бир карра Уошнинг қоқ башарасига урди. Уош тиззалаб ўтириб қолди. У ўрнидан туриб яна Сатпенга қараб бораётганда

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлида чалғи бор эди. Чалғини уч ой аввал Сатпендан сўраб олган эди, мана энди у ҳеч қачон Сатпенга керак бўлмайди.

Уй ичида унинг қадам товушларини эшитиб, набираси каравотда қимирлади, уни бўғиқ, хира овоз билан чақирди.

— Нима бўлди?— деб сўради у.

— Нима дейсан, қумрим?

— Эшикда шовқин бўлгандай туюлди.

— Ҳечқиси йўқ, арзимаган гап,— меҳрибонлик билан деди у. Сўнг тиз чўкди-да, ўнғайсиз кафти билан қизнинг ёнатёган манглайини силади.— Бирон нарса олиб берайми?

— Бир қултум сув беринг,—деди қиз йиғламсираб.— Боятдан бери ётаман, ичим ёниб кетяпти, мен билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

— Ҳозир, ҳозир, мен дарров,— деди Уош муросасоз овоз билан, сўнг оғир қимирлаб ўрнидан турди, ёлоғига сув тўлдириб олди-да, унинг бошини кўтариб туриб ичирди. Кейин яна уни жойига ётқизди, қиз тошдай қотган юзини чақалоққа бурганлигини кўрди. Шунда зум ўтмай унинг ун чиқармай йиғлаётгани билинди. «Э-э, қўй, қўй,— деди чол.— Сенга нима бўлди? Дайси кампир чақалоқ яхши дейди. Ҳаммаси ўтиб кетди. Энди йиғлаш ҳам керак эмас».

Қиз йиғидан тўхтамасди, овозини чиқармай ўксиб йиғларди, шунда чол қиз тепасида ўзини йўқотганча туриб қолди, бир замонлар у шалайим бўлиб ётган хотини, кейин қизи тепасида худди шундай турган эди: «Хотинлар. Тушуниб бўлмайди хотинларни. Бола туғсам деб, ўлиб бўладилар, туққанларидан кейин кўзёш қиладилар. Уларни тушунмайман. Бирорта эркак уларни тушунмайди». У секин юриб нари кетди, дераза олдига курсини суриб ўтирди.

Қуёш чарақлаб ётган, имиллаб узоқ чўзилган шу кун эрталабдан то пешингача у дераза олдида ўтириб узоқ кутди. Онда-сонда ўрнидан туриб, оёқ учида ёғоч каравот олдига борарди. Лекин набираси ҳорғин қотган чеҳрасида хафачиликнинг хўмрайган ифодаси билан уйқуга толган, чақалоқ эса унинг эгилиб турган қўлида ором оларди. У яна дераза олдига қайтиб борар, нега улар пайсалга соляптилар, деб ҳайрон бўлганча кутиб ўтирар, сўнг ниҳоят бугун якшанба эканлигини эслади. Кун оғди, у эса ҳамон ўша алфозда ўтирар, шунда бир пайт уй бурчидан оқ танли ўсмир бола чиқиб келди, у оёғи остида ётган ўликни кўриб нафаси ичига тушиб қичқириб юборди, кейин бир он деразада ўтирган Уошга анграйиб тикилди, сўнг орқа-олдига қарамай тирақайлаб қочди. Шунда Уош ўрнидан туриб яна оёқ учида каравот олдига келди.

Набираси, чамаси, ўзи билмаган ҳолда бола қичқирғидан уйғониб кетганди. «Милли,— деди у,— очқаб ҳам кетгандирсан?» Қиз жавоб бермади, фақат юзини деворга ўгириб олди. У ўчоққа олов ёқиб, тузланган гўшт ва зоғора нон пиширди; буларни у куни кечагина олиб келганди; ичи чайқаб қўйилмаган чойнакка сув солди-да, оловга қўйди. Лекин набираси туз тотмади, шунда у шошилмасдан ўзи тановул қилди, стол устини ҳам йиғиштирмай, яна дераза олдига бориб ўтирди.

Энди унинг назарида от минган, милтиқ кўтарган, ит эргаштирган одамлар йиғилиб келаётгандай бўла бошлади — нима гап бўлганини билишга қизиққан, ўч олиш мақсадида ёнган одамлар; ҳали Уош шийпондан хўжайин қўрасигача бўлган масофани босиб ўтиш керак бўлган маҳалларда Сатпен билан бир стол атрофида ўтирган, у билан бир черикка мансуб одамлар; улар ҳам жангларда шу кичкина одамларга намуна бўладиган жасоратлар кўрсатганлар, уларнинг қўлларида ҳам мардлик ва жонбозликлари эвазига генераллардан олинган ёзма гувоҳномалар бор, улар ҳам авваллари асл хоназот отларда ўзларининг бепоён плантациялари бўйлаб учиб юришар, ўшандай мағрур ва димоғдор ва ўшандай умид рамзи ҳамда саждагоҳ эдилар; ўшандай чорасизлик ва кулфат қуроли эдилар.

Мана шундай одамлардан, уларнинг назарича, мен қочиб қутулармидим. Йўқ, мен ҳеч кимдан ва ҳеч қаёққа қочмоқчи эмасман. Мабодо, қочган тақдирда ҳам, у ёвуз ва мақтанчоқ одамларнинг бир тўдасидан қутулиб, яна худди шундай бошқа бир тўдаси чангалига тушган, бинобарин, у билган ушбу дунёда ҳамма ерда уларнинг ҳаммаси бир хилда, ҳолбуки, у магар истаган чоғда ҳам, узоққа қочиб боролмас, бунинг учун қариб қолганди. Тўхтовсиз ва қанча олис чопма, барибир, улардан қутулиб бўлмайди, одамнинг ёши олтмишга чиқиб қолганда эса, умуман, ҳеч ёққа қочиб қутулолмайсан. Ўзларининг расм-русм, тартиб-қоидаларини ўрнатиб ҳаётнинг ҳокими бўлиб олган мана шундай одамлар яшайдирган дунёдан буткул бош олиб чиқиб кетиб бўлармиди. Кейинги беш йил ичида биринчи маротаба уларни тушуниб етгандай эди, бу дунёда янкилар ва ёки умуман, бошқа бирон махлуқлар мана шу тап тортмас, мағрур қаҳрамонларни, мардлик, ғурур, шан-шукуҳ эгалари, сара зотларни қандай қилиб енга олганларини тушунгандай эди. Агарда улар билан бирга урушга борганда эди, эҳтимол, буни аввалроқ англаб етган бўлармиди. Лекин ўшанда буни олдиндан билса, кейин шунча йиллар қандоқ яшай оларди ахир? Ўтган беш йил давомида илгариги ҳаётнинг хотирасини қандоқ кўтариб юрган бўларди, ахир?

Қуёш бота бошлади. Чақалоқ уйғониб йиғлади; Уош ёғоч каравотга яқинлашганда, набираси болани эмизар, лекин унинг чеҳраси ҳамон ўша-ўшандай ўйга ботган, хўмрайган ва тош қотган эди.

— Очқамадингми?— сўради Уош.

— Менга ҳеч нарса керакмас.

— Тотинсанг бўларди.

У жавоб бермади, бошини чақалоқ узра эгди. Уош ўтирган ерига қайтиб борди ва қуёш ботиб кетганини кўрди. «Энди оз қолди», хаёлидан ўтди унинг. Қасос олиш ўтида ёнган, ошиққан одамлар назарида энди жуда ҳам яқинлашиб келгандай эдилар. Уларнинг бир-бирлари билан кўпириб-тошиб, ҳатто орасида Уошни тушуниб тортишаётганлари чолнинг қулоғига чалинаётгандай эди: «Қари Уош Жонс ёмон бой берди. Сатпенни қўлга туширдим деб юрганди, Сатпен уни тоза адабини берди. Полковник энди жуда бўлмаганда, ё уйланади, ё бадал тўлайди, деб ишонган эди, полковник эса чув туширди». «Лекин мен бундай гапни ҳатто хаёлимга келтирган эмасман, полковник!»— қичқириб юборди Уош ва ўз овозини ўзи эшитиб, шу заҳоти жим бўлди, дарҳол набираси томонга ўгирилиб, қаради ва кўзи унинг саволомуз кўзига тўқнашди.

— Кимга айтяпсиз?— сўради у.

— Э, ўзим шундай. Хаёл олиб қочиб, ўзимдан ўзим гапириб юборибман.

Набирасининг чеҳраси қандайлигини энди англаб бўлмас — қоронғи говгум тушаётган уй ичида унинг юзи ғализ тумтайган доғ каби кўринарди.

— Қайдам,— деди,— қайдам уни эшитсин десангиз балким қаттиқроқ қичқириш керак бўлармикин. Э, қичқирдинг нима, қичқирмадинг нима, барибир, у эшитмайди.

— Э, йўқ, бўлди, бўлди,— деди бобоси.— Ҳеч нарсани ўйлама.

Лекин ўзи энди чарх ураётган ўйларини сира тўхтата олмасди: «Ҳечам ундай эмас. Сиз биласиз-ку, ўзингиздан ўзга ҳеч кимдан ҳеч нарса кутган эмасман. Ва ҳеч қачон сўраб борган эмасман. Ҳожати йўқ, деб ўйлардим. Менга ўхшаган бир одам генерал Ли қаҳрамон деб атаган кишидан шубҳаланиб ўтирса, яхшимиди? Қаҳрамон,— деб ўйларди у.— Олтмиш бешинчи йилда бу қаҳрамонларнинг биронтаси уйга қайтмаганда яхшийди.— Ва яна.— Яхшиси, унга ўхшаган ва менга ўхшаган одамлар, умуман, ер юзига келмаса кошкийди. Токи яна бир Уош Жонс дунёга келиб, бутун ҳаёти худди ўтга ташланган писта қовуздай куйиб кул бўлаётганини кўргунча, яхшиси, биздан кейин ер юзидан қолаётганларнинг бари-бари ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетсайди».

Шунда унинг ўйлари бўлинди; у қотиб қолди. Бирдан у отлар овозини аниқ-равшан эшитди; фонар шуъласи ярқираб кетди, унинг сакраган нурларида одамларнинг қоралари кўзга ташланди, милтиқларнинг пўлат қувурлари ялт-юлт қилди. Лекин у қимир этмади. Бутунлай қоронғи тушган, уйни қуршаб келаётган одамларнинг товушлари, бурганларнинг шатир-шутурларига қулоқ осиб ўтирарди. Яна фонар пайдо бўлди, унинг шуъласи бурганзорда қотган танага тушдию тўхтади. Атрофда отларнинг баланд кўланкалари чайқаларди. Бир отлиқ пастга тушиб, фонар ёруғида ўлик узра энкайди. Унинг қўлида тўппонча бор эди; ниҳоят, у қаддини ростлади ва уйга ўгирилиб қаради.

— Жонс!— деб чақирди у.

— Шу ердаман,— оҳиста жавоб қилди Уош.— Майор, сизмисиз?

— Чиқ бу ёққа.

— Ҳозир,— деди у паст овоз билан,— набирамга қарашиб юборай, ҳозир.

— Унга биз-ўзимиз қараймиз. Сен бу ёққа чиқ.

— Ҳозир, ҳозир, майор. Бирпас шошманг.

— Чироқни ёқ. Уйни ёрит.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен ҳозир. Бирпас шошмай туринг.— Улар унинг товуши уй ичкариси томон олислаб бораётганлигини эшитиб турдилар, лекин у шитоб билан печ олдига келганини кўрмасдилар, бу ерда ғиштлар орасига катта ошпичоқ қистириб қўйилган эди, палпис ва уврин-тўда турмуши ва ҳаётида у фақат шу қилич каби ўткир, қайралган пичоғи билан ғурурланиб юрарди. У ёғоч каравотга, набирасининг овози келаётган ёққа қараб юрди.

— Ким келди? Чироқни ёқинг, бобо.

— Чироқни нима қиламиз, қумрим? Бирпаслик иш ўзи,— дея ғўлдиради у ерга тиз чўкиб, қоронғида набирасининг овозига қараб, унинг юзини пайпаслаганча,— қани, қаердасан?

— Э шу ердаман,— жаҳли чиқиб жавоб берди у.— Қаерда бўлардим. Сиз нима...— Унинг қўли набирасининг юзини топди.— Нима... Бобо. Бобож...

— Жонс!— чақирди шериф.— Чиқ дейман.

— Яна жиндай сабр қилинг, майор,— жавоб берди у. Энди ўрнидан туриб тез ҳаракат қилди. У керосин тўлдирилган идиш турганлигини биларди, икки кун бурун уни дўкондан олган, беш галлон керосинни қўлда кўтариш оғир бўлганидан йўловчи аравада уйга етказиб келган эди. Ўчоқда қўр ҳали сўнмаган эди. Лиқилдоқ уйнинг ўзи ҳам тутантириқдай бўлиб қолган эди, уйнинг бурчаклари, деворлар, ўчоқни бир зум ичида кўкиш аланга олди. Уни ташқарида кутиб турганлар бир телба сония ичида у қўлида чалғи кўтариб олов сели қўйнидан уларга томон ташланганини кўрдилар, бироқ шунда отлар осмонга сапчиб, орқага шиддат билан тисарилдилар. Отларнинг тизгинларини қаттиқ тортиб яна олов томон бурдилар, лекин у ҳамон баланд қора кўланка каби қўлида чалғи уларга ташланарди.

— Жонс!— қичқирди шериф.— Тўхта! Қимирлама, бўлмаса, отаман. Жонс! Жонс!

Аммо у ҳамон пориллаб ўкираётган аланга қучоғида уларнинг кўзларига ориқ, найнов, тутаққан ҳолда кўринарди. У боши узра чалғисини баланд кўтариб, отларнинг қутурган кўзларида ловуллаётган, милтиқларнинг зирҳларида тирқираётган олов шуълалари сари тилсиз, гунг бостириб борарди.

АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ

Иброҳим ҒАФУРОВ — таниқли таржимон ва мунаққид. «Гўзалликнинг олмос қирралари», «Жозиба», «Прозанинг шоири» каби қатор адабий-танқидий мажмуалар муаллифи. «Ёнар сўз» китоби учун у Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлган. «Телба», «Жиноят ва жазо», «Қиморбоз» (Федор Достоевский), «Алвидо, қурол!», «Чол ва денгиз» (Эрнест Хемингуэй), «Азизим» (Ги де Мопассан) каби жаҳон адабиётининг нодир намуналарини ўзбек тилига ўгирган.

БОЙЧЕЧАК ◆ БОЙЧЕЧАК ◆ БОЙЧЕЧАК ◆ БОЙЧЕЧАК ◆ БОЙЧЕЧАК ◆ БОЙЧЕЧАК ◆ БОЙЧЕЧАК ◆ БОЙЧЕЧАК ◆ БОЙЧЕЧАК ◆ БОЙЧЕЧАК

Шоди Саттор

Биринчи

— Алфавитнинг энг бошида
«А» ҳарфи.
Сен бўлсанг-чи, ўртароқда
«П» — Парфи.
Қўлингни бер, танишайлик,
Мен — Аҳмад.
Шундай исм қўйганларга
Минг раҳмат.
Чунки номи ҳар рўйхатда
Биринчи,
Ўзим эса куч-ғайратда
Биринчи.
Пойгаларда чопишда ҳам
Биринчи,
Топишмоқни топишда ҳам
Биринчи.
Парфи дейди: — «Шошма бирпас,
Биринчи,
Мақтанишда бўлмасанг бас
Биринчи».

Ҳасан-Ҳусан

Ҳасан-Ҳусан
Мактабига
Бирга бориб,
Бирга келар.
Ҳасан қайси,
Ҳусан қайси,
Уйдагилар
Зўрға билар.
Бошқалар ҳам
Ажратолмас
Икковини
Бир-биридан.
Ўртоқлари
Ажратишар
Фақатгина
Бир «сири»дан.
Ҳасанжон деб
Аташади
Баҳолари
«Беш»лигини.
Ҳусанжон деб
Аташади
«Икки»войга
Эшлигини.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юсуф Латиф

«Дунёни сув босса...»

Публицистик мулоқот



1. Муаммо

Улар ҳаёт йўлларида ҳар доим тўқнаш келиб, ҳар гал ўша ҳаёт отлиқ одил ҳакамнинг адолатли ҳукмидан сўнг сулҳ тузиб, муросаю мадора билан яшайдилар. Шунгача ҳақни ноҳақдан ажратиб олиш мушкул. Чақилмаган данакнинг мағзини кўрмасдан туриб унинг пучлигини даъво қилиш қийин. Шунгача улар тўқнаш келаверадилар...

БИЛАҒОН. Хоразмга борибсиз. Эшитдим.

БИЛИМДОН. Ҳа, борувдим. Тошкентдан Хоразмга қатнайвериб оёқдан толдим. Бефойда!

БИЛАҒОН. Нега?

БИЛИМДОН. Муаммо! Қайга борсанг, нуқул битта гап — сув балоси!

БИЛАҒОН. Хабарим бор. Тезроқ олдини олган маъқул. Тўй тарқагач, ноғора чалиш...

БИЛИМДОН. Ишончингиз комилми ё ваҳимачи чолнинг гапига учиб...

БИЛАҒОН. Қанақа чол? Аниқроқ айтинг.

БИЛИМДОН. Бир эзма чол-да! Ёши ноаниқ. На уйи, на гўшаси бор. Бемакон...

БИЛАҒОН. Ғалати-ку! Учратганим йўқ. Нима дейди у?

БИЛИМДОН. Хоразмни ё сув босармиш ёхуд қум!

БИЛАҒОН. Таажжуб!

БИЛИМДОН. Қайда давра кўрса, шу ерда ҳозир, бориб алжирайди. Беандиша, денг. Бир вақтлар кўзини ёғ босган эканми, энди эриб, қовоқлари салқиган, ялтироқ. Кўзлари қонталаш. Чамамда, дунёга келгану ҳеч ухламаган... Хуллас, турган-битгани ваҳима.

БИЛАҒОН. Гапида жон борми ўзи? Сўрадингизми?

БИЛИМДОН. Қайдам...

БИЛАҒОН. Сизга нима, ёлғон бўлса барибир чуви чиқади.

БИЛИМДОН. У эл оралаб юрипти. Гап тарқатиб, чалғитиб... Айтмоқчиманки, биз ҳам чалғимайлик!

БИЛАҒОН. Уни даф этиш керак! Йўқса элнинг қулоғи тинчимайди. Сиз ҳақ сўзни айтишдан чўчиманг. Аниқ нишонга урсангиз борми...

БИЛИМДОН. Асло! Ҳақиқатни айтишдан қўрқмайман, аммо сўзимиз ўққа ўхшамасин, йўқ! Илм одамларимиз ахир... Сўзимизни заминга уруғдай сочиб, униб чиқса, ҳосилини кўролсак, дейман!

БИЛАҒОН. Демак, сизнингча, воҳада, аҳвол ёмон, шундайми? Хавф-хатар аниқми?

БИЛИМДОН. Хавф-хатар ҳам гапми? Фожеа!

БИЛАҒОН. Наҳотки?! Мен ўйлабманки...

БИЛИМДОН. Тўғри, сал оширдим. Чолдан пича юқибди, шекилли... Лекин фожеа шарпаси кезиб юрипти. Аллақачон булутдай кўланка ташлаган. Бу аниқ!.. Хоразмга борганмисиз ҳеч?

БИЛАҒОН. Борганман-у... Хўп, нима бўпти?

БИЛИМДОН. Аму самолётдан шундай кўринади: осойишта... сеҳрли... улуғвор... Поездда борсангиз яна бошқача: поезд тинмай елиб-югуради. Атроф чўл, саҳро, кўзинг тинади. Ташнасан-у на чой, наки муздай сув чанқоқ босади. Бехудуд саҳро айланавергач, кўзинг оқаради, қум тиқилгандай ачишиб, толиқади... Шунда узоқдан бир яшил шуъла кўриниб, худди светофорнинг яшил чироқларидай чорлайди. Бора-бора у каттариб, поезд ям-яшил олам бағрига кириб кетади. Энди ташналик ортиқ қийнамайди...

БИЛАҒОН. Шоирона тасвир! Очиғи, лирикага унча ҳушим йўқ. Ҳеч вақога тушунмадим. Лўнда қилиб айтинг.

БИЛИМДОН. Гапнинг индаллоси, ўша яшил олам, улуғвор Аму таҳлика остида!

Не-не ҳукамою қиличидан қон томган саркардалар, не-не фозилу аҳли дониш унинг ёвқур шарпасидан таҳликага тушмаган! У бош суқмаган бирор эшик, у оёқ босмаган бир парча ер йўқ! Эгнида минг йиллик жулдур чопон. Қордай оппоқ ўскин соч-соқолидан на кўкси, на бўйни кўринади...

ВАҲИМАЧИ. Доим излаганим — йўлимда, қаранг!

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИЛАҒОН. Келинг, отахон!.. Сизни танимайроқ турибмиз, кимсиз?

ВАҲИМАЧИ. О, билимдон зотлар! Танишишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Қайда мени таниб қолишса, шу заҳоти ҳайдайдилар, сўрамай-нетмай...

БИЛИМДОН. Таажжуб. Муддаонгиз не?

ВАҲИМАЧИ. Муаммо!

БИЛИМДОН. Муам-мо?!

БИЛАҒОН. Яна муаммо!

ВАҲИМАЧИ. О, билимдон зотлар! Қизларингиз сочларини калта қирқтирди. Энди навбат табиатнинг сунбул сочига! Шундайми?

БИЛИМДОН. Бу қандай бўҳтон? Қизимнинг сочлари қирқ ўрим ахир!

ВАҲИМАЧИ. Дарёлар — табиатнинг сунбул сочлари. Улар кичрайиб, тобора калтайиб боряпти. Сўнг анҳордан фарқи қолмайди. Устига устак, сув заҳарланган!

БИЛАҒОН. Заҳарланган?! Эсингиз жойидами? Соқолингиз оқини сийлаб турибман. Эшитган қулоққа яхшимас, лекин...

ВАҲИМАЧИ. Далилим бор! Мана газета, ўқинг!

БИЛИМДОН. Ўқиганмиз буни.

БИЛАҒОН. Майли, чизилган жойини ўқийлик-чи.

«Пахта ва сув бир-бири билан узвий боғланган. Шуни назарда тутиш керакки, бугунги кунда Сирдарё сувидан экинларни суғориш ва бошқа эҳтиёжлар учун тўла-тўкис фойдаланилянти, Амударё ресурслари 2000 йилга бориб тугайди. Дарёларнинг қуйи қисмида сувнинг минераллашуви, заҳарли химикатлар ва ўғитдан ифлосланиши кўпайди. Бу ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга ҳозирги вақтда биз сув ресурсларини баланслаш ва улардан оқилона фойдаланиш, коллектор-дренаж системаларини ишлатиш ва ривожлантириш масаласини ҳал этишга илмий ёндашиш имкониятига эга эмасмиз.

Капитал маблағларни тақсимлашда, ердан фойдаланишда, мелиорация соҳасида ва гидротехника қурилишида жиддий хатоларга йўл қўйилди. Қишлоқ хўжалигини бошқаришдаги волюнтаризм академия системасидаги сув проблемалари институти каби муҳим муассасанинг тугатилишига олиб келди...»

ВАҲИМАЧИ. Хўш, ёлғонми гапим? Буни академик айтган. Улуғ минбарда ёлғонга ўрин йўқ.

БИЛАҒОН. «Заҳарланган» деб ёзилмабди-ку? Илм аниқликни яхши кўради.

ВАҲИМАЧИ. О, билимдон зотлар!.. Заҳарли химикату ўғит, минераллашган сув — барини йиғиб кўринг, нима бўлади? Одамлар уни ичса-чи? Айбни қачонгача фақат ароқ ва тамакига тўнкайсиз? Дарахтлар қуримоқда, жониворлар қочишга жой тополмай қирилиб кетяпти... Улар ичмаса, чекмаса?

БИЛИМДОН. Шошма, шошма! Сен ўша чолмасми, «Хоразмни ё сув босади ёхуд қум» деб сасиб юрган? Ваҳима кўтариб, миш-миш тарқатиб, элнинг тинчини бузган сенмасми?

ВАҲИМАЧИ. Ҳа, ўша — менман!

БИЛИМДОН. Ушла, дўстим! Буни милисага топширайлик. Маҳкамроқ ушла!

ВАҲИМАЧИ. Овора бўлманг! Ахир мен — Ваҳимаман! Авахтада ҳам, эркинликда ҳам туриш-турмишим — ваҳима, холос!.. Фикримни кучим етганича исботлашим мумкин.

БИЛИМДОН. Хўш, нима дейсан?

ВАҲИМАЧИ. Хоразм — оролга ўхшаб қолди. Чор атрофи сув. Ўзи пастликда. Бир ёни дарё, бошқа томони — Туямўйин сув омбори, тағин Тошҳовуз канали... Хоразм улардан пастда! Ҳа, дарвоқе, ўша канал нега қурилди? Лойиҳа ГЭК тасдиғидан ўтмаган эди-ку?!

БИЛИМДОН. Буни биз билмаймиз! Шунга суқилмаган сен қолувдинг, чол. Нима, терговчимисан?

БИЛАҒОН. Аччиқланманг, дўстим, гапирсин. Сичқон-мушук ўйнамоқчими?

ВАҲИМАЧИ. Сув омбори қурилиши ёдингдами? Чамамда, сен ҳам бор эдинг?

БИЛИМДОН. Ҳа, қатнашганман. Нимайди?

ВАҲИМАЧИ. Туз конига сувни бурдинглар! Ўша конда олтмиш миллион тонна туз бор эди, олтмиш миллион тонна! Мен ваҳима қилдим: «Тузлар эриб, ер остидан шўр сув гувва чиқиб босиб келаверса, нима бўлади?» дея, айюҳаннос солдим. Эътибор бермадинг. Мени кўрмадинг!

БИЛИМДОН. Бу қандай бўҳтон! Ортиқ чидаб туролмайман! Судга бераман!

ВАҲИМАЧИ. Мени суд қилиб бўлмайди.

БИЛИМДОН. Йўқол!!

ВАҲИМАЧИ. Афсус, йўқолишни билмайман, билимдон зотлар!

БИЛАҒОН. Биздан нима истайсан? Мақсадингни айт.

ВАҲИМАЧИ. Сизларга ишониб бўлмайди!

БИЛАҒОН. Бизга ҳамма ишонади.

ВАҲИМАЧИ. Ишониш қийин. Дилингизга шон-шуҳратнинг нуқси урган. Томирингизда қон ўрнига ҳадик айланар... Ўзингизни шу тупроққа, шу заминга хўжайиндек ҳис қилмайсиз. Бегонадай тутасиз. Лоқайд. Ҳар ким, ҳар инсон ўзини «хўжайин» деб билса...

БИЛИМДОН. Мақсадингни айт!

ВАҲИМАЧИ. Майли... Мана, мана бу данак — муаммо. Хоразм муаммоси. Уни чақиб кўрилса, сизни қийнаб юрган чигаллик ечилади, калаванинг учи топилади.

БИЛАҒОН. Қани, беринг-чи. Ростдан ҳам шундайми?

ВАҲИМАЧИ. Лекин бу данакни чақиб кўришга сизларнинг қурбингиз етмайди.

БИЛИМДОН. Нега?

ВАҲИМАЧИ. Тишларингиз ясама экан? Бу — оддий данак эмас — Муаммо!

БИЛАҒОН. Ундай бўлса, Арбобга кўрсатамиз. У бизнинг устоз.

ВАҲИМАЧИ. Майли, мен борай. Кўнглимга негадир ғулғула тушди!..

2. Нидо

Мисрликлар эрамиздан аввалги бешинчи асрда яшаган юнон тарихчиси Геродотнинг битта гапини авлоддан авлодга олиб ўтишди: «Миср — бу Нилнинг туҳфаси!» Шунга яқин фикрни ўрта аср тарихчиси Истаҳрий бутунлай бошқа ўлка ва бошқа дарёга нисбат бериб айтади:

«Хоразм — Жайҳуннинг бутун фойдасини олабилган мамлакатдир...»

ЭЛБЕК. Хотиралар... гўё қизил гул. Тиканлари бор. Кўксимда гоҳ жўш уриб, гоҳ тимдалайди. Хаёл, қайси боғдан уздинг бу тарғунчани?

ХАЁЛ. Отаюрт боғидан. Сенинг киндик қонинг шу боққа тўкилган.

ЭЛБЕК. Мунис онажоним ҳақида сўйлаб бер!

ХАЁЛ. У пайтлар Аму оҳудай гўзал, елдек ўйноқи, шўх-шаддод келинчак эди.

ЭЛБЕК. Падари бузрукворим-чи?

ХАЁЛ. Отаюрт жасур ва ўктам, юраги кенг бир йигит бўлган.

ЭЛБЕК. Оғаларим ҳақида сўйла!

ХАЁЛ. Қайси бирини айтай? У замонларда қонли урушлар, аёвсиз қирғинлар кўп бўлгувчи эди. Уларнинг умри оқ арғумоққа миниб, хавф-хатарда ўтди. Оғаларинг ҳам Отаюрт каби мард, доно эдилар... Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, Жалолиддин Мангуберди... Буларнинг бешигини оғаларинг тебратган, Элбек!

ЭЛБЕК. Болалигим ҳақида сўйлаб бер, Хаёл!

ХАЁЛ. Дориламон кунлар келди. Сен туғилдинг. Киндик қонинг Отаюрт яратган боққа тўкилди. Атак-чечак оёққа турдинг. Шу кезда Отаюрт ҳам меҳр, ҳам қўрқув, ҳам қувонч билан пешонангдан суяди!.. Она Аму атрофингда гирграттон эди. Эшит, ўша дамлардан уч лаҳзани ҳикоя қилиб берайин...

Биринчи лаҳза

Онанинг тиззасида эндигина чилласи чиққан чақалоқ. Бешикка ётқизмоқчи. Бола чурқ этмай уларни кузатади. Она чақалоқнинг олдин қўлтиғи остига, тақимига, кейин бутун баданига воб[1] сепади. «Пишиб кетибсан-ку, дўмбоғим», дейди уни эркалаб. Боёқиш, она — саводсиз. Дунёда чақалоқлар учун упа борлиғини билмайди. Лекин вобни билади. Чириллаб-бирилаб инжиқлик қилаётган чақалоқ тинчийди. Она уни бешикка ётқизиб, болага ўгирилади:

---

[1] Воб — лойқадан ҳосил бўлган сариқ тупроқ (шева).

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бўйнингга иссиқлик тошиб кетибди-ку, ёпга[1] бориб чўмилиб келмайсанми?

Бола кўчага отланади. Гужумларнинг соясида ўйнаб ўтирган болаларга лунжини шишириб:

— Ҳў-ўп!..— дейди.

— Ҳўппикками?[2]

Ҳаммалари анҳорга — чўмилгани йўл олишади.

Иккинчи лаҳза

Қуёш олов пуркайди. Димиққан тутзор оғир ҳансирайди. Барглар сўлғин. Анҳор лойқаланиб, тўлиб оқади. Соҳилда вобга беланиб ётган бир тўп бола. Улар қийқиришиб ўзларини сувга отишади. Оналарининг бағрига отилган каби. Сув беланчакдай чайқалади. Болакайлар яна қирғоққа чиқишади. Бир-бирларининг юзларида лойқадан ҳосил бўлган сарғимтир «соқол-мўйлов»ларига қараб қотиб кулишади. Сўнгра хивич отларни миниб қаёққадир кетиб қолишади. Она ҳорғин ёнбошлайди, кўзларини юмиб, бир дарё хаёл бўлиб оқаверади...

Учинчи лаҳза

Ота дарё бўйидаги тўқайдан қош қорайганда қайтди. Эшак аравада икки қоп қовун ва шолчага ўралган алланарса. Ота-бола қопларни орқалаб уйга олиб киришди. Гурвакнинг хушбўй ҳиди димоқларни ёргудай. Навбат ўроғлиқ нарсага келди. Бола «Бу нима?» дегандай отасига қарайди.

— Лаққа! — дейди у оғзини тўлдириб.

Бола ишонқирамай шолчани оча бошлайди. Қамчидай узун, учи ингичка «нарса»ни кўргач, чўчигандай бўлади.

— Мўйлови! — дейди отаси бояги оҳангда.

Лаққани сўйиш учун айвоннинг баланд шифтига осишади. Барибир думи ерга тегиб, сургалади. Бола севинчидан терисига сиғмай кўчага отилади. Зум ўтмай ҳовли қуни-қўшнию бола-бақрага тўлиб, тўйхонага ўхшайди...

Улар ўша оқшом алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтиришди. Бола кемаларни тумшуғи билан тешадиган балиқлар — «гамадўшар»лар ҳақида отасига ҳадеб саволлар ёғдирарди. Худди ўша оқшом отаси «Дарё аэропланларни тортар эмиш, шу важдан улар Амунинг устидан эмас, бошқа ёқлардан учиб кетишар экан», деди. Бола буни эшитиб анграйиб қолди. Анча йиллар шундай эканлигига ишониб, ғурурланиб юрди...

ЭЛБЕК. Хотиралар гўё қизил гул. Тиканлари бор. Қалбимни тирнайди.

ХАЁЛ. Руҳингни туширма! Отанг кимларнидир бошлаб келяпти. Ўзингни бардам тут!..

ЭЛБЕК. Келинглар! Тинчликми, ота?

ОТАЮРТ. Тинчлик, ўғлим, тинчлик.

ЭЛБЕК. Онамнинг аҳволи қалай, тузукмилар?

ОТАЮРТ. Бир нави... Аму анча кексайиб қолди. Икковимиз ҳам қаридик. Камолингни кўриб қувониб юрибмиз. Шунга ҳам шукр...

ЭЛБЕК. Ота, ундай деманг. Сиз яратган боғ хазон кўрмайди. Онам шифо топгусидир, ишончим комил!

ОТАЮРТ. Ҳамма шундай дейди. Тасалли беради. Булар ҳам шу фикрда. Ҳа, дарвоқе, сен бу азизларни танисанг керак? Буниси — Ёшулли, униси — Деҳқонбобо.

ЭЛБЕК. Таниш ҳам гапми, эски қадрдонмиз. Хуш кўрдик, азизлар, марҳамат!

ОТАЮРТ. Ҳузуримга атайин маслаҳатга боришибди. Ёнингга бошлаб келдим.

ЁШУЛЛИ. Юқоридан билимдон табибларни чақирмоқчимиз. Шояд, она шифо топгайлар!

ДЕҲҚОНБОБО. Аму хаста экан, аҳвол ўзгармайди. Ерни шўр босмоқда. Экин-тикин қовжираб қуриб қоляпти.

ЭЛБЕК. Бирор чора кўрдингларми?

ЁШУЛЛИ. Кўряпмиз, албатта. Икки йил муқаддам обкомга бир хат келувди. Ғоят муҳим. Мана ўша хат.

«Топшириққа биноан, областдаги етакчи мутахассислар билан биргаликда барчани қаттиқ ташвишлантираётган аҳволни ўрганиб чиқдик... Кейинги икки-уч йил мобайнида Амударё суви таркибида кескин ўзгаришлар рўй берди. Қашқадарё, Бухоро ва Чоржўй областларидаги коллектор-дренаж сувларининг дарёга оқизилиши натижасида Амударёнинг минераллашуви кучайиб, сувдаги туз миқдори икки баравар ортди.

Дарё сувида ионлар тартибининг бузилиши ниҳоятда хавфли. Сўнгги йилларда сувда натрий, калий, магний ва хлор ионлари кўпайди. Уларга қарама-қарши бўлган ва ҳосилдорлик омили ҳисобланган кальций ионлари камайди. Бунга дарё сувининг Туямўйин ҳавзасида тинитилиши ҳам сабаб бўляпти. Негаки, олдинги йилларда далаларга оқиб кирадиган ҳар кубометр сувда уч-тўрт килограммга яқин балчиқ бўлиб, унинг таркибида 0,7—0,8 килограммгача фойдали моддалар (айниқса, CaO, SiO_2, P_2O) бор эди. Эндиликда уларнинг миқдори 0,03—0,3 килограммга тушиб қолди. Далалар ҳар гектар ер ҳисобига ўртача 10—12 тоннадан тўғри келувчи ана шундай лойқани олишдан маҳрум бўлди. Шўр ювиш ишларининг тўғри уюштирилишига қарамасдан тупроқдаги шўрланиш даражаси ҳамон ўзгармаяпти. Шунингдек, ер ости сувларида туз миқдорининг кўпайиши кузатилмоқда. Бу — воҳанинг келажаги учун жуда хавфли.

Туямўйин сунъий денгизида дарё сувининг тинитилиши натижасида каналлар ҳамда бошқа суғориш тармоқларида сув исрофгарчилиги бир ярим-икки ҳисса кўпайди. Оқибатда воҳанинг деярли барча районларида ер ости сувларининг сатҳи анча кўтарилди. Айниқса, Ҳазорасп ва Боғот районларида аҳвол жиддий. Тошҳовуз канали ишга туширилган тақдирда вазият янада кескинлашиши мумкин. Бироқ «Туркменгипроводхоз» СССР Госплани Давлат эксперт комиссиясининг канал қурилишига алоқадор бўлган ҳимоя-дренаж иншоотлари лойиҳасини ишлаб чиқиш топшириғини бажармаяпти...

Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институти директори В. Духовний».

ЭЛБЕК. Бу хатнинг ёзилганига икки йил бўлганми?

ЁШУЛЛИ. Салкам икки йил.

ДЕҲҚОНБОБО. Қанча сувлар оқиб ўтди. Аҳвол ҳамон ўша-ўша.

ОТАЮРТ. Дарднинг келиши осон, кетиши қийин...

ЭЛБЕК. Хат билан иш битмайди. У фақат йўл-йўриқ. Бир донишманд айтибдики, кўприк йўловчининг дашноми билан эмас, шу ерлик устаннинг ҳиммати билан тузатилди, деб.

ЁШУЛЛИ. Бу масала обкомнинг пленумида, ижроқўм Советининг сессиясида муҳокама қилинди. Тадбирлар белгиланди.

ЭЛБЕК. Қоғозбозлик ҳам, мажлисбозлик ҳам бир қозонда қайнаган таом. Ишдан гапиринг!

ДЕҲҚОНБОБО. Тўғрисини айтсам, айб ўзимизда.

ЁШУЛЛИ. Нега?

ДЕҲҚОНБОБО. Ҳар ким ўз билганича иш тутган. Айрим раислар зейкашларни кўмиб ташлашди. Баҳона тайёр: ерга ер қўшаман, дейди. Кейин газеталар роса мақтаб, кўкларга кўтаришади. «Карталар яхлитлаштирилган, машина теримига кенг йўл очиб берилган!» деб.

ЁШУЛЛИ. Битта йўл бор. Ёпиқ зовурлар, тик қудуқлар бўлиши керак. Бизда, аксинча, улар кам. Устига устак, суғориш системаси эски. Уни қайта қуриш лозим. Коллектор-дренажлар кўмилиш арафасида. Уларни чуқурроқ қазиш, тозалаш даркор. Бу ишга киришдик. Беш йилга мўлжаллаб режалар туздик.

ЭЛБЕК. Пайқашимча, муаммолар кўп. Уларни санамоқдан сизга не фойда?

ЁШУЛЛИ. Гоҳ-гоҳ ўйлаб қоламан. Кулгили туюлади. Биз, улкан қояга болға билан бетўхтов ураётган одамга ўхшаймиз!

ЭЛБЕК. Нима зарур?

ЁШУЛЛИ. Маблағ, техника! Менимча, ишнинг силжиши шуларга боғлиқ.

ЭЛБЕК. Оқава сувларнинг дарёга оқизилиши-чи?

ЁШУЛЛИ. Буни ҳал этиш юқорига боғлиқ...

ОТАЮРТ. Халқ қачон тоза сув ичади, бўтам?

ЁШУЛЛИ. Билмадим, отахон. Куни-кеча текшириб кўришди. Бир литр сувда 1,32 грамм туз бор эмиш. Дўхтирларнинг айтишича, туз бир граммдан ошса, ёмон бўларкан. Ҳар хил хасталикка сабабчи экан.

ДЕҲҚОНБОБО. Ҳазорасп олмалари қуриб қоляпти, Ёшулли. Бедазорлар ҳам. Бунга Туямўйиннинг таъсири бор, дейишяпти. Шу ростми?

---

[1] Ёп — сой (шева).

[2] Ҳўппик — чўмилиш маъносида (шева).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЁШУЛЛИ. Рост, Деҳқонбобо. Ҳазорасп ва Боғотдан ўн минг гектар ерга салбий таъсири бор экан.

ЭЛБЕК. Лойиҳачилар шундай бўлишини олдиндан билишганми? Ҳойнаҳой, унга қарши бирор тадбирни кўзлаб...

ЁШУЛЛИ. Мелиоратив тадбирми?

ЭЛБЕК. Ҳа. Лойиҳада бўлганми?

ЁШУЛЛИ. Ким билади? У пайтларда қизлар калта кўйлак кийиб юришган. Мода дейдими? Балки лойиҳа ҳам калтайиб...

ОТАЮРТ. Эшитишимча, бу офат етказган зарарга ишонмай юрганлар бор эмиш?

ЁШУЛЛИ. Ён дафтаримга бари ёзилган. Ҳисоблаб юрибман. Кимки ишонмаса, кўрсатишим мумкин. Бироқ ҳалокат олдида рақамлар ожиз ва кичикдир.

ДЕҲҚОНБОБО. Яна бир офатдан юраклар зада.

ЭЛБЕК. Нима экан у?

ДЕҲҚОНБОБО. Айтсанг тил куяди, айтмасанг дилинг. Бундан икки ойча илгари бир чол йўлимни тўсди. Юрагимга ваҳимаю ғулғула солиб кетди.

ЭЛБЕК. Қанақа чол? Нима деди?

ДЕҲҚОНБОБО. Ғирт ваҳимачи. Хўп, десанглар батафсил айтиб берайин.

ЭЛБЕК. Айтинг.

ВАҲИМАЧИ. Шошма, Деҳқон, сенга гапим бор!

ДЕҲҚОНБОБО. Менгами?

ВАҲИМАЧИ. Янглишмасам, сен ўша Деҳқонсан-а? Газетада сувратингни кўрганман. Пахтадан рекорд ҳосил етиштирган эмишсан.

ДЕҲҚОНБОБО. Хўп, нима бўпти?

ВАҲИМАЧИ. Сал ўпкангни бос. Отдан тушсанг ҳам эгардан тушмайсан-а!

ДЕҲҚОНБОБО. Нима демоқчисан?

ВАҲИМАЧИ. Ернинг жонини суғуриб оляпсан. Эрта-индин у тап-тақир чўл бўлиб қолади. Шўр босади. Кетмон урсанг, пуштаси пешонангга келиб тегади. Бир қоп уруғ сочиб, бир ҳовуч ҳосил ололмайсан!

ДЕҲҚОНБОБО. Бекорларни валдирама!

ВАҲИМАЧИ. Тупроқ заҳарланмоқда. Шундай кетаверса, у ўлади! Наҳот, оёғинг остида ётган тупроқнинг тириклигини ҳис этолмайдиган бўлиб қолдинг? Ахир у нафас ололмаса, озиқланмаса, қандай яшайди? Ер тўйса, эл тўяди, деб ким айтар эди? Сенмасми? Боёқиш, она Ернинг уззукун таблетка ямлаб юрадиган бемордан нима фарқи бор?

ДЕҲҚОНБОБО. Ҳаддингдан ошяпсан! Алмашлаб экяпмизку!..Тўғри, ҳозирча қоғозда...

ВАҲИМАЧИ. Эсингдами, ёпларнинг бўйларида жийдалар ғарқ пишган кезлар? Болаларинг қоп-қоп жийда терса, қишга ғамлаб қўярдинг. Уруш йиллари асқотгани-чи! Қани ўша жийдалар, энди қорнинг тўйиб қолдими?

ДЕҲҚОНБОБО. Ўрнига тут экдик.

ВАҲИМАЧИ. Ҳовузларнинг бўйларида толу тераклар, гужумлар шовиллаб турар эди. Соясида ўтириб бирпас ором олсанг, жонинг кириб қоларди. Қани ўшалар, ҳой?!

ДЕҲҚОНБОБО. Айтдим-ку, ўрнига тут экдик, пахта экдик!

ВАҲИМАЧИ. Ҳаммаёқ шундай! Бир пайтлар ҳар қишлоқнинг, ҳар жойнинг манзараси бўлакча эди. Энди-чи? Инкубатордан чиққан жўжалардай бир-бирига ўхшаш: ҳаммаёқ тут, пахта!.. Айни баҳор чоғи тутларнинг новдалари кесиб олинади. Шунда улар худди дўпписини йўқотган калга ўхшаб қолишади. Ана файз, ана гўзаллик!

ДЕҲҚОНБОБО. Мен пахтани, пиллани кўпайтираман. Шуни биламан.

ВАҲИМАЧИ. Ҳимматингга балли! Сен жўмард инсонсан. Бағринг пахтазордай кенг. Меҳнатинг улуғ...

ДЕҲҚОНБОБО. Энди шаънимга мадҳия ўқиб, шангил[1] урмоқчимисан? Ана, радиога бор! Телевизорга чоп! Менинг вақтим зиқ.

ВАҲИМАЧИ. Шошма, бердисини эшит! Гул билан пахтанинг фарқини биласанми?

ДЕҲҚОНБОБО. Эс-ҳушинг жойидами?

ВАҲИМАЧИ. Гул — нафосат рамзи. Кўчаларнинг, боғларнинг кўрки. Пахта-чи? У — миллат фахри! Элдаги улуғворлик, куч-қудрат тимсоли.

ДЕҲҚОНБОБО. Буни мен ҳам беш бармоқдай яхши биламан.

ВАҲИМАЧИ. Биласан-у... Эшитишимча, шаҳардаги гулзорга ҳам пахта экибсан? Шуми «оқ олтин»нинг қадр-қиммати? Нима бу? Ё хушомадми? Бошқача йўлини тополмадингми? Кунинг шунга қолдими, Деҳқон?!

ДЕҲҚОНБОБО. Бундан асло хабарим йўқ!

ВАҲИМАЧИ. Ҳув, бир вақтлар ажойиб қовунлар бўлгувчи эди. «Ола хомма», «Нони гўш», «Оқ новвот», «Гулоби», «Балиқ қовуни»... Уч юздан ортиқ нав! Мағзи бир қарич, ширасн тилни ёради. Келгуси қовун пишиғигача сақлаб қўярдинг. Қани ўшалар? Энди бир тилим қовунга ярим кило шакар сепиб ейишим керакми?

ДЕҲҚОНБОБО. Буларни ўйлаб ўтиришга вақт қайда дейсан.

ВАҲИМАЧИ. Ҳазорасп олмаларини айт. Хушбўй ва нафис. Токчага биттасини қўйсанг бас, хонага атир сепишнинг ҳожати йўқ. Уй муаттар ҳидларга тўлиқ!.. Қани ўша олма? Ерни шўр босиб, шўри қуриятпи-ку, бечоранинг. Бозордан топилса, нархи фалон пул... Аввал улли юртни тўйғазар эдинг, энди ўзингни боқишга қурбинг етмай қолмасин!

ДЕҲҚОНБОБО. Кўп ваҳима қилаверма, оғир замонлар ўтиб кетди. Юрт тинч, эл тўқ, турмуш фаровон...

ВАҲИМАЧИ. Бу ҳам майли, гужумлар-чи? Хоразм — гужумлар диёри, деб кўксига муштлаганлар қайда? Гужум воҳанинг кўрки бўлмай қопти-ку!

ДЕҲҚОНБОБО. Ҳаммасига сабабчи — қўнғизсимон зараркунанда! Гужум баргига ўч. Ёз кунлари гужумларнинг қуп-қуруқ шохлари, илма-тешик япроқлари қолади, холос.

ВАҲИМАЧИ. Ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядлари борми? Табиат муҳофазаси билан шуғулланувчи ташкилотларнинг кўзи қаерда? Билишимча, улар ҳар бир район, ҳатто ҳар бир колхозда бор, шекилли?

ДЕҲҚОНБОБО. Борликка, бор... Химиявий моддалар қўлланилди. Фойдаси бўлмаяпти. Улар кўпинча ғўза зараркунандаларига қарши курашадилар. Ҳамма ўсимликка бир хил эътибор борми?

ВАҲИМАЧИ. Айтмайсанми ўшаларга, ҳой, атрофингга бир қарагин, деб. Оддий гиёҳдан тортиб то улкан, азим дарахтгача бир назар ташласин, ўшалар! Оддий гиёҳ кўзга илинмас майса эмас, у наботот оламининг, она табиатнинг бир бўлаги-ку! Улар сувга эмас, инсон меҳрига, инсон эътиборига ташна, Деҳқонбобо! Буни сенга мен ўргатишим керакмиди? Ким сени бу аҳволга солди? Шундан экан-да, боғинг қуриб, мева-чева харид қилгани шаҳар бозорига югуриб қолганинг?! Ахир тўкин-сочинлик сенинг томорқаю боғчангдан бошланмайдими? Айтмайсанми, ўша Ёшуллингга, менинг боғим қуриб қоляпти, ёрдам беринг, деб.

ДЕҲҚОНБОБО. Ўша қўнғизсимон баргхўр ёмон панд беряпти. Олма, узум, анжирларнинг япроғидан «тотиб» кўришга ҳам улгурди, лаънати!

ВАҲИМАЧИ. Воҳадаги ўсимликларнинг куни битди, дегин? Энди эҳтиёт бўл, яна битта хавфли зараркунанда бор! У жамики нарсаларни еб битиради. Қирон келтиради. Ҳатто инсонни ҳам... Бу — лоқайдлик!

ДЕҲҚОНБОБО. Нега менга таънали қарайсан? Айб мендами? Бу дунёда боқий нима бор?

ВАҲИМАЧИ. Келажак олдида масъуллик! Буни унутма! У яшамоғи шарт! Авлоддан авлодга, қалбдан қалбга кўчиб, яшамоғи шарт!

ДЕҲҚОНБОБО. Шундай гаплар, азизлар. Бошим қотиб қолди. Ўшандан буён калавамнинг учини йўқотиб юрибман.

ОТАЮРТ. Ҳақ гапларни айтибди. Ўша чол ким бўлса ҳам дўст экан, деб ўйлайман. Сув бўйида сувга зор яшаган эдик. Майли, у замонлар ўтди-кетди... Мислсиз тараққиёт, космос асри, деб бонг урасизлар. Энди-чи?..

ДЕҲҚОНБОБО. Табиатнинг тилига тушунмай қолсак... Бир парча темирдан фарқимиз нима?!

ЭЛБЕК. Гоҳ-гоҳ юз-хотир деб андиша билан касални яшириб юрамиз. Иситмаси ошкор қилгач...

ЁШУЛЛИ. Бир қарорга келишайлик, «шап-шап» дегунча! Адоқсиз баҳсларга нуқта қўяйлик, ўртоқлар! Москвада — съезд минбаридан шу гап айтилди.

ОТАЮРТ. Менимча, Арбоб ҳузурига орамиздан битта вакил юборайлик. Вакил у кишига аҳволни обдон тушунтириб, талаб ва истакларимизни баён этса?

ЁШУЛЛИ. Бу ишни Элбек уддалайди. Ҳамиша оғир дамларда сизга суянганмиз, Элбек!

ЭЛБЕК. Бажонидил, азизлар! Мен розиман.

---

[1] Шангил — ноғора қоқиш маъносида (шева).

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Фан арбоби ҳузурида

Ҳашамдор хона. Гилам-поёндозлар ял-ял товланиб, гард қўнмаган жиҳозлар ялтиллайди. Арбоб ўйчан...

АРБОБ. Эҳ, билимдонлар, билимдонлар... Битта данакни чақишга қурбингиз етмаса-я!.. Дунёда нимаики мавжуд бўлса, барисининг тақдири қўлингизда. Ишониб топшириб қўйибмиз. Сиз бўлсангиз... Эҳ, билимдонлар, билимдонлар! Ҳув, бир пайтлар яшаган саводсиз аждодимизнинг ишлари нечоғлик ақлли! Сиз-чи? Илмнинг зўридан сочларингиз тўкилган бўлса ҳам қиладиган ишларингиз куракда турмайди. Дунёни сув босса, тўпиғингизга чиқмайди. Пўкакдай қалқиб туравересиз, парвойипалаклар!..

Қабулхонада Элбек пайдо бўлади. Қиёфаси ҳорғин. Тунд. У этигини ечиб бурчакка қўйгач, Арбоб ҳузурига киради. Ҳайратдан донг қотган котиба қиз чанг босган этикка бир назар ташлаб, қия очиқ эшикка қулоқ тутади.

АРБОБ. Она Аму тузукмилар?

ЭЛБЕК. Раҳмат, оға. Ҳозир анча қартайиб қолганлар. Кексалик қурсин, 1982 йилнинг ёзидамиди, бехосдан мадорсизланиб тоблари қочиб қолди. Оролгача етиб боролмай, кўп эзилдилар.

АРБОБ. Хабарим бор. Ҳаммасини эшитиб юрибман. Ўша йили сув тақчил бўлди. Устига-устак учта йирик сув омбори Амуга бахна. Нурек, Туямўйин, Роғун... Яна майда-чуйда қанча ҳавза бор. Амуга балли!

ЭЛБЕК. Оға, бизга ёрдам беринг! Аҳвол чатоқ. Мишмишларни эшитишга тоб-тоқат қолмади. Юрак безиллайди.

АРБОБ. Тушунаман, Элбек, қўлимдан келса...

ЭЛБЕК. Қўлингиздан келади, оға!.. Бизнинг истагимиз шундай — мана бу қоғозга битилган:

1. Амударёга оқава сувлар оқизилишини бутунлай тўхтатиш.

2. Ер ости сувларининг сатҳи кўтарилмоқда. Тупроқни шўр босяпти. Шуни назарда тутиб, ички коллектор-дренажлар узунлигини икки баравар ошириш учун моддий ёрдам кўрсатиш.

3. Халқни сифатли ичимлик сув билан таъминлаш.

4. Воҳадаги ўсимликлар дунёсини сақлаб қолиш.

АРБОБ. Булардан хабардорман, Элбек. Лекин ҳал этишга келсак, очиғи... Ахир ҳукумат бор, министрликлар, идоралар... Мамлакат улуғ. Муаммолар ҳам ўзига яраша, етарли.

ЭЛБЕК. Улуғ мамлакатнинг Улуғ ишига биз ҳам жонимизни тикканмиз, оға!

АРБОБ. Қўлимдан келармикан?..

ЭЛБЕК. Сизга ишонаман, оға. Умид, ишонч билан келдим. Сўзларингиз олмосдай ўткир. Довруғини кўп эшитганман.

АРБОБ. Ташаккур, Элбек. Бу — илм-фанга ҳурмат-эътимод. Ташаккур!

ЭЛБЕК. «Правда»нинг бугунги сонида битта мақола бор экан. Қаранг, нима деб ёзишибди:

«Агар келгусида шимол дарёларининг бир қисми Ўрта Осиёга оқизилса ҳам у ерга ичимлик сув етиб бормайди. Сув йўли шунчалик узоқки, бу масофани босиб ўтгунча у ўзига туз тўплаб, фақат суғориш ҳамда техник мақсадларга хизмат қилиши мумкин. Ўрта Осиё илгаридигидай маҳаллий манбаларнинг сувини ичади...»

АРБОБ. Ҳақ гап, Элбек. Менимча, табиатнинг учта асосий бойлиги бор: Ер, Сув, Ўрмон. Хоразмда буларнинг учовига ҳам хавф-хатар таҳдид қилиб турибди.

ЭЛБЕК. Ёнимиздан оққан сувнинг қадрига етмаяпмиз, оға. Бизнинг ўз сувимиз, беминнат ариғимиз бўлиши даркор!

АРБОБ. Боя ҳузуримга икки билимдон келиб, қўлимга данак тутқазишди, «чақиб кўринг, устоз» дейишди. Қарасам, мағзи иккита экан. Ўйлаб қолдим. Ҳечқачон, ҳеч замонда Инсон тақдири Табиат тақдиридан айрича бўлган эмас. Демак, гап Хоразм халқининг, воҳа табиатининг тақдири устида боряпти. Мана, муаммонинг мағзи!

Муҳаббатнома

Лутфий

Эй сенинг жавру жафонг меҳру вафодин яхшироқ,
Ул сенинг ойтек юзунг бўлсун ямон кўздин йироқ!

Ҳусн элиндин тоқ эрур меҳробтек икки қошинг,
Кўрмади ер юзуни кезган мунингтек жуфту тоқ.

Кечти умру кирмади тушта хаёлинг бир кеча,
Қўйнимизда, қайдадир ул бахтким киргай кўноқ.

Ҳар ямон сўзе била ўлтурма бизни хору зор,
Расм эрур шоҳлар вафолиқ қулни яхши асрамоқ.

Ҳар саҳар «ё раб»дин илкимни кўтарсам йиғлаю,
Ўртанур оҳим ўтиндин етти фирузи равоқ.

Лутфий кўнгли баҳридин васфинг дурин дарж айлади;
Бир замон неча оғир келса, анга тутқин қулоқ.

* * *

Бир париваш ғамзаси ақлимни мажнун айлади,
Кўз юмиб-очқунча ҳолимни дигаргун айлади.

Субҳидам кунтек чиқиб, кўргузгач ул қутлуғ юзун,
Толеъим масъуду бахтимни ҳумоюн айлади.

Кўп югурмактин кийик кўзи қарорди саҳм еб,
Кўр нечук ғамзанг ўқи они жигархун айлади.

Интизори йўли устида қўюб кетти кўзинг,
Бизни ул Лайли сифатлиқ мисли Мажнун айлади.

Сеҳр элидин воқиф эрди индиу Кашмир, бас
Бу ажабким, турк экач ул кўз юз афсун айлади.

Лаб-балаб васлин тилаб, топмон канорин нечаким,
Кўзларим ол ёшини ҳасратда Жайҳун айлади.

Бир кун ул ҳусн элининг султони тутқай деб қулоқ
Ишқ Лутфийнинг сўзини дурри макнун айлади.

* * *

Ёз фасли барча шоду кўнглумиз ғамнок эрур,
Гул бикин жон кўнглаки ҳижрон элиндин чок эрур.

Эй фироқ, ўлтур мени, филҳол қутқор қайғудин,
Ёрсиз аччиқ умр заҳру ажал тарёк эрур.

Арз қилма гулларингни бизга онсиз, эй баҳор,
Қайси гулнинг этаги охир анингтек пок эрур.

Жон агар ул ораз учун борса йўқ кўнглида раҳм,
Сувсизин юз болиғ ўлса, баҳрга не бок эрур?

Турбатимнинг тошиға мундоқ битингким: «Лутфий қул
Тош бағирлиқ ёр учун фарсуда бўлғон хок эрур».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дмитрий Ильич Ульянов

У шахматдан завқ оларди

Владимир Ильич Ленининг укаси Дмитрий Ильич Ульяновнинг доҳий ҳақидаги хотиралари дастлаб 1926 йилда «Прожектор» журналида чоп этилган эди. У Ульяновлар оиласидаги жўшқин муҳит, Владимир Ильичнинг шахматга бўлган қизиқиши ҳақида маълумот беради.

Хотиралар қисқартирилган ҳолда эълон қилинмоқда.

Владимир Ильич саккиз-тўққиз ёшларидаёқ шахмат ўйнашни билар эди. Ўзининг биринчи устози отамиз ва катта акамиз Александр Ильич билан, кейинроқ эса биз кичиклар — синглиси Оля ва мен билан ўйнарди. Мен учун Владимир Ильич жуда қаттиққўл устоз эди, шунинг учун кўпроқ отам билан шахмат ўйнашни ёқтирардим. Чунки у юришларни қайтариб олишимга рухсат берарди.

Владимир Ильичнинг ўзи доимо риоя қиладиган ва ўз шеригидан ҳам қатъий талаб этадиган ажойиб қоидаси бор эди: юришлар ҳеч қачон орқага қайтарилмайди — бирон донани ушладингми, ўшани албатта юришинг керак. Ишқибозлар одатда кўпинча бу қоидани бузишади, юришлар қайтариб олинади, вазиятлар қайта тикланади. Бу ёмон одат ўйинни ҳам, ўйинчини ҳам бузади. Доналарга қўл теккизмасдан турли хил комбинацияларни пухта ўйлаб олиш ўрнига бундай кишилар тахтага қўл чўзаверадилар, шошиладилар, ўйиннинг асабий, кескин бўлишига сабаб бўладилар.

У одатда жиддий ўйнар, «енгил» партияларни унча ёқтирмасди. Кучсиз ўйинчилар билан ўйнаганида имкониятларни бараварлаштириш учун олдиндан бирорта донани олиб қўярди. Агар рақибининг ғурури ёр бермай бу таклифни рад этадиган бўлса, Владимир Ильич одатда шундай дер эди: «Ўйлаш, курашиш, қийин ҳолатлардан чиқишнинг ҳожати бўлмаганда бутун куч билан ўйнашнинг нима қизиғи бор?» Ўзи олдиндан бирор донани берганида ҳатто рақибидан бир оз кучсизроқ бўлишни маъқул кўрар эди. Руҳсиз мен уни тез-тез юта бошлаганимда ва олдиндан фақат от беришни таклиф қилганимда у шундай шарт қўйди: «Устма-уст уч партия ютиб олсанг, шундан кейин таклифингни қабул қиламан».

Одатда, шахмат ишқибозлари кўпроқ ғолиб чиқишни, иложи борича кўп қийналмасдан ва меҳнатсиз ютуққа эришишни яхши кўрадилар. Владимир Ильич масалага бошқача қарор эди: у шахматда кескин курашга, энг яхши юришларни топишга, мураккаб, баъзида эса деярли ютқизиладиган ҳолатлардан қутулиб кетишга кўпроқ қизиқарди; ютуқ ёки ютқизиқнинг ўзи уни кам қизиқтирарди. Рақибининг кучсиз юришлари эмас, балки яхши юришларидан завқ олар эди. Баъзида аҳмоқона юриш қилиб, унинг осонгина ютиб олишига имкон яратсанг, табассум

28 июлда Лондонда шахмат тожи учун матч-реванш бошланади. Собиқ жаҳон чемпиони Анатолий Карпов «тож»ни қайтариб олмоқчи...

А. Карпов 12—22 апрель кунлари Тошкентда бўлди. У махсус мухбиримиз билан қилган суҳбати чоғида «Ёшлик» муштарийларига қуйидаги дастхатни ёзиб берди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шахмат ҳақида адиблар фикри

Шахмат мен учун абадий сир ва мўъжизадир. Ҳар бир партия бошланиши билан қаршимда ҳаёлотлар, саргузаштлар, жумбоқлар ва математик ҳисоблар дунёсининг эшиги очилади. Бугунги кунда фазога учишлар мени ҳайратга солмай қўйди, бу одатдаги воқеа бўлиб қолди. Шахмат ўйинидаги юришлар эса ҳар доим сирли бўлиб, уни олдиндан билиб олиш мумкин эмас.

Хуан Хосе АРРЕОЛА,
мексикалик адиб.

Шахмат поэзиядир. Шахматни чинакамига ўйнаш керак ёки бутунлай ўйнамаслик лозим. У худди шеър ёзишга ўхшайди. Ёки сен чинакам шоирсан, ёки умуман ёзмай қўяқол.

В. В. МАЯКОВСКИЙ.

билан шундай дерди: «Очиғи, бу партияни мен ютганим йўқ, буни сен ютқаздинг».

Ўн беш яшарлигида Владимир Ильич ўйинда отамиздан устун чиқа бошлади. Эсимда, бир куни Илья Николаевич (1885 — 1886 йилларнинг қишида) ошхонага кириб, шундай деди: «Володя, сен шахматда мендан зўр чиқяпсан, энди сен Н. Н. билан танишиб, у билан ўйнашинг керак» (адашмасам, Симбирскда энг яхши ўйинчи хисобланган Ильин фамилияли киши; у бизникида бўлмасди).

1886 йилнинг ёзида Владимир Ильич катта акамиз Александр билан жуда кўп бор шахмат муҳорабаларида иштирок этди. Улар ўзаро матч эълон қилишди. Матчнинг шартлари ва натижалари афсуски ёдимда йўқ. Кураш жудда қаттиқ бўлган, иккалалари ҳам лом-мим демасдан, соатлаб шахмат тахтаси узра мук тушиб ўтиришарди. Мен учун ўша пайтда уларнинг ўйини тамоман тушунарсиз, жуда мураккаб бўлиб туюларди. Бунинг устига салгина бўлса-да, диққатни жалб этадиган на бирор баҳс, на бирор кескинлик рўй берар, ҳатто гаплашишмасди ҳам.

Уларнинг ўйиндаги қудрати ҳақида қуйидаги мисол асосида қисман тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Ўша йили ёзда Александр Ильич Қозон губерниясининг Кокушкино қишлоғида яшаганида «тахтага қарамасдан» шахмат ўйнашни одат қилди. Қизиғи шундаки, ана шу шахмат партияси билан бир пайтда у бильярдда ҳам ўйинни давом эттириб, кўпинча ғолиб чиқарди.

Ака-укалар ўзаро мусобақа чоғида фақат оқшомлари шахмат ўйнашарди. Каникул пайти бўлишига қарамасдан, иккаласи ҳам бўш бўлса-да, улар тушгача шахмат ўйнаганларини сира эслолмайман. Эрталабки соатлар жиддий машғулотларга бағишланарди. Менимча, бу мисол иккаласи учун ҳам фавқулодда характерлидир. Чунки уларнинг каттаси йигирма ёшда, Владимир Ильич эса бор-йўғи ўн олти ёшда эди.

1888-1889 йиллар қишида Владимир Ильич жуда кўп шахмат ўйнар ва амакиваччаларидан бири билан клубга қатнарди. Ўшанда биз Қозондаги Первая горада, Орловнинг уйида яшардик. Бир куни Владимир Ильич тахтага қарамасдан ўз кучини синаб кўрди. У мени ўз хонасига чақириб, бирорта ҳам донани олдиндан бермасдан, лекин тахтага қарамай мен билан ўйнамоқчилигини айтди. Бундай ўйинни илгари ҳеч кўрмаганим учун жуда ҳам мураккаб иш бўлса керак деб ўйладим. Шахмат ёнига ишонч билан ўтириб, уни ғалати юришлар билан чалғитмоқчи бўлдим. У эса каравотга ўтириб, ўз юришларини айтиб турди, барча ҳийла-найрангларимга қарамасдан тез орада тормор қилиндим. Умуман олганда, Владимир Ильич тахтага қарамасдан ўйнашни ёқтирмасди, кейинчалик бундай партиялар бўлганини эслолмайман.

Ўша йили қишда Марк Тимофеевич Елизаров Владимир Ильич Ленин билан самаралик кучли шахматчи А. Н. Хардин ўртасида ёзишма бўйича партия ташкил этди. Юришлар почта орқали, одатда очиқ хат билан юборилади. Ўзининг бир юришидан кейин Владимир Ильич жавоб матубини кутар экан, бир неча бор тахтага шахмат доналарини териб, шундай деди: «Қизиқ, энди у нима қилар экан, бу вазиятдан қандай йўл топар экан. Мен ҳар ҳолда қониқарли жавоб тополмаяпман»... Ниҳоят узоқ кутилган жавоб ҳам келди. Тезда шахмат доналари тахтага терилди. Уларнинг ўйини билан қизиқиб қолганим учун Хардиннинг юриши мантиқсиз бўлиб туюлди. Владимир Ильич ҳам дастлаб ажабланди, аммо кейин тезда вазиятни тушуниб, шундай деди: «Ҳа, мана буни ўйинчи деса бўлади, чинакам кучли шахматчи!» Шуни айтиш керакки, Хардин чиндан ҳам йирик шахмат устаси эди. 80-йилларда у москвалик энг яхши ўйинчиларни мағлуб этди, сўнгра Чигорин билан муваффақиятли мусобақалашди. Гарчи, Хардин катта турнирларда иштирок этмаган бўлса ҳам, Чигорин уни Россиянинг энг яхши шахматчиларидан бири деб ҳисобларди.

1889-1890 йилларнинг қишида биз оиламиз билан Самарада, Заводская кўчасидаги Катковлар уйида, шундоқ Волга ёқасида яшардик. Бу пайт Владимир Ильич айниқса кўпроқ шахматга кўнгил қўйди. У асосан Хардин билан, шунингдек самаралик бошқа шахматчилар билан ўйнарди. 8 — 10 киши иштирокида мусобақа уюштирилди. Ўйинчилар кучи турлича бўлганлиги учун айрим доналар олдиндан бериб қўйиларди. Биринчи категорияда фақат Хардиннинг ўзи, иккинчисида Владимир Ильич билан бошқа бир ўйинчи, қолганлари эса учинчи ва тўртинчи категорияларда ўйнашди. Мусобақада Владимир Ильич ғолиб чиқди. Биринчи мукофот ўн беш сўмга яқин экан. Ҳеч бир буюм сотиб олишмабди, қатнашчилардан бири ғолибга ана шу пулларни олиб келди. Владимир Ильич уни олишдан қатъиян бош тортди ва унинг таклифи билан бу пуллар кимгадир ёрдам учун ажратилди.

Владимир Ильич Хардинникида меҳмон бўлишни ёқтирарди. Дастдаб кўпроқ шахмат туфайли борган бўлса, кейинчалик ҳуқуқшунослик факультетига имтиҳон топширгач, судда ишлайдиган Хардинга ёрдамчи бўлиб ишга кирди. Энди уларни ишнинг умумийлиги ҳам боғлаб турарди.

Хардин сингари шахматда яхши шерикни топиш осон эмасди. Владимир Ильич албатта агар шахмат адабиётини ўрганишга жиддий киришса, масалан Алакаевка қишлоғида ўтказадиган ёз ойларини шахмат ва унинг назариясига боғишлаганида Хардин билан бемалол тез орада тенглаша олар, ҳатто ундан ўзиб кетарди. Ўзининг мунтазам шуғулланиши, қатъияти ва ақлий қудрати туфайли у бир неча йил ичида йирик шахматчи бўлишига шак-шубҳа йўқ эди. Аммо Владимир Ильич ҳамиша шахматни завқбахш ўйин деб биларди...

Материалларни шахмат бўйича СССР спорт мастерлигига номзод Анвар ИНОҚОВ тайёрлаган.

«Ёшлик» журналининг ҳар бир ўқувчисига шундай бир улуғ мақсад ёр бўлсинки, мақсадга эришилгач, умрингиз ҳам нурга тўлсин! Мағлубиятлар сабоқ берсин, янги ғалабаларга пиллапоя бўлсин ва ғалаба ҳам ўз вақтида келсин! Омад ёр бўлсин!

19.IV 86.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Халқ дарди билан яшар эди

Шу кунларда республикамиз жамоатчилиги ўзбек халқининг севимли фарзанди, атоқли партия ва давлат арбоби, оташин революционер Файзулла Хўжаев туғилган кунга тўқсон йил тўлганлигини муносиб нишонламоқдалар. Файзулла Хўжаев бутун умрини халқ ишига, революция ишига бахшида этди. У Бухоро Халқ Совет Республикаси Нозирлар Советининг Раиси, Бухоро Халқ Совет Республикасининг Ташқи Ишлар ва Ички Ишлар Нозири, Ҳарбий Ишлар Нозири, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг биринчи раиси лавозимларида ишлади. Файзулла Хўжаев қаерда ва қандай лавозимда ишламасин ҳар доим халқ манфаатларини, унинг орзу-умидларини бошқа ҳамма нарсадан устун қўйди. Уларни рўёбга чиқариш учун тинимсиз курашди. Ф. Хўжаевнинг қизи — Вилоят Хўжаева айтганидек, у халқ дарди билан яшар эди.

Бугун журналхонлар диққатига журналист ҳамда адабиётшунос олим Мажид Ҳасановнинг Вилоят Хўжаева билан суҳбатини ва Файзулла Хўжаев ҳаётига оид бошқа материалларни ҳавола этмоқдамиз.

◆◆◆

Мажид ҲАСАНОВ. Вилоят Хўжаевна, халқимиз отангизнинг номини ғурур ва ифтихор билан тилга олади. Унинг ҳаёт йўли ҳақида гапириб берсангиз?

Вилоят ХЎЖАЕВА. Бажонидил. Аввало шуни айтишим керакки, отам ўзлари ҳақида гапиришни, мактов, ёзувларни, дабдабали, бемаврид кўтар-кўтарларни ёқтирмас эдилар. Бу унинг ўта камтарлиги, одамийлигидан бўлса керак. Рус совет ёзувчиси Галина Серебрякова ёзганидек, «у ўзи ҳақида бор-йўғи икки варақкина таржимаи ҳол қолдириб кетган» холос.

Ҳозиргидек эсимда. 30-йилларнинг алангали кунларида уйимизга турли касб эгалари — ёзувчилар, олимлар, инженерлар, журнал, газета мухбирлари тез-тез ташриф буюришар эди. Улар ҳатто бизнинг яшаш, ўқишларимиз билан ҳам қизиқардилар. Отамга турли саволлар билан мурожаат этишарди. Бир гал газета мухбирларидан бири: «Кечирасиз, ўртоқ Файзулла Хўжаевич, сизни миллионер бойнинг ўғли дейишади, шу ростми?» деб берган саволига отам кулимсираб туриб шундай жавоб берган: «Ҳа, рост, отам бой савдогар бўлган, мен эса ўша бойликка эга бўлмаган революционер бўлдим. Тарихда бизга ўхшаганлар анчагина бор. Масалан, А. В. Луначарский чиновниклар оиласидан, Чичерин, Дзержинский, Тухачевский, Менжинский, Коллонтай, Крупскаялар ҳам бой дворян табақадан чиққанлигини биламиз. Менимча, муҳими ғоя, эътиқодга боғлиқ бўлса керак». «Отам миллионер, ўзим революционер демоқчисизда?»— мухбир яна саволга тутди. «Худди шундай: қаранг, ҳаёт тақозаси билан ота бошқа йўлдан, фарзанд бошқа йўлдан борди», деган эди отам қисқа қилиб.

Уйимизга турли касб эгалари отамдан маслаҳат сўраб, у билан фикрлашгани келардилар. Ёзувчилардан: Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Сўфизода, Садриддин Айний, Фитрат, Боту, Ғайратий, К. Яшин; артистлардан: домулла Ҳалим Ибодов, Қори Ёқубов, Маннон Уйғур, Тўхтасин Жалилов, Ҳалима Носирова, Тамарахонимлар отам билан мулоқотда бўлиб, турли мавзуларда суҳбатлашганларини эслайман.

М. Ҳ.— Отангизни талантли ташкилотчи, уста нотиқ, тинибтинчимас, доимо халқ билан бирга бўлишга интилган раҳбар эди, дейишади. Сиз нима дейсиз?

www.ziyouz.com kutubxonasi

В. Х. Ҳа, у халқ дарди билан яшар эди. Отам доимо иш билан банд эди. Шунга қарамай, у оиладаги рўзғор ишларига ёрдам берар, бизнинг ўқишларимиз, тарбиямизга ҳам вақт ажратар эдилар. Ҳали-ҳали эсимда, бир гал ёзув столимизнинг (овқатланадиган стол ҳам шу эди) бир оёғи синиб қолди. Ўшанда отам қўлига болға, мих олиб, столни бирпасда тузатиб бердилар. «Йигит кишига қирқ ҳунар оз», дея столни қўллари билан маҳкам босиб кўрар эканлар, менга қараб: «Мана, энди оёғи мустаҳкам бўлди, Вилоят, бир асрга дош бериши мумкин», деб кулиб қўйдилар. Отам бизларни оддий, камтар, самимий бўлишга, меҳнатни қадрлашга ўргатар эди. Бойлик орттириш, тамагирлик, худбинлик, мақтанчоқлик, манманлик у кишига мутлақо бегона эди. Мен отамнинг: «Олтин олмадим, элдан олқиш олдим», деган гапларини кўп эслайман.

М. Ҳ. Файзулла Хўжаев нималарни ёқтирар эдию нималарни рад этарди?

В. Х. Отам тўғри, ростгўй, ишчан одам бўлгани учун ҳаётда ҳам шундай одамларга яқин юришга интилар эди. У шунингдек, классик ва замонавий қўшиқлар ҳамда музикани севар, китоб ўқишга алоҳида вақт ажратар эди. У ўзидаги барча яхши билимлар, яхши хислатларни халқига ҳам «юқтириш»га ҳаракат қилар эди. Отам, дўстларининг айтишларича, 1920—1921 йилларда давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, Бухоро шаҳрида ўқитувчилик ҳам қилган. У халқни илм-маърифатли қилиш долзарб вазифа эканлигига диққат-эътиборни жалб этган эканлар.

Отам икки юзламачилик, хоинлик, порахўрлик, қалбакилик, ёлғончилик, мақтанчоқлик ва шуҳратпарастликни жуда ёмон кўрар эдилар. Бундайларга ўз жойида зарба берар: «Эл-юрт бошида турган одам энг аввало ҳалол-покиза, одил, доно, оддий ва самимий бўлиши керак», дея кўп такрорлар эдилар,ўзлари ҳам иш фаолиятларида айтганларига амал қилардилар.

М. Ҳ. Файзулла Хўжаев атоқли партия, давлат ва жамоат арбоби бўлиш билан бирга армия қўмондони ҳам бўлганлигини кўпчилик билмайди. У киши кийган ҳарбий кийимлардан бирининг ёқасида тўртта ромба ярқираб турибди. Адашмасам, Файзулла Хўжаевнинг армия қўмондони кийимида тушган суратини биринчи бўлиб Сиз топгансиз ва бу ноёб топилмани матбуотда илк бор эълон қилгансиз. Шу ҳақда гапириб берсангиз?

В. Х. Тўғрисини айтганда, мен ҳам отамни бирор маротаба ҳарбий кийимда кўрган эмас эдим. Қачон ва нима учун Армия қўмондони унвонини олганлигини яқингача ҳам билмас эдим. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети 1967 йил 28 февралда атоқли партия ва давлат арбоби, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг биринчи раиси Файзулла Хўжаевнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилгандан сўнг, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Файзулла Хўжаевнинг 3 томлик танланган асарларини ўзбек ва рус тилларида чоп этишни планлаштирди. Бу ишга И. И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходими сифатида мен ҳам жалб этилдим. Ишни тайёрлаш жараёнида турли архив материаллари, тарихий ҳужжатлар, матбуот саҳифаларини бирма-бир варақлашга, эски фотоальбомларни кўришга тўғри келди. Ўшанда мен Ф. Хўжаевнинг генераллик кийимида тушган суратини топиб олдим ва уни кўпайтириб матбуотда эълон қилдим.

Профессор О. Э. Эшонов «Файзулла Хўжаев» («Ўзбекистон» нашриёти Т. 1973) номли рисоласида ёзишича, Файзулла Хўжаевнинг Армия қўмондони унвонига сазовор бўлганлигини Туркистон фронти Бухоро группа қўшинларининг Қизил Армия Марказий Давлат архивида сақланаётган ҳужжат материаллари ҳам тасдиқлашини айтади. Ўша рисолада шундай сатрлар бор: «Файзулла Хўжаев ҳақидаги, унинг партиявий ва давлатчилик фаолиятларига оид фактик маълумотларнинг кўпчилиги билан китобхонлар биринчи марта танишади. Масалан: ўзбеклар орасида (туркман, тожиклар орасида ҳам дейиш мумкин. **М. Ҳасанов**) биринчи бўлиб Файзулла Хўжаевга ўша даврнинг олий ҳарбий унвони — Армия қўмондони унвони берилгани кўпчиликка эҳтимол маълум бўлмаса керак. Ҳолбуки, унинг таржимаи ҳолида ҳарбий фаолият катта ва муҳим ўрин тутади. Совет Туркистони учун оғир бўлган 1922—1924 йилларда у босмачиларга қарши кураш бўйича махсус тузилган Фронтнинг Революцион Ҳарбий Совети аъзоси, Шарқий Бухоро Революцион Ҳарбий Совети Раиси, Туркистон Фронти Революцион Ҳарбий Совети аъзоси, шунингдек, СССР Ҳарбий Советининг аъзоси бўлиш билан бирга, айни вақтда СССР Ҳарбий Халқ Комиссарлигининг Ўзбекистон вакили ҳам эди».

Ҳақиқатан ҳам унинг босмачи тўдаларга қарши курашда шахсан иштирок этганлигини яхши биламан. Довюрак саркарда Файзулла Хўжаевнинг ўз номига ёзилган жанговар қилич билан тақдирланиши, Бухоро Халқ Совет Республикасининг биринчи даражали давлат ордени, Ленин ордени, Қизил Байроқ ордени каби юксак мукофотларининг берилиши, унинг халқ, партия, ҳукумат олдидаги улкан хизматларини эътироф этилишидан ёрқин далолатдир.

М. Ҳ. Файзулла Хўжаевга замондош бўлган кишилар ва матбуотда эълон қилинган материалларда унинг кўп тилларни билганлиги ҳамда чет элда ўқиганлигини айтишади.

В. Х. Отам чет элда ўқиган эмаслар. Фақат Германияда (Берлинда 1922 йилнинг 25 сентябридан 25 октябригача) бир ой даволанишга борганлар, холос. Ўз таржимаи ҳоли ва бошқа ҳужжатларда у киши маълумотини доимо ўрта деб, кўрсатар эди. Бироқ Файзулла Хўжаев ҳаёт мактаби, инқилоб мактаби, партиявий чиниқиш мактабидан керакли маълумот ва малакани олишга мушарраф бўлган эди. Кўп тилларни билиши тўғрисидаги гапларда ҳам бир оз муболаға бор. Файзулла Хўжаев айниқса, уч тилни — ўзбек, рус ва форс-тожик тилларини яхши билар ва уч тилда яхши гапириш билан бирга, мақолалар, илмий ишлар ёза олар эди. Кўп анжуманларда ўзбек, рус, форс-тожик тилларида доклад қилардилар. Тўғри, у немис, инглиз тилларини билишга қизиққан ва луғат ёрдамида гапиришга ҳаракат қилган. Лекин бу дегани ўша тилларни биларди, дегани эмас. У шунингдек, тарих ва адабиётни чуқур билган. Унинг китоб жавонида К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин, И. В. Сталин, Г. В. Плеханов китобларидан ташқари А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Л. Толстой, М. Горький, Б. Пастернак, А. Блок, А. Қодирий, С. Айний, А. Фитрат асарлари ҳам бор эди.

М. Ҳ. Файзулла Хўжаев билан бирга ишлаганлар, у билан мулоқотда бўлганларнинг айтишларича, отангиз бир оз оқсаб юрар эканлар. Шу тўғрими?

В. Х. Отамнинг оқсаб юришлари касалликдан эмас, балки, автомобиль ҳалокатидан қолган асорат эди. 1925 йилнинг ёзида у СССР Марказий Ижроия Комитетининг олти раислигидан бири сифатида Кавказдаги чегара можаросини ҳал қилиш ишида қатнашади. Ўшанда у автомобиль ҳалокатига учрайди. Бокуда врачлар отамнинг синган, суяклари майдаланган бир оёғини бутунлай кесиб ташламоқчи бўладилар. Отам бунга розилик бермайдилар. Отамнинг илтимоси ва докторларнинг розилиги билан уни табиблар даволаган. Отамнинг ўзи ҳикоя қилишларича, катта онам — Файзулла Хўжаевнинг онаси — Райҳон Саидмурод қизи билан бухоролик икки табиб Бокуга зудлик билан етиб боришган. Бухоролик уста табиблар отамнинг синган, майдаланган оёқ суякларини жой-жойига қўйиб тахтакачлаганлар ва бир ой муддат ичида отамни оёққа турғазганлар. У уйга ўз оёғи билан соғ-омон келган.

М. Ҳ. Тарихчи тадқиқотчиларимизнинг таъкидлашларича, Ф. Хўжаевдан бой ижодий мерос (30 дан зиёд китоб, рисолалар, 200 га яқин доклад ва мақолалар) қолган. Бироқ унинг кўпгина асарлари ва 100 дан ортиқ мақолалари 3 томликка киритилмай қолган. Шулар ҳақида фикрингиз қандай?

ХЎЖАЕВлар оиласи: онаси — Райҳон Саидмурод қизи, хотини — Малика Муҳаммаджон қизи, қизи — Вилоят ва синглиси Робия Убайдулла қизи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

В. Х. Отам Ўрта Осиё халқлари тарихини ёритишда катта ишлар қилди. Унинг асарларининг библиографияси тўлиқ тузилган эмас. У ёзган мақолалар, тақризлар, докладлар, тарихий справка ва изоҳлар 300 га яқин бўлади. Китоб, рисолалари эса 30 дан ортиқроқни ташкил этади. Унинг асарларини тўлалигича чоп этиш, у ҳақда замондошларининг эсдалик китобларини нашр эттириш галдаги вазифалардан ҳисобланади. Файзулла Хўжаев ҳақида баркамол бадиий полотнолар, бадиий фильмлар яратилишига ишончимиз комил.

М. Ҳ. Отангизнинг дўст-ёрлари кўп бўлганми?

В. Х. Отамнинг айтишларича, партия ва давлат ишида ишлаш жараёнида Аҳмад Рафиқ Абдуллабеков, Фитрат, Йўлдош Охунбобоев, Акмал Икромовлар билан дўстлашганлар. Ўзларининг ҳикоя қилишларича, 20-йилларда марказдан Туркистонга В. И. Ленин томонидан юборилган Турккомиссия вакиллари П. А. Кобозев, В. В. Куйбишев, М. В. Фрунзе, Я. Э. Рудзутак, Ш. З. Элиава, Я. Х. Петерс, А. А. Иоффе, С. И. Гусевлар билан ҳам яқиндан таниш бўлган. Айниқса, В. В. Куйбишев, П. А. Кобозев, Я. Э. Рудзутак, Я. Х. Петерслар билан қадрдон дўст бўлганлигини бизга кўп гапирар эдилар. Шунингдек, Назир Тўрақулов, Абдулла Раҳимбоев, Турар Рисқулов, Низомиддин Хўжаев, Дўст Устабоев ва бошқа кўплаб партия ва ҳукумат ходимлари Файзулла Хўжаевнинг замондош, фикрдош танишлари ва дўстлари ҳисобланган.

М. Ҳ. Файзулла Хўжаев бўш вақтларида кўпроқ нималарга қизиқарди?

В. Х. Отам зукко ва қалби кенг сахий одам эдилар. Ҳамма нарсага зийраклик билан ва айни вақтда ҳавас билан қараларди. Отам кўп ишлаб, кам гапиришни, ов қилишни хуш кўрар, шахмат ўйнашни ёктирарди.

М. Ҳ. Файзулла Хўжаевнинг босиб ўтган мураккаб ҳаёт йўли, серқирра ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳозирги замон ёшлари учун ибрат мактаби ҳисобланади, албатта. Ана шу курашчан инсоннинг фарзанди сифатида Сиз у ҳақда хотиралар ёздингизми?

В. Х. Ҳа, ёздим. Лекин у киши ҳақидаги эсдаликлар китобим ҳали поёнига етганича йўқ. Беморликдан тузалиб, бир оз дармонга кирсам уни тугаллаш ниятидаман.

М. Ҳ. Бизга маълумки, Файзулла Хўжаев 1917 — 18 йилларда Бухоро амири Олимхон томонидан икки маротаба ўлимга ҳукм этилган. Бундан ташқари Ф. Хўжаев Москвага, доҳий В. И. Ленин ҳузурига бораётганда ҳибсга олиниб, дутовчи оқ гвардиячиларнинг ҳарбий дала суди томонидан большевик сифатида отиб ташлашга ҳукм этилган эди. Ёки бўлмаса бошқа бир манзарани олайлик. 1921 — 23 йиллар Бухоро Халқ Совет Республикаси учун энг қийин йиллар бўлган. Революция душманлари, ёт унсурлар Файзулла Хўжаевни энг хавфли душман деб ҳисоблашарди. Совет тузуми душманлари уни уч марта отганлар, бир маротаба кинотеатр ичида тириклайин ёндиришмоқчи бўлишган. Бироқ ҳар гал ҳам улар доғда қолишган. Шундай эмасми?

В. Х. Тўғри айтасиз, отамга кўп марталаб суиқасдлар уюштирилган. Ёвузлик ниятида қилинган бундай суиқасдлардан уни фақат бахтли тасодифларгина сақлаб қолган. Файзулла Хўжаев Бухоро амири салтанати учун ҳам, Совет ҳокимиятининг душманлари: босмачилар, реакционер ёт унсурлар ва руҳоний бойлар учун ҳам биринчи даражали душман эди. Шу боисдан ҳам революция душманлари Файзулла Хўжаевнинг боши учун чех адиби Эгон Эрвин Киш ёзганидек, дунёдаги ҳеч бир бошга қўйилмаган тўлов белгилашган. Халқ бахти учун, она Ватан тақдири учун курашган кишиларни ўқ ҳам олмас экан, деган гап ҳақиқатга ўхшайди.

М. Ҳ. Эзгуликнинг кечи йўқ дейдилар. Файзулла Хўжаевнинг шонли 90 йиллик тўйи муносабати билан республикамиз ёшларига айтадиган истагингиз?

В. Х. Битта истагим бор: замон тинч бўлсин, ёшларимиз урушсиз, ташвишсиз, тинч-осойишта, фаровон ва бахтиёр яшасинлар!

◆◆◆

ИККИ МАКТУБ

РСФСР Маориф Халқ Комиссари А. В. ЛУНАЧАРСКИЙГА

Бухоро Халқ Совети Республикасининг Маориф Халқ Нозирлиги РСФСРдаги турли мактабларда фанлар бўйича илм олиш учун турли ёшдаги 11 болани Москвага юбораётир.

Бухоро Халқ Совет Республикасининг Халқ Нозирлари Шўроси бўлажак шогирдларининг шахсий рўйхатини юбориб, бу ишда ёрдам беришингизни: болаларни ўз хоҳишингизга биноан Москва ўқув юртларига жойлаштириб, уларни уй-жой билан, ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар билан таъминлашингизни ва уларга озиқ-овқат бериб туришни сўраб Сизга мурожаат қилади.

Қилинадиган харажатларни Бухоро республикаси ўз зиммасига олади.

Илтимосимиз тўғрисидаги қарорингизни Бухоро Халқ Совет Республикаси Халқ Нозирлари Шўросига ва Маориф нозирлигига маълум қилиб қўйишингизни ўтинаман.

Ҳурмат билан,
Файзулла ХЎЖАЕВ.
Бухоро. 1923 йил, 27 март.

* * *

РСФСР Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича комиссияси раисига

Мана саккиз йилдирки, мен Бухоронинг совет Россияси билан алоқасини мустаҳкамлаш муҳимлигини ва зарурлигини жуда яхши ҳисобга олиб ва Россиядаги совет ҳокимияти бошига тушадиган ҳар қандай кулфат Бухоро ҳукуматининг, мамлакатнинг ва партиянинг тақдирига муқаррар ҳалокатли таъсир қилишини билиб, ўтмишда ҳимоясиз бўлган жафокаш Ватанимнинг бахт-саодати йўлида ишлаб келмоқдаман. Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати ва унинг раиси номидан эмас, балки революционер сифатида мен Совет Россиясининг вакили бўлган сиз билан дардлашмоқчиман ва оғир аҳволимизни сизга имкони борича тушунтириб бермоқчиман. Юқорида айтиб ўтилган ва бизнинг устимизга қўйилган айбларнинг ҳар бирига алоҳида равишда батафсил тўхталиб ўтирмасдан, фақат шуни айтмоқчиманки, бу ерда, Бухорода ҳеч бир ҳокимият, ҳеч бир партия биз қилган ва қилаётган ишдан кўпроқ ишни ҳеч қачон қила олмайди.

Бизга тўнкалаётган айбларнинг ҳаммаси оқибат натижада битта мақсадни — янада тезроқ хонавайрон бўлишимизни кўзлаётганлигини Сиз ва биз яхши биламиз.

Ўтмишимиз ва ҳозирги аҳволимиз бизнинг қандай йўл тутганлигимизни яққол кўрсатиб турипти. Ёш бухороликларнинг тўкилган қони (Бухорода уч минга яқин киши ҳамда Еттисув, Закаспий ва Актюбинск фронтларида юзга яқин киши), ҳақиқатда мавжуд бўлган нарсаларни исботлайдиган тўғри далил бўла олади.

Рудзутак ва Петерс ўртоқларга мендан салом айтиб қўйишингизни сўрайман. Революцион салом билан.

Ф. ХЎЖАЕВ. Бухоро. 1921 й. декабрь.

◆◆◆

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЧ «САРОБ»

Раҳмон Қўчқоров

30-йилларнинг бошларида тақдир мени буржуа миллатчиларига рўпара қилди, улар менинг нафрат ва ғазабимни қўзғатди, яъни мувозанатимни бузди. Мен ўзимда уйғонган бу туйғуни бошқаларда ҳам уйғотишга енгиб бўлмас хоҳиш сездим. Бунинг натижаси бўлиб «Сароб» романи вужудга келди...

Абдулла ҚАҲҲОР

Ўзбек насрининг фахри Абдулла Қаҳҳор ўзининг дастлабки романи «Сароб»ни нисбатан жуда ёш пайтида — 23—26 ёшида фавқулодда муваффақият билан яратди. Асар илк бора 1937 йилда Ўздавнашр томонидан лотин имлосида чоп этилди. Роман босилиб чиққач, адабиётшуносликда қизғин муҳокама қилинди. Ўша давр бадиий танқидчилиги савиясида турли фикрлар ўртага ташланди. Булар орасида романни нисбатан тўғри баҳолаган мулоҳазалар билан бирга, унга, Раҳмат Мажидий гувоҳлик беришича, «танқид ниқоби остида туҳмат билан чиққан»[1], асардан талай ўринсиз камчиликлар ахтарган ва ёзувчи ижодини кўр-кўрона кораланган мақолалар ҳам бор эди. Бу ҳақда Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи таржимаи ҳолида жуда яхши айтган: «...«Сароб»ни тўрт йилда ёзиб тугатдим. Китоб республика конкурсида мукофотланди. Уни китобхон хуш қабул қилди, лекин баъзан арзон шуҳратпарастлик, баъзан сиёсий демагоглик, баъзан эса тўғридан-тўғри жаҳолат натижаси бўлган танқид найза кўтариб қарши олди. Бу нарса баъзи ҳолларда хатто фаросатли одамларни ҳам чалғитди...» Биз ҳозир «найза кўтариб қарши олган» танқидий материалларни батафсил таҳлил қилиб ўтириш ниятимиз йўқ, бироқ асарнинг қайта ишланишида, жуда кўплаб ўзгартиришлар киритилишида шубҳасиз «ҳиссаси» бўлган бундай муносабатнинг айримларига тўхтаб ўтамиз.

Масалан, Ҳабиб Мусаев деган адабиётшунос романни мана бундай тушунади: «Романнинг бош қаҳрамони Саидий ўтакетган миллатчи бўлишига қарамасдан, ёзувчи уни мақтайди, уни ўқувчига мумкин қадар яхши кўрсатишга, ўқувчини Саидий изидан эргаштиришга тиришади...»[2]

Яна бир танқидчи эса «Сароб»ни унинг таҳрирчиси шахсига боғлаб, баҳолаб қўяқолади: «...Анқабой «таҳрири»дан ўтган бу роман бизга ёт асардир»[3].

Бундай талқинни изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Ҳолбуки, эҳтимол мана шунақа муносабатлар орқасида 1957 йилдаги А. Қаҳҳор «Танланган асарлар»ининг II жилди сифатида, 1967 йилдаги олти жилдликнинг III жилди сифатида босилган янги таҳрирдаги «Сароб» романи анчагина бошқача кўриниш олиб чиқди. Хўш, романнинг кейинги нашрларида қандай ўзгаришлар рўй берган ва бу ўзгаришлар асар сифатига қай жиҳатдан таъсир қилган?

Кейинги икки нашрда романдан бешта боб (I бўлимдан 5-, 9-, 34-боблар, II бўлимдан 7- ва 12-боблар) тушириб қолдирилган. Биринчи нашрдаги 14- ва 15-боблар битта боб (1957 да 12-боб ва 1967 да 13-боб) шаклига келтирилган. Учинчи нашрда аввалги икки нашрдаги 6-бобнинг охири бўлиб келган эпизод алоҳида, 7-боб сифатида берилган.

А. Қаҳҳорнинг асар ихчамлиги деб ортиқча тафсилотларга ўрин бермаслик, кўп нарсаларни ёзмай тура олиш, ёзилганини ўчириб ташлай олиш каби ўзига хос фазилати ҳақида адабиётшуносликда етарли таъкидланган. Бизнингча, мазкур асардаги тушириб қолдирилган боблардан учтасигина мана шу «қаттиққўллик»дан рози кетган. Масалан, илк нашрда 5-боб сифатида

---

[1] Р. Мажидий. «Сароб» тўғрисида». «Ўзб. адаб. ва санъати» жур. 1941 й. 5-сон.

[2] Ҳ. Мусаев. «Сароб» қандай роман?» «Ёш ленинчи» газ. 1939 й. 30 январь.

[3] Ю. Султонов. «Сароб» тўғрисида». «Қизил Ўзб». газ. 1937 й. 17 ноябрь.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саидийга дўсти Эҳсоннинг Москвадан ёзган хати берилади. Бу хат бирёқламаликдан ҳоли эмаслиги билан бирга на қаҳрамон табиатига ва на воқеаларнинг кейинги ривожига таъсир қилар эди. Шунинг учун кейинги нашрларда бу боб олиб қолинган. Шу бўлимдаги 34-бобда Саидий билан Муродхўжа домланинг хотин-қизлар масаласидаги қуруқроқ, ҳаракатсиз суҳбати ҳам ўринли тушириб қолдирилган. Гарчи бу суҳбат Муродхўжа домланинг чирик онгини яна бир бор намойиш этса-да, асарда шундай хулосага олиб келадиган бошқа жуда ёрқин ўринлар мавжуд.

Иккинчи бўлимдаги хийлагина катта 7-бобда бўлса, Саидийнинг янги гап мажлиси йиғиш учун қилган беҳуда уринишлари берилган эди. Қисқа изоҳ билан қутулиш мумкин бўлган бу воқеа тафсилоти орқасида асарга Раҳмонберди, Ҳомид каби фақат шу бобдагина мавжуд, кейин «қараб турадиган», персонаж сифатида ҳам тузуккина шаклланмаган кишилар кириб келади. Уларнинг ресторанлардаги жанжаллари, хотинларга муносабати ва бошқа ҳаракатлари ўқувчини чалғитиши мумкин эди, холос. Шунинг учун ёзувчи ҳақли равишда бу бобнинг баҳридан ўтган.

Бироқ, «баҳридан ўтилган» бобларнинг ҳаммаси ҳам асарга сингмаган, ортиқча эди, деб бўладими? Бизнингча, бундай деб бўлмайди! Аввало, бош қаҳрамон Саидий образи билан боғлиқ ўринларга тўхталайлик.

Ўткир Рашид бир мақоласида бу образнинг ишланишини шундай тушунтиради: «Асарнинг бош қаҳрамони... Саидий... ўз тақдирини ўзи ҳал қила олмаслиги, турмушда лаёқатсизлиги, бетайинлиги ва ёқимсиз хулқ-атвори билан совет кишиларининг образи бўла олмади. Ҳаётни бундай объективистик-натуралистик тасвирлаш эса асардаги партиявийлик ва реалистик принципни бўшаштирди»[4].

Ахир, ёзувчининг мақсади Саидий тимсолида совет кишиларининг образини яратиш эмас, аксинча, айнан шу «совет кишиси бўлолмаган» шахснинг инкирозини кўрсатиш эди-ку! Ахир, асар бекорга «Сароб» деб номланмаган-ку! Афсуски, масаланинг бу жиҳатига роман танқидчилари эътибор ҳам бермаган кўринадилар.

[4] Қаранг: «Ўқитувчилар газетаси», 1950 й. 15 февраль.

Мана шундай «объективистик-натуралистик тасвир»лардан бири сифатида чиқариб ташланган 9-боб (I бўлимда) Саидийнинг тўлақонли, асосланган образидан кўп нарсани олиб кетган. Чунки, худди шу бобда Саидийнинг болалик ва ўсмирликдаги ҳаёти, характеридаги ожиз томонлар ойдинлашар эди. Саидий шу ҳолича осмондан тушмаган. Айнан 9-бобда унинг «шаҳарнинг ўртасидаги собиқ хотин-қизлар гимназиясида»ги мактабда ўтган болалиги, у ерда Эҳсон билан ораларида туғилган қалин дўстлик, турли бой болалари пайдо қилган заҳарли муҳит, домлаларнинг босмачиларга раҳнамолиги тасвирланади. Худди шу бобда Мамажон домланинг «михсиз столдаги» фоллари, Теша, унинг арзимаган нарсани деб мактабдан ҳайдалиши, Эҳсоннинг ячейкаси, унинг барбод қилиниши, ўзининг қувилиши; булар таъсирида Саидийнинг болаликдаги табиий эҳтиёткорлиги ва домлалар томонидан мактабдан ҳайдалишига ишора қилиниб кўрқитилиши... ҳақида жуда ҳам тиниқ тасвирлар, руҳий таҳлилнинг ёрқин намуналари бор эди.

Орадан йиллар ўтиб, «Сароб» романининг тадқиқотчилари айни шу масалага эътиборни қаратадилар. Масалан, Матёқуб Қўшжонов ўзининг «Адашганлар фожиаси» мақоласида («Ҳаёт ва қаҳрамон», Т.-1979 й.) шундай деб ёзади: «Қаҳҳор Саидий шахсида худбинликнинг пайдо бўлиш тарихини кўп таҳлил қилиб ўтирмайди. Балки масаланинг бу томонига ҳам баъзан-баъзан ўрин ажратса бўлармиди?» Ҳолбуки, А. Қаҳҳор «масаланинг бу томонига» бутун бошли бир бобни бағишлаган эди. Танқидга учраган ва чиқариб ташланган 9-бобнинг асарга нақадар зарурлиги шу фактдан ҳам аён бўлиб турибди.

Ёзувчи характер яратиш жараёнида қаҳрамонни бутун мусбат ҳамда манфий томони билан биргаликда кўриши, кўрсата олиши лозим. А. Қаҳҳор буни жуда яхши билар эди. У Саидийга туғилмасидан бурун миллатчи ёки ёт унсур номини тақашни асло ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Саидий (сал тубанда бунинг исботига яна тўхталамиз) ўзига хос истеъдодга, эзгу мақсадга, муҳаббатга эга тирик инсон эди. Ёзувчи яшашга ҳақли бўлган худди шу шахсни заҳарли гуруҳлар орасида гоҳ ўзи хоҳламай, гоҳо эса ўзи хоҳлаб емирилганини; истеъдод уруғи агар офтобдан тўйинган, унинг ўсишига ёрдам берадиган тупроққа тушмай,

Ҳурматли журналхон! Ёдингизда бўлса, «Ёшлик»нинг ўтган йил 8-сонида бу муаллифнинг «Уч ҳикоя талқини» сарлавҳали мақоласи босилган эди. Шу илк мақоладаёқ у бадиий асарни, ёзувчи ижодини анча теран тушуниб, нозик ҳис этиб, ўзига хос тарзда таҳлил ва талқин эта олиш лаёқатини намойиш этган эди.

Раҳмон Қўчқоров — ҳозир Тошкент Давлат университети ўзбек филологияси факультети талабаси; ўзи коммунист, Ленин стипендиати...

У университетга муайян ҳаётий тажриба билан келган. Аввало серфарзанд ишчи оиласида туғилиб, оддий меҳнаткаш, ҳалол одамлар муҳитида улғайди, қаҳрамон шаҳар Волгоградда ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, ўзи ҳам икки йил Андижон мебель фабрикасида дурадгор бўлиб ишлади. Болалигидан меҳнатга, адабиётга қаттиқ меҳр қўйгани, ёшлигидаёқ филолог-адабиётшунос бўлишни, республикадаги адабий-танқидий тафаккур марказларидан бири ТошДУга кириб ўқишни орзу қилганидан бу ерга бир эмас, бир неча бор ариза топширди, вақтинча муваффақиятсизликдан тушкунликка тушмай, ўз аҳдида қаттиқ турди, жиддий тайёргарлик билан учинчи бор имтиҳон топшириб, университет студенти бўлишга эришди.

Студентлик пайтидаёқ илмий ишлари — доклад ва мақолалари билан талабчан устозлар эътиборини қозониш, айниқса матбуотга йўл топиш осон эмас. Раҳмон мана шундай қийин, масъулиятли ишнинг уддасидан чиқа олди.

Раҳмоннинг аввалги мақоласи бугунги адабиётимиз, аниқроғи — Шукур Холмирзаевнинг янги ҳикоялари ҳақида эди. Бу гал у адабиётимизнинг яқин ўтмишига — Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романига мурожаат этади; «Сароб» романининг уч нашрини қиёсий ўрганиб, кейинги вариантларига киритилган ўзгартишларни, бу таҳрир-ўзгартиришлар туфайли асар нималарга эришгану нималарни йўқотган — шуларни аниқлашга ҳаракат қилади.

Биламизки, «Сароб» фақат Абдулла Қаҳҳор ижодидагина эмас, ўзбек адабиётида муҳим ҳодиса бўлган асардир. «Ўтган кунлар», «Қутлуғ қон», «Навоий» романлари қаторида у ўзбек романчилиги анъаналарининг шаклланишида ғоят катта роль ўйнаган, романчилигимизнинг кейинги тараққиётига кучли таъсир кўрсатган. «Сароб» романи ёзувчи ҳаётлигида уч бор нашр этилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, энг дастлабки нашри босмадан чиқиши биланоқ асар танқидчиликда, адабиётшуносликда қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Ижобий қарашлар қаторида анча бирёқлама фикрлар ҳам айтилган. Роман устидаги ишни давом эттириб, адиб галдаги ҳар бир нашрига жиддий таҳрирлар киритган. Бу учала нашрни қиёсий ўрганиш ёзувчининг ижодий лобаратория ҳақида муҳим кузатишлар қилиш, жиддий илмий хулосалар чиқариш имконини беради. «Сароб»нинг танқидий текстини тайёрлаш, асар ижодий тарихини батафсил ва изчил ўрганиш — яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифа. Мазкур мақола шу йўлдаги илк ва камтарона уринишлардан биридир.

Умарали НОРМАТОВ,
профессор

www.ziyouz.com kutubxonasi

тобора тубанга чўкиб борадиган қўлмак ичига тушса, чириб тугаши мумкинлигини РОМАНда акс эттиришдек олий мақсадни кўзлаган. Ҳозирги кўринишда эса, бош қаҳрамон Саидий кўзининг оқи ҳам қора рангда чизилган анчайин салбий шахс таассуротини туғдиради.

(Албатта, «Сароб»нинг энг аввалги нашри билан таниш бўлмаган ўқувчи бизнинг бу хулосаларимизга қаттиқ эътироз билдириши табиий. Чунки роман ҳозирги вариантда ҳам севиб ўқилади ва у ўзбек совет адабиётининг мумтоз асарларидан бири саналади. Бироқ, гап шундаки, романнинг муаллиф тушириб қолдиришга мажбур бўлган жуда кўп ўринлари Саидий образини янада ёрқинроқ тасаввур қилишимизга, Абдулла Қаҳҳор юксак маҳоратини бундан ҳам яққолроқ ҳис қилишимизга ёрдам берар эди.)

Шу ўринда бир масалани келишиб олиш керак, шекилли. Роман ҳақидаги мулоҳазаларнинг аксариятида ёзувчининг Саидий шахсига муносабати тилга олинади ва муаллифнинг ўз қаҳрамони қисматига «ачиниш билан қараши» қораланади:

«Саидийга ачинишни сақлаш тўғри эмас. Саидийга ачиниш миллатчиларга ачинишдир, бу — ҳушёрликдан тойдиришга олиб боради. Бу — Саидий образини беришдаги асосий хатодир...»[5]. Ва бошқалар.

Адабиёт иши суд ҳайъати ишидан шуниси билан фарқ қиладики, у «қўл остига келиб тушган» шахсга жиноятчи ёки жазога лойиқ одам сифатида эмас, аввало ИНСОН сифатида — онгининг ва табиатининг энг кучли ва энг заиф ришталаригача тадқиқ қилиниши керак бўлган одамзоднинг нозик кўриниши сифатида ёндашади. Судда иш муваффақиятли тугаллангач, «дело ёпилади», бу масалага фавқулодда зарурият туғилмаса бошқа қайтилмайди. Ёзувчи бўлса, ҳукмни ошкора эълон қилмайди (ҳарҳолда ошқора эълон қилишга мажбур эмас), демак, «делони очиқ қолдиради». Асар тақдирини, қаҳрамон тақдирини одил ҳакам — ўқувчи ҳал қилади ва бу ҳал қилишда ҳар бир китобхон тадқиқ жараёнига ўзича ёндашади, яъни «делони ўзича ёпади».

Ҳозирги кун жаҳон прогрессив адабиётининг йирик вакили Г. Г. Маркес совет журналистлари билан суҳбатда ўз қаҳрамонларига нисбатан қарашини қизиқ ва ибратли мисол билан изоҳлайди. «Ёлғизликнинг юз йили» китобим бўйича кинофильм ишлашларига қатъиян қарши бўлишимга қарамай, режиссёрлар, айниқса, шимолий америкаликлар мени ҳоли жонимга қўйишмайди, — дейди ёзувчи ва гапида давом этиб, унга аввал бир, кейин икки, ҳозир бўлса уч миллион доллар таклиф қилишаётганини айтади. Асар кинолаштирилишига қаршилигининг асосий сабабини эса, қуйидагича шарҳлайди: — Мен, «Ёлғизликнинг юз йили»ни ўқиган ҳар бир одам унинг қаҳрамонларини ўзича, ҳар қайсисига қандай кўринса, шундай тасаввур қилишларини истайман. Ҳоҳлардимки, бир ўқувчи Урсула (романнинг марказий қаҳрамони — Р. Қ.) тимсолида ўз бувисини кўрсин, бошқа бирига бўлса у опасидай кўринсин. Китобни ўқиётган ҳар бир одам ўзининг шахсий образларини яратсин. Экранда эса ҳар бир персонаж маълум муҳрланган қиёфада намоён бўладики, мен бундай ишда таваккалчиликка йўл қўя олмайман. Майли, ўқувчилар тасаввурида Урсула, масалан, актриса Софи Лоренга ўхшаб эмас, ўзларининг холаларига ўхшаб кўринаверсин. Балки «хола» унча чиройли эмасдир, бироқ, менимча, ёзувчининг ўқувчи билан ҳақиқий ички боғланиши худди мана шунда».

Тўғри, Саидий ҳаётий прототип замирида яратилган образ бўлиши мумкин, бироқ роман айни бир тарихий шахс ҳақидаги асар эмас. Адабиётшунос олим О. Шарафиддинов асосли таъкидлаганидек, «А. Қаҳҳор ҳеч қачон тарих ҳодисаларига бадиий иллюстрация яратишни, тарихий тараққиётга бадиий изоҳ беришни ижодининг бош мақсади деб билган эмас». А. Қаҳҳор фельетон эмас, роман ёзди ва романда инсон фожиасини, «мутлақ салбий хислатлар қурамасидан иборат эмас, бир қатор фазилатларга ҳам эга» (У. Норматов) бўлган адашган ўзбек зиёлиларининг умумлашма бадиий образини яратди. Бу нарса романнинг ҳозирги вариантидан ҳам яққол англашилиб турибди. Дейлик, мабодо Эҳсон Москвага кетмай, ўзининг илғор дунёқараши билан дўстига бевосита таъсир қилганида (Эҳсон Саидийни, унинг қобилиятини жуда қадрлайди!), Саидий ўзини ҳазон қилган гуруҳлар ичига тушармиди? Тушмас эди, дейишга асосимиз кўпроқ. Энди бунга юқорида айтганимиз қисқартирилган 9-бобдаги «илдизлар»ни қўшсак, ёзувчи ўз қаҳрамонининг (ИНСОНнинг!) аҳволига бефарқ бўлишдан кўра унга «ачинишга», яна ҳам тўғрироғи, унинг бу аҳволга тушиб қолганидан афсусланишга, изтироб чекишга тўла ҳақ-ҳуқуқли экани, бу ижод мамлакатининг конституцияси белгилаб берган ҳуқуқлардан бири экани равшан бўлади.

Ундан ташқари, учала нашрда ҳам (1937—10, 1957—8, 1967—9-боблар) Мунисхоннинг болалигига оид махсус боблар ажратилади. Бу ўз-ўзидан Саидийнинг ҳам ўтмиши тасвирланишини тақозо қилади. Демак, 9-бобнинг олиб ташланиши бу жиҳатдан ҳам ўзини оқламайди.

Таниқли адабиётшунос Раҳмат Мажидий юқорида эслатилган мақоласида асарни батафсил таҳлил қилгани ҳолда айрим ўринларда ёзувчига бирёқламароқ, буйруқ оҳангидаги эътирозлар билдиради: «Саидий образи ишончли ва реал чиқиши учун А. Қаҳҳор энди уни шу томонга (миллатчилик, аксилинқилобий томонга — Р. Қ.) ўстириши керак эди».

Танқид ёзувчи олдига Саидийни бошқатдан ясаш, унинг образига хос бўлмаган хислатларни унга зўрлаб кийдиришни жиддий талаб қилиб қўйди. Шунинг учун асар қайта ёзилиши жараёнида Саидий характери ҳам қайта «ишланган»ки, бунинг натижасида қаҳрамон ички портретида қора ранг қуюқлашган.

Саидийни «ёмон кўришга мажбур» бўлган ёзувчи ундан оддий инсоний фазилатларни ҳам тортиб олишга мажбур бўлади. Натижада қаҳрамон руҳий ҳолатини очишда эришилган жуда нозик муваффақиятларга кейинги нашрларда, афсуски, бирмунча соя тушади.

Саидий ўзи-кўзига қарамай ўқиш-ишлаш натижасида моддий қийинчиликка учрайди. Поччасидан ёрдам сўрашни ўзига эп кўрмайди. Унинг охирги сўмларини ҳам унга ўзини «дўст» кўрсатиб юрган Улфат қуруқ ваъда билан олиб кетади. Саидий оч қолиб, ётиб қолади. Шунда унча ёқтирмагани — Шафрин келиб унга қарайди, вақтинча пул бериб туради, стипендиясини олиб беради. Шу вазиятдаги Саидий, қуйидагича, бизнингча тўғри ҳамда табиий тасвирланган эди:

«Ер ёрилмадики, Саидий кириб кетса. Қандай қилиб миннатдорчилик билдиришни билмас эди, нимадир уни қисиб, қимирлатгани қўймас эди. Қачон бўлса ҳам шу русга умр бўйи унутилмас бир яхшилик қилишни кўнглига мулк қилди-да, бунинг шу яқин ўртада бўлувига ўзида сира енгиб бўлмас талаб сезди».

Соғайиб, оёққа туриб олгач, ўша улфатлар орасига тушган Саидий ўз ваъдаларини унутади. Бу ҳол инсон ички дунёси қирраларининг ранг-баранглигини, унинг шамойили «икки карра икки — тўрт» қабилида ҳал қилинмаслигини ёзувчи теран англаганини исбот қилар эди. Афсуски, кейинги «Сароб»ларда бу ҳолат оддий ахборотга ўрин бўшатиб бериш билан тугалланади:

«Ер ёрилмадики, Саидий кириб кетса. Шафрин кетди».

Бундай ўзгаришлар Саидийнинг бутун асар давомидаги ҳаракатига нисбатан қўлланганки, натижада ҳаракатлар айрим ўринларда мажбурий қилинаётгани бўртиб сезилиб қолган.

Яна бир неча мисол. II бўлимнинг 16-бобида (1957 ва 1967 да 14-боб) кун бўйи кир ювиб, бир бурда нон емаган хизматкор аёл Тўпа ҳушидан кетиб, йиқилиб қолади. Унинг устига югуриб келган Саидий...

«То кўкрагига қулоғини қўйиб кўрмагунча ўликми, тирикми эканини билмади... Саидий сув сепиб, елпиб, не машаққатлар билан оқсочни бир оз ҳушига келтирди...

— Ҳа, нима қилди? — деди Саидий яна елпиб. — Тобингиз қочдими? Ҳар замон шундақа бўладиган одатингиз бормиди?

— Бегим... — деди оқсоч пичирлаб, — сув... сув...

Саидий неговда анҳордан сув олиб тутди. Оқсоч Саидийнинг ёрдами билан бошини бир оз кўтариб, сувни симирди-да, яна бошини қўйди...

Саидий дарров ўрнидан туриб, сут олиб келгани югурди. Йўлда «булбулигўё»га дуч келди.

— Буви, озгина сутингиз борми?

— Йўқ эди. Тирикми қуриб кетгур?

— Ҳозир сут соғгандирсиз, ахир?

— Соғдим... Пишириб, оқлик солиб қўйган эдим.

— Майли, оқлик солган бўлсангиз ҳам ўшандан бир пиёла беринг.

— Э, қатиқ бузилади. Ҳаммаси зардобга айланади. Гўрни уни қимирлатиб бўладими?

— Бўлмаса, бир юмалоқ қанд билан бир пиёла чой олиб чиқинг.

«Булбулигўё» Тўпани қарғай-қарғай уйга кириб кетди...»

---

[5] Ю. Султонов. Ўша мақола.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кейинги нашрларда бўлса, Саидий Тўпани кўргач, қуйидагича «ҳаракат қилади»:

«Саидий **оёғининг учи билан*** *унинг қўлини тортди, кейин кўкрагига зеҳн солди. Тўпа биланар-билинмас нафас олмоқда эди... Саидий негов қовоқда анҳордан сув келтирди ва* **бир неча қадам берида туриб** *Тўпанинг юзига сепди. Тўпа кўзини хиёл очди.*

— Ҳа, нима бўлди? — деди Саидий. — Тутқалоқ дардингиз борми?

Тўпа кўзини юмди, яна бир марта «сув» деди. Саидий неговни олиб унинг тепасига келди.

— Очинг оғзингизни...

Саидий, афтидан, агар Тўпа оғзини очса, **сувни тикка туриб қўймоқчи эди.** *Тўпа киприклари орасидан тепасида турган Саидийни, қўлидаги неговни кўриб, кўзларини катта очди.*

— Бегим, мен касал эмасман, мендан ҳазар қилманг... Сиз ҳушдан кетиб йиқилганда, оғзингиздан кўпик чиққанда мен ҳазар қилмаган эдим-ку...

Саидий неговни қўйиб қайтиб кетди. Йўлда «булбулигўё» учради.

— Ҳа, нима бўлибди?

Саидий **кулди.**

— Қорним оч, дейди!

— Ҳу, қорни ёрилсин.

— Озгина сутингиз йўқми?

— Сутни пишириб, оқлик солиб қўйган эдим.

— Майли (аввалги вариантдаги «майли»га солиштиринг — Р. Қ.), бир пиёла сут беринг, тузалиб кетади.

— Ие, қатиқ бузилади! Ҳаммаси зардобга айланади!

— Бўлмаса нон бериб юборақолинг, — деди Саидий ва айвонга чиқиб кетди...»

Келинг, шу ўзгаришни таҳлил қилиб кўрайлик.

Биринчидан, бу воқеа Саидийнинг ҳалокати арафасида бўлиб ўтади ва унинг **«қулиб»** гапиришдан кўра, ўзи учун ихтиёрий зиндонга айланган бу уйдан сабр косасига сўнгги томчилар томишига кўпроқ талаб бор эди. Иккинчидан, Муродхўжа домла, «булбулигўё», Сорахонларга Саидийнинг бу ерда мажбурий шерик қилиниши ўзини оқламайди, эпизоднинг аҳамият кучи йўқолади, вазият Тўпани эмас, у орқали Саидийни очишни талаб қиляпти. Учинчидан, Тўпанинг ўзи зўрға ётган, «Бегим» деб Саидийдан чўчиб турган бир аҳволда унинг юзига юқоридагидай «фош қилувчи» гапларни айтиши ҳам мантиқни хиралаштиради, ҳам Тўпадек ҳокисор аёлнинг камтарлигига соя солади. Ва ниҳоят, тўртинчидан, Саидий одам боласи эди. Унинг йиқилиб ётган аёлга нисбатан ўзини бундай тутиши ўта тубан одамларга ҳам ёпишиши қийин бўлган зўраки ҳаракатдир.

Бундай ўзгартишларнинг акс таъсири Саидийнинг опасига ва Мунисхонга бўлган муносабатида ҳам кўринади. У Мунисхонга (гарчи эрга теккан бўлса ҳам ўзи талпиниб турган, суйган одамига!) шапалоқ тортиб юборади. Ваҳоланки, илк «Сароб»да қиз айтган, ҳар иккаласининг бой берилган тақдирлари ҳақидаги аччиқ ҳақиқатни тинглаб, кўзидан ёш сизиб, индамай чиқиб кетар эди. Саидий бутун асар давомида ўйлаган, меҳрибонлик ила уйига кўчириб олган мажруҳ опасига нисбатан «тиззалари шишиб кетган оёқларини уриб синдиришга, хира кўзларини ўйиб олишга, томоғини ғажиб ташлашга тайёр» қилиб кўрсатилади. (Мунаққид Н. Шодиев нимагадир буни ҳам галюцинация ҳодисаси деб билади[6].)

Илк «Сароб»да эса бадбахт тақдири олдида ёлғиз қолган Саидий ҳатто ўз опасига оддийгина ёрдамни ҳам бера олмаганидан пушаймон ейди, эзилади:

«Кепак! — деди у ўзига ўзи, баланд товуш билан. — Албатта мен тирик эмас. Йўқса, унинг куни кепак қиздириб босишга қолмас эди. Нима қилдим? Нега оламга келиб, оҳ-надомат билан ўтиб кетаётган шу ожизани шу кунгача даволатмадим. У ишга ярамайди, чунки оёғи шол. Менинг ҳам оёғим шолмиди? Ё Эҳсон айтгандай, ақлимга шира тушганми?.. Нега бундай, олам китобини янглиш ўқидимми ё у алдамчими?» (29-боб)

Шахс ҳалокатини асослашда унга таъсир қилаётган воқеалар ва улар ҳақидаги айни шахснинг мулоҳазалари катта бадиий қимматга, исботлаш аҳамиятига эга. Адабиётнинг бу сифатини фақат 30-йиллар танқидчиларигина эмас, балки бадииятда руҳий таҳлил олд планда туришини гўё тушуниб етган, лекин уни амалда қўллашни нимагадир ўзига эп кўрмайдиган айрим ҳозирги мунаққидлар ҳам рад қилмоқчи бўладилар:

«Ёзувчи асарнинг дастлабки вариантида Саидийнинг ўзини ўзи психологик анализ қилишига катта ўрин бериши туфайли ўқувчида унга нисбатан керагидан ортиқ хайрхоҳлик, ачиниш кайфиятини уйғотган эди»[7].

Қайта ишлаш жараёнида бадиий асаргагина, фақат шу санъат туригагина хос бўлган жараёнга — ичида юриб, қалбнинг титроғини эшитиб тасвир этиш жараёнига энди камроқ эътибор берилган. Жумладан, Саидийнинг Мунисга бўлган севгисини ҳеч ким инкор қилолмас. Гарчи у Сорахоннинг ёстиғига бош қўйиб ётса ҳам, юраги тўрида студентлик йилларидаги ўша илк шуълани — Мунис севгисини асрайди. Дастлабки нашрда қиз олдидан кўзларида ёш билан чиқиб кетгач, ўзи йўл қўйган қайтариб бўлмас хатодан эзилиб, ҳалокатга яқинлашган сари Мунис ҳақидаги хотиралар уни баттар безовта қилади. Муниснинг эри Мухторхоннинг сиёсий идора томонидан чегарада қўлга олинганини эшитгач эса, у яна ўтмишига талпинади:

«Мунисхон илгариги — студентлик вақтидаги Мунисхон эмас, унинг ҳам ички, ҳам ташқи гўзаллиги сарф бўлиб битаёзган. Буни Саидий билади, аммо ҳамон севади... Саидий шу кечаси кўрпага кириб, талай вақтгача ухлай олмади. Ўйлар экан, таажжубланар эди: «Нега ўшандай бир хотинни севаман? Нега унга қўл узатиш учун бутун ташкилотни хавф остида қолдирадиган ҳодиса — Мухторхоннинг қўлга олиниши ҳам кўзимга кўринмайди?..» Албатта, Саидий Мунисхонни олмайди. Муродхўжа домла билан Салимхон келиб олдида тиз чўкканида ҳам олмайди. Фақат, у билан тез-тез кўришганида ўтмишдаги саодатли, ҳамдамлик кунларни хотирлайди-да, бу кунги сиқиқ турмушдан ўзини бир оз четда ҳис қилади. Унинг Мунисхонга бўлган ҳозирги муҳаббати аслида ўзининг ўтмиш кунларига муҳаббати эди...»

Кўряпсизки, ёзувчи қаҳрамонга руҳ эркинлигини бериб кузатяпти. Ўз паймонаси тўлаётганини сеза бошлаган инсон келажагидан бўлмаса-да, ўтмишидан нажот ахтаряпти, бир лаҳза бўлсин пок қиёфасини тиклашга интиляпти. Бизнингча, бадиий асарга, айниқса, руҳий таҳлилнинг кенг имкониятига эга бўлган романга бундай кузатишлар фақат ютуқ бўла олади. Ундан ташқари, Саидийнинг ўша ўйлари билан боғлиқ кайфияти роман ечимига сезиларли туртки бериши керак эди, уни ушлаб турган, нимагадир умидвор қилиб турган бу ҳаёт ипи, муҳаббат ипи ҳам Мунисхон ўлими билан узилади. Саидийда энди ҳеч нарса, ҳатто сўнгги тирик хотираси, кўнглида армони ҳам қолмайди.

Кейинги «Сароб»ларда, афсуски, мана шу мураккаб иш натижаси — Саидийнинг ички портретидаги турфа ранглар бирмунча ўчирилади. Яна мисолга мурожаат қилайлик. Ўз идроки, қилмиши ўлимга етаклаб келаётган Саидий «Булбулигўё»нинг *«Бўрон қўзғалди. Айвончанинг тунукасини шамол кўтарди шекилли, тарақлаяпти... Шунга бир нарса бостириб қўйилмаса...»*, деган гапига узоқ жавоб бермагач, хотин эшикни зарда билан ёпиб чиқиб кетади. Эшикнинг тарақлаб ёпилишидан қўзғалган Саидий ўйлари қуйидагича аламли эди: *«О, телба хотин, нега зарда қиласан, қўлимдан келса ҳатто шамолни ҳам тўхтатиб берар эдим. Энди мендан нима кутасан? Истасанг, ўзимни олиб чиқиб тош ўрнига ўша тунука устига бостир. Сенга фақат тошлик хизматини ўтолмадим, холос. Армонда қолма. Эҳтимол шу хизмат ҳам оламшумул адиб бўлишимга фойда берса! Зотан менинг оламшумул адиб бўлишим ҳам замон селобаси кўтариб кетаётган боғ чорвоғинг устига бостириладиган бир тош бўлмасмиди? Мен оқимга қарши юзиб, сенинг учун қилич кўтардим. Оқибат қоронғу кечада оқсоқ от билан тойғоқ йўлларидан белгисиз сафарга чиқдим. Қўй энди, менга озор берма. Мен оламга том тузатиш учун эмас, ундан тезроқ қайтиб кетиш учун келганман».*

Лекин кейинги нашрлардан бу ўйларни «эшитмайсиз».

Тўғри, қайта ёзишда айрим муваффақиятли ўринлар яна учрайди. Масалан, икки бобнинг юқорида айтилганидай битта бобга жамланиши ўзини оқлаган. Чунки уларда Саидийнинг нашриётдан аввал факультетга бориши ва у ерда Мунис билан ораларида ўтган, унча аҳамиятли бўлмаган суҳбати ўрин олган эди. Шу билан бирга Кенжанинг Саидий шеъри хусусидаги мулоҳазалари ҳам ўрнида қисқарган. Негаки, тахминан шу гапларни унинг ҳикояси ҳақида ҳам айтади. Ундан ташқари 20-бобдаги Салоҳиддин домланинг инқилоб тўғрисидаги, киши-

* Бу ва кейинги таъкидлар бизники — Р. Қ.

[6] «Сароб» романида икки психологик таҳлил...» «Ўзб. тили ва ад.» журнали, 1973 й. 4-сон.

[7] М. Алимова. «А. Қаҳҳорнинг «Сароб» устидаги ижодий меҳнатига доир». «Ўзб. тили ва адаб». журнали, 1970 й. 1-сон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг ундан гангиб юргани ҳақидаги олиб ташланган парча ҳам бутун асар руҳидан сезилиб тургани туфайли ошиқча эди.

Бироқ таъбир жоиз топилса, устознинг ўз ўхшатишлари билан айтганда, асарнинг бундай «оғриқ тишлари»га қўшиб кўпгина соғ, бақувват «тишлари» ҳам суғуриб ташланганки, бундан роман фақат озор топган. Жумладан, ташлаб юборилган 12-боб (II бўлим) ҳам асримиз бошларидаги тарихий шароит хусусида кейинги даврлар ўқувчиларига қизиқарли маълумотлар бериши билан характерланарди. Унда янги «учирма» бўлаётган Саидийнинг Ёқубжонни саволга тутгани ва Ёқубжоннинг миллатчилик билан бирга Ватанни инглизлар қўлига топшириш ҳақидаги, шовинистлар ҳақидаги суҳбати берилган эди. Бундан эса Саидийни ўз комига тортган ўранинг нақадар чуқурларга кириб боргани тўғрисида, муҳитнинг нечоғли мураккаб бўлгани ҳақида тарихий жиҳатдан тўлароқ тасаввур пайдо бўларди ўқувчида.

Ўзгаришлар фақат бош қаҳрамонга нисбатан эмас, бошқа персонажларга нисбатан ҳам қўлланган. Бунда ҳам баъзан ижобий, баъзан салбий таъсир кузатилади. Илк нашрдаги икки образ — Барот билан Кенжанинг кейинги нашрларда битта Кенжага бирлаштирилиши қаҳрамонлар марказлашувига ёрдам берган. Лекин шуниси ҳам борки, дастлабки бобларда (кейинги нашрларда) Кенжа журналда ишларди, сўнгроқ эса бирданига газетада пайдо бўлиб қолади. Бу ерда озгина изоҳ талаб қилинади, чунки иккала жойда ҳам таъсир ўтказувчи муҳаррирлар бошқа одамлар.

Гапни яна «лекин»дан давом эттирамиз.

Москвадан ўқишни битириб келган Эҳсон шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига ишга жойлашади. *«Ўрта медицина маълумотигина бўлган»* бўлим мудири бу *«итваччани»* мумкин қадар ўзидан йироқлаштиришга тиришади, оёғидан чалишга ҳаракат қилади. Илк «Сароб»да мудир Серов фамилияси билан берилса, кейингиларида бу Носировга алмаштирилган. Ўша даврлар мулоҳазаси билан қилинган бу ўзгариш асарга акс таъсир этган. Чунки Саидий Эҳсоннинг руслар билан тўқнашиб, улардан енгилишини тўда режаларини амалга оширишдаги етакчи омил деб билади: *«Зорайики, бу курашда Эҳсон енгилса, зорайики мағлубиятдан гангиса, ёрдам ваъда қиладиган ҳар бир кишига, жумладан, Аббосхонга қўл узатса!»* (Ҳамма нашрда.)

Асар материалини жуда яхши билган А. Қаҳҳор дастлабки вариантда ҳаёт ҳақиқатига, давр ҳақиқатига тўла риоя қилган, ҳар бир персонаждан унумли фойдаланишга ҳаракат қилган эди.

Абдулла Қаҳҳор ижод маҳсулининг энг саралари қаторига унинг ўтмишдан олиб ёзган деярли барча асари киради. Ёзувчи ўтмишни эркин, енгил чиза олади, қаҳрамонларини яқиндан кўра билади. Шу жиҳатдан илк «Сароб»да жуда ҳам характерли, жуда ҳам муваффақиятли ўтмиш лавҳаси — темирчи билан унинг ўғли, етти яшар бола Саримсоқ ҳақидаги ҳикоя бор. Р. Мажидий бу тарих тасвирини романнинг энг муваффақиятли ўринларидан бири сифатида тилга олади. Лекин, айрим танқидчиларга бу нарса малол келади: «...Баъзи воқеалар роман сюжетидан ташқарида қолган... Ниёзмат Ҳожининг қароли Саримсоқнинг саргузаштини олайлик. Бу тўғри тасвирланган, лекин алоҳида бир ҳикоя бўлиб қолган»[8].

Энди бу лавҳанинг ўзига қайтайлик: Ниёзмат Ҳожи бошлиқ бойлар кўнгилхушликка қишлоқнинг чиқавершдаги булоқ атрофида кураш беришяпти. Қишлоқнинг кучли, бироқ камбағал полвонлари бирор соврин илинжида беллашишади. Майдоннинг бир чеккасида далама-дала деҳқонларнинг кетмон, ўроқларини эпақага келтириб, чархлаб юрувчи темирчи кўчма дўкон очган. Чарх тортишда, турли майда ишларда унга кичкина ўғли Саримсоқ ёрдам беради. Темирчининг иши касод, тушадиган уч-тўрт қора чақа тирикчиликка аранг етади. Кураш бўлса, қизигандан-қизияпти. Шунда темирчи ҳам баҳоли қудрат омадни синаб кўришга ўртага тушади. Оғир жисмоний ишда қотган билаклари унга мадад бўлиб, манаман деган полвонларнинг елкасини ерга теккизади, эвазига дурустгина совринли бўлиб олади. Лекин бу «келгинди»нинг ютуғи Ҳожининг чирик кўнглида ниманидир ғимирлатади. У қўшни қишлоқлик, ҳали одам боласи енга олмаган, темирчига ҳеч жуфт бўлмайдиган, полвондан ҳам кўра йиртқичга менгзаш мумкин бўлган *(«Қўтосга ўхшаган»)* кишига одам юборади. Ниҳоятда тенгсиз, ниҳоятда даҳшатли олишув бўлади ва инсон қиёфасидаги ўша махлуқ темирчининг енгилаётганига шукр қилмай, қўлида пул ўйнатаётганларнинг буйруғи билан уни ерга уриб, эзиб ўлдиради...

«...Темирчи йиқилишини бўйнига олиб, қўтосни мумкин қадар юмшоқроқ ерга олиб боришга тиришар эди. Қумлоқ устида темирчи атайлаб икки мартаба ён берди. Саримсоқ қичқириб юборди. Қўтос отмади, зўр билан уни майдоннинг четига — қаттиқ ерга судради. Атрофда ғовур бошланди.

Қоронги туша бошлаганда қўтос темирчини яна икки мартаба кўтарди. Бунинг ҳар иккаласида ҳам темирчини улоқтириб юбора олар эди, аммо улоқтирмади. Учинчи дафъа кўтарганида кўкрагига олди. Темирчи оёғини қўтосининг сонига, тиззасини қорнига ниқтади, аммо бу унинг қалтис йиқилмаслигига ёрдам беролмади. Қўтос уни яна ҳам юқорига кўтарди-да, боши билан ташламоқчи бўлди. Ўнг келмади. Темирчи оёғи билан тушди. Қўтос шу оннинг ўзидаёқ, унга ўзини ростлашга эрк бермай, яна кўтарди-да, ёнбошга олиб ғазаб билан ерга урди ва тиззаси билан кўкрагини босиб тушди. Темирчининг боши қаттиқ ерга тегиб, тўпдай қалқиди... Атрофда қий-чув, сўкиш бўлиб кетди. Қўтос полвонларнинг таомили бўйича йиқилганни кўтариб ҳам қўймади. Ўрнидан туриб, индамай, келган томонига қараб кетди... Темирчини кўтаришди. У ҳаддан ташқари тез-тез нафас олар ва оёқ устида туролмас эди. Кўкрак суяги синган...»

Отасини йўқотиб чирқиллаётган болани бўлса, Ниёзмат Ҳожи ўз хизматкорига айлантиради. Ҳожи ва унинг эрка хотинлари болани хўрлашади, турли тубан ишларни буюришади. Унинг устига ёш қалбни «эҳ, ана отанг келди» деб масхаралашади, устидан кулишади. Пировардида унга «Сен жиннисан» деб туну кун миясига қуйишади. Натижада бола: *«Ҳожи нима берса кияди. У емайдиган овқат йўқ. Ишқилиб чайнаганда юмшоқ бўлиб, ютиш мумкин бўлса бўлди. Тўйганини билмайди, аммо емасдан бир ҳафта юрса ҳам овқат талаб қилмайди. Нимани буюрилса шуни қиларди. Сигирнинг бўйнига тушган канани териб ташлашдан тортиб, ўзи якка замбарда гўнг ташишигача унинг иши. У овқат сингари ишни ҳам бир-биридан фарқ қилмайди...»*

Шу ерда алоҳида таъкидлаш лозимки, Саримсоқ тарихи жуда кўп жиҳатдан Чингиз Айтматовнинг манқуртлар афсонасини ёдга туширади! Жонли тасвирга бой, ёзувчининг болалиги билан қандайдир оҳангдош бу ҳикоя, бизнингча, кейинги «Сароб»ларга ҳам кўрк бўлар эди. Бундан ташқари, роман охирида ҳам шу Саримсоқ ҳақида, унинг соғайиб, колхоз тузилишининг олдинги сафларида бораётгани ҳақида гап кетади. Ёзувчи бу образни Саидийга солиштириш учун кенг планда олиб кирган эдики, ўз кўнглида «Мен ҳам ерни кўтараман» деб юрган Саидийнинг аянчли қисмати ва зўраки жиннига чиқарилган Саримсоқнинг эртаси бугунидан порлоқлиги ўзига хос ички солиштириш орқали ечимда намоён бўлар эди.

Ҳабиб Мусаев А. Қаҳҳор услубини ибтидоий адабий мулоҳазаларга ҳам эга бўлмаган ҳолда тушуниб, ғалати-ғалати «кашфиёт»лар қилган экан. Жумладан, «А. Қаҳҳор ўз фикрини Саидий тилидан айттириб, Совет ўқувчилари устидан очиқ кулади», дейди. Яна бошқа бир жойда: «Нега автор бир тўда хоинларга қарши ўқувчининг нафратини кўзғотгиси келмайди? Романда бу нарсалар дорига ҳам топилмайди. Аксинча, романда нуқул бир туркум миллатчиларнинг оиласигина, уларнинг ички суҳбатлари, пайшанбалари, кайф-сафолари ифода этилади»[9]. Бу каби кашфиётлар муаллифига «бош эгайлик-да» яна асарнинг ўзига мурожаат қилайлик. Шу ерда ҳурматли ўқувчилардан бизни мақолада келтирилаётган катта-катта кўчирмалар учун одобсизликда айбламасликларини сўрардик. Биз бу ишни махсус қиляпмизки, мақсадимиз юқоридагидай танқидларга «Сароб»нинг ўзи кураша олишини, романда ҳеч қандай кўмакка муҳтож бўлмаган қудрат яширинганини исбот қилишдир. Ундан ташқари, А. Қаҳҳор ижод принципида бир айтган гапни бошқа айтмаслик, бир ишлатган ташбеҳни бошқа ишлатмаслик қоидаси ётадики, шу тушиб қолган ўринларни иложи борича ўқувчиларга етиб боришини хоҳлаймиз.

Демак, ёзувчининг кейинги нашрларга кирмай қолган «очиқ кулгисини» эшитайлик: *«Биринчи этажнинг залидан вокзалнинг ҳиди келар эди: тиқилинч, ғовур, дим. Терга пишган одамлар ташқарига очиқ ҳавога эмас, залнинг тўрига — эълон тахталарига қараб оқадилар. Очлик йили текинга нон улашганда ҳам бундай бўлган эмас...*

У қизлар, у яхши кўрган куёвининг эркалашидан гул-гул

---

[8] Ю. Султонов. Ўша мақола.

[9] Ҳ. Мусаев. Ўша мақола.

www.ziyouz.com kutubxonasi

очилиш вақти бўлган жувонлар! О, эсиз шоҳи, маркизит кўйлаклар — баданларга тер билан чиппа ёпишибди. Силлиқ қилиб таралган, кўп диққат ва меҳнат сарф қилиниб ўрилган сочлар тўзган, сочилган. Бу кунга аталиб меъёридан ортиқроқ ишлатилган атир ҳиди тер ҳиди билан қўшилишиб янги бир ҳид ҳосил бўлганки, на жирканч, на димоққа хуш келади. Қизлар бор жойда кўйлак ёки желеткасининг қайси тугмаси солинган ва қайси солинмаганини ҳам фарқига борадиган олифта йигитларнинг ҳам галстуги қийшиқ, сочи оёқ остида қолган ажриқ сингари. Асраб қўйиб ҳар замон кийиладиган кўйлаклар дастмолдай ғижим, ҳаммомнинг лунгисидай жирканч».

Бу манзара, аввало, Саидий ва Мунисниинг кўзи билан кузатиляпти. Бундан ташқари, бу ерда ростдан ҳам «очиқ», самимий юмор, реалистик бадиий тасвир бор.

«Хоинларга қарши ўқувчининг нафратини» Саидий тўйидаги кайф-сафо тасвири кўзгамасмикин? Ичимлик кўпайиб, Саидий тўйи тўй эмас, махлуқларнинг базмига айланиб кетади. Ичкилик тарқатувчи қўй-мол сўйилган ўнгирга тушиб кетиб, ўша ерда тинчиб қолади. Келинг, давомини илк «Сароб»нинг ўзидан ўқийлик:

«Тўйнинг зеб-зийнати деб сўзга чиққан нотиқлардан ҳар қайсиси «ҳозир чиройли ва ёқимли нутқим билан ҳаммани ўз оғзимга қаратаман» деб чиқади-да, удда қилолмай хижолат бўлади. Ғовур, кулги, ичкилик сўраб чойнак қопқоқларининг чириқлатилиши ичида нотиқ ўз нутқини ўзи ҳам эшитмайди.

Ҳовлининг аллақайси бурчагида кимдир арслондай бўкиради ва ҳар бўкирганидан кейин бўғиқ ва палағда товуш билан «бошимни ушла» деб қичқиради... Оғилнинг эшиги олдида (!) икки киши Жамол Каримийни ушлаб туради, учинчи бир киши бошидан пақирлаб сув қуяди. Катта толнинг остигача оқиб борган бу сувга йўғон, барваста бир одам тойилиб йиқилди-да, шундай қолақолди. Кимдир йўлакда кўринган қиз-жувонларни қийқиратиб қувади ва айб гаплар гапиради. Кампирлар қарғанадилар. Бир чол ўртага тушган эди, абжиргина бир йигит калла уриб уни йиқитди. Электрнинг тилига тушунадиган бир маст бир бўш патронга пичоқ тиқди-да, бутун чироқларни ўчирди ва то монтёр келиб тузатмагунча, хотинларнинг қарғанган, сўкинган товушлари узилмади...»

Ахир, ёзувчи «асаримнинг манави ери нафратланишинг учун дори» деб рецепт бериши керакми танқидчига?!

Портрет чизишдаги А. Қаҳҳор маҳоратининг беқиёслигини унинг ҳар бир, ҳатто «кичкина қаҳрамонларининг» ҳам қиёфалари адабиёт галереясида мангу қолганлиги исботлаб турибди. Бироқ сўнгги нашрда Сорахон тасвири жуда қизиқ жойда узилиб қолган. Мана, аввалги нашрлардаги ўша тасвир:

«Сорахон... қандай кайфиятда ва қандай қаттиқ гапирмасин, юпқа лаблари худди пичирлагандай ҳаракат қилади. Учли пешонасининг ўртасидан фарқ очилиб, жингалак сочи қошларига тегай-тегай деб қулоқлари орқасига ўтиб кетган. Аччиғи келганда қошининг бири паст, бири баланд бўлиб, кичкина кўзининг ости пирпираб учади ва кичкина, ўта кўринарлик даражада юпқа бурнидан унча-мунча бор қон ҳам қочади, тешиклари керилади».

Буни ҳар қандай ёзувчи орзу қилса бўладиган, ҳам комик, ҳам равшан портрет чизишнинг намунаси деса бўлади. Худди шу бобда охирги нашрдаги «Сароб»дан қуйидаги биргина гап, лекин адабиётга айланган гап тушиб қолган: *«Аммо домла уни* (Сорахонни — Р. Қ.) *ўқитишга қаттиқ бел боғлаган: планлар катта, бироқ, ҳар йили «иншоолло янаги йилдан» дея-дея, Сорахонни олим бўлишидан кўра, она бўлишни кўпроқ ўйлайдиган ёшга етказиб қўйди...»*

Яна бир адабий топилма (зеро, бадиият топиб айтилган ташбеҳ ҳамдир): 13-бобда Салимхон, Саидий, Мунисхон сухбати берилади. Бунда оз-оздан ичиб кайфи оша бошлаган Саидий Салимхоннинг революциянинг маданий ўзгаришдаги ролини инкор қилиш руҳидаги гапларига эътироз билдирмоқчи бўлгани ва бунга эриша олмагани қуйидаги бир гап билан «исботланади»:

«Саидийнинг бошида «Афғонистон-чи, Эронистон-чи?» деган икки сўроқ қоронғи кечада мўридан чиққан учқундай кўтарилган эди, янги шишанинг биринчи рюмкаси бу учқунларни сўндирди...»

Сўнгги нашрдан қолиб кетган яна бир кичкина, бироқ, ҳам ўқувчининг эсида қоладиган, ҳам образга ранг қўшадиган деталь: оқсоч хотин Сорахоннинг инжиқлигига қулоқ соламан, деб сутни қуйдириб юборади, бу чиқимдан ғазабга келган Домла кафгир билан қозонни обдан қириб, бир коса куюндини еб бўлмагунча оқсочнинг тепасида туради (II бўлим, 6-боб). Кўпинча, узундан-узоқ характеристикалар эмас, мана шунақа ихчам, бироқ рангли чизиқлар қаҳрамон ҳақида ўқувчида ўчмас тасаввур ҳосил қилса керак.

1937 йилги нашрнинг II бўлим 15-бобида Сорахонни Саидийга қарши қайраб қўйиб, уларнинг жанжалига тумшуқ суқишни хоҳлаган «булбулигўё» ёшларнинг хонасига *«икки-учта лампочка кўтариб кирди»*, дейилса, иккинчи нашрда *«чой кўтариб кирди»*, учинчисида эса, *«гул қўйилган ваза кўтариб кирди»* деб берилади. Бизнингча, илк «баҳона» жуда ўринли топилган, кулгили эди. Чой кўтариб кириши шунинг учун ярамайдики, мазкур бобнинг бошида чой олиб кирилгани ҳақида гапирилади. Учинчи вариант умуман келишмаса керак. Чунки юрагида гўзаллик ҳақида заррача туйғу бўлмаган «булбулигўё» билан ваза тўла гул... бирга тасаввур қилиб бўлмайдиган тушунчалардир. (Рост, бу ваза кейин сунъий равишда Саидий томонидан ойнанинг синдирилишида иштирок этади. Илк «Сароб»да бу ҳаракат йўқ!)

Асар ниҳояси ҳақида ҳам алоҳида тўхтамай иложимиз йўқ. Рус адабиётшуноси Вера Смирнованинг «Фарғона водийлик Абдулла Қаҳҳор» («Дружба Народов» журнали. 1963 й. 7-сон) мақоласида тўғри таъкидланганидек, Саидийнинг ўлим олдидан қиладиган «қўпорувчилик» ҳаракати асарнинг умумий руҳига, оқимига унча сингишмаган. Бутун бошли бир эшелоннинг ҳалокатга учраши, яна Саидий хоҳишига қарши ўлароқ, составнинг пассажир поезди эмас, чорва ортилган юк поезди бўлиб чиқиши, «яримгача ерга кириб кетган паровоз» ҳақидаги гаплар ишонарсизроқ. Мана шу жиҳатдан ҳам илк «Сароб»даги, ўзини дарёга ташламоқчи бўлиб йўлга чиққан Саидийнинг, ҳатто, ўла билишга ҳам қурби етмай, олдиндаги алдамчи саробга интилган кўйи, қор бўрони остида ер тишлаб қолиши бошқа ошиқча ҳаракатга ўрин қолдирмайдиган якун бўлиб кўринади. Саидийни зўраки ҳаракат эмас, ўз руҳи, ўз виждони, жувонмарг бўлган ёш умрининг алами ўлимга олиб келади ва бундан ўқувчи кўпроқ таъсирланади!

Уч «Сароб»ни бобма-боб солиштириб ўрганиш натижасида шуларга ўхшаш анчагина ўзгаришларга дуч келдик. Бизнингча, бу ўзгаришларнинг юқорида тилга олинган айрим намуналариёқ шуни кўрсатадики, конфликтсизлик даври ва яна бошқа даврлар танқидига учраган «Сароб» романи қайта ёзилиш жараёнида бир оз қўшимча сифатлар орттириш билан бирга, ўзида бор бўлган беқиёс сифатлардан бирмунчасини йўқотган ҳам. Карл Маркс «Сиёсий иқтисод танқидига доир» асарининг сўзбошисида «КЕМИРУВЧИ ТАНҚИД» иборасини ишлатади. Ижодининг бошидаёқ жуда катта адабий мақсад билан чиққан Абдулла Қаҳҳорнинг кейинги қадамларига танқид ниқобидаги бундай кўринмас ҳалқалар ўз оғирлигини солган, албатта. Эҳтимол шунинг учундир, улуғ адибимиз умуман танқидга ҳурмат билан қарагани ҳолда, танқидчиликдаги салбий ҳодисаларни кўрганда сира чидаб туролмаган. «Шижоат ҳақида» мақоласида шахсга сиғиниш даври туғдирган айрим ваҳимачи танқидчилар хусусида бундай ёзади: «...шубҳа бандалари тухумдан тук қидиради, майдонга келган ҳар бир асарни тирноқлаб, ҳидлаб, иложи бўлса ёзувчининг бошига чертиб кўришни, булардан албатта нуқсон топишни, лоақал асарни шубҳа остида қолдирадиган ҳар хил имо-ишоралар қилишни, чала-ярим гаплар айтиб, мишмишларга озиқ беришни ўзининг касби ҳисоблайди». Бу гапларни шунинг учун ҳам таъкидлаяпмизки, ҳатто ҳозирги кунда ҳам ўтмишнинг аччиқ сабоқларидан етарли хулоса чиқаришни хоҳламаётган айрим танқидчилар ҳақиқий бадиятнинг қадрига етмай, бадиятдан йироқ, жўн асарларни кўкларга кўтариб мақтамоқдалар, рўйхатларда санамоқдалар...

Хўш, «Сароб» хусусидаги бу мулоҳазаларимиздан асосий мақсад нима? Ҳар қалай, мақсадни ҳурматли ўқувчи англаган бўлса керак.

Бундан ташқари, 1987 йили буюк талант соҳиби Абдулла Қаҳҳорнинг 80 ёшлик юбилейи бўлади. Бу қутлуғ сана муносабати билан адибнинг қатор асарлари ниҳоят қайта босилади. Мабодо ҳурматли ноширларимиз «Сароб»нинг бўлғувси нашрларида илк вариантдан тушиб қолган ёки ўзгарган жойларга ҳам изоҳ тарзидами, китобнинг охирида бериладиган қўшимча тарзидами жой ажратсалар, халқимиз тасаввурида хассос ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳақида яна бойроқ тасаввур уйғотган бўладилар. Бундан ҳеч ким ютқазмайди, ҳамма ютади. Шу жумладан, АДАБИЁТ ҳам!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қодиржон Собиров

Тўкис бахт излаб...

...«Қарши-Москва» самолёти само сатҳида бир маромда сузиб борарди. Пастдаги паға-паға булутлар бир сурув қўйни эслатар, дам-бадам уларнинг қати очилиб, узун, ингичка илонга ўхшаш кумушранг дарёлар ялтириб кўзга ташланади.

Оқ-сариқдан келган, чўзиқ юз, истараси иссиқ бу аёл билан самолёт ердан кўтарилиши биланоқ суҳбатдош бўлиб қолдик.

— Москвага қизимнинг тўйини ўтказиб келгани кетяпман, — унинг кимгадир кўнгил ёзгиси келаётгани сезилиб турарди. — Турмушга чиқяпти. Яхши кўрган йигитига. Ҳамроҳим менга синчковлик билан назар ташлади. Бу қарашда «Айтсамми, айтмасамми?» деган гумон уқидим.

— Ўтган йили журналлардан бирида одоб-ахлоқ мавзуидаги мақолангизга кўзим тушган эди, — деди у ниҳоят сумкачасидан тўқ-сариқ бир дафтар чиқариб, — сизга бир нарса кўрсатайин. Йўл узоқ — ўқиб кетарсиз. «Ёлғиз аёлнинг дил рози»ми ёки «Қизимга хат»ми... Хуллас, бу ёғи сизга ҳавола. Илтимос, бир кўз югуртириб чиқинг.

— Одобдан бўлармикан бировнинг хатини ўқиш? — ийманиб сўрадим мен.

— Сизга мумкин. Бу дафтарни йигирма йилдан бери ёлғиз қизим учун ёзиб келаётибман. Ушбу ёзганларим балки бошқаларни ҳам қизиқтирса ажаб эмас. Ахир кимнингдир хатоси бошқа биров учун сабоқ бўлиши керак-ку!

Аёл шундай деб яна дерезага тикилди. Менга узатган дафтарнинг сўнгги саҳифаси очилиб кетди. Дафтардаги ёзув «Сенга бахт тилайман, яккаю ёлғизим, кўзим қароғи» — дея тугалланарди.

Дафтарни бир бошдан варақлашга тушдим. Ўқиганим сайин ўқигим келди... Мана бир кўнгил изҳори:

16 февраль, 19... йил.

Юрагимга қил сиғмайди, қизгинам! Бу ёруғ дунёда, улкан оламда сендан яқинроқ бир ҳамдард тополмадим.

Ҳозир тун ярми. Шаҳримиз тинч уйқуда. Сен, менинг кичкинам, жимгина ухлаб ётибсан. Дунёга келганингга атиги олти ой бўлган, холос. Ғаминг йўқ, ташвишинг йўқ, ҳеч нарсадан хабаринг йўқ...

Сен — ҳаётимнинг давомчиси, нозик-ниҳолим...

Нимадан бошланди ўзи ҳаммаси? Айт-чи, нега уйда иккаламиз ёлғиз қолдик? Фақат сену мен, фақат мену сен...

Бир ҳафта бўлдики, мен сени олиб, мана шу уйимизга, менинг дадам ва ойим, сенинг эса бобонг ва катта бувингнинг уйларига кўчиб келдик. Биратўла келдик. Даданг маст кўзларини мўлтиратганча орқамиздан тикилиб қолди. Сенинг даданг...

Сен ҳали жуда-жуда кичиксан, қўзичоғим! Ҳали ҳеч нарсадан хабаринг йўқ. Даданг ким, ойинг ким — билмайсан. Кел, аввало мен сени ўзим билан таништирай.

Мен — сенинг ойинг — каттагина, ўзига тўқ, тинч бир оилада дунёга келдим. Болалик йилларимни элас-элас эслайман. Менинг ҳам сенга ўхшаш ўйинчоқларим жуда кўп эди. Ҳамманикидан ҳам кўпроқ эди. Дадамнинг шофёри акам билан мени мактабга «Волга»да олиб бориб, олиб келарди. Бизлар бошқаларга нисбатан нимамиз биландир ажралиб туришимизни ёш қалбим ила ҳис қилардим. Бизнинг оила учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ эди дунёда. Гўё осмонга қўл чўзсам ой ҳам, юлдузлар ҳам кафтимга қўнадигандай эди.

Ёдимда, ўн бир ёки ўн икки яшар эдим. Қишлоғимизга қандайдир машҳур артист келиб, концерт берди. Ойим мени, акам ва укамни дадамнинг оппоқ машинасига ўтқазиб, клубга олиб келди. У ердагилар: «Хўжайиннинг оиласи, каттанинг оиласи» дея типирчилаб қолишганини кўриб, роса завқландим. Клуб томошабинлар билан лиқ тўлган экан. Бизни минг қуллуқлар билан орқа томондаги алоҳида йўлакчадан ичкарига олиб киришди. Клуб мудири — қорачадан келган опа — биринчи қатордаги томошабинларни ўринларидан кўзғата бошлади. «Қани, орқага ўтинглар, бу ер зайнит!» Ўрта ёшдаги, қўлида чақалоғи бор бир аёл, соқоллари кўксига тушган чол ҳамда иккита йигит ўз ўринларини бўшатиб беришди. Ҳалиги чол ўрнидан тураётиб, бир нарсага қоқилиб кетди... Биз, болалар, қиқирлашиб роса кулдик.

— Қизим, яхши қилмадингиз, — деди ҳалиги мўйсафид клуб мудирига, — шу муштдек болаларни деб бизни иссиқ жойимиздан қўзғатдингиз-а?

Ҳа, демак, биз оддий болалар эмас эканмиз! Ўшанда бўйим гўё бир қарич ўсгандай бўлди.

Мана шундай шароитда вояга етдим, қизгинам! Ўрта мактабда ўқирдим-у, синус билан косинусларни чалкаштириб юборсам, Пифагор билан Ньютонни алмаштириб қўйсам ҳам нуқул «беш» баҳо олардим.

Мактабни олтин медаль билан тамомладим.

«Врач бўлсин» деди мени дадам. Кейин билсам, ҳали ўрта мактабни тугатмасимданоқ мен учун медицина институтидан битта ўрин «забт» этилган экан. Институтга ҳам дадамнинг «Волга»сида кириб бордим. Имтиҳонларнинг бирида чўққи соқол профессор синчковлик билан кўзларимга тикилди-да, шундай савол берди:

— Сизни кўп қийнаб ўтирмаймиз, қизим, яккаю ягона саволимизга жавоб беринг-да, ўзингизни студент ҳисоблайверинг. Қани, айтингчи, медицинанинг отаси, қадимги юнон табиби ким бўлган. Айтиб қўяй, бош ҳарфи «Г»...

— Гагарин, — дедим мен тап тортмай. Чунки ўша йиллари Гагариннинг номи ҳамманинг оғзида эди. Роса кулги бўлди. Қотиб-қотиб кулишди.

— Қизчамиз ҳазилкаш экан, — кўз ёшларини артиб, кулди профессор, — бизнинг чарчаб ўтирганимизни кўриб, бир кулдириб қўймоқчи бўлдилар. Албатта Гиппократ демоқчи эдилар. Биз бу юморни тушундик.

Сўнг, ўзаро пичирлашиб туриб, имтиҳон варақамга «беш» қўйиб беришди.

Аммо бу мединститут дегани даҳшатнинг ўзи экан. Мен аслида қонни кўрсам кўнглим озгувчи эди. Бу ерда... Биринчи кунлардан бошлаб мурдаларга, уларнинг кесилган қўллари, оёқларига кўзим тушиб қолди-да, ақлдан озаёздим. Тушларимга ҳам мурдалар, одам суяклари кириб-чиқадиган бўлиб қолди. «Бормайман ўша институтга» — дедим қатъий қилиб. Ҳа, қизгинам, қанчадан-қанча ёшлар остонасидан бир марта ҳатлашни орзу қилган даргоҳни мен кераксиз бир қўғирчоқдай, бир кунда тарк этдим.

Ўзимнинг эса ёшликдан артистликка ҳавасим бор эди. «Навоий» драмасидан ярим соатлаб тинмай монологлар ўқишим мумкин эди. «Театр ва рассомчилик институтига кираман», — дедим кейинги йили.

«Йўқ, — қатъий эътироз билдиришди дадам ва ойим, — бизнинг авлоддан ҳали ундай енгил-елпи одамлар чиққан эмас ва чиқмайди ҳам...»

Ўша йили мени пединститутга олиб кириб қўйишди. Ҳа-ҳа ўзим кирдим эмас, олиб кириб қўйишди. Кунларнинг бирида уйимизга узун бўй, серсавлат киши меҳмон бўлиб келди. «Холматбой! — деди дадам унга, — мана шу жиянингизни пединститутга жойлаш керак. Беш йил сизга раҳбар бўлиб, бурнингизни қонатмай, битта комсомолча поручения берсак берибмиз-да!» «Бош устига, хўжайин!» — деди ҳалиги одам. Иккаласи кулишди. Қўл олиб хайрлашишди. Имтиҳонлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

пайтида институтга келиб-кетиб юрдим, холос. Мандат комиссиясида биринчи бўлиб менинг фамилиямни ўқишди...

Тўрт йил ҳам орқада қолиб кетди. Институтни ҳам тугатдим. Кишининг ҳаётида шундай бир пайт бўлади: бир кун эмас, бир кун албатта муҳаббатга дуч келасан. У сени қайси бурчакда, қайси бир хилватгоҳда кутиб турганини билмайсан. Албатта домига тортади.

... Охирги курсда ўқирдик. Политехника институти студентлари билан бирга пахта терардик. Ўша пайтда номи чиққан вокал ансамбль далага меҳмон бўлиб келди. Концерт қўйилди, сўнгра танца бошланди. Мен Санжар ака билан ана шунда илк бор танишдим. Муҳаббат ҳақидаги киноларни ўн марталаб, йигирма марталаб кўргансан. Бизники ҳам худди шунинг ўзи бўлди. Ойдинда, шўх шаббодаю ариқ сувларининг чулдираши гувоҳлигида қўл ушлашиб кезишлар... Аҳду паймонлар... Мен умр бўйи кимнидир кутиб юрганимни, ўша кутган одамим Санжар ака қиёфасида намоён бўлганини эндигина ҳис қилдим.

Орадан бир йил ўтиб, институтни тугатганимиздан сўнг мен ўрта мактабда, Санжар ака эса заводда ишлай бошладик. Кўп ўтмай тўйимиз бўладиган бўлди. Дадаларимиз яхши таниш эканлар. Шундай бўлса ҳам дадам ва ойим обдан ўйлаб кўришди. «Умр савдоси бу, янглишмайлик тағин» дейишди. Ойим Санжар аканинг қариндош-уруғларини мақтай кетди: «Таг-тугли, обрўли, бақувват оиладан экан. Дадаси фалончи министрнинг ўринбосари экан...» Мен фақат Санжар акани билардим, холос. Дадаси киму бошқа қариндошлари ким — ишим бўлмасди. «Қизимизнинг эрки ўзида» — жавоб қилишди ниҳоят дадам билан ойим. Мен кўзларимни ерга қададим.

Тўй ҳам бўлиб ўтди.

Одамлар нима дейишса дейишаверсин. Аммо ҳар бир янги оиланинг биринчи турмуш йили тотли, беқиёс ширин бўлади. Биз бир-биримизсиз яшай олмасдик. Кўп ўтмай юрагим остида сенинг кичкина юракчанг тепа бошлади. Энди мен Санжар акамнинг ишдан келишларини орзиқиб кутардим. «Ишқилиб кўз тегмасин сизларга» — хурсанд бўларди қайнонам аҳиллигимизни кўриб.

...Мана, тун ярим. Иккаламиз ёлғизмиз. Йўқ, янглишибман. Иккита эмас, учта эканмиз бизлар. Учинчимиз — ёлғизлик... Билиб қўй, бунга даданг айбдор. Фақат у айбдор, қизгинам! Сенинг даданг айбдор. Мен бахт деб ўйлаган нарса сароб бўлиб чиқди. Мен янглишган эканман. Бир бошдан эшит. Аввал у шира кайф келадиган одат чиқариб олди. Уйга келади-да, на ойисига, на дадасига, на менга ёзилиб гапиради. Ўзича уфлайди, сигаретанинг тутунини тутунига улайди...

Кейин эса кўп ичадиган бўлиб олди. Ҳар куни келади-да, диванга ёнбошлаб, уҳ тортади. Охири бир кун мастликдадарини тўкиб солди. Айтишича, заводда бўлаётган қора ишларга панжа остидан қарай олмас эмиш. Ҳаммаёқда ўғрилик эмиш. «Орамизда битта сен тўғрию виждонли экансан-да! — дейишибди яқинда унга, — чучварани хом санабсан. Кемага тушганнинг жони бир. Ё биз билан бирга бўласан, ёки...»

— Ахир мен ўғирлик қилолмайман, Нигора! — деди у йиғламоқдан бери бўлиб.

Аммо нега ичади у, нега ичади? Мен шунисига тушунолмайман...

Бу орада сен дунёга келдинг. Сенинг туғилишинг ҳам даданги унча қувонтирганини сезганим йўқ. У киши ўз ғаму ташвиши билан овора эди.

...Ўша куни ярим тунда даданги уйимизга қандайдир бир машина ташлаб кетди. Оёқларида туролмасди у киши. Келасолиб, ўзини диванга ташлади. Кўзлари хира тортган, сочлари хурпайган. «Бу ёққа келинг, Нигора, менга тасалли беринг, мени қутқазиб қолинг, — деди у. — Мен тобора ботқоққа ботиб боряпман».

Тинмай гапиради, алаҳсирайди... Ёмон жаҳлим чиқди. «Бу ёққа келинг, илтимос, менга таянч бўлинг», деди яна. «Бормайман, Сиздан ҳазар қиламан. Сизга ароқ таянч бўлсин» дедим. «Сизни ароқ юпатсин» дедим. «Кетаман» дедим.

— Агар сен ҳам мени тушунмайдиган бўлсанг — тўрт томонинг қибла! — ўшқирди у.

Сени даст кўтардим-да, бағримга босганча ойимларникига жўнадим. Бор гапни тўкиб солдим. «Шошқалоқлик қилибсан, — деди дадам, — оқибатини ўйлаш керак эди ҳар нарсанинг, қизим!» Аммо ойим менинг тарафимни олди: «Бировлар ҳақоратлаши учун туғиб қўйган қизим йўқ...»

Мана, олти ойдирки, ўзим ёшликда катта бўлган хонада уч киши бўлиб яшаяпмиз. Мену сен ва ёлғизлик. Тонг саҳардан сени кийинтираман-да, етаклаб мактабга жўнайман. Йўл-йўлакай сени яслига ташлаб ўтаман. Сен билан бирга юрагимни қолдириб кетаман у ерда, қизгинам!

Олти ойдирки, шу аҳвол...

7 июнь, 196... йил.

Мактабда имтиҳонлар давом этяпти. Мен ўз ташвишларим билан бандман. Даданги бутунлай ўйламайман. Уни фақат сен эслатиб турасан дам-бадам. Кулишларинг ўхшаб кетади унга. Бизга ундай дада керак эмас, тўғрими, қизгинам? Менинг овунчоғим — сен. Сенинг овунчоғинг — мен. Шу етади иккимизга. Эрлари билан ажрашганлар ўлиб қолаётганлари йўқ-ку!

Кеча даданг йўлимни тўсиб чиқди. Афти-ангори бир аҳвол.

— Уйга қайтинг, Нигора, — илтимос қилди у, — қаётда бундай иссиқ-совуқлар бўлиб туради. Ситорага дада керак.

— У дадасиз ҳам яшайверади, — дедим чўрт кесиб, — унга ўзим ҳам дада, ҳам ойиман.

— Мен қизимни кўрмоқчиман, — деди у илтижоли оҳангда.

— Қизингизнинг ўрнига ароқни кўринг, — дедим оғзидан чиқаётган қўланса ароқ ҳидини сезиб, — ўша бугун ичганингиз ароқ сизга ҳам хотин, ҳам фарзанд.

Ярим йилдирки, олтинчи марта йўлимни тўсиб чиқади. Ялинади, ёлворади, илтижолар қилади. Мен эса музман, қояман. Шундай бўлгани яхши. Мактабдаги бир хил оналар маслаҳат беришяпти: «Озод яшаганга нима етсин, сингилжон! Ҳеч кимнинг қовоғига қарамайсан, хоҳлаган жойингга борасан, хоҳлаган ишингни қиласан. Битта қорин бўлса ҳар ерда тўяди. Худога шукр, қўлингизда дипломингиз бор». Ўйлаб кўрсам, ўшалар ҳаққа ўхшайди...

Даданг дам-бадам хатлар келиб туради. Бир кўнглим, уларни парчалаб, ёқиб юборсам дейман. Яна бир кўнглим... Балки улғайганда уни сен ўқирсан, қизгинам! Шунинг учун ҳам бу хатларни шундайлигича кундаликларимга ёпиштириб қўймоқдаман.

«Салом, Нигора!

Бугун Ситоранинг туғилган куни. Унинг яслисига бордим. Қизчамиз бир ёшга тўлибди... Тўйиб-тўйиб бағримга босдим. У фақат қиқирлаб кулишни билади, холос. Менинг ким эканлигим билан эса бутунлай иши йўқ. Унга ҳозирча қўғирчоқлар керак. Фақат ойиси, унинг меҳри бўлса бас...

Нигора! Ўзбекларда «кўз очиб кўрган» деган ибора бор. Биз бир-биримизни кўз очиб кўрганмиз. Наҳотки шуни унутган бўлсангиз! Ўтинаман. Сиздан, илтимос қиламан: қайтинг уйга. Ҳуркитиб юборган бахтимиз ҳаққи, Ситора ҳаққи қайтинг. Билиб олинг, энди мен бутунлай бошқа одамман.

...Заводимиз ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Директор қамалди. Бош инженер, цех бошлиғи, савдо бўлимининг мудири — ҳаммаҳаммаси биргалашиб кетди. Уч ойдан бери тергов давом этяпти. Ҳали-бери охири кўринмайдиган. Қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик, давлатни алдаш — миллион сўмга бориб етибди.

Мен ҳам бир неча марта терговда жавоб бердим. Ҳақиқатан, бир-икки марта цех бошлиғининг важоҳатидан қўрқиб, қалбаки ҳужжатларга имзо чекканимни, аммо бундан бирор сўм ҳам манфаатдор бўлмаганимни рўй-рост айтдим. Ҳалигилар, яъни қамоқдагилар ҳам очиқ-ойдин иқрор бўлишибди: ростдан ҳам у йигитда айб йўқ, ўзимиз қилганмиз, ўзимиз еганмиз, жавобини ҳам ўзимиз берамиз, дейишибди. Қаранг, ўғриларда ҳам инсоф бўлар экан...

Елкамдан тоғ тушди гўё. Заводимиз устидан эса енгил, тоза шабада эсиб ўтгандай бўлди. Ҳамма нарса яхши. Фақат юрагим бўм-бўш. Сиз билан бир шаҳарда яшаймизу, аммо орамиздаги масофа беҳудуд. Истагим шу: ёнимда сиз бўлсангизу Ситорам бўлса. Бошқа ҳеч нарса керак эмас мен учун. Балким яна ароқни эсга оларсиз... Йўқ, Нигора, мана олти ойдирки, ичишни бутунлай ташлаганман. Авваллари ичардим, тўғри, аламдан ичардим. Ботқоқликка тобора чуқурроқ чўкиб бораётганимдан ичардим...»

«Салом, Нигора!

Бу яна менман... Илтимос, хатни йиртиб юбормай, охиригача ўқиб чиқинг.

Мана, орадан беш йил ўтди. Менинг ҳамма-ҳаммасидан, сизнинг катта бир савдо ташкилоти директорининг ўғлига турмушга чиққанингиздан ҳам, ўша эркатой йигит Сизни қандай хўрлаганларидан ҳам, Сиз уввос солиб неча марта ота-онангизнинг ёнига қайтиб келганингиздан ҳам — ҳаммасидан хабарим бор.

Биламан; энг кейинги оилавий ҳаётингиз ҳам яхши бўлмади. Сизни катта тантаналар билан хотини билан ажралишган бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

таксопарк директорига узатишди. Эшитишимча, одамлар уни директор эмас бир қоп пул дейишаркан. Пулга ўчлиги бошига етибди унинг. Олти ой деганда порахўрликда қўлга тушиб, ўн йилга қамалиб кетибди... Қамалиш олдидан сизнинг жавобингизни берибди. «Гулдай умрингизни мени деб хазон қилманг» дебди. Хайрият, оз-моз диёнати бор экан...

Шундан кейин Сиз яна ёлғиз қолдингиз.

Ростини айтсам, энди мен кўпроқ Сиз тўғрингизда эмас, Ситора ҳақида ўйлайман. «Энди сен кимларнинг меҳрига зорсан, менинг юрагимнинг мажруҳ парчаси...» Севимли шоиримнинг мана шу сатрлари келаверади хаёлимга...

Мана, беш йил ўтди орадан. Йигит киши учун ўттиз ёшида сўққабош юриш ярашмайди, албатта. Ахир одамлар нима дейди? Энди менинг ҳам бирор кимса билан, қадримга етадиган ўз тенгим билан бош қўшишга маънавий ҳаққим бўлса керак. Фақат бу нарсани Ситора кечира олсагина бўлгани...»

21 сентябрь 197... йил.

Шундай, қизгинам!

Мана, орадан йиллар, кўп йиллар ўтди. Юзларимга тушган ажинлар, сочларимга оралаган оқ — буларнинг ҳаммаси нимаинингдир излари, ниманингдир оқибати...

Сен дадангнинг хатларини ўқиб, кўп нарсани тушунган бўлсанг керак. Мен эса, йиллар ўтгач, энди тушуна бошладим. Билсанг — дадангнинг хатларидаги гаплар — аччиқ ҳақиқат. Кейин билсам, ҳаётга жуда енгил-елпи қарар эканман. Доим ошиғи олчи дадамнинг, катта оғиз ойимнинг сўзлари мен учун қонун бўлган экан. Улар мени одамга эмас, жонли қўғирчоққа айлантириб қўйишган экан... Ўйлаб-ўйлаб ўйимга етмайман. Йўқ, мен ота-онамни айблай олмайман. Минг қилганда ҳам улар ота-она... Энди билсам, қизгинам, мен ўз тақдиримга ўзим хўжайин бўла олмаган эканман...

18 март 197... йил.

Бу сатрларни касалхонада ёзяпман. Тун. Ҳаммаёқ осойишта уйқуда. Палатада болали уч аёл ётибмиз. Сен бағримда ёнаяпсан. Гўё лов-лов олов чиқяпти аъзойи баданингдан. Коридорда гуп-гуп оёқ товушлари. Ҳамшира қиз шприцини кўтариб келади.

— Қани, Сита қизга яна бир укол қилиб қўяйлик...

Уколнинг номи ҳам қизиқ — литический. Иситмани туширар экан.

Ҳамшира укол қилиб кетгандан сўнг орадан қанча вақт ўтди, билмайман.

— Ойи, — дединг кўзларингни хиёл очиб, — дадам қани? Дадамни кўргим келди...

Ёпирай! Мабодо тип-тиниқ осмонда бирдан момоқалдироқ гумбирлаганда ҳам мен бунчалик таажжубланмаган бўлардим. Беш ёшга кириб бирор марта дадангни суриштирмаган эдинг, қизим! Менинг ўзим гоҳи-гоҳида ўғил-қизларини етаклаб юрган дадаларни кўриб қолганимизда сенинг ҳам даданг борлиги, фақат у киши жуда узоқда эканлиги ва ҳали-бери келолмаслигини айтардим.

— Дадам қани, ойи? — Бирдан чўчиб уйғондинг сен.

...

Мен коридорга чиқдим. Қўшни палатада ўттиз беш ёшлардаги одам кичкина ўғилчаси билан ётарди. «Ёрдам беринг, — дедим унга, — дадамиз узоқ муддатли командировкада эди. Қизчам иситма аралаш уни йўқлаяпти... Мен дадангман, десангиз, зора ишонса».

Ҳалиги одам жилмайди. Тушунди чамаси. Келиб, сенинг ёнингга ўтирди.

— Мен келдим, қизим, — деди у қўлчаларингни силиб, — ёнингдаман. Тинч ухлайвер.

Ғира-шира пайт эди. Сенинг лабларингда хиёл табассум кўрдим. Яна кўзларингни уйқу торта бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг юзингда ўша ширин кулгу билан ухлаб қолдинг. Сенинг жажжи қўлчаларинг ҳалиги одамнинг бақувват, дағал кафтлари орасида сингиб кетди, гўё...

Қизгинам, жон қизгинам! Сенга ҳаётда дада шунчалар керак бўлишини қаёқдан билибман...

14 декабрь 197... йил.

Мана, сен ҳам ўн беш ёшга чиқдинг, қизгинам! Худди шу куни уйимиздан йиғи чиқди. Йил бошида бувангни узатган эдик. Мана энди бувинг — оламдан ўтди...

Иккалаларининг ҳам фотиҳасига бошқалар қатори даданг келди. Одамгарчилиги бор экан, хайрият! Кўзлари жовдираб, одамлар орасидан кимнидир қидирди. Сени излаган бўлса ажаб эмас.

У кишини уч ой илгари телевизорда кўргандик, ёдингдами! «Ахборот»да чиқиб ўзи директорлик қилаётган завод ҳақида, фан ва техника тараққиёти тўғрисида гапирган эди. Қош-кўзлари, кулишлари — худди сенинг ўзинг...

Бугун мактабда аёллар билан суҳбат қилиб қолдик. «Эрни эр қилган ҳам хотин, қора ер қилган ҳам». Гурунгимиз мавзуи ана шунга бориб тақалди. Қайси бир районнинг райком секретари ҳақида гап кетди. Уни шармандаларча ишдан бўшатишибди. Ҳаммасига хотини сабабчи экан.

Ўша секретарь районга ишга келиши биланоқ очкўз хотини ҳамма савдо ташкилотларини «қўлга олибди». Омборларга келадиган барча ноёб молларни шахсан ўзи назорат қилар экан. Камёбларини танлаб оларкан-да, таниш-билишларига, улар орқали эса чайқовчиларга икки-уч марта ортиқ баҳода пуллар экан. Ҳатто бир куни чайқов бозорига ўзи олиб чиқибди ўшандай молларни. Милиция ходимларининг қўлига тушибди. Қарашсаки, райком секретарининг хотини. Эрига билдиришибди. Аммо у киши хотини олдида оғиз очолмас, қалтираб турар экан. Ҳеч нарса деёлмабди. Хотиннинг иштаҳаси очилгандан очилибди. Кейинги сафар у область ОБХСС ходимларининг қўлига тушибди. Райком секретарини ишдан олишибди ва шундай дейишибди: «Битта хотинни бошқара олмаган, тарбиялай олмайдиган одам бутун бошли бир районни бошқара олармиди?» Тўғри гап, менимча.

18 апрель 198... йил.

Уч кун бўлди. Даданг телефон қилди менга. Бу унинг ўн беш йилдан бери биринчи бор телефон қилиши. «Кечирасиз, деди, бир минутга вақтингизни оламан». Жуда ҳам тортиниб, жуда ҳам уялинқираб гапирди. Ғалати туюларкан кишига. «Бемалол, дедим, гапираверинг».

— Якшанба куни Москвада Ситоранинг тўйи бўларкан, шундайми?

— Ҳа, — дедим, — шундай.

— Мени ҳам таклиф қилибди. Айтиб қўйинг, кўнгли тўқ бўлсин. Албатта бораман. Москвага икки кунлик кенгашга кетяпман. Якшанба куни қолиб, тўйни ўтказиб келаман.

Даданг экан, жигар экан, бораркан... Яхшиямки бораркан. Бормаслиги ҳам мумкин эди-ку!

Эртага сенинг тўйинг... Севганинг билан қовушасан. Юраклларим зириллайди: бу йўлнинг бошида сени нима кутяпти, охирида эса нима кутади, қизим? Мен сенинг онангман. Жаҳондаги барча оналар эса ўз фарзандларига фақатгина бахт тилайдилар, иқбол тилайдилар. Мен ҳам сенга фақат бахт тилайман, яккаю ёлғизим кўзим қароғи...

Дафтардан бош кўтардим. Самолёт увада-увада булут парчалари оралаб пастламоқда.

— Ҳурматли йўловчилар, — стюардесса қизнинг қўнғироқдай овози жаранглади, — йигирма минутдан сўнг самолётимиз Ватанимиз пойтахти — Москванинг Домодедово аэропортига қўнади.

Пойтахтда 15 даража совуқ...

— Ана холос, — кулдим мен, — ўн беш даражали иссиқдан ўн беш даражали совуққа келиб қолибмиз-ку!

— Ҳа, — бош силкади ҳамроҳим, — ҳаётда баъзан шундай бўлади...

— Раҳмат, — дедим дафтарни унга қайтариб берарканман, — қизингизга мен ҳам бахт тилайман.

— Сизга ҳам раҳмат, — деди у дафтарни тўқ-сариқ сумкасига солар экан.

Бир неча лаҳзадан сўнг самолётимиз Подмосковье ўрмонлари устидан ўтиб, лайлак қор бўралаб уриб турган Домодедово аэропортига оҳиста қўнди.

— Ойи! Мен буёқдаман! — деган жарангдор овозни эшитдим мен ҳамроҳим билан ташқарига чиқаётганимда. Йигирма бир-йигирма икки ёшлар чамасидаги нозиккина, хўшрўй қиз чопиб келиб, ҳамроҳимнинг бағрига ўзини ташлади. Она уни ўз қанотига олди. Гўё она-бола бир одам бўлиб кетдилар.

Она ҳам бахтли эди, фарзанд ҳам...

Лекин яна нимадир етишмасди...

Бу манзарага хаёлкаш кўзларим или тикиларканман, бир нарса ҳақида ўйлардим: «Қани энди ҳозир мана шу фариштадек гўзал бир қизнинг ёнида дадаси ҳам бўлсаю қиз «Дадажон!» дея унинг бўйнига осилса! Балки ўшанда бу қизнинг бахти ҳақиқатдан ҳам тугал, бус-бутун бўлармиди? Ким билсин!

«Афсус — кўнглимдан ўтказдим мен — ҳаёт кино эмаски, орқага қайтарсангу қайта бошласанг»...

Қарши

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Адабиёт нега ўқитилади?»

Ўқитувчи билимдон бўлсин

Ёзувчи Хайриддин Султоновнинг «Адабиёт нега ўқитилади?» номли мақоласида жуда долзарб, кўпчиликнинг тили учида турган, шу пайтгача айтилиши лозим бўлган, лекин айрим сабабларга кўра жамоатчилик назаридан четда қолган масалалар кўтарилганки, бу муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Дарҳақиқат, мактабни ислоҳ қилиш тўғрисидаги партия ва ҳукуматимиз ҳужжатларида ҳам бугунги ўқувчининг билимини ҳар томонлама ривожлантириш, бадиий тафаккурини тарбиялашда мактаб ва биринчи галда адабиёт ўқитувчилари олдига муҳим талаблар қўйилган.

«Адабиёт нега ўқитилади?» мақоласи муносабати билан дилимиздаги айрим фикрлар билан ўртоқлашишни лозим кўрдик.

Мен ўқитувчи эмасман. Лекин адабиётни севаман. Шу боисдан бўлса керак, вақти-вақти билан адабиёт дарсликларини синчиклаб ўқиб чиқаман. 9—10-синфларнинг адабиёт дарсликларини кузатганда шу нарса равшан бўлдики, барча дарсликларда бадиий асарларнинг тилига бир хил қолипдаги тезис билан баҳо берилади. «Асарнинг тили равон, бадиий тасвир воситалари пухта, асар ўқимишли тарзда ёзилган» мазмунидаги қоидалар 9—10-синф ўқувчиларининг адабиёт дарсликларида тез-тез учраб туради. Бу муаммо кишини ўйлатиб қўяди. Наҳотки, Абдулла Қаҳҳор асарларининг тили билан С. Айний асарларининг тили ўртасида деярли фарқ бўлмаса? Ёки Уйғун асарларининг тили билан Ойбек асарларининг тилидаги фарқ дарслик авторларининг диққатини тортмаган бўлса?! Менимча, янги дарсликлар яратганда ана шу масалаларга жиддий эътибор бериш керак!

Ўқувчиларни бадиий асарга қизиқтиришда мактабнинг ҳам жуда катта роли бор. Тўғри, мактаб ўқувчига ҳамма нарсани бера олмаслиги мумкин. Лекин у битта, жуда зарур нарсани — кишининг бутун маънавий ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган бир кўникмани — мустақил мутолаа, мустақил фикрлаш, мустақил таҳлил кўникмаси, мустақил ўқиш ва китобга муҳаббатни бера билиши керак. Бу ўринда эса энг аввало адабиёт ўқитувчиларининг ўзи етук билимдон бўлишлари зарур. Мен адабиётга илк ҳавас уйғотган, адабиётнинг сеҳрли оламига етаклаб кирган марҳум ўқитувчиларим Юнус Нурмуҳаммедов, Усмон Шорихсиев, рус адабиёти бўйича севимли муаллимимиз Ольга Геннадьевна Теребоскина (бу аёл ҳозир барҳаёт)лардан умрбод миннатдорман. Гўзаллик дарси бўлган адабиёт фанини ҳозир ҳамма мактабларда ҳам етук билимли ўқитувчилар ўқитяпти, деб бўлмайди. Юқори синфларга адабиётдан дарс берадиган ўқитувчи танишим бор. Бир куни унинг дастурхони устида ўтириб суҳбатлашганда гап айланиб адабиётга тақалди.

— «Уруш ва тинчлик»ни ўқигансиз-а? — деб сўрадим ўша танишимдан.

— Бэ, вақт қайда, бу тўғрисидаги фильмнинг қайсидир қисмини ухлаб-ухлаб зўрға кўрганман, — деди у.

Мен ҳайрон бўлиб, ёқа ушладим. Ундан яна сўрадим.

— Горькийнинг қайси асарларини биласиз?

— «Она» романини ўқувчилар ўқиган экан. Синфда бошидан охиригача гапиртирганман, мол-ҳол билан бўлиб, ўзимиз ўқий олмадик, — жавоб берди у уялмай-нетмай.

— «Ёш гвардия»ни ўқигандирсиз, албатта, — сўрадим яна.

— Ҳа, уни Пидаев деган одам ёзган. Мактабда ўқиб юрганимизда хрестоматиядан ўқиган эдим.

Эҳтимол, ҳурматли журналхон бу гапларга ишонмас. Лекин бу гаплар ҳақиқатда бўлиб ўтган. Ана шу, А. Фадеевни «Пидаев» деб 19 йилдан буён болаларга ваъз ўқийдиган ўқитувчининг қўлида адабиётдан сабоқ олаётган ўқувчидан энди хафа бўлмасак ҳам бўлади. Кейин билсам ўша ўқитувчи Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти сиртқи бўлимининг бошланғич таълим факультетини тамомлаган экан. Аммо бир ой ҳам бошланғич синфда дарс бермаган. Дастлаб, мактабда бош пионервожатий, кейин ўқув бўлимининг мудири, кейинроқ директор бўлган, ҳозир эса, бахтга қарши адабиёт ўқитувчиси. Қишлоқ мактабларида бундай кишилар яна топилади. Уларнинг қўлида адабиётдан таълим олган ўқувчини саводсизликда айблаш ноҳақлик бўлур эди. Бошқа гаплар ўзингизга маълум.

Оҳангаронда Муқимий номли 6-ўрта мактаб бор. Яқинда унинг директори билан суҳбатлашиб қолдим.

— Адабиёт ўқитувчимиз бошқа районга кўчиб кетди, — дея ҳасрат қилди у.

— Имтиҳонлар яқин қолган бир пайтда болаларнинг адабиётдан билим олиши энди нима бўлади? — дея ташвишли савол бердим директорга.

— Нима бўларди, 23 соат дарсни география, химия, тарих ва бошқа фан ўқитувчиларига тақсимлаб бердик, дарсликлар бор, программа бор, ўқитаверади, — деди директор пинагини бузмай. Мен яна ҳайратдан ёқа ушладим. Менимча, атомдан кучли бўлган адабиётнинг кучини ўтин ёришга сарфлайдиган (А. Қаҳҳор) адабиётчилар энди мана шу Муқимий номли 6-ўрта мактабдан чиқса керак.

Яқинда бошқа бир адабиёт ўқитувчиси билан устоз ёзувчи Абдулла Қаҳҳор хусусида гаплашиб қолдик. Гап атоқли адибнинг «Ўтмишдан эртаклар» қиссасига етганда:

— Шу китобни ўқимабман-а, мен қандайдир эски эртаклар, деб унга аҳамият бермаган эканман, — деди олий маълумотли адабиёт ўқитувчиси!

Мана, нима учун ўқувчиларимизнинг бадиий савиялари паст. Ахир ўқитувчининг ўзи Л. Н. Толстойни ўқимаса, А. Фадеевни билмаса, Абдулла Қаҳҳорни танимаса-ю, яна мактабда ўқувчиларга адабиётдан дарс берса. Бундай чала муллалар дарс берган синфлардаги ўқувчилардан ким етишиб чиқиши барчага аён-ку! Район халқ маорифи бўлимининг раҳбарлари эса мактабларга борганда ўқитувчиларнинг дарс планларию конспектларини текшириб, «Отангга балли, ўқитавер шундай», деб келаверса — оқибати нима бўлади?

Адабиёт ўқитиш — санъат. Адабиёт ўқитувчиси энг аввало ўзи мукаммал билимга эга бўлсагина, бадиий асарнинг барча сирларини ўқувчига етказа олади. Яна бир истагимиз бор. Ҳозир мактабларда адабиётни билиб-билмай, сабаби тирикчилик учун ўқитаётган муаллимлар жуда кўпайиб кетди. Мактаб маъмуриятининг бошқа фанлар қатори адабиёт ўқитувчилари учун ҳам конкурс ўтказиш вақти етмадимикан? Айни пайтда ўқитувчиларни маълум муддатда аттестациядан ўтказиб туриш ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди. Адабиёт ўқитувчилари орасидаги бундай нодонлар осмондан тушмайди, балки ёш нодонлардан ўсиб чиқиб, фарзандларимизни маънавий ногирон қилиб қўймоқдалар. Бунга бугунок чек қўйиш керак. Эртага кеч бўлади.

Мўмин ҚАЮМОВ,
Оҳангарон «Стройпластмасс» комбинати реализация бўлими бошлиғининг ўринбосари.

Долзарб масала

«Адабиёт нега ўқитилади?» мақоласини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Маколада адабиёт ўқитувчиларининг (шулар қатори менинг ҳам) дилидаги гаплар топиб айтилибди. Ҳақиқатдан ҳам шундай илму маърифатли замонда китобга бўлган эътиборсизлик ёки неча кунлар, неча тунлар бедор ёзилган асарларга нисбатан лоқайдликни кўриб ташвишга тушмай бўладими?

Мақола муаллифи «дарсликларимизнинг аксарияти давр

www.ziyouz.com kutubxonasi

талаблари даражасида эмас, агар бу борадаги аҳвол зудлик билан тузатилмаса, уларни ўқиётган ўқувчилар орасидан» эртага бадиий асарнинг пейзаж ва диалогини «ташлаб ўқийдиган кўплаб китобхонлар етишиб чиқиши тайин» ... деб адабиётчилар олдида турган айни долзарб масалани кўтариб чиққан.

Ҳақиқатдан ҳам мақолада келтирилган дарсликлардаги илмий таърифларнинг ниҳоятда саёзлиги бизни ҳам ранжитади. Шундай ҳоллар бўладики, дарсликдаги асар ёки ёзувчилар ҳақидаги таърифлар билан ўқувчига ҳеч бир муҳим гап айта олмаслигимизни билиб, бошқа адабиётлардан ўз саволларимизга жавоб излаймиз. Мақола автори айтганидек, адабиётнинг шундай гўзал сеҳрли олами борки, биз ўқувчини шу сеҳрли оламга қизиқтира олишимиз, ўзи билмаган ҳолда бу оламга саёҳат қилдиришимиз керак.

Адабиёт дарсини менимча ўқитувчи зўр эҳтирос билан ўтиши керак, чунки асар қанчалик машаққат, қанчалик эҳтирос билан ёзилмасин, агар ўқитувчи уни ҳиссиз, жўн сўзлар билан ўтса, бу фақат тескари натижа беради, холос.

Яхши шеър, яхши қўшиқ, яхши куй тинглаганда кишининг бутун вужуди ларзага келади. Ахир, санъатнинг сеҳрли кучи ҳам шунда-да!

Мен ёддан айтилган шеър ва ниҳоятда ифодали ўқилган прозаик асарларни жуда севаман. Ҳар доим дарсларимни зўр ҳаяжон билан ўтсам дейман. 1985 йили VI синфда шоир Э. Воҳидовнинг «Нидо» достонини ўтдик. Синф сув қуйгандек жим-жит. Достоннинг V бобини ўқиётганимда эҳтирос ва ҳаяжондан овозимда титроқ сезилди, лекин «...йиғлаш мумкин эмас» дердим ва достонни охиригача ўқидим. Бу достонни ўқувчилар ҳам зўр иштиёқ билан ўқишди. Ҳар ўқилганда киши янги-янги маънолар топади. Ўқувчиларим достонни Буюк ғалабанинг 40 йиллиги кунига ёд олишди. Ҳозир ҳам бу достонни севиб ўқийман. Адабиёт дарсликларимизда ана шундай ажойиб асарлар кўпроқ бўлса, жонли асар қимматини оширадиган илмий таҳлиллар берилса. Менимча, Э. Воҳидовнинг «Нидо» достони адабиётимизда энг яхши асарлардан. Бундай такрорланмас асарлар ҳақида сохта эҳтирос билан ёзиш мумкин эмас.

Шунингдек, мақола муаллифиниг VI синф Ватан адабиёти хусусидаги фикрларига ҳам қўшиламан. Мазмун, ғоя ва ҳажм жиҳатидан «Қутлуғ қон» романидан қолишмайдиган, ҳатто, менимча ундан мураккаброқ бўлган «Улуғ йўл» романини нима учун VI синф дарслигига киритишган, деб ўйлардим. Чунки бу романдан берилган бобларни ўқувчилар тушунишга ҳали тайёрмасдай...

Хуллас, «Адабиёт нега ўқитилади?» мақоласи билан журнал кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалани кўтарган деб ўйлайман.

Х. ИМОМОВА,
Самарқанд

Тирикчилик манбаи бўлиб қолмасин

Мен Хайриддин Султоновнинг «Адабиёт нега ўқитилади?» номли мақоласини ўқиб чиқдим. Ўзим адабиётни жуда севаман.

Тўғриси, мендаги адибларга, адабиётга бўлган муҳаббатни ўқитувчиларим тарбиялади, дея олмайман.

Эсимда, етуклик аттестати олиш учун давлат имтиҳони топшираётган эдик. Ўқитувчимиз «копток» сўзини ҳа деб «каптак» деяверди. Шунда марказдан келган комиссия аъзоларидан бири унинг қўлидан текстни олиб, бошқатдан тўғри ўқиб берди.

Ўқитувчимиз учун биз ўқувчилар хижолат тортган, уялган эдик, ўшанда. У бўлса бундай ачинарли ҳолга эътибор ҳам бермади. Ҳатто қизариб ҳам кўймади. Боягидай текстни давом эттираверди.

Адабиёт ўқитувчиси ўз ўқувчиларини синфдан ташқари ўтиладиган дарс пайтларида замонавий адибларнинг асарлари билан таништириб, ўзи ўқиган, севган асарлари ҳақида сўзлаб бериши керак. Уларнинг бадиий тафаккурини ривожлантирадиган материаллар танлаб бориши керак деб ўйлайман. Ўтилган ҳар бир йирик тема юзасидан бир неча синфни бирлаштириб баҳс ташкил қилиш мумкин. Фақат бунинг учун ўқитувчи ўз касбига тирикчилик манбаи сифатида қарамасдан, балки унинг фидойиси бўлиши керак.

С. ПАРДАЕВА,
Хива шаҳри

◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ

Аҳмад АЪЗАМ. 1949 йили Самарқанд областининг Жомбой районида туғилган. Самарқанд Давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетини битирган. «Ойнинг гардиши» номли ҳикоялар тўплами чоп этилган.

◆

Юсуф ЖУМАЕВ. Бухоро областининг Қоракўл районида 1958 йили туғилган. Бухоро Давлат педагогика институтини тамомлаган. 1984 йили «Ҳақиқатнинг олтин олмаси» деган шеърлар тўплами чоп этилган. Ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди.

◆

Тўхтамурод РУСТАМОВ. Тошкент шаҳрида 1969 йили туғилган. Ўрта мактабни битириш арафасида. «Танаффус» ва «Ғаройиб мактуб» деган ҳикоялари «Ёшлик» журналида босилган.

◆

Шукур СОДИҚ. 1959 йили Самарқанд областининг Советобод районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Шеърлари «Осмон шундай яқин» (1986 й). коллектив тўпламида чиққан. «Меҳнат» нашриётида ишлайди.

◆

Раҳмон ҚЎЧҚОРОВ. Андижон шаҳрида 1961 йили туғилган. 1980 — 1982 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилди. Ҳозир В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг Ўзбек филологияси факультетида таҳсил кўряпти. Адабий-танқидий мақолалари республика матбуотида эълон қилинган.

◆

Саъдулла ҲАКИМ. Жиззах областининг Фориш районида 1951 йили туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини битирган. «Ҳамал тонглари» деган шеърлар тўплами чоп этилган. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси редакциясида ишлайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муродбой Низонов

КАСАЛНИНГ ИСИТМАСИ ВА «СОВУТМАСИ»

Қорақалпоқчадан Носир ФОЗИЛОВ таржималари

Давоми. Бошланиши журналнинг 5-сонида.

Хаёлий шогирд ва устоз

Мен машҳур туҳматчиман. Мана, олдимда эндигина бу йўлга қадам қўйган ҳаваскор туҳматчи ўтирибди.

— Демак, сен менга шогирд тушмоқчисан, шундайми?

— Ўтиниб сўрайман, Туҳмат оға, раҳм-шафқат қилинг. Юрсам ҳам, турсам ҳам армоним шу.

— Туҳмат ёзишга ихлос қўйганмисан?

— Албатта, Туҳмат оға! Кечалари ширин уйқумдан кечиб туҳматномалар битаман. Мабодо бир кун ёзмай қолсам, қўлларим қалтирайди.

— Нечта юмалоқ хатинг текширилди?

— Биронтаси ҳам текширилгани йўқ — ҳаммаси оқибатсиз қолди.

— Ундай бўлса, ҳали хом экансан.

— Шунинг учун ҳам сизга шогирд тушгани келдимда. «Йўқ» деманг, оға.

— Бўпти, кўрамиз. Туҳматчи бўлиш ўйинчоқ эмас. Қани, менга тикка қарагин-чи? Ҳа, шундай, шундай... Жуда соз. Да-а, бўлади. Кўзларингда шарм-ҳаё йўқ... Бетларинг қалин... Ор борми сенда?

— Ор йўқ, Туҳмат оға.

— Бўлмагани яхши. Неча ёшингдан бошлаб юмалоқ хат ёзасан?

— Ўн икки ёшимдан...

— Кеч, жуда кеч! Ўн ёшдан бошлаш керак эди!

— Аҳмоқлик қилиб икки йил кеч бошлабман, Туҳмат оға! Айбимни албатта ювамман...

— Ёзган юмалоқ хатларингдан борми ёнингда?

— Бор.

— Ўқи-чи!

— «...Қўшнимиз Сатмурод Патмуродов қасддан ўз участкасига, яъни бизнинг участкамиз чегарасига эшагини боғлаб қўяди. Эшак эса бизнинг тинчгина ҳаёт кечиришимизга халақит беради; дам олиш соатлари бошлангандан кейин ҳам товушини баланд кўтариб ҳанграйверади...»

— Бўлмайди! Ваҳоланки, бу воқеанинг ҳеч қандай ижтимоий моҳияти сезилмаяпти. Қани, ёз: «У эшаги учун икки йилдан бери солиқ тўлагани йўқ. Бунинг устига ҳар куни бўшалиб кетиб, совхознинг маккасини пайҳон қилади, ўтлаб юради». Тўхта, тўхта! Сен қайси қўлинг билан ёзяпсан?

— Ўнг қўлим билан.

— Мутлақо ярамайди! Юмалоқ хат фақат чап қўлда ёзилиши шарт!

— Мен ҳар битта бармоғимнинг орасида ёза оламан.

— Нечта усулинг бор?

— Саккизта.

— Ўз хатингни ўзинг таний оласанми?

— Таниёлмайман.

— Биров келиб танитмоқчи бўлса-чи?

— Йўқ, ҳеч таниёлмайман. Судланиб кетишга розиман, аммо дастхатимни танимайман.

— Борди-ю, ота-онанг орага тушиб, юмалоқ хат ёзишни бас қил, болам, деса-чи?

— Мен уларнинг гапига қулоқ солмайман.

— Қани, кўрамиз: масалан, дейлик олдингга отанг келиб: «Падарингга лаънат, ярамас бола! Мен сенинг қилмишларингдан ўлар бўлсам ўлиб бўлдим! Юмалоқ хат ёзишни бас қиласанми ё йўқми? Ё хат ёзадиган қўлларингни кесиб ташлайми?!», деса нима деб жавоб берасан?

— Отажон, мени тушунинг, юмалоқ хат ёзмасам бу дунёда яшай олмайман...

— Бас қил... Бемаъни гап бу! Мана бундай дейсан: «Отажон, ҳамма аъзоларимни кесиб ташласангиз ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

розиман. Аммо, мана бу туҳмат ёзадиган олтин қўлларимга тегманг! Агар тегсангиз молхонага бориб ўзимни осаман!» Қани такрорла-чи!.. Ҳа, балли, гап бундоқ бўпти! Эсингдан чиқмасин... Демак, отангнинг гапига кирмадинг. Кейин отанг онангнинг олдига борди: «Мана бу ярамас болангни тарбияла! Бунинг дастидан элу юрт олдида бошимизни кўтаролмай қолдик», деди. Шунда онанг: «Ҳой, жувонмарг бўлгур! Сенинг дастингдан эл-юрт олдида бошимизни кўтаролмай қолдик-ку! Бизни тириклай ўлдирдинг-ку... Бу одатингни ташламасанг берган оқ сутимга рози эмасман!», дейди йиғлаб-сиқтаб. Хўш, онангга нима деб жавоб қиласан? Гапир.

— Онажон, жон онажон. Нега ахир мени тушунмайсизлар? Ахир минг уришганларингиз, қарғаганларингиз билан бу ҳунаримни ташлаёлмайман. Агар хўп демасангиз бошимни олиб кетаман...

— Стоп! Стоп! Шу ҳам жавоб бўлдими?.. Дейлик, онанг: «Берган оқ сутимга рози эмасман!», деди. Шунда мана бундай жавоб қиласан: «Давай, неча литр сут бергансиз, ҳозироқ расчёт қиламиз!» Тушунарлими? Во! Қани, такрорла!.. Яша!

— Энди шогирдликка қабул қилдингизми?

— Йўқ, ҳали эрта. Мана бу ҳужжатларни тўғрилаб, келаси ҳафтада олдимга келасан. Ёзиб ол: менинг номимга ариза, хўш, ўн иккита бир-бирига ўхшамайдиган сурат, ҳозиргача ёзган туҳматларингнинг копияси, ҳеч қаерда ишламаслигинг, ўқимаслигинг, ҳеч қаерда яшамаслигинг, сиҳат-саломатлигингнинг ночорлиги ҳақида справкалар...

— Хўш, ундан кейин...

— Ана ундан кейин шогирд бўласан. Лекин бу ҳали туҳматчи бўлдинг, деган гап эмас.

...Афсус, бу фақат менинг орзуйимгина, холос! Қани энди кўзим очиқлигида ўзимга муносиб бир шогирд топиб ололсам!

Бетобмисиз?..

Иш баъзан оғир бўлади, баъзан енгил... Аммо ора-чора соғликка ҳам эътибор бериб туриш керак экан...

Докторга учрашдим: «Касалингиз унча оғир эмас-у, лекин асабларингизни бир қаратиб олсангиз ёмон бўлмайди», деб маслаҳат берди.

Мана, касалхонада ётибман. Келганимдан сўнг фақат асабимнигина эмас, бошқа жойларимни ҳам даволай бошлашди. Уларнинг айтишларига қараганда, мен семиришнинг иккинчи босқичига ўтиб кетаётган эканман. Улар ҳеч қандай муолажа буюришмади-ю, фақат ҳафтанинг биринчи суткасида бир ярим литр қатиқ ичишни, жума кунлари эса бир ярим кило олма ейишни тавсия этишди. Бошқа таомлар қатағон қилинди.

Роппа-роса йигирма икки кун деганда касалхонадан чиқдим. Белимдаги тасма икки тешик нарига ўтиб кетди. Аммо ўзим отдайман, қадамларим ҳам енгил. Мана, болаларимнинг олдига қачон етаман деб шошилиб кетяпман. Кутилмаганда олдимдан гаражимизда диспетчер бўлиб ишлайдиган Аҳмад чиқиб қолди.

— Ие, ўзингмисан?! — деди у қўлларимни кўйиб юбормасдан. — Ростдан ҳам ўзимизнинг Раҳматжонмисан?! Худо ҳаққи, танимай қолибман... Қаттиқ касал бўлибсан-да?!

У тўхтамай гапирар, мениг оғзимни ҳам очирмас эди.

— Биз сени шунчаки тумов-пумов бўлса керак-да, деб олдинга ҳам ўтолмадик. Кечирасан энди...

— Йўғ-э, ҳеч нарса бўлганим йўқ.

— Нега ҳеч нарса бўлмас экансан?.. Афти-ангорингга қара, одам қаттиқ касалдан озади, дейишар эди. Буни қара-я, кўргилик-да.

Ундан бир амаллаб зўрға қутилдим. Боя қадам ташлашларим жуда енгил эди, энди эса зил-замбил. «Балки, докторлар мени алдагандир» деган хаёл келарди бошимга.

Автобус станциясига энди келган эдим, бир «Москвич» ғийқ этиб олдимга келиб тўхтади. Қарасам, касбдошим Фозил. Машинага ўтирдим.

— Қаттиқ касал бўлганга ўхшайсан, а? — деди у. — Юзларинг салқи бўлиб қолибди-ку!

— Ҳа энди, сал-пал асабим чарчабди...

— Докторлар шунақа дейишади-да! — деди у орқасига қарамасдан. — Улар касалларнинг дардини аниқ айтмаслик учун қасамёд қилишган. Эртага узиладиган касалга ҳам, «Эртага оёққа туриб кетасиз», деб тасалли беришади. Тағин ишонтириб айтишади, ярамаслар!

Мен индамадим.

— Сенда қандайдир чатоқ касал борлигини аввалари ҳам сезиб юрардим, — деди у бир оздан сўнг. — Бироқ, сенинг касалинг бор деб, бировнинг юзига айтолмас экансан...

Унинг гаплари суяк-суягимдан ўтиб кетди. Охири чидай олмай, икки бекат берида машинадан тушиб қолдим.

Буни қаранг, таниш-билишлар бир учраса, ҳадеб дуч келаверар экан: олдимдан идорамизда фаррош бўлиб ишлайдиган кампир шанғиллаб чиқиб қолса бўладими! Севиниб кетдим. Чунки, кексаларнинг гаплари сал юмшоқроқ бўлади-да. Аяшади...

— Ҳа, қоқиндиқ! — деди у қўлларимни маҳкам ушлаб. — Адойи-тамом бўлибсан-ку! Касал нор туяни ҳам чўктиради, деганлари шу экан-да! Жўжабирдай боланг бор; Московгами, Тошкентгами бориб даволаниб келмабсан-да...

Мана сизга кексадан чиққан гап!

Қисқаси, йўл-йўлакай яна бир-иккита таниш-билишлар учрашиб, менинг адойи-тамом бўлиб қолганимни, ичимда

www.ziyouz.com kutubxonasi

бедаво дардим борлигини, шунинг учун анча сўлиб қолганимни қайта-қайта эсимга солиб қўйишди.

Ҳақиқатан ҳам, мен ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Уйга бориб, ўтирмай, ҳозироқ «Тез ёрдам» машинасини чақиртириб, орқамга қайтиб кетганим маъқулроқдир, деган ўй хаёлимга келди.

Шундоққина кўчамизнинг олдига келиб қолганимда қўшнимиз Худойберди ака олдимдан чиқиб қолди.

— Касал бўлиб қолдим, — дедим мен унга ўзим биринчи бўлиб. — Кўриб тургандирсиз, юзларим салқи, адойи-тамом бўлиб қолдим. Касал туяни ҳам чўктиради, деганлари шу экан-да. Жўжабирдай болаларим чирқираб қолмаса эди, ишқилиб...

— Нима деяпсан ўзи! — деди қўшним жаҳли чиқиб. — Инсон боласи касал бўлади-да! Касал бўлиш, бир ағнаб тургандай гап. Аммо озганинг жуда яхши бўлибди. Нима кераги бор ортиқча юкнинг? Саломатлигинг жойида. Кўзларингдан кўриниб турибди...

Ух! Дунёда ширин сўзли одамлар ҳам бўлар экан-ку! Мен эсам бутунлай йўқолиб кетган деб ўйловдим! Йўқ, янглишган эканман — бор экан!

Ўзимни қушдай енгил ҳис этиб, уйга хушчақчақ кириб бордим.

Биз пайқамас эканмиз

Аслида, биз ҳеч нарсани пайқамас эканмиз. Буни директоримиз Абди Турдиевичнинг ўзлари айтдилар.

— Мана бу менинг кабинетим, — деди у ҳаммамизни олдига тўплаб олиб. — Хўш, қани айтинглар-чи, нималарни кўриб турибсизлар?

Ҳаммамиз ҳайрон бўлиб қолдик. Биров ичида нимани ўйлаб ўтирганини ким билади дейсиз. Қолаверса, ҳар куни ўзимиз кўриб юрган ўша кабинет; биронта ортиқча жиҳоз кўзга ташланмайди.

Абди Турдиевич қорнини силкиллатиб кулди. Кулакула чарчагач:

— Бу ерда ҳеч қанақа ноёб буюм йўқ, — деди у жилмайиб. — Ҳаммаси алмисоқдан қолган нарсалар. Аммо, битта «лекин»и бор... Анави деразага қаранг, конденсатор-совутгич борми?

— Бор, — дедик ҳаммамиз бир овоздан.

— Полга нима тўшалган?

— Гилам.

— Телевизорни кўриб турибсизлар-а, радиони-чи?..

— Кўриб турибмиз.

Абди Турдиевич яна қорнини силкиллатиб кулди. Кулакула чарчагач:

— Ҳеч жаҳонда радио ҳам кўрсатадими?! — деди.

— Йўқ, радио эшиттиради! — дедик чуввос солиб.

— Ҳа, балли, радио эшиттиради! — деди Абди Турдиевич. Сўнг яна савол-жавобларни давом эттирди: — Ўтирган стулларингиз юмшоқми?

— Юмшоқ.

Хуллас, инвентарь рўйхат қилинаётгандай у киши бармоқларини букиб санадилар, биз маъқуллаб турдик.

— Ана шулар учун сизларнинг олдингизда қаттиқ хижолатдаман, — деди директор гапининг сўнгида. — Мана шу совутгич сизларнинг хоналарингизда турса бўлмасмиди? Юмшоқ ўриндиқларни ким ёмон кўради?.. Телевизорни-чи? Бирпасда дунё янгиликларидан бохабар бўласиз. «Машъал»ни эшитмайдиган одамни маданиятли киши деб бўладими?.. Бахтга қарши, сизларда радио ҳам етишмайди.

Хуллас, директоримиз асл инсон экан. У киши хонасидаги ҳамма нарсаларни тилга олиб чиқдилар; жавонларми, печками, календарми, қўйинг-чи, ҳатто кулдонгача...

— Мана шулардан сизларга ҳам олиб беришим



Расмларни Ҳ. Солиҳов чизган

керак! — деди директоримиз ниҳоят, оталарча меҳр билан. — Аттанг, бу иш қўлимдан келмайроқ турибди-да. Ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қилмасак бўлмайди шекилли — кўпдан қуён қочиб қутилмас. Эртага бизнинг идорамизга янги сайланган трест бошлиғимиз ташриф буюради. Ана ўшандан сўрашимиз керак бу нарсаларни. Кўпроқ сўрасак, жилла қурса ярмини беради-ку. Ҳар қалай янги раҳбарнинг қўли очиқроқ келади.

Биз аслида: «Танимиз соғ, уйқумиз бут, маошимиз жойида. Тағин нима керак!» деб юраверган эканмиз. Абди Турдиевич тўғри айтадилар: бола йиғламаса она кўкрагини тутармиди — сўрашимиз керак, олишимиз керак!

Ҳаммамиз маслаҳатни бир жойга қўйдик. Жамол бир жуфт гарнитур, Қосим битта рангли телевизор билан иккита магнитофон, Жумамбет тўртта совутгич, фаррош аёл йигирмата сочиқ, мен бильярд столи билан шахмат тахтаси сўрайдиган бўлдик. «Волга» сўрашни Абди Турдиевичнинг ўзлари зиммаларига олдилар...

Трест бошлиғи келди. Кабинетларни эринмай кўздан кечирди. Менинг қийшиқ столимни чайқаб кўриб кулди. Тағин кўнглига нохуш фикр келмасин деб мен ҳам жилмайдим. Негадир директоримизнинг рангида қон қолмаган эди.

Ўша куни кичкина мажлис бўлди. Мажлисда ким нима деганини билмадим. Негаки, мен у кишидан сўрайдиган нарсаларим эсимдан чиқиб қолмасин деб тинмай пичирлаб ўтирган эдим. Сал чалғисам хаёлимдан кўтарилиши мумкин эди-да! Бунинг устига, илгарилари трест бошлиғи олдида гапирмаган бўлсам...

Сўнг ҳаммамиз бир-биримизга гал бермай сўрадик:

— Гарнитура.

— Совутгич.

— Телевизор. Магнитофон.

— Бильярд столи.

— Сочиқ...

Орадан бир ой ўтдими ё йўқми идорамизга тафтишчи келди. Ҳали тафтиш тугамасдан биз сўраган нарсалар бирин-кетин кўрина бошлади. Бироқ... Телевизорни олиб келишганида ҳали совиб улгирмаган экан. Гилам ҳам бир оз титилган. Совутгичнинг ёнларидан ойна синиқлари чиқди. Стол билан стуллар ҳам тўппа-тўғри магазиндан олиб келинмаган эди. Бильярд столининг устига жиндек мураббо тўкилибди... Ҳарҳолда чидаса бўларди: синмаган, йиртилмаган. «Қаноат қорин тўйғизади» деган гап бор-ку, ахир! Илгарилари бу ҳам йўқ эди.

Кейин билсак, буларнинг ҳаммаси директоримиз Абди Турдиевичнинг уйларидан олиб келинган экан. Ўзларини эса аллақачон «белбоғли» машинага ўтказиб олиб кетишибди.

Биз пайқамаган эканмиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Файзулла Қиличев

Бир нусхадаги роман

Вақтли матбуотга турли-туман хабарлар: учрашувлар, ишга туширилган объектлар, стадиондан тортиб фермадаги зотдор сигирларгача ёзиб турадиган қўшним С. Полвонов маҳалламиз чойхонаси деворий газетасининг фаолларидан эди...

Районимизда таниқли ёзувчилар билан бўлган тарихий учрашувдан сўнг у бирдан йўқолиб қолди. Клубда ишларди. Уни излаб борсам, ишдан бўшаб кетибди. Кунларнинг бирида Суф Полвоновнинг концелярия магазинидан бир қучоқ қоғоз қўлтиқлаб чиқиб, уйига кириб кетганини кўриб қолдим.

Якшанба куни эрталаб эшигимиз қўнғироғи жиринглади. Йўқлаб келган мезбон унинг хотини экан. Ийманибгина сўради:

— Озгина пул керак эди. Ўзингизга маълумдир, дадаси ишламаяпти... Тўғрироғи, ишлаяпти... Нуқул, бирданига катта пул тушади, дейдилар... Ўшанда қайтарамиз...

Энсам қотди. Беихтиёр бошимни қашладиму «Бўрининг оғзи еса ҳам, емаса ҳам қон бўлар экан-да», дедим ичимда ва ёнимда бор пулимни бердим.

— Суф нима қиляпти? Нима бўлди ўзи?

— Ёзганлари ёзган, гаплашишга ҳам ҳушлари йўқ. Юзлаб варақларни тўлдириб ташладилар. «Сабр қил, хотинжон, яқинда обрў ҳам, пул ҳам сероб бўлади», дейдилар. Тезроқ тугатсайди ёзувларини... Қарзга ботиб кетдик...

Шу аснода орадан ярим йилча вақт ўтди. Суф кўчага чиқадиган бўлди: эрталаб йўғон папкасини қўлтиқлаб чиқиб кетади, кеч қайтади.

— Ҳорманг, Суф! Ишлар қалай, камнамосиз? — дедим бир куни уни кўча бошида тўхтатиб.

— Ҳе-е, юрибмиз... — деди у. Жавобидан таъби хиралиги билиниб турарди.

Шу билан яна уч-тўрт кунча кўринмай кетди. «Қўшничилик, хабар олай», деб кечки пайт уйига бордим. Суф ўзини олдириб қўйган эди.

— Келинг, қўшни, — деди у қоғозларини бир четга суриб.

— Тинчликми, Суф? Ижод билан бўлиб, қўшниларни ҳам, ўзингизни ҳам унутиб қўйдингизми дейман?

Пичоқ тегишини кутиб турган оқноввот қовундек тарс ёрилди-ку!

— Ижодга ундашади! Ижодкорларни мақташади! Хабарингиз бор, ярим йилдан бери қозонни қуруқ сувга ташлаб қўйиб, кўча юзини кўрмай ижод қилдим! Рўмон ёздим! Рўмон... Инсон бўлиб кўрганим, эшитганларимнинг барини қоғозга тушурдим... Беш юз вараг-а!...

Суф машинадан қоп тушургандай «тап» этказиб бир той қилиб боғланган қоғозларни олдимга ташлади. Қизиқиш-да, бир бошдан варақлай бошладим. «Полвон» деб ёзибди энг тепасига. «Тахаллуси бўлса керак», деб ўйладим. Сўнг «Рўмон» деб катта сарлавҳа қўйибди: «Ҳойнаҳой, асари номсиз бўлса керак». Мен асарни ўқий бошладим.

«...Қир ёнбағридан эсган шабадада дарахтлар шохи қимирлайди. Шаҳар четидаги уй ичида, хонтахта атрофида тўпланган болалар тарелкадаги конфетларни талашиб, бир-бирини уради. Оппоқ соқолли чол эса уларга ўдағайларди...»

— Бирига учрасам, «Асарингиз суюқ экан, қуюлтириш керак», дейди. Иккинчиси, «Жуда қуюлтириб юборибсиз, бир оз суюлтириш керак», дейди.

«...Даладан қўй-қўзиларнинг маъраши эшитилиб, қўноқлардаги товуқларнинг ороми бузилди ва «қуқу»лаб юборишди. Тўсатдан бута тагидан вовиллаб чиққан ит подалар тўдасига ҳужум қилди...»

— Фикрларингизни уқиб бўлмайди. Ўзингиз тушунтириб берсангиз, эмиш! Ҳам ёзиб, ҳам тушунтириб берармишман! Биринчидан, ўзим учун ёзмаганман. Иккинчидан, сенлар нимага ойлик оласанлар? Мен афандиманми!..

«...Бу овозларга гуруллаган кулги ҳамоҳанг бўлди. Қодир мулланинг тўйига Хуррам чўчқабоқар бир бош чўчқа боласини соврин қилиб келтирган экан...»

— Эсиз қоғоз, эсиз вақт... деб бир шеър ўқиди-да, рўмонимни қўлимга тутқазди...

«...Печка ёнида ётган қўзичоғига интилган совлиқ қўй, бир калла қилиб деразани синдирди ва ичкарига ҳамла қилди...»

— Биз тушунмадик, келажак авлодга ҳавола қилсангизмикин, дейди яна бирови.

«...Кечаси жимжитлик ҳукм сурган пайтда инсон организмининг деярли барча бўғинлари дам оларкан, қаршилик кўрсатиш кучи сусаяркан. Шундан бўлса керак, бевақт отилган нос Ҳаким бобони карахт қилиб қўйди. Кўнгли айниб ташқари чиқди-да, қўшниси Наби пиёнга баҳслашгандек ўҳчиб-ўҳчиб қуса бошлади...»

— Бири роса мулойим хунук экан: «Асарингизни фақат компьютерлар мағзини чақа олиши мумкин. Бизда ҳали бунақаси йўқ, кечиринг», деди.

«...Ҳовлига савлатидан от ҳуркадиган бир киши кириб келди. Ариқчадан «бисмилло» деб сакраш ўрнига, адашиб «ассалом» деб ҳатладию боғлоғлик турган от ҳуркиб ортга тисарилди ва дарғазаб бўлиб кишнади...»

— ...Болаларингизга ёки яқин қўшниларингизга ўқиб беринг, ўқитиб кўринг, кейин уларнинг маслаҳатига қулоқ солинг, дейди, хумпар! Болаларимнинг қиладиган иши йўқми денг?.. Дарвоқе, қўшни, ўқимишли одамсиз, шуни кўриб чиқиб, бир фикр билдирсангиз. Сизга ёқишига ишонаман...

Кўнгли қолмасин деб асарини олиб кетдим.

Бир ҳафтадан кейин қайтараётиб фикримни айтдим:

— Суф, жуда антиқа ёзибсиз! Мен ҳали бунақа асарни ўқиган эмасман. Адабиётда янгилик... Менимча, асарни оммалаштиришга шошилмаслик керак. Ўзингиз биласиз, яхши нарса оз бўлганидан харидоргир бўлади; камёб матаҳ дефицитга айланади. Асарингизга яраша иш тутинг. Маҳалла чойхонасининг деворий газетаси ўзимизнинг қўлимизда. Шунинг ҳар бир сонига «давоми бор» деб чиқариб олинг, кейин ҳаммасини тахлаб, муқовалатиб олинг. Э-ҳе! Ҳали адабиёт кўрмаган, бир нусхада босилган роман бўлади!...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҒУЛМИҲ ТОМОШАБОҒ

Ёрмат Рустамов

Учрашув

Бўлган воқеа

Шийпон. Дам олиш пайти.
Бирдан тарқалди шов-шув:
«Шоир кепти шаҳардан,
Бўлармиш зўр учрашув!»
Сув сепилди кўчага,
Болалар елиб қолди.
Ва ниҳоят, кутилган
Шоир ҳам келиб қолди.
Бошланди мушоира:
Сой ҳақида шеър ўқилди.
Об-ҳавою нарх-наво,
Ой ҳақида шеър ўқилди.
Лекин...
Лекин учрашув
Юракларни ғашлади.
Кўп ўтмайин мухлислар
Бир-бир эснай бошлади.
Шоир эса тўхтамас,
Борган сари қайнарди.
«Пахта — бойлик», деб энди
Битта гапни чайнарди.
Шунда
Шамол турдию
Учиб кетди қоғозлар.
Чидай олмай хўрликка
Қочиб кетди қоғозлар.
Кулги, қарсак, қийқириқ
Янграр ҳамма томонда.
Шоирнинг шеърлари-чи,
Учиб юрар осмонда.
Бу ҳолдан
Ҳамма хурсанд.
Аммо шоир лол эди.
Аҳмад чўрткесар шу пайт
Ҳазил аралаш деди:
— Шоирим,
Шеър ёзсангиз
Аввал биз томон юринг.
Шамол, қуёшимизга
Уларни тутиб кўринг!
Шундан буён
Учрашув деса
Кўплар эслар ул ҳолни.
Негадир шеърларнимас,
Шоир,
Аҳмад,
Шамолни!..

* * *

Агар шоир ёшлик ва ўсмирлик чоғларида салафларининг йигирма минг мисра, замондошларининг ўн минг мисра шеърий дурдоналарини ёддан билмаса; улуғ қалам соҳибларининг девонларини узлуксиз мутолаа қилмаса, уларнинг сўз танлаш, усул ишлатиш маҳоратини синчиклаб ўрганмаса, шеъриятнинг сир-асрорини беш қўлдай билиб олмаса, камчилик ва ютуқларни пояма-поя кашф этолмаса кўзланган мунаввар мақсадга — мукаммалликка ҳеч қачон эриша олмайди.

Низомий Арузий САМАРҚАНДИЙ

* * *

Китоб тўплаш унчалик қийин эмас, лекин уларни сақлаш мушкул. Китобларни сақлаш унчалик қийин иш эмас, лекин уларни мутолаа қилиш мушкул. Китоб мутолааси-да унчалик қийин иш эмас, лекин мустақил равишда қиссадан ҳисса чиқариш мушкул. Қиссадан ҳисса чиқариш ҳам унчалик қийин эмас, лекин ўқилганларни ёдда тутиш мушкул.

Чжон ЧАО

* * *

Муаллим: «Фақат ўзингга фойдаси тегадиган китобларни ўқигин», дейди.

Мен эсам: «Ундай эмас, устоз. Мутолаа жараёнида ўзим фойда-зиённи ажратиб оламан. Ахир, ўқилмаган китобнинг фойдали ёки фойдасиз эканини қаёқдан билиш мумкин?!» дейман.

* * *

Нафис китобларнигина мутолаа қиладиган ўқувчи фақат тансиқ таомларни истеъмол қиладиган беморга ўхшайди: бу ҳол иштаҳанинг карнайлигидан нишона эмас, балки ошқозоннинг хасталигидан нишонадир.

Аббос Маҳмуд ал АҚҚОД

Муқованинг биринчи ва тўртинчи саҳифаларида Чингиз АХМАРОВнинг Тошкент хореография билим юрти деворига ишлаган суратлари.

www.ziyouz.com kutubxonasi